


Уз 2

№ 24

Улуғбек Ҳамдам

Тўлин ой
қиссаси



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Улуғбек Ҳамдам
Тўлин ой
қиссаси

Ҳикоялар



ТОШКЕНТ
«О‘ЗБЕКISTON»
201 *



УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

X 23

Мазкур «Тўлин ой киссаси» номли тўпламга ёзувчи Улурбек Ҳамдамнинг энг сара ҳикоялари жамланган ва уларнинг ҳеч бири ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ҳикояларнинг бир қисми реалистик руҳда бўлиб, қаҳрамонларнинг ўй-кечинмалари, меҳру оқибатлари, ёшларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, воқеалар ривожинишонарли ва ҳаётини тасвирланган. Яна бир туркум ҳикоялар борки, улар чуқур рамзий характерга эга, унда дунёга келиб-кетишнинг, инсон ҳаётининг маъноси фалсафий мушоҳада қилинади. Шу туфайли бўлса керак, китобни ўқиш жараёнида китобхон ўзини ўша қаҳрамонлар билан бирга яшаётгандек, улар билан бирга ҳаёт зарбаларига бардош бераётгандек ҳис қилади. Ҳикоялардаги воқеалар ўқувчини ҳаёт, ўлим, муҳаббат ва нафрат ҳақида теравроқ фикрлашга ундайди.

ISBN 948-9943-25-398-8

© У. Ҳамдам, 2017.

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2017.




БИР ПИЁЛА СУВ

(туш-хикоя)

Менга вазифа юклатилган эди.


Бирок нима учун айнан менга – билмайман. Ким ва қандай вазиятда топширик берди – буни ҳам негадир эслай олмайман. Ёдимда қолгани – нимадир ортилган, иккита от қўшилган аравани шом тушгунга қадар манзилга элтишим зарур. Нега энди шомга қадар? Бу саволнинг жавоби ҳам менга қоронғи... Яна «йўлда чалғимасанг бас, юкни манзилга ўз вақтида эсон-омон элтасан» дейилгани ҳаммасидан ошиб тушди: жумбокмисан жумбок!

Тавба, ўзимга ҳам қизиқ бу иш. Шунча бошқа улов турганда, алмисокдан қолган аравага нима бор? Унга ортилган юк-чи? Нима у ўзи? Устига аллақандай матолар ташланган, ўралган, чирмалган. Аммо бори – шу. Ортиғини истасам ҳам сизга айтолмайман.




Энди бош кўтарган бобо куёш навкирон танимга илик нурларини сочади. Отлар бир маромда йўртиб бормоқда. Ахён-ахёнда жиловни кимирлатиб кўяман, шунинг ўзи фаросатли хайвонларга кифоя – имиллаш йўқ. Намунча эсли бўлмаса булар, дейман ўзимга ўзим. Худди вазифадан бохабардек! Тавба...

Аввалига овозимни баланд кўйиб кўшиқ айтаман. Куч-қувватни тежаш зарурлигини пайкабми, беихтиёр хиргойига ўтаман, билган-билмаган кўшиқларимдан замзама қиламан. Кейин ғинғиллашга ора бериб, атрофга аланглайман, шу кўйи ёш дилимни овутишга чоғланаман. Уфқларга туташ кенгликлар ҳисларимни жунбишга келтиради. Ичим тўла ҳаёт, кучим танамга сифмай, теваракни титратиб ҳайқираман – «Ууу-лууу-уууғ!..» Сал ўтмай атрофдан аксадо кайтади: «Ғууу-лууу-ууу-ууу!!!» Илкис чўчиб тушаман, ичим музлаб кетади. Саратоннинг иссиғида пешонамдан совуқдан-совуқ тер қуйилади. Нажот истаб, кўзларимни яна атрофга оламан. Бошқа ҳайқиргим келмайди... Бирпас юргач эса, жавонибдаги бир хил йўл манзарасию осудаликдан зерика бошлайман...



Бу орада кун ёйилиб, оламни ўз оғушига ола боради. Бир маҳал ичимга ўрмалаб кирган чанқокни ҳис қиламан. Тадбирга бош ураман: йўлнинг икки бетига кўз югуртириб, чашмами-булоқми кидираман. Лекин савил, хадеганда топила қолмайди. Йўл юраман, йўл юрсам ҳам мўл юраман, хар ҳолда, менга шундай туюлади. Ҳаммасига боис чанқоғимдир, эҳтимол. Аслида унчалик кўп йўл юрмагандирман. Э-э, нима бўлсаям майли. Ҳозир бунинг муҳокамаси эмас, сув муҳим, уни топишга қаратилган ўй муҳим. Қани энди бу қакраган чўл аро бир зилол сувли қудуққа дуч келсаму ундан қониб-қониб ичиб, ташналигимни қондирсам. Ақалли бир пиёла сув бўлсаям розийдим. Бир пиёла сув...


Қуёшнинг қиёмга келишига ҳали анча бор – олазарак қараб-қараб қўяман. Фақат кўк юзида парча-парча булутлар сузиб юрибди. Саросар солсам, отларнинг юришига ҳамоҳангдек. Яъни, уларнинг устига соя ташлаб бораётгандек. Сал олдинда икки-уч куш ҳам ажабтовур чуғурлашганча учиб боришяпти. Эсладим: улар сафаримизнинг ибтидосиданоқ бизга ҳамроҳлик



килишган экан. Ажабо!.. Бирпасда ийиб-жўшиб кетдим. Ахир бутун борлиқ: ерда йўл, ўрқач-ўрқач қумтепаликлар, кўкда эса булут ва қушлар... ҳамма-ҳаммаси менга кўмақдош экан, ҳеч шубҳа йўкки, уҳдамдаги вазифани бекаму кўст бажаргумдир! Ақлимга келган бу фикрдан оламни тўлдириб яна бир хайқиргим келди-ю, кўрқдим: истагим боягидек тескарига айланиб кетмасин тагин...

Ёз эмасми, халитдан қиздиргани қиздирган. Ташналик жон-жонимдан ўтганда йўл узоғи чайқалиб-жимирлаб, халқоб-халқоб сувга айланади: «саро-о-о-об» дейман-у, изтироб билан тамшанаман. «Шунчалар нодон бўламанми, – койийман ўзимни ўзим, – нега биттагина кўзада сув олволмадим? Ахир йўлга чиқаётганимни билардим, боз устига жазирамада!..»


Ичимга беҳузурлик кириб, нажотни атрофдан излай бошлашим билан негадир аравамнинг маромига ҳам путур етди: отлар сезиларли даражада секинлашди. Энди жиловни силташни бас қиламан – бош устида булутлардан шамсия бўлса-да, иссиқда бояқиш жониворларга ҳам жабр, дейман. Ўзлари хоҳлаганча тортиб



боришаверсин-чи, бир гап бўлар – ўйланаман. Аммо вақт ўтгани сайин аравага ортилган юк салмоқ босаётганини, уловнинг ғичирлаб бораётган филдираклари тобора ювош айланаётганини ич-ичимдан сезаман. Бу ёғи неча пулга тушди, деб кўяман пешонамга тошиб чиккан реза-реза терни кўлимдаги оппоқ дурра билан сириб артарканман.


Манзил!.. Эх-хе, у хали жуда олисда, уфқларга ёндош сарҳадларга эш гўё. Аммо менга бир текисда харакатлансанг, кош қорайгунча мазгилга дорийсан, шу йўлнинг ўзи у ерга элтади, деб уктиришган. Мен ҳам шунга ишонганман, сувсаганимни айтмаганда, ишончим хали-хамон бус-бутун. Бироқ чанқоқ ҳам борган сари забтига олар, ичимга анави ўрқач-ўрқач қайноқ қумликлар кўчиб ўтаётганга ўхшарди.

Бир маҳал узокдан сардобамонанд нимадир кўзга чалинди. Бошда кўпда умидланмадим, зеро саробдан юрак олдириб қўйгандим-да. Бироқ ёвуқлашсам хамки, сардобанинг қораси ўчавермади. Қайтага тобора тиниқ тортиб, кўз ўнгимда бутун маҳобати билан юксалиб, қад кўтарди. У – йўл четидаги каттакон карвонса-




рой бўлиб чикди. Қувонганимдан отларни қандай тўхтатиб, аравадан қандай тушганимни-ю, кўз очиб юмгунча табақалари ланг очик дарвоза қаршисида қандай пайдо бўлганимни билмайман. Ох! Шу тобда менга ҳаёт гўё қайтиб берилгандек эди!..

Бўсағада мени сарвқомат, кўзлари охуникини эслатадиган жонон киз қирмизи дудокларида ним табассум ила кутиб олди. Оғиз очишга улгурмасимдан нарироқда шилдираб оқиб турган чашмага ишора қилди. Чопиб ўша ерга ўзимни урдим. Қулоғига – олиб кетилмаслиги учун бўлса керак, – ингичка занжир боғланган мунаққаш мис пиёлани тўлатиб ичдим. Ютоқиб-ютоқиб симирдим. Тўрт-беш пиёла сипқораман, деб ўйлагандим, янглишган эканман, бир пиёла кифоя қилди. Ажабландим. Бақувват, яғриндор йигит бўлсам, ёзнинг чилласида, қуёшнинг тифида субҳи содиқдан бери йўл юриб обдан чанқаган эсаму қаёқдаги мунчоқдек бир пиёла сув билан ташналигим тамоман қонса?.. Ҳай майли, бу гапларни ҳам қўяйлик. Мухими, азобларим барҳам топиб, кўзларим ярақлаб очилди. Вужудим ором олиб, йўл юришга ўзимни яна



тайёр сездим. Кейин юз-кўлимни ювдим. Ва, бас!..


Энди олға интилишим керак! Бу ерда ва, умуман, ҳеч қаерда ҳаяллашим мумкин эмас, оғишмай манзил томон йўл юришим шарт! Менга шундай жиддий бир вазифа тайинланган, мен ҳам сидкидилдан қабул айлаган эдим. Қабул айламаганимда сафарга чикмасдим, буниям билардим. Фурсатни бой бермай ёнимни ковлаб ақча чиқардим. Лекин мутавозе қиз уни олмай, қўл ишораси билан ичкарига йўллади. Яъни, у ёққа бориб тўланг, демокчи бўлди. Мен беихтиёр ичкарига одимладим. Эҳ-хе! Қаерга келиб қолдим ўзи! Намунча серҳашам ва мўл-кўл бўлмаса биёбоннинг коқ ўртасидаги бу гўша! Одамни айтмайсизми, қайнайди-я, қайнайди! Чор томондаги кўшқаватли иморату ҳовли саҳни қадирғочдек тизилиб ўтирган хўрандалар билан тўла. Уларнинг нашъали юзларига боқарканман, хавасландим. Агар... агар масъулиятли вазифам бўлмаганида мен ҳам шу ерда колардим, улардек маишатга толардим, деб сукландим. Агар вазифам бўлмаганида...



Бир зум каловланиб қолдим: қаерга бориб, кимга тўлайман сув ҳақини?..

Кўзим этакдаги, умумий манзарадан панарокдаги одамларга тушди: улар саф тортиб туришарди. Аммо юзларида негадир шодлик аломатини кўрмадим. Тавба-а-а, дедим тонг қолиб. Чунки тунд киёфалар бу ердаги салобатга, даб-дабага, еб-ичиб, кайф-сафо қилиб ўтирган кишиларнинг ялши кўтаринки кайфиятига уйғун келмасди-да! Беихтиёр ўша ёкка юрдим: ҳақ тўланадиган туйнук деганлари шу томонда бўлса керак – чамаладим. Хушхон ва мастон давраларни айланиб ўтарканман, оғзимнинг суви қочди...


Воқеан, менга керакли жой шу ер бўлиб чиқди. Навбатга туришга турдим-у, ичимга ғула-ғула тушди: нахотки, бир пиёла сув ҳақини тўлайман деб шунча одамни пойласам, олтиндек вақтимни кўкларга совурсам? Ахир менинг вазифам бор, вазифам!.. Аланглаб хизмат қилиб юрган лаганбардорларга, кўринишларидан маъмурият ходимларига ўхшаган олифта кишиларга умид билан қарадим, ҳатто икки-учтасининг олди-гаям бордим, не ёзикки, улар дардимни эши-



тишням хохлашмади: хаммаси совук бир тарзда туйнук тарафни, у ерда катор турган одамларни кўрсатишди. Шундагина хўрандаларнинг холини, забун кайфиятларини тушундим. Бояги англашилмовчилик тумандек тарқаб кетди. Индамай бориб, куйрукка тикилдим.


... Агар билганимда, бир пиёла сувни деб шунча вақт оёқда тик туриб кутишимни, вақтимни сувларга оқизишимни, вазифамни ўйлаб виждон азобида қолишимни олдиндан сезганимда бу ерга кирармидим? Айтишга осон, холос. Аслида, тоқатим тоқ бўлди. Қисматдошларим билан дардлашаман дея офиз очаману жавоб ололмайман. Ҳаммасининг офзида толқони борми? Ўйланаман. Ё бари соқовми?..

Қоқилган қозикдек тик туравериш жонга тегади. Оёқларга бир зум дам бериш учун чўккалайман, кўп ўтмай эса тиззаларим увишиб чор-ночор кўзғаламан. Энди менинг ҳам гаплашишга на хушим-у, на кучим қолади... Шунда мен ҳам сафда турганларнинг биттасига айланганимни алам билан хис қиламан: соқов ва гунг бўлиб оламан... Шу кўйи саҳнада ўтирганлару навбатда тик турганларга азмойиш-



ла қарайман: хайхот! Бу ерга қираётганда ҳам-
манинг кўзларида умид ва қувонч чарақларди-ю,
чиқаётганда эса ўкинч ва малол ёлқинланарди.
Қаторда тураркан, сахна ва кўшқаватда яста-
ниб олганча кўнгилхушлик қилаётганларга энди
ачиниш билан боқаман. Қанийди бирпасдан
кейинги ҳолларини кўра-билсайдилар, дейман...
ичимда...

Вақт айланди, мен атрофни кузатишдан чар-
чадим. Чўкка тушган кўйи кўзларимни юмдим.
Лаҳза ўтмай вужудимда яна таниш ташналик
ўрмалай бошлади – ярқ этиб кўзларимни оч-
дим! Во дариф, бу нимаси? Мен чанқоғимни
босиш учун бир пиёла сув сипқордим-у, унинг
ҳақини тўлаш учун сирада тураркан, тагин сув-
садимми?!.. Тушиб қолган холимга маймунлар
йиғлайдиган эди. Лекин навбатни тарк этиб,
яна ўша чашманинг бошига бориб сув ичиш-
га ботинмасдим: ахир, сирам кўлдан кетади.
Ахир, навбатда турган одамлар издиҳомининг
на боши, на охири кўринади!.. Шу ерда ҳам ўз
ўрнингга эга бўлишинг кераклиги мени жинни
қилаёзди... Шундай экан, навбатдан чиқишга




кимнинг ҳам юраги дов берарди? Тишимни тишимга босиб, кутишда давом этдим...


Фоят имиллаб олдинга ҳаракатланаётган сафда баъзан худ, баъзан бехуд эдим. Гох ҳушимга келиб, олдиндаги сафдошимни туртиб юришга ундасам, гох иссиқ ва ташналикдан, зўриқиш ва диккинафасликдан не кўйларга тушганимни билмай алахсиганимда, изимдан келаётган шўрлик мени нуқиб ҳаракатланишга ундарди... Шу тарзда қанча фурсат кечди – билмайман. Елкамдан биров каттиқ итарди, ўзимга келиб кўзимни очиб қарасам, туйнукнинг шундок рўпарасидаман! «Ох!», деб юбордим беихтиёр. Азза-базза киссамдан пул чиқариб, ғазначига узатдим-да, шошиб у ердан узоқлашдим...

Одим отарканман, негадир вужудимда лоҳаслик, чарчоқ сезардим. Қадамларим ҳам негадир бу ерга илк кирганимдагидек дадил эмас, аллақандай оғир, кучсиз ва ҳафсаласиз... лекин нега? Ё шунчалар узоқ вақт қолиб кетдимми бу ерда: толиқдимми, эзилдимми?..

Аммо, булар нима деган гап? Ахир навбатдан қутулдим-ку! Ташқарига эсон-омон чиқиб олганимдан севинчим ичимга сиғмасди, ҳадеб




кўкка сакрагим келарди. Шу маҳал аллақандай ғайришгуурий савқ ила сезиб қолдимки, вужудим бу ишга қодир эмас! Хайрон бўлиб қўлоёқларимга қарадим: ё Парвардигор! Бу нима-си!? Қандай жодуга учрадим мен? Кирганимда ёшлик шижоати уфуриб, тийиқсиз куч-қувватга тўлган таним тиришиб, эти устухонига ёпишиб қолган, суюклар теридан бўртиб чиқиб турар, жуда-жуда мўрт ва қувватсиз туюларди. Анграйиб, оғзим очилганча атрофга кўмак илинжида боқдим ва... ва кўзларим яна ўша эшикбон қизга тушди! Тушди-ю, лолу хайронлигим минг чандон ортди: қиз мен кираётганда қандай зириллама ёш ва лобар бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандоғича турар, қирмизи лабларидаги ним табассум билан ташналарни ичкарига тинмай чорлар, ташрифчиларнинг бўлса кети узилмасди... Дарвоқе, назаримда биронта арава ҳам карвонсаройни четлаб ўтиб кетмаётгандек, аксинча, бари-барчаси тўхтаб, улардан сакраб тушаётган аравақашлар ўламан саттор деярчасига ўзларини ёш қиз кўрсатаётган ўша чашмага, унинг бир пиёлагина сувига ураётгандек эди...



Бошим айланиб, гандираклаб юзтубан йиқилдим. Кўзимга, оғзимга тупрок кирди. Негадир у илиқ эди. Лабларим ёрилди, шеклли, ачиша бошлади. Ётган кўйи суридим, пайпасландим. Иттифоко, бармоқларим таёкни хис қилди: маҳкам тутиб, суяниб дол қаддимни ростлашга уриндим. Юз-кўзларимни артиб, кабоқларимни очдим: қаршимда арава турарди. Лоп этиб ҳаммаси ёдимга тушди. Ахир... ахир менинг вазифам бормасмиди, жуда муҳим топшириқ билан йўлга тушмаганмидим! Кейин... кейин тўсатдан қош қорайганини пайқаб, даҳшатдан кесакдай қотдим: ҳаммаси соб бўлдимми?! Ўз зиммамга юклатилган муқаддас вазифани уддалаёлмай доғда қолдимми?!.. – дея бақирмоқчи бўлдим... лекин овозим чиқмади, чиқмади-ю, хайкириқ нақ миямда портлаганини аниқ хис қилдим...

Ҳассага таяна-таяна, бир-бир босиб аравага яқинлашиб, ҳасрат-ла унга суяндим. Шунда ўмганим, ёнбошим жикқа хўл бўлганини сезиб, тисландим-да, кўзларимни йириб аравага қарадим: ундан ерга сув сизару тупрок бетиданамлик ҳосил қилган эди. Ажабландим, бор ма-



доримни тўплаб, арава устига ёпилган матони қалтироқ, рамақижон қўлларим билан тирмалаб очдим... Э вох, шу чокқача бошимга тушган ажабтовур воқеалар бир ён-у, буниси бир ён бўлди: не кўз билан кўрайки, араванинг ичида сув тўла кўзалар қатор тизилишиб турар, улардан биттаси йиқилиб сингану суви қуйига – асрий ташна қумликларга чак-чак томарди...

2011





ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ


Академик Ҳ. Бобобековга

1

Баҳорда, атрофда ажиб бир уйғонишнинг ёқимли бўйлари уфура бошлаган тароватли бир айёмда, чўққи соқоли, ораста кийими ўзига чунон ярашган, қўл тегса тилиб юборгудек қиррадор дўппи кийиб олган истараси иссиқ оксоқол етти-саккиз ёшлар чамасидаги, ғайрати танасига сиғмай, қулай фурсат топдим дегунча ўзини ҳар ён уриб кўраётган чакмоқдек болақайнинг қўлидан маҳкам ушлаб олган кўйи мамлакатнинг бош шаҳрига келиб тушди. Отахон бошқа томонларга чалғимай, болажонни тўғри Хотира майдонига етаклади. Саккиз қиррали юлдуз ичра гуриллаб ёниб турган оловни айланиб ўтдилар-да, «Мотамсаро она» хайкали қошида бир муқаддас тўхтаб, эҳтиром кўрсатдилар. Сўнг бобо қўлидаги гулдастани

2-У. Ҳамдам

№ 2010/5-89



тутказиб имо қилганди, зехили набира уни бир-пасда она пойига тўшаб қайтди.

Кейин накшинкор айвон томон юрдилар.

– Вуй, анави китобларни!.. – ҳайратини яширолмади болакай.


– Ҳа, ажойиб-а! – набирасининг завқига шерик бўлди бобо айвон деворларига ўрнатилган, олтинранг улкан китобларни авайлаб варақларкан. – «Ҳамдамов К. 1918–1943», – ўқиди бобо овоз чиқариб. Сўнг ўқиган жойига кўрсаткич бармоғини элтиб: – «Болам, бу киши менинг отам, сенинг эса катта бобонг бўлади», – деди.

– Бобо, нега катта бобо бу ерда, китобнинг ичида? – сўради набира чандон кизиқиб.

– Чунки болам... – дабдурустдан нима дейшини билмай, бир зум тарақдудланди бобо, сўнг борини борича айтишга қарор қилди, – чунки у киши урушда ҳалок бўлган. Ватанимизга бостириб кирган душманга қарши жанг қилган...

– Бобо, яна гапириб беринг.

Бобо ўйга толди. Раҳматли онасининг айтишича, у киши Иккинчи жаҳон урушида қонли жанглардан бирида оёғининг остига келиб тушган бомбадан чилларчин бўлиб ўлган экан.




Аммо ҳозир негадир ўз отаси қисматини эмас, балки элининг узок тарихида юз берган бошқа бир воқеани ҳикоя қилиб бергиси келди. Назарида худди шу ҳикоя мағзида нафақат ўз падари бузруквори, балки ер юзидаги жамики Ватан қаҳрамонлари тақдири жо бўлган эди...

– Тавба, – деб қўйди у ҳикоясини бошлашдан олдин ўзига ўзи, ки тарих шундоқ кўз ўнгида такрорланаётган эди: ахир, гўё кечагина ўзига ҳам буни бобоси ҳикоя қилиб бергандида. Яна қўшиб қўйгандики: «Бу – Ватан ҳақида қўшиқ бўлади, ёдлаб олгин-да, вақти соати етганда уни болаларингу набираларингга айтиб бергин...»

2

Қор бирданига босди, ҳеч кутилмаганда. Ҳали эрта эди, аммо... Ортидан қора совук келди. Нафас олсанг, бурун катакларингнинг гирди гўё бирлашиб ёпишиб колаётгандек, оёқ ва қўл бармоқларингнинг учи увишиб, ўзининг бор-йўқлигини сезмаётгандек бўлаверади. Ҳовузлардаги сув тарақлаб музлаган. Челак тугул, найза билан тешиб удда қилолмайсан: шундоқ




хам суви кам қолган ҳовузлар тубигача яхга айланган. Бир кучок музни амаллаб олиб чиксанг, уни эритиб-қайнатиб чой дамлаш учун на тезак ва на ўтин топилади. Дарахтларми?.. Бе-е, бор бўлса, дарахтлар ҳақида гапирилади-да! Қайда қолди дарахт дегани? Ҳаммаси ўтган йилги аёзда кесилиб, ўтинга ишлатилиб соб бўлган...

– Шимоли-ғарбий дарвозалар бағоят заифлашиб қолди, ҳукмдорим! Таслим бўлишдан ўзга иложимиз йўқ! – хаяжону кўрқувдан дир-дир титраб келиб деди қалъабегини. – Шундай қилсак, зора аёлларимизу болаларимизга тегишмасам... Ахир, ёғийнинг ваъдаси ҳам шундай эди-ку!?

– Қачон эди? Шунча қаршилик кўрсатдик. Аламлари бўғизларида. Жон аччиғида бутун халқни қиличдан ўтказишса, биздан, миллатдан нима қолади? – эътироз билдирди амирбоши.


– Ахир, айтинг, тузукроқ ўзга чорамиз борми?! Бўлса, бош устига! Барчамиз кўриб-билиб турибмиз, бир йилдан бери тиш-тирноғимиз билан қаршилик кўрсатамиз. Аскарларнинг катта қисми ҳалок бўлган, борининг ҳам шарти кетиб парти қолган: неча кундир сувсиз-нонсиз



совукда қотиб ўтирибди, у ёқда ўк-дорисининг хам таги кўришиб ётибди. Қўлимиздаги қиличу юракларимиздаги умиддан ўзга ҳеч вақомиз йўқ энди! Ўша умид билан Тангрига сиғинайлик-да, қиличларни ёғий оёғи остига ташлайлик, ҳукм-дорим!..

Ҳукмдор қалъабегининг гапларига диққат билан қулоқ тутиб тураркан, ушбу оқил ва мард жангчи билан хаёлан баҳслашарди: ахир, қайси юз билан таслим бўлишади? Тарих кечирадимми?.. Тарих?.. Қанақа тарих? Таслим бўлмаса, яна нари борса, бир неча ҳафта ичида хаммаси патарат топади-ку! Бир йилдир дош бериб турган дарвозалар қулайди-да, ичкарига мўри малаҳдек бостириб ёғий киради ва ваъдасини бекаму кўст адо этади: эркакларнинг уруғини қуритиб, қизу аёлни ўртада бебурд қилади, болаларни эса қул ва чўрига айлантиради. Сўнг унинг Ватани хам, унга қўшилиб элининг тарихи хам ер юзидан супурилиб кетмайдими?..

Бундай бўлмаслиги хам мумкин, агар... Агар у қалъабегини ўтиниб сўрагани каби иш тутса!.. «Шунда... шунда кўзи қонга тўлган душман




кўлида килич тутабилгич жамики эркакларни сўйса ҳам, аёллару ёш болаларимизнинг омон қолишига умид килса бўлади. Шунда... шунда менинг халким батамом қирилиб кетишдан сақланиб қолади ва қачонлардир яна ўзлигини тиклайди!.. Ох, тиклармикан?!»

Шундай дер эдию ҳукмдор алам билан лабини тишларди. Чунки бу эҳтимол ҳам мавжуд воқелик қаршисида ғоят ҳақир кўринарди. Шунчаларки, у дам кўзга илашар, дам эса йўқ. Шунинг учун ҳам у бисотидаги сўнгги чорани қўллаш ҳақида ўйлай бошлади. Сўнгги чора! Бас, у ҳаммасини хал қилади: ё ҳаёт, ё ўлим!..


Ҳукмдор уззукун шу ҳақда ўйлади. Сўнгги чорани қўллаш вақти келдимикан деб, бу борада хато қилиб қўймаслик устида узок ва жиддий бош қотирди. Ниҳоят, бир қарорга келди: аъёнларини тўплаб, кўнглини дастурхон этди...

Эртаси куни ҳукмдор юрт кезмок учун ташқари чиқди. Элнинг катта бир қисми сарой атрофида тўпланиб, унинг навбатдаги, балки охиргидир, фармонига бутун вужудлари кулокка айланиб маҳтал туришарди. Уларнинг олдиларидан бир-бир босиб ўтаркан,




хаммасининг дард тўла нигоҳларида очлик ва совуқдан, мусибат ва чарчоқдан, умидсизлик ва чорасизликдан дол бўлган қадларида битта, ха-ха, биттагина тилакни кўрар, у ҳам бўлса, қалъабегининг айтганлари билан муштарак жаранглар: «Хаммамиз сенинг шонли туғинг остида шунча вақт ахил яшадик, тирикликнинг аччиқ-ширинини бирга тотдик, ёв келганда бир тану бир жон бўлиб курашдик, нимаики юртда содир бўлаётган экан, бари-барини кўриб-билиб турибмиз, сен хақиқий миллатсевар, ватанпарвар ҳукмдор экансан, лекин энди қўлингдан нимаям келарди, элга келган тўй экан, биз ҳам, сен ҳам имконимизда борини қилдик, энди сен биздан рози бўлмоғинг кераклигидек, биз ҳам сендан розимиз, дарвозаларни очайлик-да, тақдиримизнинг қолган қисмини пешона ёзиғимизга топширайлик!» деяётгандек туюларди.

Ҳукмдор юртнинг қамал қилинган бўлагини пою пиёда узоқ айланди. Ҳар одимда мудофаа билан боғлиқ турли-туман ишлар жонсизроқ бўлса-да, давом этиб турарди. Аммо бир пайтлар гулистон бўлган мамлакат энди хароба-



зорга дўнганди, бир пайтлар мағрур юрган ватандошнинг энди боши хам, қадди букик, нигоҳи синиқ эди... Юра-юра, илгари обод, энди эса барбод бўлган бир мавзе марказидан чиқиб қолди ҳукмдор. У ерда тўпланган тумонат одам ниманидир бўлиша олмай, бахслашиб-тортишиб турарди. Ҳукмдорни кўрганларнинг бир қисми бош эгиб таъзим қилди, аммо урушиб-талашаётганларнинг аксари қиё ҳам бокиб кўймади, аксинча, зўр бериб ўзларини тўданинг ўртасига урарди. Ҳукмдор синчиклаб разм солдию ўртада талаш бўлаётган бир бўлак зоғоранонни кўрди. Очликдан силласи қуриган одамлар ана ўша бир парча егулик илинжида бир-бирларининг юзу кўзларига охирги кучларини тўплаб мушт туширар, бир-бирларининг етти аждодини бўралаб сўқар хам эди. Туртиниб-суртилишлар натижасида нондан укаланиб ерга тушган ушоқларни териб, қор ва муз парчаларига кўшиб овзига солиш илинжидагилар хам ўшанча топиларди... Ҳукмдор аянч манзара қаршисида узоқ қололмади, ўзига ўзи: «Ҳа-а, уруш элни не кўйларга солиб кўйди!.. Аммо қай тадбирда хато қилдим мен?! Кўргуликнинг




барига мен айбдор, ха, мен!..» деганча, юра-
гида гуриллаб ёнаётган олов билан дуч келган
томонга боса кетди...

Кун оға бошлаганда эса темирчилик уста-
хонасига келиб қолди. Аъёнларини эргаштириб
устахонага бош сукқан хам эдики, ичкаридаги
тақир-туқир бирданига тинди. Усталар юзла-
ниб, қўлларини кўксиларига қўйганча ҳукм-
дорга таъзим бажо келтирдилар ва шу кўйи
хайкалдек қотдилар. Фақат четда бир киши
орка ўгириб олиб, бошини қуйи солган кўйи
ўнг қўлидаги гурзидек катта болға билан чап
қўлидаги, оловдан эндигина чиққан, бозиллаб
турган чўф-килични савалаб ишлов беришини
қўймади: тақ-тақ-тақ... Қўркиб кетган уста-
боши «ҳой!» дея сасланди. Бироқ уста ишга
шу даражада берилиб кетгандики, ҳеч нимани
пайқамади. Бирданига хамманинг нафаси ичига
тушди. Устабоши жон ҳолатда чопиб бориб,
устанинг елкасидан туртаркан, дўк урди: «Таъ-
зим қил!»


Уста ўгирилиб ҳукмдорини кўрди ва болғани
қўйиб, қўлини кўксига олиб борди, бошини
эгиб ҳурмат кўрсатди. Ҳукмдор унинг ўрта

бўйию чайир билакларига, меҳнатдан қорайиб кетган чехрасига негадир кулумсираб тикилиб қолди. Уста бир муддат кутди, сўнг яна бутун қиёфаси билан ҳукмдориға эҳтиром кўрсатдию қўлиға «гурзи»ни тутди: тақ-тақ-тақ!. Устабошининг яна қапалағи учди ва «Бас қил!» дея кескин буйрук берди. Уста ишдан тўхтаб, «нима гап?» дегандек ҳайрон қаради. «Эсингни едингни? Қаршингда ҳукмдор турибди, таъзим бажо айла, нодон!» Уста унга ҳайрон қаради ва хотиржам, аммо қатъий оҳангда: «Мен зиммамға тушган вазифани бажаряпман. Қолганлар ҳам ўз ишини сидқидилдан адо этганда эди, дарвозаларимиз ортида лак-лак душман кўшини келиб турмас эди!» – деди. Наштардек ушбу жавобдан устабошининг эси оғиб қолаёзди: у яшин тезлигида нимадир демокчи бўлди-ю, ё ичидаги кўрқувига ва ё ҳаяжонига тикилиб тутилди. Балки айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган гапининг маънисига урилиб кетган бўлиши ҳам мумкин... Нима бўлгандаям, устабоши вазиятни тузатолмас ҳолларға тушиб гангиди. Шунда ҳукмдор унинг озурда жонига оро кирди: қўли билан «ҳожати йўқ» дегандек имо қилди.




Сўнг бир маромда ишлаб турган устага тикилиб турди-турди-да, унинг елкасига енгилгина шапатилаб кўйганча, устахонанинг чиқиш томонига йўналди. Қолган усталарнинг бари куллуқ қилган кўйи уни кузатиб қолишди... Ҳукмдор устахонадан чиқиши билан эса ёппасига такиртуқур бошланди. Аммо у уч-тўрт чақирим олислаб кетганда ҳам ортидан унинг қулоқларига фақат ўша устанинг болғасидан чиқаётган товушгина келиб турарди: тақ-тақ-тақ... Ва у негадир худди бир пайтлардаги, озод ва обод юртидаги темирчилик устахоналаридан келадиغان садони ёдига соларди...

... Эртаси куни азонда ҳукмдор сарой олдидаги баланд сунага чиқиб келди. Неча замондир жарчи фармонни ўқиб, халойикқа ошкор айлар эди. Энди сахнада ҳукмдорнинг ўзи кад ростлаб турибди. Аммо бу гал «жарчи»нинг қўлида фармон битилган коғоз йўқ эди. Ҳамишадаги жарчи: «Ҳукмдоримизнинг фармони олийлари эълон қилинади!» дея жар солиши билан бутун эл у ерга ёпирилди ва ўз ҳукмдорлари билан юзма-юз келди. Одатда, бундай манза-




радан оғизлар очилиши керак эди-ю, бундай бўлмади, ки аҳвол изоҳларсиз ҳам кундек равшан эди...

«Эй, мукадас тупрок! Эй, шу тупрок эгалари! Эй водийлар, эй воҳалар! Эй, бепоён ўлкаминг боғу роғларию эй, дашту далалар ва чўлу биёбонлар! Эй, юртимнинг осмонўпар тоғларию улардан тушиб келгувчи дарёю сойлари! Эй, сахий қуёш ва эй, кечалари бошларимиз узра порлаб тургувчи беминнат ойу юлдузлар!.. Мен сизлардан мингдан-минг розиман! Фақат ўзим учун сиздан рози-ризолик тилашга тилим айланмайди. Чунки биламанки, бунга асло ҳаққим йўқ! Яхши ҳукмдор Ватанини ёвга топширмайди. Аксинча, уни ҳеч бир ёвнинг дас-ти етмайдиган баландликларга олиб чиқади ва мудом ўша ерда қолмоғини таъмин этади. Надоматлар бўлғайким, бу менинг илкимдан келмади!..» Ҳукмдор бу аччиқ, аламли сўзларни ирод қилмоқчи эди, аммо айтолмади. Улар ҳукмдорнинг ботинида жарангларди. Мана, неча ой, кунда жаранглайди улар. Бас, бутун вужудини қоплаган титроққа бир зум енгилиб, кўзларини юмди... киприқларида реза-реза ёш




ҳалқаланди... У ўзини қўлга олишга тиришаётгани бутун киефасидан, айникса, бўғриқиб бораётган юз-кўзидан, бўртиб чиқаётган бўйин томирларидан, дам-бадам силкинишга тушаётган вужудидан шундоқ билиниб турарди...

– Мен... Мен кеча юрт кездим, – деди у ниҳоят, овоз чиқариб, – гулдек ўлкамнинг ёғийга таслим бўлишини ўйласам, ҳалигача тирноқларимнинг учигача титраб кетяман!.. Ахир, бу сиз билан бизнинг юртимиз! Уни биз ўз қўлларимиз билан бунёд ва обод этдик. Бас, тупроқларимизда биздан ўзга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак! Эсланг, ҳаммамиз шу юрт қучовида туғилдик, унинг кенгликларида дунёни танидик, ҳаёт деган тенгсиз неъмат билан юзлашдик, ота – ким, она – ким, дўсту ёр – ким, билдик. У бизнинг ору номусимиз, бору йўғимиз! Бас, унинг бағрига ғайри кимсаларнинг киришига минбаъд рози бўлмаганмиз!.. Шундай деймиз-у, энди... – ҳукмдор кўзёшларини култ этиб ютиб юборди, – энди кўрмайсизми, ёв манави деворларимизнинг, дарвозаларимизнинг шундоқ ортида тиш ва қилич қайраб турибди. Бизнинг



эса егани нонимиз, ичгани сувимиз колмади. Қуролу аслахамиз ҳам уларникидек эмас. Устига-устак, холдан тойганмиз, жангчиларимизнинг кўпи очик жангларда ҳалок бўлган. Қолгани оч ва юпун... Жосусларимизнинг сўнгги маълумотларига караганда, душман биздан ўн хисса зиёд. Ҳам корни тўқ, ҳам қуроли соз. Шунча кўргулик етмагандек, эшик қокмай қаҳратон киш кириб келди. Худди ёғий каби кўққисдан босди у ҳам бизни. Ёғийни мамлакатга сўқмасак ҳам бу туришда қишдан омон чиқишимиз амри-маҳол... Мен кеча мамалакат кездим, сиздан бир офиз сўроқ сўрмай, холингизга қарадим. «Нима қилайлик?» деб юзу кўзингизга тиланчи каби мўлтираб бокдим. Биласизми, ҳаммаларингнинг нигоҳларингда битта жавобни кўрдим. У ҳам бўлса, «Дарвозаларни очайлигу у ёғини тақдирга ҳавола этайлик!» деган...

Мен дунёга келиб сиздек мард, сиздек садокатли халқни кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Сизлардан айримларингиз аллақачонлар мени, юртимизни, миллатимизни сотиб, душман тарафга қочиб ўтишингиз мумкин эди. Аммо буни қилмадингиз. Биронтангиз нону тузимизга



хиёнат қилмадингиз, орқадан пичоқ урмадингиз. Мен, аввало, шунинг учун ҳам Яратганга шукроналар келтираман! Сизларга эса қуллук қиламан! Лекин энди вазият бошқача йўл тутишни тақозо қилаяпган экан, бу ҳам қисматда бор кўринади. «Таслим бўлсак, душман ўз ваъдасида туриб, аёлларимиз ва болаларимиз ҳаётини сақлаб қолар...» демоқдасиз сиз. Наҳотки, бисотимизда фақат шугина бир умид қолган бўлса?!.. Биргина шу умид!.. Наҳотки, сизнинг айтадиган бошқа гапингиз, ўзга таклифингиз бўлмаса?!.. – хиркирок овоз билан хитоб қилди ҳукмдор...

Халқдан эса садо чикмади.

– Айтинг, шу чокқача фармонни мен бердим, энди бир гал сиз беринг. Ки, бу фармонга ватанимизнинг, сизларнинг, ҳаммамизнинг тақдиримиз боғлиқ! Эълон қилинг фармонни! – ҳайқирди ҳукмдор энди...

– Сўз айтмоққа рухсат беринг, ҳукмдорим! – Одамлар орасидан кўримсизгина, шу ерда йиғилганларнинг кўпчилиги қатори усти боши кир-чир, йиртиқ-ямоқ бир йигит чиқиб келди-да, ҳукмдорнинг қаршисида тиз букди.



– Сўйла! – буюрди ҳукмдор.

– Модомики, фармонни биздан кутаётган экансиз, менга жангда халок бўлиш шарафини ато этинг! Ёвга таслим бўлиб қул бўлгандан кўра, душман қиличидан ўлиб, озод бўлишни афзал биламан!.. Мен жонимни таклиф қилиб келдим, ҳукмдорим!!! Ахир, Ватан қўлдан кетар экан, жонни нима қиламан!.. Мен Ватанимни бошқача яхши кўролмайман!..


Боягина атроф сув куйгандек жим эди, бирдан ғала-ғовур бошланди:

– Эсини еб қўйибди бу!..

– Битта ўзи лак-лак қўшинга қарши борадими?..

– Мусибат элтиб қўйган буни...

– Рухсат берманг, ҳукмдорим! Йўкса, ҳаммамиз шу темирчининг касрига қоламиз! Душманнинг яна ғазабини келтиришнинг нима хожати бор? Аслида, муносиб ёғийга муносиб тарзда таслим бўлиш ҳам бир шараф! Шунда ғолиб мағлубни афв этади... Бу шўринг қурмағур йигитча бизни ўша сўнгги имкондан ҳам маҳрум айламоқчи!..



Ундан у, бундан бу, дегандек, кўпдан-кўп гап чикди. Лекин уларнинг бари йигитнинг сўнгги истагига қарши жаранглади.

– Жим! – Қўлини азот кўтарди ҳукмдор. Сўнг яқин келиб, фуқарони елкасидан тутиб турғазди. – Сен кечаги темирчи йигит эмасми-сан, мабодо?


– Ҳа, ҳукмдорим, ўшаман. – Кўзларини ердан узмай жавоб берди темирчи.

– Отинг нима?

– Турон! – фахр билан деди йигит.

Ҳукмдор йигитни маҳкам бағрига босиб, қулоғига шивирлади:


– Агар ҳамма сендек жасур бўлиб, сендек фикр юритганда эди, остонамизда ҳозиргидан ўн хисса кучли ёв турганда ҳам, барибир енгиб чиққан бўлар эдик! Қани энди ҳамманинг кўксига сенинг юрагингдек юрак ура бошласа!.. – Ажабтовур манзарани кўриб, халойиқнинг нафаси ичига тушди, шовур эса тинди. – Майли, сенинг тилагингни қабул қиламан, жангчи! Тангри сенга, менга, бутун туронликларга мадаккор бўлғай!.. – Сўнг ҳукмдор қалъабегига томон юзланиб хайкирди: – Дарвозани очинг!



Лекин жавобан на қалъабегии ва на аскарлар – ҳеч ким ҳаракатланмади. Афтидан, улар нима бўлаётганини бирданига фаҳмлай олмай, довдираб туришарди.


– Дарвозани очинг, дедим, қалъабегии! – баланд оҳангда такрор хайқирди ҳукмдор. Қалъабегии дарҳол ҳушини тўплаб, дарвозабонларга буйруқ берди. Зумда саройга энг ёвук дарвозанинг бир қаноти хиёл очилди. Кечаги кунга доғур темирчи, бугун эса жангчига дўнган йигит ҳукмдорнинг бағридан айрилдию дарвозадан шитоб билан чиқиб, тўғри душман томонга йўналди. Ўн-ўн беш одим юргач эса, белига тақилган қинни қўлига олди. Сал нарида эрталабдан янги ҳужумга тайёргарлик кўриб саф тортиб турган ёв қўшини аввалига анграйиб турди, сўнг биргина йигитнинг қилич суғуриб, қинини дуч келган томонга улоқтирганча жангга ҳозирлигини кўргач эса, хахолаб кулиб юборди.

Бу пайтда Турон эли баландлиги нақ бир терак бўйи, устида иккита арава бемалол ёнмаён юроладиган қалин деворлар устига чиқиб олганча воқеани кузатар эди. Ҳукмдорнинг эса



бутун вужуди кўзга айланиб, лаблари тинимсиз пичирларди...


Йигит ёв кўшинига жуда якин колганда улар орасидан бир неча пиёда жангчи ажралиб чиқиб, қиличларини яланғочлади. Йигит улардан энг пешдагисига ҳамла қилди ва қиличининг бир химоси биланоқ душман бошини сапчадек узиб ташлади. Сўнг иккинчи, учинчи, тўртинчисини ҳам худди шундай осонлик билан саранжомлади. Ушбу манзара бир қарашда гўё ўтда ёнмасу сувда чўкмас, қилич чопмасу енгилмас қахрамонлар ҳақидаги эртакларни ёдга соларди, соларди-ю, аммо бу эртак эмас, балки айни ҳақиқат эди. Чунки у ҳамма-нинг — минг-минглаб жангчию қалин деворлар устига чиқиб олган Турон элининг шундоқ кўз ўнгида содир бўлаётганди... Алқисса, ёғийнинг ўндан зиёд аскарлари ер тишлаб қолди. Эндигина қах-қахлаб турган улкан кўшинининг кайфияти бузилгану йириб очилган кўзлари омонсиз жанг давом этаётган дўппидек майдонга михланганди. Йигит-чи, у жонини жабборга топшириб қўйганча қилич сермар, «бир, икки, уч!» дегунча ўзига баъзан бир яримта келадиган да-



вангир-давангир душман жангчиларини ерга кулатар, сўнг яна олдинга ташланарди. Бунга ортиқ чидаб туриш мумкин эмасди, ки майдон ёв жангчиларидан сачраган қону уларнинг жасадларига тўлиб бораётган эди. Шу пайт денг, бир жойда қоқилган козиқдек тек турган кўшин ҳаракатга келдию ундан ажралиб чиққан жангчиларнинг катта бир гуруҳи ҳалқа бўлиб йигитни ўраб олди. Йигит энди гоҳ у ёндан, гоҳ эса бу ёндан ҳамла қилаётган ёғийга қараб шердек ташланар, наъра тортарди. Ниҳоят, унинг қиличи навбатдаги душманнинг боши узра азот кўтарилганда чор томондан сиқиб келган ёв кўлидаги ўнларча узун найзалар жангчининг ёшгина баданини илма-тешик килиб тешиб ўтди... ва... ва йигитнинг вужуди ўша алфозда ҳайкалдек котди...

...аммо худди шу аснода тарих ўз йўлини ўзгартирди!.. Чунки худди шу лаҳзада Турон элининг юрагида ухлаб ётган шер қаттиқ наъра тортганча, вафлат уйқусидан бош кўтарди!..

...борлиқ дарвозалар бирданига ланг очилди ва ҳайқириб, сурон солиб Турон жангчиларию оддий эл душманнинг устига ёпирилиб кела




бошлади. Уларнинг орасида етти ёшдан етмишгача, эркакдан аёлгача, фаррошдан ҳукмдоргача бор эди. Соғми-касалми, бутунми-чўлоқми, карми-соқовми... ҳамма ўзини жанг майдонига отганди!.. Ва барчанинг кўз ўнгида эндигина Ватаннинг ору номуси дея бир ўзи бутун бошли душман кўшини қаршисига чиққан, чиқа олган жангчи йигит ва унинг душман билан бўлган тенгсиз олишуви сувратланиб қолганди. Бас, энди бу кўшин қаршисига чиқишга жазм қиладиган кўшин бутун ер юзини айланиб битирганигда ҳам топилмасди. Тополмасдинг ҳам! Гўё бу кўшин жангчиларининг ҳар бири эндигина йигирма чоғли душманни ер билан яксон қилган ўша жасур жангчи йигитга айланиб бўлганди... худди ҳукмдор орзу қилгандек...

Ҳа-я, сал бўлмаса, эсимдан чиқаёзибди: ҳукмдорнинг охирги чораси... У шу эдими ё бошқа – буни ҳеч ким билмади. Ўшандаям, ҳозирам... Зеро, ғалабадан кейин буни ким ҳам сўраб-суриштирарди, дейсан...

3

– Жангда ким ғолиб бўлди, бобо?! – хикоя мағзини тушуниб қолганига қарамай, яна-да




аниқлик киритмоқчи бўлиб сўради таъсирланиб кетган болакай.

– Албатта, туронликлар! Чунки улар сонда ўн ҳисса оз бўлса ҳам, амалда душмандан йиғирма хисса кучли эдилар. Туронийигитнинг мардонавор ўлими уларнинг юрагини уйғотиб, ундан ўлим кўрқувини қувиб солганди. Уйғонган юракда гап кўп, болам. Юраги уйғоқ инсонни ҳам, бундай элни ҳам асло енгиб бўлмайди...

Бобо ҳикоясини тугатгандан сўнг узок муддат сукутга чўмди. Боланинг бўлса, нигоҳларида хайрат қотиб қолганди. У ҳаммасини тушунган каби савол беришни бас қилган, фақат бир бобосига, бир она хайкалию бир унинг қаршисида – майдон ўртасида ёниб турган мангу гулханга ва бир катта боболарнинг исмлари битилган мис китобга маъноли-маъноли қарар, ўзича нималарнидир уқиб олмоқчи бўлар эди. Яна бир оз ўтгач, бобо тилга кирди: «Бу – Ватан ҳақида қўшиқ бўлади, болам. Ёдлаб олгину унутмагин. Кун келиб эса, уни хикоя қилиб бериш гали сенга етади...»

Бобо ва набира кун бўйи майдон айланиб, савол-жавоб қилиб, суҳбатлашиб юришди-да, шом



туша бошлагачгина бекат ёкка охиста одимлашди. Бу чоғ ҳув узокда, уфқда қуёш ол рангларга чулғаниб ботаётган эди. «Қара, эртага кун яна-да мусаффо бўлади!» – деди бобо. Боланинг эса, нигоҳи бобоси ишора қилган томонга кадалган бўлса-да, кўз қорачиғида, ором олиш учун рангин шафақ – ёстикка бош қўяётган бобоқуёш эмас, йўқ, балки Ватан шаъни, миллат химояси учун сон-саноксиз ёвга қарши бир ўзи жанг майдонига кириб кетаётган ўша ёш ва баҳодир йиғит суврати аксланар, лаблари эса «бобо, у менинг катта бобомнинг ҳам катта бобоси экан» дея пичирларди...

2013





УНУТИЛГАН НАЙ НАВОСИ


(туш-ҳикоя)

Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,
Айриликлардан шикоят айлағай.

Мавлоно Румий
Ўлсам, юзимни юртимга қаратиб кўминглар.

(Мусофир васияти)

Олис-олисларда чалинган ҳазин най саси ниҳоят яқинлашиб, шундоқ қулоқлари остида янграганда Алишер чўчиб уйғонди. Уйғонди-ю, негадир бу сафар най садоси уйқуси билан бирга ўчмади: аксинча, эндигина у кўз очган хоб-хонани, дахлиз ва йўлакни, ҳатто ташқарини, борингки, бутун оламни тўлдириб чалинди, ча-линаверди. Алишернинг кўнгли суст кетиб, хотирасига болалиги... раҳматли бобосию момоси, эски, кунгай девори нураган, томи лойсувок уйлари қалқиб чиқди. Туғилиб ўсган кўчасини, отасию онасини, раҳматли акасини, укаларию жўраларини кўмсаб ичига аллатовур титрок



кирди. Қани энди шартта жомадонини кўлига олса-ю, хайё-хай дея хешу ақрабонинг қошига қайтса, қайта олса... Бироқ борган билан нима, уларнинг қай бирлари хаёт, қай бирлари йўк энди... Юртга дўниш билан болалигию унга тегишли хууув сеҳрли оламни ҳам қайтариб бўлсайди...

* * *

Алишернинг ўпкаси тўлди, ич-ичидан алам-ли хўрсиник отилиб чиқди-ю, зум ўтмай унсиз йиғига, йиғи эса зўр ичкикишга айланди...


– Что с тобой? – хотини ажабланиб қаради.

Хотин бу гал индамади, эрига синч ила қараб ўтирди-ўтирди-да, нималарнидир хис қилганнамо салмоқли қўзғалди, ошхонага ўтиб бир стакан сув келтирди.

– На, вышей, легче станет...

* * *


Алишер хотинининг танбеҳларига қулоқ осмай, нонушта ҳам қилмасдан малул ва забун бир алфозда кийиниб, ташқарига чиқди. Ахир, ичкарида ҳалиги най навоси бардавом янграб турган бўлса, қандай қилиб томоғидан лукма




ўтади? Ё наво, ё визо-да! Иккаласини бирданига, бир пайтнинг ўзида ҳазм қиладиган зот... валлоҳу аълам, қандай жинс экан? Аммо унинг инс бўлиши даргумон...

Москва кўчалари кўча эмас, нақ гавжум шарқ бозорлари денг – на олдинга юриб бўлади, на қўл силтаб орқага сурвориш. Ихтиёрингни тамомила автолар оқимига топширмақдан ўзга чоранг қолмайди. Кирмоқда ташаббус қўлларингда бўлар-у, тарк этмоқда, асло. Жавониб турли-туман русум, ҳажм ва тусдаги замонавий аробалару улардан таралаётган баланднаст товушларга тўлиб кетган. Шунда Алишер ботинида субҳи содиқдан бери тинимсиз чалинаётган най навосининг қаёққадир ғойиб бўлганини сезиб қолди. Ажабланиб, юрагини тинглади: шаҳарнинг бадга уриб кетган хиссиз гувиллаши эшитилгандек бўлди... «Тав-ба-а-а», деди чўзиб...

Лоф эмас, бир ошни пишириб егулик фурсатда Алишер ишхонасига дилтанг бўлиб кириб келди. «Яёв юрсамам шунчалар вақт кетаро-ов...» деб қўйди у хайдовчи машинани офис биноси тумшурига тираб тўхтатган дамда...




Кечгача қоғозларга кўмилиб, котибасига аччиқ-аччиқ қахва дамлатиб ичиб, босим ўтириб ишлади... Бир маҳал ходимлари хайрлашиб чиқишаётган палладагина юмушдан бош кўтарди ва кун қайтиб, шом тушганини, қорни эса, очликдан пўстак бўлиб кетганини хис қилди. Ҳамма уйига ошиқаётган тифиз пайт бўлгани боис тирбанд йўлни ўйлаб гўшакни олди, котибани чакириб, унга ҳар доимгидек овқат буюришини тайинлаб, «потом можешь идти» деди-да, диванга ястанганча телевизор тугмасини босди. «Хабарлар»дан юраги ториқиб, каналларни айлантришга тушди. Ниҳоят, «National geografice»да кўним топди. Ҳайвонлар шоҳи – шерлар ҳаётидан лавҳалар кўрсатилаётган экан. Айниқса, бир нар арслоннинг аччиқ қисмати Алишернинг эътиборини жалб қилди. Унинг тўшидан қуйирок – чап оёғининг бошланиш қисми йиртилиб, чак-чак қон оқар, бояқиш йўлида тўхтаб-тўхтаб дамодам ярали бағрини ялар, сўнг яна чор-ночор одимларди. «Нима жин урдийкан буни?» хаёлидан кечди Алишернинг. «Биронта ўзига ўхшаган билан майдон ёки лахтак гўшт та-



лашдимикан... Дарбадарлигининг сабаби мода шерми ё...»

«Шербаччалар ўсиб улғайиб вояга етгач, ўз тақдирига юзма-юз бўлиш учун ота-онасининг қароргоҳини тарк этиб чикиб кетишади, — дея гап бошлаб қолди шарҳловчи. — Булар ҳам худди ота-оналари каби ўзларига тайинли қўнимгоҳ кидириб борадилар. Тақдир насиб, шундай имконга эришсалар, ўзларига ватан тутган маконларию жуфтларини жонларини жабборга бериб қўриклашади. Агар бундай масканни барпо этишолмаса ва ёхуд уни жангда бой беришса, тагин якка-ёлғиз қолишади. Ёш, бақувват чоғларида улар боз ўз гўшаларига қайтиб, йўқотилган мавкеларини қўлга киритишга ва ёхуд бошқа жуфт топиб, янги маснад барпо этишга уринадилар. Кексайиб, кучдан қолганларида эса, афсуски, на униси ва на бунисига муяссар бўлишади. Бундай сўққабошларни кўшинча бе-хайр тақдир кутиб туради...»

Арслон саваннанинг бепоён кенгликларида бесамар юра-юра, ахийри, қолдан тойди чоғи, қулайроқ жой топиб аста ёнбошлади. Сувсизликдан, чарчоқдан бўлса керак, ҳарсиллаганча




тез-тез нафас оларди. Дам ўтмай у пахмоқ бо-
 шини эгиб, қонли ярасини ялади, сўнг атрофга
 олазарак боқди. Хайвон-да, сезган кўринади:
 нарироқда фингшув ва чийиллаш ўртасида
 аллақандай товуш чиқарганча сиртлонлар га-
 ласи мўлтираб туришарди. «Афтидан сиртлон-
 лар шернинг ўмганидан силқиётган қон ҳидини
 олишган кўринади» дея изох берди шарҳловчи.

Сиртлонларнинг олд қатордагилари макка-
 зор ичидан эндигина чиқиб келган ҳервайган
 кучуклардек қулоқларини «динг» қилганча арс-
 лонга қизиқиш ила серрайиб қараб туришарди.
 Шер аввалига пинагини бузмади, ҳатто жавобан
 ташрифчиларнинг юракларига кўркув солароқ
 қиска наъра ҳам тортди. Лекин сиртлонлар
 кўп эди: тўда енгил бир кўзғалиб кўйди-ю,
 тирақайлаб қочиб кетмади. Бирпас ўтиб эса
 ярадор шер пажмурда холини, ёлғизлигини эс-
 лаб қолдими, ўзи туриб ҳафсаласиз одимлади...
 харна, балодан узоқ...

Эртасига анча ўзига келиб қолган оч арс-
 лон сув бўйида ташналигини кондириш учун
 пайдо бўлган антилопалар подасига ҳужум
 қилди ва кичикроқ, нимжонроқ кийикни тутиб

олди. Алхол, сайёд сайднинг юмшоқ бўғзига ўткир, бақувват тишларини ботирганча кимир этмай кутди, сўнг танани жон тарк этиши ҳамон бўшатиб, қаддини тиклади. Йиртқич жон ҳолатда чопганидан тили нақ бир қарич осилиб ютоқиб нафас олар, шу баробари теграстига хавфсираб қарарди. Нафасини ростлаб, тин олгач, кийик лошини тишлаб, панароқ жойга судраб кетди ва шу аснода изига тушган кечаги сиртлонлар галасини пайқаб, ортига ўгирилиб ириллади. Сиртлонларнинг пешқадамлари андак ҳадиксирагандек, илкис тўхтаб, ўзларини у ён-бу ёнга ташлаб тайсаллашди-ю, хиёл ўтмай яна тўп бўлиб, бир-биридан юрак ва қувват олиб илгари босишди. Арслон кўрдик, улардан ўлжани олиб узокқа бориб бўлмайди, инчунин, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» суллоҳ фанимларига ҳамла қилди. Сиртлонлар тиркираб қочишга қочди-ю, лекин олислаб кетмади, яна сурбетларча, энди ҳар томондан мўр-малахдай ёнирилишди. Шеър наъра тортиб тагин ҳамла қилди, шунда бошқа ёқдан писиб ёвуқлашаётган сиртлонлар ўлжага ёнишишди... Алқисса, арслон вазиятни бошқара олмай ожиз




колди: антилопа қон таъмини туйган сиртлонлар энди шернинг ўзига ҳам тап тортмай човут солишга журъат этишарди...

«...орадан бир неча кун ўтди. Жаноб арслоннинг аҳволи эса анча хароб кўринади. Сиртлонлар орасидан омон чиқишга чиқди-ю, лекин аввалги бир жароҳати ўн бўлган ҳайвонлар шохи энди оёғини аранг судрамоқда. Ўз гўшасидан, яқинларидан, ҳимоячиларидан айрилган, устига-устак, очлик ва жароҳатлардан силласи қуриган абгор шернинг бундан кейинги қисмати янада аянчли кечиши шак-шубҳасиз...» деб бидилларди шарҳловчи...

Алишернинг ҳайвонга раҳми келди, кўрсатувнинг давомини кўришга юраги дов бермай, телевизорни ўчириб қўйишни истаб турганди, эшик тақиллаб, остонада «Ваш заказ» деганча хар доимгидек мутавозе гарсон йигит хозир бўлди...

– Поставь на стол, – деди-ю, ўрнидан оғир кўзғалди Алишер ва беихтиёр равишда бармоғи билан пульта ни босиб юборди. Экранда мусика канали пайдо бўлди ва не ажабки, унда най садоси янграр, най чолғусининг ўзи ҳам турли




ракурслардан намойиш этиларди. Алишер тап этиб ўрнига чўкди, қўли билан эса йигитга «эшикни ёп» ишорасини берди.

* * *

Бу ўша куй эди, ха!..

«Во дариф, бу нимаси? – тилига бодрокдек тошди саволлар Алишернинг. – Мен билан ким беркинмачок ўйнапти, ким? Нега яна най? Тагин тушимдаги нағмаси билан? Бунинг сирру синоати не?..»


Кўп ўтмай Алишернинг ўзига ўзи бераётган сўроклари тинди. Тинди, чунки юраги найдан таралаётган дилўртар, хазину сохир муסיқа таъсирида эриб сув-сув бўлган, хаёлида яна деворлари қор-ёмғиру жазирадан нураган пастқам кўхна уйу унинг атрофида, негадир, офтобшувокда ҳар хил юмушлар билан куймаланиб юрган бобосию момоси, отасию онаси, акасию укаларининг мукаррам сиймолари гавдаланди. Най навоси жуда узок янградими, бу куй умри давомида Алишер ўзи босиб ўтган, шу кунгача ва шу ергача бўлган бутун ҳаётини хотирлаб улгурди. Кўй боқиб, болалик дўстлари



билан қувлашмачок ўйнаб чопган беғубор, бе-
гидир кезларидан тортиб, мактабга, биринчи
синфга боргандаги туйғулари, илк бора кўшни
кизга севгисини мактуб орқали изхор айлаган-
даги унутилмас кечинмалари ҳам ташриф бу-
юрди, унинг шу ондаги холу рухиясига. Кейин
талабаликнинг олтин дамлари, кўшни кизга...
ўша махбубага уйлангани, зум ўтмай эса аскар-
лик сафига чакирилгани ва... мана шу «ва»дан
сўнг Алишернинг хаётида туб бурилиш содир
бўлгани... Ҳа-да, хизматдан қайтиб келгач, не
қулоқлари билан эшитсинки, севгани ўша ой-
жамол бошқа бир йигит билан гап-сўз бўлиб
турибди-да. Орият ғолиб, қаллиғига бир сўз
ҳам демай, шартга уйдан чиққан-кетган. Такдир
шамоли, – энди кўринг, – бизнинг қаҳрамонни
қайларга келтириб ташлабди. У кун билан бу
кун орасидан, ўх-хўў, қанчадан-қанча аччиқ-
чучук сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Аммо-лекин
нега яна шуларни ўйлаб қолди экан у, – Али-
шернинг ўзи ҳам билмай турибди. «Елкамнинг
чуқури кўрсин бу сотқин қишлоқни!» – деб
қасам ичиб кетганини унутдимми ё?..

* * *

Йигитнинг ризки кўчада бўларкан, ўкишини Москвада давом эттирди, таълим поёнига етгач эса, мегаполисда қолди, тиришқоқлигидан йўллари ҳам секин-аста очила борди. Энди қарасангиз, завқингиз келади, кечагина чекка бир қишлоқда қўй-мол боқиб, шими тушиб юрган ўспирин бугун курраи заминнинг энг улкан шаҳарларидан бирида каттакон идора рахбари. Насоро бўлсаям, ўттиз йиллик турмуш ўртоғи билан икки фарзандни вояга етказишиб, учирма қилишди. Айтаверсак, гап кўп. Алқовларимиз шу даражада сарбаландки, оққўнгилларнинг хаваси, қоракўнгилларнинг ҳасади келади-я... Фақат... фақат шу най балоси қайдан чиқиб қолди?.. Чиққани бир гўр, нега у Алишернинг ботинида ҳадеб чалингани чалинган? Нима учун у чалинганда Алишернинг бутун ўтмиши, туғилиб ўсган юрти, ўша ернинг яхши-ёмон, катта-кичик одамлари ёдига қалқиб чиқаверади, чиқаверади? Яна ўшаларни кўмсаб, соғиниб ичикканига ўласанми...



* * *

Бир махал эшик енгил тикирлаб, кия очилди ва бояги гарсон йигитнинг сермулозамат чехраси кўринди. Аммо у стол устида кўл урилмаган овқатга кўзи тушгач, бир зум додираб турди.

– Мне попозже подойти, да?


– А-а! – хитоб қилиб юборди чўчиб хушига келган Алишер. – Да, нет, сынок, можешь забрать еду, что-то аппетит пропал. Сколько с меня? – ёнини ковлади Алишер.

Гарсон билан хисоб-китоб қилгач, эзгин бир ҳолатда ўрнига чўкиб, бошқа нарсаларни кўрсатишга ўтган ТВга дам берди-да, кўзларини юмди. Факат... факат куй унинг ботинида янграшда давом этаверди...

* * *


Алламахалда кўл телефони асабий жиринглаб, сапчиб туриб кетди.

– Алло! Привет. Где носишься? С тобой все в порядке? – рафикасининг ташвишманд овози келди.



– Привет... – сўнг бирпас сассиз қолди Алишер. – Извини, сейчас приеду. Вздремнул наверно...


* * *



Шу-шу Алишернинг хаёли қочди. Юрсатурса, ухласа-уйғонса... ич-ичида най навосини эшитадиган, унинг жўрлигида болалигига, ташлаб чиқиб кетган юртига, у ерда қолдириб келган қариндош-уруғига, дўстларига талпинадиган бўлди. Еб-ичишидан, туриш-турмушидан, иш-қучидан маза-матра қочди...

Ўйлай-ўйлай, мегаполисдаги юртдошларининг доимо тўпланиб турадиган ресторанига йўл солди. Ҳамюртларининг тандирдан энди узилган нондек иссиқ, тансиқ чехрасини кўрсатиллашса-ю, зора кўзига най қиёфасида кўрина бошлаган инс-жинсларнинг хужумидан халос бўла қолса....

Уч-тўрттаси бурчакда тўпланиб олиб, тош ташлашиб ўтиришган экан. Ораларига сукилиб кирди. Ўз она тилида кўнгиллашмоққа уринди. Негадир гаплари қовушмади. «Ты наверно очень устал, давай в баню сходим, там отдохнешь как



следует» дейишди пировард натижада миллатдошлари мурувватона. Алишер бирпас ўтириб, у ердан ҳам хомушу афтода бир кўйда чикиб келди. Назарида бу улкан шаҳардаги миллатдошу юртдошларнинг ҳаммаси – ўзи дохил – ёғи адо бўлаёзган пиликдек тутаб боришаётганди. Чунки ўзларидан кейин... тамом – нуқта. Фарзандлари – бошқа олам, бошқа одамлар! Улар шу тупроқнинг фуқаролари, тилидан тортиб руҳигача...


Балки...

Ҳа, Алишер ниҳоят енгилди – кўнглига кулок тутди...

Учоққа билет олди-ю, Ўзбекистонга учди...


* * *

Укасининг уйига тушди. Ҳа, энди бу уй инисига қарайди. Кўп йил аввал ҳаммалариники эди. Роса умргузаронлик қилган бувасию бувисидан ўн йиллар ўтиб, бирин-сирин ота-онаси ҳам дорилбакога рихлат қилишганди. Охирги марта Алишер ўшанда, маросимларда келганди. Шундан бери йиллар турна қаторларидек кўк юзини тўлдириб учишди, учишаверди...



Ташрифидан укасининг боши осмонга етгани офтобда куйган қорамағиз юз ифодаларидан, хис-хаяжонга, меҳрга тўла жондек азиз сўзларидан шундоқ билиниб турса-да, келиннинг сира очила қолмаган қовок-тумшуғи Алишернинг таъбини хира торттирди. Келган куни уни кўргани кирган узоқ-яқин қариндош-уруғу кўни-кўшни билан ранг кўриб, ҳол сўрашди, эртасига эртамадан атроф-теваракни айлангани пиёда жўнаворди.


Аввалига ўзи ўсиб улғайган кўчани у бошидан бунисига гўё болалигини кидирган каби бир неча марта бориб келди: йўк, бу кўчани унинг тамизи таниди, холос, кўзлари, ҳислари эмас. Кўча бутунлай ўзгариб кетган, бегона уйлар, бегона чироқ устунлари, бегона дарахтлар... кўйингки, унинг қаршисидаги манзара тамомила ёт эди. Ҳатто рўпарасидан чиқиб, унга «нотаниш одам нима қилиб юрибди бунда?» дегандек аллатовур қараб, саломни қанда қилиб ўтаётган ёш-яланглар ҳам бегона эди. Хаёлида болалиги жонланди: тупроқ йўлда тўп тепишаётганда ёхуд у ёқдан-бу ёққа турфа



юмушлар билан чошиб юришганда катталарга дуч келинса, бир кўлларини кўкраккача кўтариб, «Ассалому алайкуум!» дея чўзинчок такаллуф ила сўрашишар эди-ку! Қаёкка кетди ўша одамлар, уларнинг сира аримас, битмас-туганмас мулозаматлари? Қирғийқараш қилиб, Алишернинг юзига безбетларча тикилиб ўтиб кетаётганлар ўша сертакаллуф авлоднинг жужукларими?..

Алишер буларни хаёлидан ўтказди, холос, юрагидан эмас. Зеро, совуқ Московнинг бети калин фукаросига бу ердаги илмиликнинг таъсири чикора...

Алишер шу кўйи анчагача кезиниб-тўзди-да, беихтиёр йўлни сув бўйига бурди. Далалар ора-лаб бир муддат кезингач, манзилга дориди. Воҳ, қишлоқдаги ўзгаришлар ҳолва экан: сув қани? Унинг икки бўйида хатосиз қатор ўсган гур толлар-чи?.. Толлар-ку, кесилиб кетибди, лекин махобатли каналнинг ўзи ҳам бутунлай бошқа манзара касб этибди: унинг бетидаги ўт-ўлану юлғун-янтоқлар қирилиб, устига силлиқ қилиб бетон қопланибди. Энди каналнинг ҳамма жойи




бир хил! Сув ҳам ўзаннинг тагида шилдираб
оқиб ётибди...

Алишер «оёқнинг чигалини ёзиш»дан қайт-
ганида шом туша бошлаганди. Дала йўлдан
махаллага киришда, тўрт кўча кесишган чор-
раха бор эди, шунинг кунжагидаги чойхона
гавжум – кўзи тушиб бир энтикди меҳмон ва
шу ёққа аста одимлади.


– Э-э-э, кесинла, кесинла! – уч-тўрт киши
кўзғалиб кучоқ очишди. Кўпчилик эса нотаниш
киши билан илк дафъа кўришаётгандек анча-
йин бепарво қўл чўзишди.

– Қайси шамоллар учирди, дом-дараксиз йўк
бўпкетувдинг-ку? – сўради Алишер билан битта
мактабда, икки синф юкорида ўкиган, ўша пайт-
ларда кўшни бўлган микти, шопмўйлов одам.
Алишер шунча тиришиб ҳам унинг исмини эс-
лай олмади. – Ё от айланиб, қариб-чуриганда
қозигини излаб келдими, ха-ха-ха!.. – қахқаха
урди микти шопмўйлов. – Вей, нега лом-мим
демайсан, ўзи ўзбекчадан қолганми ё ўрисча
сўйлайликми, воҳ-ха-ха!.. – мўйлов ҳам гапи-
рар, ҳам кулар ҳамда Алишерни етаклаб чой-



хона ичига, даврага бошлаб борарди... – шунча вақтдан кейин қишлоқни адашмай топиб келганингга қойилман, ха-ха-ха!..

Алишер гулдаврада алла-паллага довур очилиб-сочилиб ўтирди. Лекин орадан анча-мунча аччиқ-тиззиқ гап-сўзлар ҳам бўлиб ўтдики, бундан Алишернинг кайфияти тушди. Нима эмиш, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт кўйилмасмиш. Ха, курмағур ҳамқишлоқлари Алишернинг кўлига гугурт тутқазиб кўйишди. Бирпасдан сўнг каловини топиб, уни хиёнатда, қишлоққа, юртга хиёнатда айблашди. «Тавба, – деди ўзига ўзи Алишер, – аслида, ўзлари мени сотишди-ку!..» Давра ширакайф эди, шунинг учун Алишер бу гапларни юрагига яқин олмасликка уринди. Қолаверса, бу қачонги гаплар-ку, эҳ-хе!.. Лекин Алишерни сотқинга чиқарган давра кўп ўтмай ундан «бизниям ўзинг билан олиб кет, иш топиб бер»га тушди... Гап шунга тақалганда Алишер узр сўраб турди: чунки кўз ўнгида ўзбекча гапирсанг, ўзга тилда жавоб берадиган миллатдошларининг аламли чехралари гавдаланган эди...



Икки кунда кўрган-кечирганлари Алишерни кўп мутаассир этди. Аммо қалбига қулок тутганда, недир фурсатдан бери ичида тинимсиз чалинаётган най саси қаёкқадир ғойиб бўлиб, ўрнида ғаройиб бир фароғат осудаликка чулғаниб, жимирлаб ётганини сизди. «Худога шукур» деди коникиш билан пичирлаб...


* * *

Кечаси алламаҳалда Алишер бошқаларга билдирмай, ими-жимиди биттагина иниси билан аэропортга жўнади.

Бағирлашиб хайрлашишаркан:

– Бир ҳафта тураман дегандингиз? – номанзур иш қилиб қўйгандек хижолат чекиб сўради жигаргўшаси.

– Идорадан сўраб қолишди дедим-ку, укажон, – чинни яширди Алишер. Лекин беркитилган чин нимадан иборат эканлигини ўзи ҳам тузукроқ фаҳмлай олмасди. Ҳар ҳолда, келиннинг бадқовоқ суратига ёхуд айрим тутуриқсиз ҳамқишлоқларининг баландпаст гап-сўзларига қараб қолган одаммас-ку




у! Хоҳласа, олисроқдан – туман марказидаги меҳмонхонадан шартта жой оларди кўярди-да...

* * *

Самолётга чиқариш бошланганда ҳам Алишернинг хаёлида шошиб кетишининг асл сабабига йўналган тахминлар чарх урарди. Уришга урарди-ю, ҳеч бирида кўним топмасди.

Нихоят, учоқ хавога кўтарилганда Алишернинг юраги енгил ҳаприқди. Чуқур-чуқур нафас олишга тиришди, кўзларини юмди. Юмди-ю, уларнинг ичидан – зулмат қаъридан ёришиб найнинг суврати пайдо бўлди. Шу ҳамоно ботинида яна куй янгради!..

Алишер бир зум довдираб қолди, шошиб кабоқларини очди. Юраги орзикиб, орқага тортди. Куй эса тобора авжлана берди. Шунда... шунда Алишер ғайришуурий равишда кўнглига бўйсунди-ю, учоқ дарчасидан пастга қаради: вожаб! Ортда, ҳууув пастликда қолган, миллион-миллион чироқларга бурканган шаҳар ва қишлоқлар узун машъаладек товланиб ётар ҳамда у самолётнинг тобора юқорига ўрлаши



баробарида эшилиб, найга, ҳа-ҳа, айнан найнинг қиёфасига айланиб борарди...

Алишер ўз ботинида чалинаётган навонинг қайдан келаётганини ниҳоят топган, ҳайратдан тошдек қотганди... Фақат... фақат вужудини кўтариб бегона юртга учиб кетаётган темир қушга кўнгил нидосини – «тўхта, мени ташлаб кет!» деган кучли истакни демас, деёлмасди...


2010






САФАР

БИРИНЧИ САФАР




Тинч уммони вазмин чайқалади. Чексиз ма-софалар ўз каърига сир яширган янглиф узан-ган: улар бир вақтнинг ўзида ҳам ўз бағрига чорлайди, ҳам ундан итаради. Ҳозир эса сув юзасини калин оқиш туман қоплагани боис қайиқдан туриб қаралганда бурун остинигина кўз илғайди: икки қулоч нарида нима бор, кошки билиб бўлса...

Қайиқ ичи балиқларга лик тўлган эса-да, балиқчилар тўрларини яна сувга ташлаган кўйи тек қотишган. Тушиб қолган вазиятлари-да бошқа нияям қўлларидан келарди, дейсиз. Бор-йўқ қиладиган ишлари кутиш бўлгандан кейин кутишади-да. «Кимни, нимани?» дей-сизми. Қуёшни!.. Қуёш зич туман кўксини чок-чокидан сўкканча уларга йўл кўрсатиши керак ҳали. Йўқса, адашиб, Оролга душман



томондан бориб қолишса, холларига маймунлар тугул, қайиқда потирлаб ётган мана-ви чалажон балиқлар ҳам думларини ликиллатиб кулиб қолишлари ҳеч гапмас. Аслида, кулиш – шуларнинг ҳаққи. Жонларидан роса алам ўтиб турибди-да, ўзиям шу тобда. Алам қайиқдаги одамлардан етди. Маймунлар эса... ўх-хўў, маймунлар узоқда – нақ оролда: улар кўрмасликлари мумкин. Қолаверса, бекордан-бекор нетиб кулишсин маймунлар?..


Окёнус одатда тинч мавжланади. Фақат бу сокинлик баъзан алдамчидир. Қўйнида ўзига яраша таҳликалари бор унинг. Йўкса, баликчилар тусмол қилиб бўлсаям сузиб кетган бўлишарди. Сузишолмайди-да. Чунки юракларини уммон узра танда қўйган қуюқ туман янглиғ мўлкўл кўрқув эгаллаган. Яна бу кўрқув деганимиз балиқларни тутиш учун сувга ботирилган, қайиқнинг чор атрофини «ишғол қилган» тўрга ҳам жуда менгзаркан. Кўрқувки, бир томондан, адашиб уммоннинг беканор кенгликларига чиқиб қолиш қайғусига боғланса, бошқа жиҳати, боя айтганимиздек, ёғийнинг қўлига тушиб қолиш хавфига бориб уланади. Уларнинг мўъжазгина



Ороллари қайда экан, ёлғиз Яратганга аён. Аммо савил туман тарқамагунча бир қулоч ҳам силжиб бўлмайди: ипсиз боғланган, деган ибора бор-ку, айни шуларга мос.


Балиқчилар одатдаги ўзаро гангир-гунгурларини ҳам бас қилишган; мулоқотга тоблари йўқ уларнинг. Нетиб ҳам бўлсин? Агар туман хали-вери тарқамайдиган эса, холлари нима кечади?.. Инчунин, улар ташқаридан ҳар на қадар оғир-босиқ, кўзларини юмган кўйи мудрашаётгандек кўринса-да, аслида, ичларини шиддаткор бир ҳадикнинг тирнаётгани рост гап.

Бир маҳал денг, ҳеч қутилмаганда қалин туманзор ичра нақ тумшуклари остидан ҳайбат билан аллақандай қора шарпа чиқиб келқолди-ёв! Зум ўтмай ғира-шира кўринаётган ўша нарса маълум киёфага кирди: унинг улкан қайик эканлиги аёнлашди. Қайикчилар ўзларини тутиб, бирон тadbир олишга улгурмасларидан икки қайик тумшукма-тумшук тўкнашиб кетса бўладими!.. Кучли силтаниш натижасида қайик четида ўтирган ёш йигит «шалон» этиб сувга тушиб кетди. Қолган уч балиқчи эса аранг мувозанатни сақлаб қолди. Саросима бошланди.




Чунки илкис келиб колган қайик ёвники эканлиги маълум бўлган эди. Маълум бўлганди-ю, ажаб, шу билан бошқа ҳеч қандай воқеа юз бермади. Ҳеч ким ҳеч кимсага қилич кўтармади, найза ўқталмади, камондан ўқ узмади. Душман томон кўпчилиқни ташкил қилса-да, негадир ўзларини дўстона тутди. Ҳатто тушиб кетган балиқчини тортиб олишаркан, халақит бериш у ёқда турсин, мавриди топилса, ёрдам бергулик алпозда хайрихоҳ боқди. Сўнг қизиксиниш билан ёвлар бир-бирларини кузата бошлади. Ажабки, ёғий қайиғида иккита қиз ҳам бор бўлиб, улардан бирининг кийими ва бошига кўндириб олган ярашиғлиқ қалпоғининг бежирим тўқасидан ҳаммаси аён: у, хойнаҳой, қабила сардорининг қизи. У жуда ҳам гўзал қиз эди!..

Бошқа пайт бўлганда бундай қимматли ўлжани қўлга киритиш учун тўртовлон бошларини кундага қўйишга ҳам тайёр бўлиши ҳеч гап эмасди. Аммо ҳозир... Ҳозир улар негадир қилт этишмасди. Афтидан, шу тобда уларнинг бир-бирларидан минг чандон, миллион чандон бошқа хавфли душмани бўлиб, унинг оти – ум-




мон, куюк туман ичра беркиган бепоен ва но-
маълум дунё эди! Окёнус қаршисида, унинг сир-
ли-гизли кудрати қаршисида қайиқдагиларнинг
бир-бирларига бўлган ёвлиги жудаям арзимас
ва майда туюларди, айни дамда. Буни ҳеч ким
ҳатто хаёлига ҳам келтирмагандир балки, бироқ
ушбу маъно ҳамманинг ботинида, хув ичкари-
да бир жойда бош кўтариб, ўзини сездирган
ва балиқчилар шу маъно тўрига асир тушиб
колган эди. Фақат тўртовлон орасидаги ёш
ва келишган йигитнинггина кўзлари эҳтимол
бошқа маъно билан чарақлар, у қизга тикил-
ганча, эҳтимол, қизнинг гўзаллиги тўрига асир
тушганча, атрофни, туманли уммонга банди
оламни унутгандек паришон кўринарди...

Аллақанча фурсат ўтганига қарамай, икка-
ла қайиқдаги эшаклар ҳам ишга солинмади.
Келиб урилган қайиқ ўзининг сезилар-сезилмас
харакати билан секин, жудаям секин сурин-
ганча йигитнинг қайиғидан узоқлашди. Бунга
яна остда билинар-билинемас «нафас олиб ёт-
ган» уммон ҳам ёрдам бериб юборди, шекил-
ли. Аммо йигит билан қиз бир-бирларидан кўз
узишмасди. Биласизми, шу қисқа фурсат мо-



байнида улар дунёнинг ҳамма тилларида гаплашиб улгуришди, десам, балки сиз ишонмасиз, аммо бошқа томондан, сизнинг аклингиз бовар қилмайдиган ҳамма нарса бекор гап дегани эмаслигига мен иймон келтираман. Шу ғайритабиий ишончга таяниб яна айтаманки, йигит ва киз чақмоқ умричалик фурсат қўйнида бир-бирларини ёктириб улгуришди, кейин... кейин бунинг хомхаёл эканлигини ҳам алам билан кўнгилларидан ўтказишди. Ахир, дунё бутунлай тескарисига айланиб кетмаса, бу икки ёшнинг – қабила бошлиқларининг ўғли ва қизининг қачонлардир бирга бўлишлари ҳақида ўйлаш учун киши тентакроқ бўлиши керак! (Астағфируллоҳ! Яхшиси, тағин Худо билади, дейлик...) Ахир, улар икки юзкўрмас ёвнинг фарзандлари, қабилалар ўртасидаги адоват эса минг йиллардан буён давом этиб келаётган бўлса, айтинг, яна нималарга умид боғлаш мумкин?!..

Бу ёқда сиз билан биз шундай ўйлар гирдобида айланарканмиз, у ёқда ёв қайиғи балиқчилардан олислаб, туманлар ичра тамоман




кўздан йўқолди. Гўё умуман бўлмаган каби йитди-кетди...

Шундан сўнг учовлон ўзларини анчагина хотиржам тутди. Фақат сувдан тортиб олинган ёш йигит чаккасидан уммоннинг шўр сувлари томчилаётган туманрангли хаёлларини яна худди шундай туманзорнинг пардасимон деворларига осиб қўйди гўё...

«Тутқунлик»нинг учинчи куни туманнинг оқиш пардаси сўкилиб, қуёшнинг заррин, аммо хали анча заиф нурлари қайиқда ўтирган уч давангир эркакнинг тунд юзларини кучсизгина ёритди. Шу ҳамоно балиқчилар ҳаракатга тушишди: индамай туриб эшкакларини қўлга олишдию ойдинлай бошлаган атрофга бокиб, йўлларини аниқлашди. Кўп ўтмай эса манзил сари дадил сузиб кетишди. Сузиб боришаркан, чор томонга ҳадиксираб қараб-қараб қўйишар, гўё бу таврлари билан куни кеча рўпараларидан туйқус чиқиб қолган ёв қайиғига такрор дуч келиб қолмасмиканмиз, дейишар эди...

Фақат энди ёш йигитнинг чехрасида чексиз миннатдорчилик туйғулари аксланар, оролдан




бир учи осмонларга туташиб кетган уммонга
илк сафаридан бағоят бахтиёр кўринарди...

ИККИНЧИ САФАР

1

Ниҳоят, улар Оролга етиб келишди.


Орол катта эмас, бир чимдим лоф кўшиб айтадиган бўлсак, баланд бўйли чопагон одам бўлсаю бор кучини тўплаб у бошидан бу бошига қараб бир югурса, чарчашгаям улгурмай, майдони адо бўлади-колади. Албатта, ўртадаги тоғ масаласи бор. Шу ерга келгач, найнов чопағонимиз оз-моз тер тўкиши керакдир, эҳтимол. Ҳа, майли, нима бўлгандаям, сиз мени тушундингиз, дўшпидек бир Орол-да. Аҳолиси ҳам шунга яраша: бир ховуч дейсиз. Лекин шу бир ховучгина одам ҳам ҳафсала қилса, бир-бирига душманлик қилишни эплар экан-эй: улар икки қарама-қарши гуруҳга бўлиниб олишган, нақ ўт билан сув денг. Гўё душманлик ишисиз зерикиб ўлишадигандек. Емишлари Оролдаги ўрмон жонзотларию яна хадсиз-худудсиз уммон бағридаги балиқлар. Бўлди...




Кексаларнинг айтишича, улар қачонлардир номаълум бир ёқдан Оролга кўчиб келишган экан. Улар эмас, уларнинг қадим аجدодларида! Орадан неча-неча асрлар ўтиб кетганига қарамай, душман қабилалар ўзларининг кўп эски бобосию момоси бир эканлигини яхши билишади, лекин не ёзиққи, ўзлари бир тану бир жон бўлишолмайди. Ҳатто гуруҳнинг бахшию оқинлари ҳам бу ҳақда гоҳ куйлашади, гоҳ йиғлашади. Лекин уларга онда-сонда кулок соладиган топилмаса, йўриқларига юрадиган қайда?.. Бахшиларнинг куйлашича, оролга улар кўпчилик бўлиб эмас, балки бор-йўғи икки киши бўлиб, бир йигиту бир қиз бўлиб келишган. Ҳозиргилар ана ўшаларнинг авлодлари. Фақат ҳеч ким билмайдики, улар қаердан келишдию нега келишди, яна нима учун айнан икки киши бўлиб?..

2

Буни қарангки, бу беш кунлик дунёда бир ўтовда бирпас баробар ўтира олмас ёвларга айланган тарафлар қачонлардир эту тирноқ каби инок бўлишган. Вақтлар ўтиб кўпайишдию



ўртадан меҳру окибат кўтарилди: ҳеч жойга сизмай, ўзаро низою нифокқа ружу кўйишди. Натижада уруғнинг етакчилари каттакон қабилани иккига бўлиб ташлашди. Шундан кейин Оролдагиларнинг ўзларини тутишидан кийинишидан тортиб, гап-сўзларини қилиғиғача, кўйингки, борлиқ туриш-турмушиғача ўзгара бошлади. Яъни ҳар бир гуруҳ бир-бирларидан фарқли, бошқа эканликларини ҳуда-беҳуда пеш қиладиган бўлишди. Асрлар ўтиб эса ҳақиқатан ҳам шундай бўлди ҳам. Уларнинг шаклу шаймоилию рангу рўйиғача яхшигина турфаланиб қолди. Икки қабиланинг элчилари ўрни келса, бир-бирлари билан тилмоч орқали тиллашадиган ҳолларга тушишди. Аммо Орол аҳолиси ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган, керак бўлса, уларнинг тақдирини ҳал қилган балои азим бошқа ердан чиқиб келди. Қабилалар ўртасидаги душманлик шу даражага бориб етгандики, улар ўз нафратларини ва айни чоғда, ўзларининг ёғийдан устунликларини ҳар куни, ҳар лаҳза изҳор қилиш йўлларини қидириб қолишди. Табиийки, кунда уришиб бўлмаслигини улар яхши билишар эди. Тўғри-да, каталакдек жой-




да, бир тўда одам билан Худонинг берган куни жанг қилиб бўлармиди? Лекин ўйлаб кўришса, рақибликнинг бошқа йўллари ҳам бор экан: ўз кучу қудратингни кўз-кўз этиб, душманнинг ҳасадини келтириб, ичидан емиришнинг завкига нима етсин!..

3


Шундай қилиб, тошдан ҳайкал йўниб, уммон сувлари урилиб турган соҳилга ўрнатишни қиз тараф бошлаб берди. Йигит тараф бўлса ҳайкални овдан қайтаётиб кўриб қолди. Кўрганларини қабила бошқонларига оқизмай-томизмай, миридан-сиригача айтиб берди. Кўп ўтмай, йигитнинг қабиласи томонида ҳам шунга ўхшаш, фақат қиз тарафниқидан андак баланд ҳайкал қад ростлади. Тахминан, шунча фурсат оралатиб, қизнинг соҳилида учинчи ҳайкал пайдо бўлди. Фақат у наригилардан баландрок ва кўркемрок эди... Гапни чўзиб нима қилдик, ўзингиз фаҳмлаб олганингиз каби, Оролда ҳайкал ўрнатиш мусобақаси бошланган эди.

Ҳар қайси қабила ўз улугига бағишлаб ҳайкал ўрнатарди. Ҳайкал бўлгандаям энг аъло, энг




расо тошдан денг. Фақат, курғур, уни ўрнатиш учун жуда кўп ёғоч керак бўларди. Чунки тош бошқа, ҳайкал ўрнатиладиган макон яна бошқа жойда жойлашгани боис сўлоқмондек офир юкни ташиш фақат ва фақат ёғоч орқали амалга ошириларди. Шунинг учун ҳам ҳар икки томонда ўрмонлар шиддат билан кесиларди...

Йиллар давомида ҳар бир уруф томонидан ўнлаб шундай ҳайкаллар тикланди. Ҳар бир уруфнинг ўз сайлгоҳи бор бўлиб, ундаги ҳайкаллар сувга қараб туришарди. Уммонга ов учун чиқишганда улар бир-бирларининг ҳайкалларини томоша қилишар, чамалашар, солиштирар, қайтиб келгач эса, ундан-да адл, ундан-да савлатдор ҳайкал йўнишга киришиб кетишарди. Ҳа, Орол аҳли ҳамма нарсани унутиб, тошдан ҳайкал йўнишга муккасидан берилган эди. Аслини олганда-ку, ҳайкал ясаш чўт эмасди уларга. Оролнинг ярми ўрмон, ярми улкан тошлардан иборат ясси тоғ эди. Тўғрироғи, тоғ оролнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, чор томони қалин ўрмонзор билан қопланганди. Бундай қулайлик уларга ҳайкал ясашнинг мислсиз им-



конларини яратган, улар ҳам шу ишга бошлари билан шўнғиб кетишганди.


Ҳайкални улкан, яхлит тошдан ўйиб ишлашар, тайёр бўлгач, ўрмондан дарахтларни кесиб, махсус ёғочлар ёрдамида уни белгиланган жойга судраб келтиришар, тиккалаб ўрнатишар, сўнг яна беҳисоб ўтин ёкиб, уни қутлашар, атрофга, тўғрироғи, ёғий назарига кўз-кўз қилиб завқланишарди. Бунга жавобан, сал ўтмай, рақиб томон ҳам худди шу ишни такрорлаб, ундан-да баланд, ундан-да хашамдор янги ҳайкал ўрнатиб, юзлаб дарахтларнинг саржинлари эвазига ёвнинг хирсу хасадини кўзгаб, олов теграсида ҳафталаб рақсга тушиб, кийқириб шодланишарди. Бир қарасангиз, Орол халқи фақат шу иш билан бандга ўхшарди. Одамларнинг оғзидан битта сўз – ҳайкал, ҳайкал, ҳайкал тушмасди. Урушлар тобора авж олиб, юзлаб оролликнинг ёстиғи қуриб қолганига қарамай, кин ва адоват баралла давом этар, янги туғилган чақалоқларга ҳайкалларнинг исми, ҳайкалларга эса жангда ўлган қахрамонларнинг номи бериларди. Шундай қилиб, ҳаммаси бир ерда, битта



Оролда, Оролдаги хайкаллар атрофида айланарди: хаёт ҳам, хаёл ҳам, орзую армон ҳам...


4

Бора-бора эса ўрмон камайиб кетди. Душман кабилалар ўзиники қолиб, ёғий худудидан дарахт ўғирлашга киришишди. Натижада бир душманлик ўнга етиб, бир-бирларининг устига қўшин тортиб келишлар авжига чиқди. Нихояси йўқ тўкнашувлар оқибатида ўртага тикилган девор, деворга қўшилиб ён-атроф, бутун орол пайхон бўлиб борар, адоқсиз қирғинбаротдан сўнггина яна маълум муддат, шундаям нафас ростлаш учунгина тин олинарди. Бу вақт мобайнида ер билан битта қилинган девор қайта тикланар, ўликлар дафн этилар, майдонлар наридан-бери тозаланарди. Ўрмон камайгани сари ундаги хайвоноту наботот, парандаю даранданинг ҳам мазаси қочганди. Хайвонлар сўйилиб ё қирилиб соб бўлган, қушлар эса бу хосиятсиз Оролдан чор томонга учиб, жон сақлардилар. Одамлар... Улар оч қолиб, оч қўзларини сувгагина тикиб, поёнсиз уммон ҳады этадиган неъматгагина умид боғлаб кун ўтказадиган



холларга тушишди. Ана шундай талатўпларда денг, илгарин камнаморок, камсуқумрок бўлган каламушлар бирданига хар ёкни мўри малахдек босиб кетганини хеч ким пайқамай хам қолди. Жирканч махлукчалар қуруқликда, сув бўйида, ертўлаларда, хатто одамлар яшайдиган канаю ўтовларда хам эмин-эркин кезишаверадиған одат чиқаришди. Очин-юпун қабила аъзолари уларни тутиб, оловда пишириб ейишдан-да тап тортишмасди. Лекин шунча кўргиликлар етмагандек, тақдирнинг балою қазоси янглиғ Оролга ўлат деган касофат тарқалди. Омонсиз урушлардан мўъжиза туфайли омон қолган кишилар энди ёппасига қирилиб кета бошлади. Тош йўнадиған, тайёр хайқални судраб, белгиланган жойга обориб ўрнатадиған азамат қолмади, ҳисоб. Аммо бу не шўришки, қолган-қутган шугина дилдираған тирик жонлар хам кечаю кундуз биргина иш – тош йўниш билан машғул эди! Хайқал дарди билан андармон эди уларнинг бари...


Ахвол танглашиб, ўзининг ҳади аълосига етганида қабила вакиллари хатто бир-бирларини тутиб олиб ся бошлашди. Аммо не тонгки, шунда хам тирик юрганлар, юришга ҳоли ет-



ганларки бор, хар куни хайкал дарди билан уйқудан уйғониб, ўртадаги ягона тоққа чиқиб боришар-да, кош қорайгунча бағирларини харсангларга бериб ишлашар эди. Шу ерда, улкан тошлар устида холдан тойиб, ҳушидан кетиб ва ё жони чиқиб думалаб қолганларнинг саноғига етган йўқ. Лекин ҳеч ким уларга алоҳида эътибор қилмас, ўлганларни пастга судраб бориб, умумий чуқурга ташлаб, устига бир сидра тупроқ тортиб қўйишарди-да, тагин тоққа қараб ўрмалашарди. Бора-бора шундай кунлар келдики, қўлига қиличу найза олиб жангга кирадиган жангчининг ўзи қолмади. Қолган-қутган кишики бор, барининг қўлида санг тарошлайдиган асбоби йилтилларди...

5


Қуёш чикди, қуёш ботди, орадан яна бир йил ўтди. Бу йил ясси тоғда ўрмалаб юрганларнинг ҳам изини қуритди. Оролда бир неча юз одамгина ивирсиб қолди. Ҳа, Оролнинг холи хароб эди: еру кўкдан офат устига офат, зиллат устига зиллат ёғилиб бўлганди. Бас, ўртадаги деворни қайтадан тиклашга ҳам



кучларию хушлари йўк эди энди. Урушадиган зўравоннинг уруғи қуригани учун ҳам душман қабилалар бемалол бир-бирлари томонга ўта бошлашди. Шундай бир пайтда уруғларнинг улуғлари музокара олиб бориш вақти етди, деб ҳисоблашдию йигит томондагилар қиз томонга «ташриф буюришди».

Атроф-жавониб минг йил давом этган уруш майдонини эслатарди. Оролни ярадор қасалларнинг оҳ-воҳларию бойқушларнинг совуқ товушлари босиб кетганди. Нафсиламрини айтганда, ҳар икки томонда ҳам бунга эътибор берадиган кўнгли бўш одамнинг ўзи қолмаганди, ҳисоб. Ҳамманинг тинкаси қуриган, дийдаси эса хайкал йўниладиган тошдек қотиб кетганди. Лекин шунча вақтдан бери икки томоннинг қулаган девор узра илк бор бир-бирининг тупроғига беҳадик оёқ қўяётгани кишини барибир ажаблантирарди...

Йигит тараф ўзлари билан қалин муқовали, катта бир китобни ҳам ола келишганди. Кириб ўтирадиган бутун ўтов қолмаганидан улуғлар ташқарида, очик осмон остидаёқ айлана бўлиб, кесилган дарахт тўнкаларига омонат чўкишди.



Хамманинг нигоҳида сўнгсиз мусибат аранг на-
фас оларди...


Оқсоқоллар кискагина кенгашишди. Нафси-
ламрини айтганда, тортишадиган нарсанинг ўзи
қолмаганди. Худди оролда ейдиган озиқу кия-
диган кийимнинг, таналарда ҳаракатланади-
ган мадору рухларда яшайдиган қурбнинг соб
бўлгани каби...

Йигитнинг отаси китобни очиб бир жум-
ла ўқиди. Бунга жавобан қизнинг падари буз-
руквори ишора қилганди, унинг ҳам қўлига
бир китоб келтириб тутқазди. У ҳам китоб-
ни очиб, бир жумла, атиги биттагина жумла
ўқиди. Ҳар икки томон «маъқул» дегандек бош
кимирлатишди.

Шу билан сулҳ мажлиси кўзғалди...

УЧИНЧИ САФАР


Уч кун ўтгач, икки қабиладан омон қол-
ган кишиларнинг ҳаммаси соҳил бўйига тўпла-
нишди. Сўнг бутун бошли Оролда сузишга
яроқли бўлган биттагина қайиққа ҳар қабила
ўз вакилини ўтказди. Афтидан, келишувга би-



ноан ҳаракат қилинаётган эди. Буни қарангки, улар, ҳар икки қабиладан танланган вакиллар ўшалар, ўша йигиту ўша қиз бўлиб чиқди!..


Йигит ҳам, қиз ҳам дунёга келибдики, кўрганлари уруш эди. Лекин энди кўрингки, чорасизлик икки юзкўрмас қабила бошқонларини муросаю мадора қилишга мажбур қилиб қўйганди. Улар тешилмай, ёқилмай қолган охирги бут қайиққа бирлари ўғлини, бошқалари қизини ўтқазиб, тақдирга ҳавола қилишдан беҳроқ чора топишолмади, водариф! Ҳатто жигарбандларининг қўлига бир мисқол бўлса-да, егулик тутқазилмади. Фақат бир неча кўзада сув, олов ёқиш учун чакмоқ тош беришди, холос. Яна тўр ва кармоқ. Бас!.. Йигит ва қиз хешу тобор билан не бир аҳволда видолашиб, чор-ночор қайиққа ўтиришаркан, юраклари хавотирга тўла эди. Балким ботинларининг қай бир кунжида милт-милт этиб умид чироғи ҳам ёниб турарди...

Йигит ҳам қиз Оролдан узоқлаб сузиб боришаркан, беихтиёр ортларига қайрилиб қарашдию тахтадек қотиб қолишди. Не тонгки, уларни соҳилда қатор бўлиб хайкаллар қузатиб



қўйишаётганди... Ва... ва барчасининг юзлари-
да намоёишкорона захарханда муҳрланганди...
Хайкаллар душманни масхара қилиш учун атай
шундай – юзларида аччиқ кулгу билан тарош-
ланганди. Шунда... шунда йигит ва қиз бир
нарсани тушуниб етишди. Оролдан айрилиш-
ганда, ундан узоқлашишганда аён бўлди бу
ҳақиқат. Шу чокқача тушунишмаган, уларга ҳеч
ким, ҳатто қабиланинг энг улуғлари, оқинлари,
арконлари ҳам лом-мим демаган ҳақиқат кўз
ўнгларида юз очиб турарди. У ҳам бўлса, хай-
каллар, шу кеккайган тошлар уларни ҳайдаб,
Оролга, уларнинг Ватанларига ўзлари ҳоким
бўлиб олишиб, энди маза қилиб устларидан
кулаётган, қаҳқаҳа отишаётган эди...


Йигит ва қиз оролни айланиб сузишди: хай-
каллар ҳар ерда, митти Оролнинг ҳар бир
одимида аскардек саф тортиб туришарди. Гўё
энди бу орол уларнинг ўз Ватанларига айлан-
ган, энди у ерга одам тугул куш ҳам учиб
ўтолмасди гўё. Бинобарин, йигит ва қиз энди
бу Оролга абадулабад бегона бўлишганди, энди
у заминга қайтишолмасди, қайтишганда ҳам



Оролни гир айланиб ўраб олган ҳайкаллар сафини ёриб, ичкарига киришолмасди...


Энди йигиту қиз ҳаммасини билишган эди. Уларни бу ҳолга солган ёвуз куч уларнинг ўзлари эди. Ҳайкаллар ана ўша ердан, ороллик одамларнинг ўз ичларидан чиққан махлуқлар бўлиб чиқди. Аммо булар эмас, балки уларнинг ота-оналари, балки уларнинг ҳам ота-оналари... шу ҳақиқатдан вақтида воқиф бўлишгандами, балки тақдирлари бутунлай ўзгача кечармиди. Ҳаммасини тузатиш, канчадан-қанча қабиладошларининг жувонмарг кетган жонларини, Оролдаги сон-саноксиз паррандаю дарранда ҳаётини сақлаб қолиш мумкинмиди ўшанда... Аммо энди кеч, жудаям кеч... Энди буни йигит ва қиз билади, улар ҳамма сирдан хабардорлар. Фақат бу сир энди кимга керак экан?.. Балки Тангри ёрлақаб, уларнинг қайиқларини шундай бир ям-яшил оролга олиб чиқар-да, ҳаммаси яна бошқача бўлиб кетар, ким билади, дейсиз, нима бўлгандаям яхши ният яхши-да...

Яхши ният яхшику-я, аммо қани энди фақат ниятлар билан иш бита қолса. Битмайди-да. Бутун бошли иккита қабиладан икки нафар-



гина қолган бўлишларига қарамай, йигит билан қиз бир-бирларига ёвдек қарашиб, талай вақтни бой беришди. Аммо улар битта қайиқда эдилар, бинобарин, битта тақдирнинг ҳукмига ҳавола этилганликларини, ортда, ҳалокатга юз тутган қабилаларининг яккаю ёлғиз умидлари ўзлари эканликларини ич-ичдан англаб, ҳис қилиб туришарди. Туришарди-ю, на йигит ва на қиз юрак ютиб, минг йиллик адоват деворини бузиб ташлаб, нимадир дейишга, нимадир қилишга журъат қилишмасди. Йигит индамай эшкак эшиб, қиз бўлса, қайиқнинг йигитдан олисроқ четида сувга тикилганча номаълумлик қаърига оқиб боришарди...


Ниҳоят, йигит илк кадамни қўйди. У уришиб латтага ўралган аллақандай матоҳни авайлаб очди-да, қизга қараб «Бу – бизнинг китоб!» деди фахр билан. Шунда қиз ҳам қўйнидан шундай бир китоб чиқарди. Уларнинг бири осмон, иккинчиси эса замин рангида бўлиб, шаклу шамойиллари ҳам фарқли эди. Аммо ичини очиб қарашса, иккаласи бир хил, битта китобдек туюлди. Э, воҳ! Йигит ва қиз ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб, бир-бирларига



худди «ўнгимизми-тушимизми?» дегандек саволчан боқишди. Улар фаҳмлаб туришардики, неча минг йиллардан бери жикқамушт солишиб келган икки душман қабиланинг китоби бир бўлиб чиқиши мумкин эди! Кўзларига ишонимадими, ёнма-ён ўтириб олишиб, сузишни ҳам унутиб, узоқ вақт китобни синчиклаб титкилашди, варақма-варақ, мисрама-мисра солиштириб ўқишди, ҳа, шубҳа йўқки, китоблар ташқаридан ҳар на қадар ҳар хил бўлиб туюлса-да, моҳиятан битта, ягона тилда, ягона хаттот томонидан, хатто ягона сиёҳ билан битилган бир китобнинг иккита нусхаси эди... Лекин нега? Нима учун уларни ўқиганларнинг диллари доимо айри-айри бўлиб келди? Нега улар ўзаро тил топиша олмадилар?..

Туриб-туриб, йигитнинг жаҳли чиқиб кетди. Шартта қўлидаги китобни сувга улоқтирмоқчи бўлди. Шунда киз фавқулодда чакқонлик билан китобни йигитнинг қўлидан олиб олди-да, орқасига яширишга улгурди.

– Шошма! Балки уни биз, сен билан мен бошқатдан, тушуниб ўқиб чиқармиз? Айб китобда эмасдир, айб уни ўқиганлардадир, биз-



нинг, ороликларнинг китобга бўлган муносабатимиздадир, эхтимол?! – деди хаяжонланиб.

– Бундан нима наф? Ота-боболаримиз уларни минг йилдан бери ўқиб келишди, авайлаб, бутун умр ёнларида олиб юришди, лекин натижа, натижа нима бўлди? Бизми ўша лаънати натижа? Тушиб қолган холимизга бир карасангчи?.. Йўқ, оталаримизга ярамаган бу китоблар сен билан менга ҳам асқотмайди. Бас, шундай экан, улардан воз кечиш керак, тушуняпсанми, воз кечиш!..


– Хўш, воз кечдинг ҳам дейлик. Кейин-чи, кейин нима қиламиз?!..

– Кейин биз ўз китобимизни ёзамиз, эшитяпсанми, ўқиган одам амал қиладиган ўз китобимизни битамиз!..

– Қўлимизда шундай китоб бор-ку! Факат унга амал қилиш қоляпти, холос!

– Йўқ, улардан тезроқ халос бўлишимиз керак!.. – қўлини китобларга узатди йигит.

Қиз ортик эътироз қилмади. Аммо китобларни олиб тагин қайиқнинг нариги томонига бориб олдики, бу тадбир ҳар қандай жавобданда қатъийроқ жавоб эди. Йигит унга узок вақт



синовчан караб ўтирди. «Мен томонга ўтар, ёнимга келиб одамларни тўғри йўлга сололмаган китобларни кўлимга тутқазар ёки ўзи уммонга отиб юборар», деб кутди. Бироқ қанча фурсат ўтмасин, қиздан садо чиқмади. Алфозидан китобни берадиган эмасди қиз. Асло! Йигит унга яқинлашгудек бўлса, китоб билан бирга ҳатто сувга шўнғийдиган сиёки бордек эди унинг...

Туни билан улар шу тахлит ўтириб чиқишди. Ниҳоят, уфқнинг қуюқ қора пардаси сўкилиб, бобо қуёшнинг малла кокиллари секин-аста атрофни қоплай бошлагачгина йигит оғир кўзғалди, эшкакларни кўлига олди ва қайиқни ҳаракатга келтирди...

Ажаб эмас, тақдир ёрлақаб, улар ҳам бир вақтлардаги қадим аждодлари янглиғ зилол сувлари шарқираб оқиб ётган Оролга чиқиб қолишар-да, ҳаммасини бошқатдан бошлаб юборишар... Шунда, эҳтимол, албатта китобни қиз айтгандек қайтадан ўқишга, ўқиганда ҳам уқиб ўқишга тутинишар. Муҳими, ўқиб уққанларига риоя қилишар... Алқисса, у ерда ҳеч қачон уруш бўлмайдиган, ҳамма бир-бири билан аҳил

ва инок яшайдиган жаннатмонанд мамлакат барпо этишар...

Хаёлидан шундай ўйлар кечгани сайин биллагига ҳам қаёқдандир фйритабний куч келиб кўшилар-да, зўр бериб эшкак эшарди йигит. Ундаги ўзгаришни хис қилган киз, аста туриб унинг ёнгинасига келиб ўтирди...

Сафарнинг еттинчи куни деганда яна бир янги тонг отиб, қорамтир осмон олтинранг нурларга чулғанган маҳал, хув олисда, йигит ва қизнинг қайиғи сузиб бораётган томоннинг этагида, момик булутлар остида бир жуфт опнок куш нимадандир хабар бераётган каби чуғур-чуғур этганча, чарх уриб айлана бошлади...

2012






ЯХШИ ОДАМЛАР

Эрталабданок кўк юзида тўда-тўда кора булутлар пайдо бўлди. Тушга якин эса кор учкунлади. Аллабир вақтдан бери дераза каршисида хомуш ўтирган Иброхимнинг ичига совуқлик югурди, эти жунжикиб, чор-ночор кўзгалди...

– Секироқ айт, улгурмаяпман, – деди у сал ўтиб хотини билан телефонда гаплашаркан. Кейин китирлатиб узок-узок ёзди. Ниҳоят, ишини битириб, гўшакни қўйди-ю, рўйхатга караганча ўйга толди... Шу ўйчанлик билан хона ичида анча муддат ивирсиб юрди-юрди-да, пальтосини кийиб, ташқари чикди. Энди кор гупиллаб ёғарди. Моторни ўт олдириб, Кўкча томондаги дорихонага йўналди....

У ердан эса касалхонага ўтди.

– Қолгани йўфаканми? – сўради аёли хавотир тўла кўзларини эрига тикиб.



– Борликка борку-я, нархлари жуда киммат экан, пул етмай қолди, – хўрсинганча қор қоплаган скамейкага чўкди Иброхим.


– Вой, энди нима бўлади? – хитоб қилиб юборди Адолат.

– Шуларни бериб тур-чи, эртага бир иложини топарман...

Иброҳим уйга кайфиятсиз бир алфозда кириб келди.

Мактабдан ҳали қайтмаган ўғлига сули пишириб қўйди, ўзининг бўлса иштаҳаси йўқлигидан ошхона эшигини ёпди-ю, залга ўтиб, диванга узанди. Бирпас кўзларини юмиб ётди. Зум ўтмай уларни кескин бир тарзда очди – ўрнидан тура солиб, чироқни ёкди. Келиб диванни кўздан кечира бошлади, иккала қўлини мушт қилиб ўтирган ўрнини силкитиб, пружиналарини текширган бўлди: норози бир тарзда бурнини жийирди. Қаддини ростлаб ортига – курсиларга қаради: улар ўтирилавериб яғири чиқиб кетганди...

«Бу ўриндикларни ким ҳам оларди?» ўйлади. Кейин яна юра бошлади: аввал бурчакда турган, идишлар учун мўлжалланган қаҳва рангли




сервантнинг қаршисига борди. Обдан разм солди: бўёқлари ўчиб, қашқа бўлиб қолган икки-уч жойини силаб кўрди. Бирдан ортга тисарилиб, узоқдан талабгор-олувчи сингари синчиклаб қаради. Қарадию ҳафсаласи пир бўлиб, нари кетиб қолди... Кезиниб тўрдаги – уйга кўрк бағишлаб турган ягона буюм – телевизор қаршисида оёқ илди...

* * *

Зорикқанда сотилган матоҳнинг пули от билан туя бўлмас экан-да: ҳаш-паш дегунча дориларнинг хунук исмлари битилган рўйхат деган ўрага тушиб гулдур-гуп бўлди-қўйди. Шундай рўйхатлардан галдагиси қўлига тутқазилганда Иброҳим кўчага чиқди-ю, нима қиларини, қай гўрдан ўша савилни топишини билмай, гарангсиб қолди. Бирдан хаёлига дўсти тушиб, юзи ёришди. Ҳа-да, жўраси бор-ку! Шундай кунда қараб турармиди!..


Дарҳол машинасини ғизиллатиб, Қорақамишга елди...

Афсус, дўстининг уйда эканлигидан кўнглига тушган нашъа тунд булутлар орасидан бирров



юз очиб, сўнг ғойиб бўлган қуёш севинчидек омонат бўлди...

* * *




Хўш, бу ёғига нима қилади энди, умид қилган жойидан унмади-ку? Ишхона ҳам амаллаб кунини кўраётган бўлса, шу тобда у ерга пул сўраб бормок ғўрадан ҳолва битишга кўз тутмоқдир...

Иброҳим ҳушини тўплаб қараса, маҳалласига элтувчи тўғри йўл қолиб, шаҳарнинг эски жинкўчаларида адашиб-улоқиб юрган экан. Тавба, унинг бу ерда яшаётганига ҳам ўн беш йиллардан ошиб қолган бўлса-ю, қилиб юрган ишиничи... Ишонмайсизми, ана қаранг, яқин атрофда Иброҳимнинг оқ «Nexia»си бош сукмаган торкўча қолмади, ҳисоб. Шошманг-чи, нега у тўхтапти?.. Афтидан, ҳув анув кишилардан йўл сўрайди...

Шундай бўлди ҳам. Билониҳоя хаялланмади: машина манзилга элтувчи катта кўчага чиқиб олди, хайрият...

Кечкурун Иброҳим икки хонали, бир болохонаю яна шунча ошхонаси бор уйи бўйлаб



такрорий «саёхатга чикди». «Саёхат» асносида негадир хаёлига куйиб кул бўлган ўрмондан егулик кидириб урэн чопаётган йиртқич келди. «Йиртқичнинг бирон нима тополмаслигига акли етмас, лекин мен одамман-ку! Биламан-ку уйимнинг шипшийдаман эканлигини!» деди офриниб...

Бу орада у болохонадаги эски жавонларга терилган китоблар олдида турарди.

«Ким ҳам хозир буларни оларди?.. Аллазамонлар хазина бўлган китоблар энди ахлат-а?.. Йўк, хатто ахлат уюмининг ҳам кунда-шунда зиёратчилари бор. Китобларнинг-чи? Бугунги кутубхоналар гўё вабо таркаган қадимги юртлардек кимсасиз, каровсиз қолган... Эй худо-йим, бу юмалоқ дунё қаерга думалаб кетяпти?»

Бир умр емай-ичмай тўплаган китобларига энди кўрингки, ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўк экан. Э, воҳ!..

Иброҳим йиғламоқдан бери бўлиб у ердан чикди.

– Машина... машинани сотаман!.. – деди у ниҳоят тўғонни уриб кетган бебош сувдек юлқиниб...

* * *

Иброҳим тонг сахардан автоювиш жойига етиб борди. Лекин жудаям вақтли келган шеклли, дарвоза берк эди. Панжарадан ичкари мўралади – ғира-ширада зоғ ҳам кўринмасди. «Ҳалироқ келарман» деб ўйлади. Қолаверса, Адолатнинг ҳам розилигини олиши керак-да...

Қайтишда йўлакай нон сотиб олди. Уйга келиб чой кўйди, тухум қовурди. Шу чоғ телефон жиринглаб қолди. Газни пасайтириб, етиб боргунча уйқусираган Одилжон гўшакни кўтариб чиқиб келди.

– Ассалому алайкум, дада. Сизни сўрашяпти.

– Ваалайкум, болам. Бор, ювиниб чик, хозир нонушта қиламиз... – Кейин телефонга жавоб берди. – Лаббай...

– Салом, Ибо! Қалайсан? – Сотимнинг қувноқ овози янгради у тарафдан.


– Ваалайкум. Яхши... Ҳа, эрталабдан?

– Кеча ҳожатингни чиқаролмадим, хафа бўлмайсан...

– Қўявер. Бўлса бермасмидинг, дўстим...

– Хушхабарим бор...

– Қани-чи...



– Сенда Навоий асарларининг тўрт томлик лугати бориди-а?

– Ҳа, нимаиди.

– Зўр харидор топдим...

– Харидор... – ажабланди Иброҳим.

– Ҳа-да, турклар. Ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш учун келишибди. Мутахассис бўлишаркан.

– Ҳм... – кутилмаганда ўйланиб қолди Иброҳим.

– Нега бўшашасан? Пул керак девдинг, мана сенга тайёр пул – ўз оёғи билан келиб, эшигингни тақиллатяпти, – гижгижлади Сотим.

– Навоий лугатлари дейсанми? – ҳалиям довдираб турарди Иброҳим, – ҳм...


– Нега талмовсирайсан? Ҳей, уйқудан энди турдингми, дейман? – қизишди Сотим.

– Йўғ-а. Фақат бошқа китоблардан сўрасин, Сотим, – ялинганнамо оҳангда деди Иброҳим.

– Бошига урадими бошқа китобингни?

– Қайдам... – чайналди Иброҳим. – Сен айтган китоблар бизнинг нону тузимиз бўлса, қандай қилиб... – гапи оғзида қолди унинг.

– Эй-й-й, қанақа одамсан ўзи, тайёр оларман қўлида пули билан донасига йигирма дол-



лардан санаб турганда қайси одам бошқа нар-
саларни ўйлаб ўтиради, каллаварам!..

– Тўғри, Сотим, кечир мени. Фақат Наво-
ийни эмас-да, тушун, ахир...

– Майли, ўзинг биласан...

– Шошма...

– Нима яна?..

– Ўша чет элликларингга ҳар хил комусларни
таклиф қилсак-чи? Пул жудаям зарур...

– Қизиқсан-а, Ибо, сенга пул керак экан, деб
айтган китобингни олишавермайди-ку! Кейин
пишириб ейдими улар сенинг даври ўтган эн-
циклопедияларингни? Мундоқ ўйлаб гапиргин...


– Ҳа, рост, – зўрға овози чикди Иброхим-
нинг.

– Майли, омон бўл...

– Майли...

– Дада, қозон тутаяпти!.. – кичқирди Одил-
жон.

– Ҳозир... – Иброҳим шошиб ўчоқ бошига
борди. Ўғли у ерда эканига қарамай, тажри-
басизлигиданми, буруқсиб ётган қозонни нима
қиларини билмай оёғи қуйган товукдек турган
ўрнида типирчиларди. Иброҳим кела солиб газ-



ни ўчирдию йўталганча бориб деразаларни ланг очиб юборди.

– Вой, энди аямларга нима оборамиз?..

– Нега ундай дейсан? – дабдурустдан боласини тушунмади ота.

– Масалликнинг борини солган эдик...

Отанинг кўнгли алланечук бўлиб, ўғлини бағрига босиб олди.

– Хавотир олма, бир чорасини топармиз... – Иброҳим боласини сўз билан юпатар эди-ю, ичини ит тирмаларди: «Чинданам касалхонага нима кўтариб боришади энди?!»


* * *

Бўлиб ўтган воқеалардан дили хуфтон бўлиб ташқарига чиқиб кетган Иброҳимнинг вужуди ҳам шом қоронғисига кириб кўздан йўқолди...

Тун зулматию киш изғиринида алламаҳалгача тентирай-тентирай ахийри гўшасига музқотиб қайтиб келди.

– Ҳалиям ётмадингми?

– Уйқум келмади, – қўлида китоб билан эшик очган Одилжон кўзларини ишқади.



– Сизни кутдим, дегин, – Иброҳим кеч келиб ўғлига жабр қилганини тушунди. – Узр болажоним...

– Чой дамлайми?

– Йўғ-а, яхшиси, ёта қол... Эрталаб мактабга туролмай қийналасан.

– Хўп...

Иброҳимнинг кўзига уйку инмади. Туриб залга ўтди. Чирокни ёкмаёк ўриндикка оғир чўкди. Шу кўйи ўйланиб узок қолиб кетди. Кейин кўзғалиб розеткага суқилган телефонини олди.

– Алло, Адолат... Ваалайкумассалом. Ухламаганмидинг? Тинчмисизлар ишқилиб?.. Насима қандай?

– Ўшандай, дадаси... – сўлғин овоз келарди у тарафдан.

– Ҳм...


– Нима бўлди, операцияга пул топдингизми?

– Адолат... Адо...

– Эшитиб турибман сизни, дадаси...

– Йўқ демасанг, машинани эртага бозорга олиб чиқсам?..

– Йўқ!.. – кесиб деди аёл. – Шунча дўстларингиз бор, биронтасидан чиқмадими ўша ордона?!



– Қўй энди уларни... Ҳозир ҳаммагаям осонмас.

– Сизга неча марта айтдим-а, шу фирма ўлгурдан чиқманг, деб. «Ёзувчиман, ижод қилишим керак», деб-деб ахийри бинойидек жойни ташлаб, бир чимдим моянаси гоҳ бор, гоҳ йўқ институтингизга қайтиб олдингиз.

– Яна бошламагин, Адолат, – норози бўлди Иброҳим.

– Мана, натижа – фирмада ишлаб орттирган иккита матоҳингиздан бирини сотаманга тушиб колдингиз. Ёзувчилик этагини қўймасангиз, эртага уйданам ажраламиз-да, а?

– Бас, Адолат!..

Аёл шўрликнинг ичи тўлиб кетган шекилли, эрининг танбеҳларини эшитмасди.

– Фирмадан чиққанингиздан бериям бирон нарса ёзганингиз йўқ-ку! Қачон қарама, қўлим ишга бормаяпти, ёзолмаяпман дейсиз. Ёзувчиям одам – уй-рўзғоридан кўнгли тинч бўлмагандан кейин қўли қандай ишга борсин!..

– Адолат!.. Бўпти, машинани сотмайман. Бўлдими? Энди чакагингни ўчирасанми?

– Ўчирмайман...

– Уял, Адолат, уял!..

– Ким уялсин? Олдимда кизим ўлим билан олишиб ётибди, кимдан, нимадан уялай?..

– Адолат!..


– Нима Адолат? Сиз уялсангиз бўларди? Боқа олмасангиз, нимага уйландингиз, карай олмасангиз, нега фарзанд қилдингиз?.. Жонажон дўстингиз Сотимбой нима ёлғон тўкиди? Нега унинг олдидан қуруқ қайтдингиз? Ахир ёғлиқкина жойингизни унга бўшатиб бергандингиз-ку! Шуниям хотирини қилмадимми?..

– Яқинда уйини таъмирлабди. Ўзиниям учтўрт сўм қарзи бор экан, тушун...

– Иброҳим ака, Худо хайрингизни берсин, ахир бу чўпчак-ку. Ўша ерда ишлаган вақтингизда сиз ҳеч пулсиз қолганмисиз? Ўша Сотим аканинг ўзига қанча ёрдам қилгансиз, унутдингизми, лоқол ўша қарзларини узиб қўяй, демабди-да...

– Ҳа, энди бир пайтлар сенга ёрдам қилгандим, деб миннат қилайми? Ўйлаб гапир, Адолат!

– Нега энди фақат биз ўйлашимиз керак? Нега бошқалар бирон гап айтишдан олдин бизга ўхшаб етти ўлчашмайди, Иброҳим ака?!..



– Адолат, бас энди, илтимос. Ўзингни қўлга ол. Эртага ернинг тагидан бўлсаям пул тошиб бораман, хавотир олма...

Иброҳим оғир кўзғалиб, жавонга якин келди. Аскарлардек чиройли тизилган китобларга узок тикилиб турди-да, қўл узатиб улар орасидан тўртта яшил муковалисини ажратиб олди...

* * *

Эрталабдан ота-бола олдинма-кетин бўлиб уйдан чиқишди. Боланинг қўлида мактаб папкаси, отанинг бўлса китоб тўла халта.

– Иброҳим!

Иброҳим ўгирилиб қўшни подъездда яшайдиган, бозорда майда-чуйдалар сотиб тирикчилигини ўтказадиган Толиб акасини кўрди.

– Ассалому алайкум, ака.

– Ассалому алайкум, Толиб амаки!

– Ваалайкум ассалом...

– Дада, ўзим боравераман, – хитобига жавоб хам кутмай жадаллаб юрди Одилжон, – кеч қолмай тагин...

– Майли, эҳтиёт бўлиб бор.

– Йўл бўлсин, ука? Жа, кетишлар бошқача...

– Сизни кўрганим яхши бўлди, ака.

– Тинчликми?.. – хавотирланиб сўради Толиб.

– Ҳозир бир жойдан пул топдим, – Иброҳим кўлидаги китобларга ишора қилди, – лекин яна керак бўпқолса, машинани сотишга тўғри келади. Куни-кеча пул сўраганимда машинага жамғарганим бор, дегандингиз.

– Жуда соз, – деди Толиб мамнуният билан сийрак муртини силаб.


– Фақат аниқ эмас. Сотмай қолсам, гиналаб юрманг яна...

– Гапнинг эркакчасини айтгин, ука, – қошлари чимирилди Толиб акасининг, – сотасанми, йўқми?

– Ана, бошланди... Ака, ҳозирча йўқ. Мабо-до, зарур бўп қолса, аввал сизга хабар бераман, – Иброҳим бурилиб йўлида давом этаркан, Толиб сасланди:

– Барибир сотасан, ука, ҳозирги замонда китоб билан иш битадими?.. – энди ака кўрсаткич бармоғи билан уканинг кўлидаги халтага имо қилди...

* * *



– Сотим, дўстим, тушун, пул хаводек зарур бўлмаганда бу китобларни бозорга солмас эдим. Сотиладиган китоблар эмас, ахир булар!..

– Хўш, нима қил, дейсан? Ўзинг тунов куни дангал гап қилмадинг, мен хам уларга йўқ, деб кўйгандим.

– Бошқа чорасини кидириб кўрдим-да.

– Шунча кутдинг, бугунчаям сабр қил, ошна. Турклар Самарқанду Бухорони ётволиб томоша қилишмас, ахир. Бугун-эрта қайтиб қолишади.

– Бошқа йўли йўқми, Сотим? – дўстининг кўзларига жовдираб қаради Иброҳим. – Қизим операцияни кутиб ётибди...

– Тушунаман, – кўзғалди Сотим гап тамом, дегандек, – ахволингни жудаям яхши тушунаман. Лекин мендаги вазиятния кўриб турибсан-ку... – давом этди кўлларини икки томонга ёйиб. – Ўзимда бўлса, кўшқўллаб бермасмидим...

– Унда эртага хабар оламан, хўпми?..

– Ўзим сим қоқардим. Хай майли, келсанг, келавер...

«Ўтинаман, Художон, қизимни ташлаб қўйма!» дея тинмай пичирларди касалхонага равона бўлган Иброҳимнинг лаблари.

Ўзига умидвор тикилиб турган хотинининг дастига егулик солинган кичик тўрвани тутқаздию шошиб «Пул эртага бўлади» деди. Адолат чўчиб эрига каради, эътироз билдирмоқчи бўлибми, оғиз жуфтлади, лекин индамади. Шусиз ҳам дилтанг бўлиб турган умр йўлдошини аяди, чамаси. «Илойим, илойим» дея шивирлаганча ичкарига йўналди... Иброҳим бир муддат тек котди, кейин аста изига қайтди. «Қиш қаттиқ келди-я?» хаёлидан ўтди унинг.

* * *


– Дада, нега ёзмай қўйдингиз? – сўради Одилжон ёзув столига тирсак тираб хаёлга чўмган отасига яқин келиб.

– А?.. – ҳушига келди Иброҳим, – сенмисан, кел, ўтир болам.

– Авваллари туни билан ёзиб чиқардингиз?

– Қачон авваллари? – ўғлининг ўсиб кетган сочларини тўзғитди Иброҳим.

– Аввалларида – кичкинналигимда.



– Вой, буни қаранглар, – кулди дада. – Хозир каттамисиз? Хали ўн иккига тўлганингиз йўк-ку?..

– Яқинда тўламан, – фурур билан деди бола.

– Катта бўп қолган ўғлимдан ўргилай, – ота боласини кучиб қўйди. – Менинг ёзган пайтларим кўз ўнгингда қолибди-да, а? Баракалла.

– Лекин ёзмай қўйдингиз-ку? Хонангизга кирволиб соатлаб ўтирасиз энди...


– Ёзиб қоларман, ўғлим. Вақти-соати кеп қолар...

– Нима, кутиб ўтирсангиз келадими? – Хайрон бўлиб бошини кўтарди болакай. – Илгариям шунақа кутганмисиз?

– Кутганман, фақат сен жудаям кичкина бўлганинг учун эслай олмайсан-да.

– Ўзи қандай қилиб ёзасиз, дада? Ўтириб олиб тўқийверасизми? – боланинг жиддий тортган киёфаси бу ишнинг сирига росмана қизиқиб қолганидан далолат эди.

– Йўк-да, болам. Тўқийвермайсан. Аввалига яхши-ёмон одамлар билан яшаб кўрасан. Улар сенга ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотдиради. Шунда дам қувониб, дам қайғурасан. Вақтлар ўтиб



эса буларнинг барини унутасан. Лекин нима-лардир ёдингда қолади. Ана шу қолган нарса адабиёт бўлади.

Бола махлиё бўлган каби анграйиб эшитарди.

– Аслида, ўша қолганиям элакдан ўтказиш лозим.

– Элакдан? – ҳайрон бўлиб қаради Одилжон.

– Ҳа. Фақат бу элак аянгнинг ошхонасидаги элак эмас, – яна кулди Иброҳим. – У ёзувчининг ичида – юрагида, онгида бўлади. Саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб олдингми, демак, ёзиш учун хамиртурушинг тайёр. Ана шуларнинг ҳаммасидан кейин ёзувчи сен айтгандек, тўқий бошлайди. Тушундинг?

– Ўх-хўў. Осон эмас экан-ку?


– Дунёда осон ишнинг ўзи борми, болам...

– Дада, Насимани қачон операция қилишади?

– Худо хоҳласа, эртага.

– Эртага? Ҳм... – болакай бир зум ўйланиб олди. – Дада, дўхтирларга пул бермасанг, касални тузатишмайдами?

– Қаердан топдинг бу гапни?



– Аям айтди.

– Ундай эмас. Аянг ҳозир синглингга куйиб ўтирибди, нима деётганини ўзиям билмайди.

– Унда нега синглимни операция қилишмайди?

– Дори-дармонга озрок пул керак бўлади-да, серсавол болам.

– Дада, операцияга пулимиз борми?.. – Одил-жоннинг овози пастлаб кетди.

– Энди бўлади, болам, эртага бўлади, – ота ўғлининг елкасига аста қўл тегизиб, хонадан чиқди...

– Дада, – падарининг пешидан етиб келди валад, – дада, зарур бўп қолганда дўхтирлар олдин операция қилиб, кейин пулини олишса бўлмайдими?..


Иброҳим синчков ўғлининг юзига бир қараб олди-ю, оёқ кийимини кийиш учун энгашди.

– Ундай қилсаям бўлади, аслида... – деди каддини ростлаб. – Мен бир айланиб келай болам, қўрқмайсанми бир ўзинг уйда?

– Йўғ-е, ўрганиб қолганман-у...

* * *

– Сотим, бугун юз фоиз бўлади, дегандинг-ку!?.. – бўғилиб, қорайиб кетди Иброҳим.



– Ҳа, энди улар келишмаса, мен нима қилай? Ё Бухорога бориб кўлидан етаклаб келайми? Ўзи сенга ёрдам бўлсин деб балога қоладиганга ўхшайман-ку... Бировга яхшилик қиладиган замон эмас, ха!

– Китобни берганда омонат эди, дея пулини олиб қолмадингми? Билардинг-ку зарурлигини, Сотим!..


– Қайтганда ташлаб кетамиз, дейишди. Хўш, сенингча, нима қилишим керак эди? Арзимас пулни деб хорижликларнинг олдида изза бўлишим қолувди...

– Сотим! Менга қара, у ёқда кизимнинг жони қил устида турибди. Агар мени лақиллатаётган бўлсанг...

– Ҳе, уял-ей, Ибо!.. Гапираётган гапингни қара. Ўз оғзинг билан айтдинг, акамдан хемириям чиқмади деб. Туғишган жигаринг қилмаган яхшиликни қилай десаму эвазига нималар деб валдираяпсан?

– Неча кундан бери хали уни хали буни баҳона қиласан. Қизимга бир нима бўлса, акамниям, сениям соғ қўймайман!..

– Турқингдан туппа-тузук одамга ўхшаганинг билан қип-қизил ахмоқ экансан-у!..




«Сотим, китобнинг пулини кўятур, ҳеч бўлмаганда олган қарзларингдан бирини қайтарда, номард!..» хаёлидан ўтди Иброҳимнинг. Лекин юрак ютиб айтолмади... айтолмади... айтолмади...

– Тавба, тавба... Менга қара... – Сотимнинг гапи оғзида қолди, Иброҳим гўшакни тарақ этиб ташлади-қўйди.

– Кўрнамаклар!.. – сўкинди у телефонга тушугини сачратиб. – Ярамас-ҳезимкашлар! Ўзинсон зоти яшашга ҳақли эмас, ҳаммасини – ҳаммамизни ер ютса яхши. Тезроқ қиёмат кўпишини истайман, Оллоҳим, қиёмат кўпишини!..

Иброҳим нима қилишини билмай депсиниб, у хонадан бунисига ўтди, бесамар кезиниб-суринди. Ниҳоят, болохона томонга бориб деразадан пастга боқди. У ерда кучукчаларини ўйнатиб юрган бола-бақралар, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган тўрттами бешта кампир, нарироқда эса дарахтни бир қўли билан қучган кўйи ер билан битта бўлиб ҳушсиз ётган пиёниста чол кўзига ташланди. «Қара, – деди ўзига-ўзи овоз чиқариб Иброҳим, – қизаловимнинг дугоналари яшаяпти, ёшлари саксондан ошган қариялар



яшаяпти, айтишларича, йигирма-ўттиз йилдан бери тинимсиз ичадиган, ичиб кўчаларда «учиб» қоладиган мункиллаган чол яшаяпти, лекин нега келиб-келиб менинг Насимамнинг мурғак жонига ўлим хавф солади, нега, нима учун?!.. Қурт-қумурска, илон, чаён... улардан да баттар Толиб акам ва дўст саналмиш Сотимлар ҳам яшаб юрган дунёда нега менинг маъсум гўдагим ўлиши керак?.. Эй кодир Эгам, додимни эшитаётган бўлсанг, жавоб бер!.. Нега, нима учун?!..».

Иброҳим ошиғич кўчага чикдию акасининг уйига йўл солди. Эшик кўнғироғини устма-уст босдиямки, ичкаридан садо келмади...


– Бу вақтда бизни уйдан кидириб эсингни еганмисан? – деди акаси Иброҳимни бозорда қарши олиб. – Ҳа, нима гапинг бориди?

– Ака... Ҳалиги...

– Қанча?.. – дабдурустдан сўради ака. Лекин зум ўтмай ўзи нарх айтди. – Уч ярим!

– Нималар деяпсиз, ака? Бозорда беш-олти мингга «мик» этмай олиб кетишади-ку!..

– Унда бозорга элт. Тўғрими, хотин? – Қутини очиб сигарет доналарини стол устига



эринмай битта-битта тизаётган, хомиладорлигидан хўппа семирган аёл ака-укаларга бир қараб кўйдю кошларини керди: қон-кардош жигар бўлсаларинг, акаси учун укаси уч-тўрт сўм ўтиб берса, асакаси кетмасиди...

– Ака, қачон бозорга элтаману қачон пулини оламан, майли, сиз тўрт ярим беринг-у ола қолинг, розиман, – титраб-қакшаб деди Иброҳим.

– Вой-вой-вой! Пулни хазондек кўчадан супуриб тўплаётганимиз йўқ, ука. Ўша айтганимга хоҳласам ҳам бир доллар кўшолмайман. Қўшадиган холим йўқ...

– Бўлмаса, ўша пулингиздан тўрт-беш юзини қарз қиб туринг, ака! Тўй-томошага сўрамаяпман, ахир!..

– Яна ўша гап. Сенга неча марта айтиш керак ўзи, иним, – Толиб бўйнига солинган дурраси билан пешонасини артди, – қарз хайрли иш эмас.

– Бозор куни машинани сотаману пулингизни келтириб бераман, а? – Иброҳим умидланиб, акасининг юзига термилди.

– Бўлмайди. Машина олмагунимча у пулларнинг тахи бузилмаслиги керак, – Толиб қиш

бўлишига карамай, торгина дўконнинг диққи-нафасида терлаб кизариб кетган бакбақаларини елпиди.


– Нега ака, нима учун?..

– Ирими шунақа, хафа бўлмайсан... Кен-нойингни туғруқхонадан ўз машинида олиб чиқишим керак. Сўз берганман... Тирноққа зор бўлган акангни тўғри тушун...

Иброхим оғасининг кўзларига узок караб қолди, афтидан ундаги асл маънони ўқимокка, тушунмоқка тиришди. Не ажабки, уққанлари ботинида кўтарилиб келаётган бўрон шиддатини босмас эди, йўқ! Акаси – бир вақтлар жону жигари бўлган оғаси энди бегонага айланган-ди... Э вох!...

Нима қиларини билмай қолган ука ахийри, «Э-э, садқан ака кетинг...» дегандек қўл силтаганча бурилиб ташқарига чиқди-кетди.

Машинасини учиртириб касалхонага бораркан, юраги зардобга тўлиб бораётганини ҳис қилди, ҳа деганда «қулт-қулт» ютинди, бўғриқди, оғриниб нафас олди: «Одамларга нима бўлган ўзи? Бири болаликдан қадрдон дўстим, бошқаси туғишган акам бўлса!.. Бунча-




лар ўзгариб кетмаса булар?.. Ёки мен уларга бирон ёмонлик қилганмидим? Бэ-э-э, қандай ёмонлик? Яхшилиқнинг номи ёмонлик бўлган бўлса, балки... Бирининг қора кунларида дастак бўлдим: қарз бердим, ўзимнинг ўрнимга қўшимча ишга қўйдим, бошқасига бозордан жой гаплашиб бердим, эру хотинни уйимга рўйхатдан ўтказдим... Шуми қайтган оқибат?.. «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган мақол қайга кетди? Нахотки, бутун бошли халқ ҳам адашса?.. Ёхуд мақоллар ўзгарадиган замонми бу?..»

Туриб-туриб Иброҳим ўзидан ҳам ғашланиб кетди: «Ишим юришмаган сари миннатим ортиб бораяптими? – деди ўзига-ўзи пичирлаб, – бу тўғри эмас. Қилган яхшилигини унутмаган одам яхши одам бўлмайди. Эҳ, бормикин ўзи бу дунёда ўшалар – яхши одамлар?..»

Кейин «лоп» этиб Иброҳимнинг хаёлига аёлининг ўзига бот-бот айтгувчи гапи тушди: «Дадаси, сиз ёмон одам эмассиз».

– Ха-ха-ха, – кулиб юборди Иброҳим рулни касалхона дарвозаси томон буриб. – Мен ёмон одам эмасман. Лекин шу ёмон бўлмаган нусха билан яхши одам ўртасида еру осмонча фарқ



борлигини билмайманми?.. Қайда яшар экан ўзи ўша... яхши одамлар, қизик...

* * *

– Қанақа отасиз ўзи? – тутақиб кетди Адолат. – Қайси юз билан бу ерга пулсиз келдингиз? Тополмагандан кейин сотасиз-да машинани? Сўраб ўтирасизми?.. Болангизнинг жони ўша савил операцияга боғлиқ бўп турганда одам ҳам бир темирни сотайми-йўқми, деб, хотинидан рухсат олгани келадими? Эркакмисиз ўзи?..

Қани энди керак бўлганда ер ёрила қолса. Кўкдан чакмоқ тушсаю Иброҳимни куйдириб кул қилса... Йўқ-да. Ер – қаттиқ, ёриладиган «кайфият»да эмас. Чакмоқ... Эҳ, қишнинг кунида чакмоқ нима қилсин?..

Иброҳимнинг бўлари бўлди: бошидан бир челак муздек сув куйиб юборишгандек сезди ўзини. Қийналди. Хотини ҳақ. Қизалоғининг – кўзининг оқу қорасининг ширин жони қилкиллаб турганда машинани дард қилиб кўтариш мумкинми?..

* * *

– Алло, ассалому алайкум! Дада, қаердасиз?
– Ваалайкум ассалом, ўғлим. Йўлдаман. Ни-
майди?

– Дада, ҳозир вақтингиз борми, ота-оналар
мажлиси бор эди. Синф раҳбари қатнашиш
шарт, деяпти, – айбдорона овозда сўзлади бола.

– Ўзинг қаердасан?

– Қўшимча дарсим бориди. Мактабдан энди
чиқдим, дада.

– Ўша ерда тур, ҳозир етиб бораман, –
Иброҳим машинани мактабга элтувчи йўлга
бурди...

– Бошқа фанлардан ўқишинг чакки эмас
экан-у, адабиётдан чаток дейишди, тўғрими
шу? – сўради ота ўғлидан мажлис тугагач,
уйга қайтишаркан.

– Ким айтди, – сўради кулиб Одилжон.

– Нега куласан? Ота касбига муносабат
шуми? – норози оҳангда гапирди Иброҳим.

– Битта фандан холос-ку, дада! – жиддий
тортди Одилжон.

– Нега энди келиб-келиб адабиётдан ёмон
ўқияпсан, болам? – кутилмаган янгиликдан

отанинг бир энсаси қотса, бир жаҳли чиқа бошлади. – Нимаси қийин?

– Билмасам... – очик гапиргиси келмагандек деди ўғил. – Қўлимдан келганча ўқияпман.

– Математика, физика, чет тили... ҳаммаси аъло, – тобора хиддатланиб борарди Иброҳим, – нега энди биргина адабиётдан расво? А, нега?..

– Дада, кўнглингизга олмасангиз айтаман, – деди овози титраб Одилжон.

– Айт!..


– Хафа бўлмангу... адабиётни ёмон кўраман... – ўғил отага бир қарадию кўзларини ташқарига олди.

Иброҳим «Хап, сеними...» деб «шўртумшук»нинг жафига яхшилаб туширгиси келди-ю, эндигина ўзига боққанда кўзларида йилтиллаган ёш уни тўхтатиб қолди.

Улар анча муддат мум тишлаб боришди. Ниҳоят, ўзини қўлга олган ота босиқ оҳангда гап қотди:

– Бунинг сабаби бордир, ахир, Одилжон?..

Талай вақт мобайнида ўғилнинг оғзидаги толқон эримади. Бовужуд бирдан ёрилди:



– Оиламиздаги ҳамма балога адабиёт сабабчи... Агар сиз ёзувчи бўлмаганингизда синглим ҳам аллақачон тузалиб кетарди... – Одилжон бирпас жим турди-да, секингина қўшиб қўйди, – ичимдагини айтдим...

– Аянг ўргатдими? – бақирди ота жиғибийрони чиқиб.

– Йўқ... ўзим биламан...

– Бировни сотмаганинг яхши-ю, лекин адабиёт ҳақидаги фикринг нотўғри. Ўзингники бўлса-ям... – Туйқус ховуридан тушди Иброҳим. – Чунки бошимизга тушган кўргиликларда адабиётнинг гуноҳи йўқ...

– Дада, аям билан Насимани соғиндим. Эртага меням олиб боринг, – деди Одилжон мавзуни буриб.

– Албатта обораман-да, шунқорим, – кўнгли ийиб, ўғлининг сочларини силади ота. – Дарсдан неччида чиқасан?

– Тўртларда.

– Унда сени кечкурунги боришимда олиб кетаман, келишдикми?

– Келишдик...

* * *

Ота-бола машинани гаражга кўйиб, тўғри аканикига ўтишди.

– Ҳа, тагин нима гап? Шаштинглар бош-кача... – салом-аликдан сўнг пинфиллади Толиб.

– Пулингиз тайёрни?

– А?.. Ҳм... Ахийри кўнибсан-да?..

– Ҳа, – кесиб деди Иброҳим гапни чувагиси келмай.


– Қачон расмийлаштирамиз?

– Менга қаранг, ака!..

– Ҳа...

– Биз ахир бир қориндан талашиб тушган ака-укалармиз, сиздан пул олиб қочиб кетадиган ниятим йўқ. Пул менга эрталабга керак. Манавиндай зарур!.. – Иброҳим бош бармоғи билан бўғзини «чизди». – Шундоғам операция чўзилиб кетди. Боринг ана, беш юзини бера қолинг. Қолганини нотариусдан кейин десангиз ҳам розиман...

Толиб яна нимадир демокка оғиз жуфтладию фикридан қайтди. Қараса, укасининг авзойи бузилиб боряпти. Битиб қолган иш чип-пакка чиқиб ўтирмасин, тагин.




– Майли, ака-укачилигимиз хурмати, сенга ёрдам кила қолай, – Толиб ичкарига кириб кетди. Кейин ошхонада куймаланаётган хотинини ёнига чақириб олди-да, изидан эшикни гиппа ёпди. Хилватда маслаҳатга маҳси кийгизишди, шекилли, ярим соатдан мўлроқ вақт мобайнида кораларини кўрсатишмади. Нихоят, эшик очилиб, аввал қорни қапнайган кеннойиси, кейин акаси чиқиб келишди.

– Манавинга тилхат ёз, – укасининг қарши-сига бир парча қоғоз кўйди ака.

– Ака?.. – жаҳли кўзиди Иброҳимнинг, – ишонмайсизми, ўз уқангизга-я?..

– Расми шунақа-да. Нима, мен ўйлаб топибманми? Бор-йўғи икки энлик хат – фалончидан беш юз олдим, деган. Шунга ота гўри қозихонами?.. – чийиллади Толиб гунгурсдай гавдасига ярашмаган овозда.

Иброҳим юрагининг тез-тез ура бошлаганини – ўзини қўлга олмаса, нимадир содир этиши мумкинлигини сезиб кўрқиб кетди. Дархол, хушини тўпламоққа уринди: «Иброҳим, ўзингни бос. Пул хою ҳавасга эмас, операцияга зарур, эшитяпсанми? Эсингни йиғ-да, пулни ол...»



Акаси хоҳлаган тилхатни ёзиб бериб ташқарига чиқиб олган Иброҳим тоза ва салқин хаводан чуқур-чуқур симирди: «Ё кодир Эгам, Ўзинг ёрдам қилу қизаловимнинг азиз жонини сақлаб қол!..»

* * *

Тонг саҳардан юрагини ховучига олиб борган эрни хотин касалхона эшиги олдидаёқ қарши олди. Бояқишнинг рангида ранг қолмаганди, нажот илинжида чор томонга жавдираб боқарди.

– Чет элдан катта-катта дўхтирлар кебди. Кўргазмали операция қилармишлар. Қизимиз ҳам ана ўшаларнинг орасида. Дадаси, нима бўларкин энди?..


– Яхши ният қилиб, Худога ёлворамиз, бошка нимаям қўлимиздан келарди, Адол, – Иброҳим завжасини елкасидан қучиб, ичкарига бошлади. – Қаерда?

– Учинчи каватда. Жарроҳлик бўлимида.

– Қани, юр.

– Фойдаси йўқ. У ерга ҳозир қўйишмаяпти. Ховлида кутганимиз маъқул.


– Пулни олиб келгандим, – чўнтагига қўл солди Иброҳим.



– Шошманг. Хозирча тура турсин. Хорижликлар келганига тепадан текшириш ҳам борга ўхшайди. Сўраган анави врач бор-ку, сахармардонда мени чакириб олиб, «ҳозирча пул-мул деб офиз очиб юрманг, ҳаммаси яхши бўлгандан кейин хабарлашамиз» деди. Тушунмайроқ турибман. Пул-пул, деб ҳоли-жонимизга қўймай турган одам бир зумда ўзгарди-колди. Ичимга қўрқув ҳам тушди, қизимизнинг аҳволи офирмикан, деб.

– Нафасни иссиқ қил, Адолат, – аёлининг титраб турган қўлини тутди Иброҳим...

Улар бир-бирларининг дам умидвор, дам эса умидсиз киртайган кўзларига боқа-боқа кунни яримлатишди. Ниҳоят, тоқатлари тоқ бўлган эру хотин чор-ночор ичкарига юришди. Қаршисида ўн-ўн бешта ташвишли одам тўпланган жарроҳлик бўлимининг «бегоналар» учун така-так ёпиқ эшигига нигорон нигоҳларини тикишганча тик оёқда қолишди. Вакт тошбақанинг касасини кийиб олганга ўхшарди – кўринмасди, сезилмасди... Ниҳоят, бир маҳал эшик очилиб, ундан қандайдир муҳим топшириқ билан жанг майдонига ошиқаётган аскардек вазоҳати



бор хамшира чиқди-ю, шахдам кадамлар билан йўлакнинг нариги томохига йўрғалади. Та-ниш хамширага кўзи тушиши ҳамон Адолат-нинг юраги хаприқиб кетди. «Вой!» деди эрига маҳкамроқ ёпишиб.


– Ўзингни кўлга ол, ҳаммаси яхши бўлади, – Иброҳим далда берди.

– Сўранг, ўзингиз сўранг... Мен кўрқяпман... – деди титраб Адолат.

– Сабр... Сабр... Сабр... – пичирлади Иброҳимнинг лаблари. Лекин унинг мурожаатини фақат Адолатга қаратилган эди, деб бўлмасди.

Бу орада топшириқни бажариб қайтаётган хамшира йўлакда шумтираб турган эру хотинга кўзи тушиб, жилмая қолди. Кутилмаганда шу ёққа бостириб келиб, Адолатнинг қўлини тутганча, «Суюнчини каттароқ тайёрлайверинг. Қизингизда ҳеч қанақа «порок сердца» йўқ экан...» дедию яна ичкарига шошиб кириб кетди.

Завжу завжа ўз қулоқларига ишонмай, ҳаяжон билан боқишар, айтилган гапнинг – эндигина ҳавода янграган жонбахш мужданинг тасдиғини бир-бирларининг кадрдон чехраларидан кидиришарди..




– Чинми, дадаси!.. Шу гап ростми? Нуридийдамнинг юракчаси соппа-соғ эканми?.. – она шўрликнинг севинчига чек-чегара йўқ эди, инчунин, саволларининг ҳам адоғи кўринмасди, – энди менинг болам ҳам биз билан уйга қайтадими? Бошқа болалардек эмин-эркин ўйнайди, мактабга борадими?..

– Ҳа, Адолат, ҳа!.. – Иброҳимнинг ҳоли аёлиникидан беҳроқ деб бўлмасди, унинг ҳам кўзларидан дув-дув кувонч ёшлари тўкилар, сўнг савол бериб жавобини кутмаётган, хуш-хабардан ақлу хушини йўқотарчасига довдираб қолган шўрлик рафиқасини дам-бадам қучгани қучган эди...

* * *

Иброҳим окшом чўкиш асносида онасию синг-лисини соғиниб ичиккан ўғлини машинасига солганча яна касалхонага жўнади. Кундузги нех-бар нашидасига анча кўникиб, ҳис-туйғуларини жиловлаб олган ота энди бошқа нарса ҳақида оғриқ ва алам билан ўйлар, ўйлагани сайин изтироби бадтар ортар эди. Бошига ташвиш тушмагунча билмаган экан, тушдию атрофидаги одамларнинг кимлигини англади, ҳис қилди.



Англаганлари, ҳис қилганларининг таъми шунчалар аччиқ эдики... «Наҳотки, менинг хаёт йўлимда суюнса бўладиган ҳеч ким бўлмаса?» деб қолди.


Озурда назарида дунё дўсти Сотимларга, акаси Толибу, анави бош врачга ўхшаган худбину нокасларга тўлиб кетган эди.

«Илгари ундай эмасди-ёв, – ўйлай бошлади Иброҳим машинасини охишта ҳайдаб бораркан. – Нега одамлар бунчалик ўзгариб-турланиб кетди? Ўзи нега инсон ўзгаради? Нима, у шароитнинг қулими? Соғлом мухитни пайдо қиладиган одамлар ҳам борми бу чархпалакда?..»

Ўн-ўн беш йил бурунги Сотимни эслади: Бировнинг ҳақини еганмасди. Қайтага, қаерда тиланчи кўрса, қувиб юриб садақа улашгани улашган, ҳожатманд қаршисида ҳожатбарорга айланмагунча типирчилагани типирчиллаган эди. Иброҳим шунча йил жўрачилик қилиб, бирон марта унинг кинфир ишини кўрмаганди...

Акаси-чи? Укаларига қандай ғамхўр эди... Қаерга кетди энди ўша оғалик ҳис-туйғулари?..

Нега улар ўзгарди? Нима учун Иброҳим ўз яқинларини бугун таний олмай қолди?..




Иброҳимнинг ўйи бош врачнинг найранг-ларига етганда, қаҳри келиб, тишлари гирих-гирих бўлди. «Аблаҳ! – деди сўнг, – мол-дунё илинжида соппа-соф боланинг кўксини ёрмоқчи бўлдинг-а? Ит эмган палид, бунни шундай колдирмайман!...»

... Касалхонадан қайтишда уларнинг машинаси йўл ёқасидаги гавжум бозор олдида тўхтади.

– Юр, Одилжон, рўзғорга ул-бул олволайлик.

Шом пайти тумонат одам денг. Дарвозадан туртилиб-суртилиб ичкарилашди. Иброҳим уларга қарар экан, нафрати кўзиди. Назарида аридек тўзиб юрганларнинг орасида «Мана бу – одам!» деса бўладиган биронта ҳам хос зот йўқ эди – ҳаммаси бир гўр буларнинг!.. Ташқаридан караганда кўй оғзидан чўп олмайдигандек кўрнадиган мўмин қобилиям энг камида акаси Толибдек юлғич, бош врачдек каллоб ва Сотимдек мунофиқ чиқади. Ха-ха, инсон деган иблисга яқинлашиб бўлмайди... «Махшар – Сарҳисоб қуни бўлиши керак, бўлгандаям тезроқ юз бериши шарт!» хитоб қилди Иброҳим.



Улар раста айланиб ўтиришмади. Дуч келган илк сотувчиданок харидларини килиб, изларига қайтишди: Иброҳимнинг ичи бояги ўйларга тўлиб кетганди. Атрофга ёвқараш билан боқар, фикру хаёли уясига чўп тикилган бесараижом арилардек тўзғиб учарди. Шунданми, машина юкхонасига халталарни жойлаштирди-ю, калитни ўша ерда унутганча капотни «так» этиб ёпди-қўйди. Сўнг «Ах!» деб юборди.

– Ҳа, дада? – шошиб сўради ўғил.

– Лаънати, калит қопкетди-ю...


– Вой!..

Ота-бола ўзларича машинанинг тўртала эшигини кўздан кечириб чиқишди – бирон тирқиш қолгандир, ахир!..

– Ҳўв анув кабобчини кўряпсанми, бор ўшандан сих сотиб ол, – бесамар кетган уришишлардан кейин Иброҳим Одилжоннинг қўлига пул тутқазди...

У бўлди, бу бўлди, хуллас, бир неча марта сотиб олинган сихлар ҳам кор қилмади. Бари эгилиб, юмшаб, ишга яроксиз ҳолатга келди.

– Қулфланиб қолдимми? – шу яқин атрофда тўда-тўда юрган одамлардан икки-уч йигит аж-



ралиб чикиб, ёрдам беришга унашди. Лекин бироз вақт ўтиб уларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлдию жуфтакни ростлашди.

– Дада, совқотдим, – нимжонгина Одилжон кишининг изғиринли окшомида кўйлак устидан кийилган нимдош нимчада дийдираб, қунишиб турарди.


– Сен ҳам курткангни ечиб қўювдингми? – машина салонида қолдирилган кийимларга қараб қўйди ота. – Ҳозир... ҳозир болам... – Иброҳим йўл четига қаради. Дарахт гирдига безак учун айлана шаклида терилган бир хил ўлчамдаги тошлардан бирини қўлига олди.

– Нима қиласиз, дада? – Одилжон ҳадик олди.

– Ойнасини синдириб, эшикни очаман, болам, – Иброҳим айланиб ўтганча орқа эшикнинг кичик ойнаги қаршисига борди.

– Қўйинг, дада, янгигина машина бўлса, – чопиб отасининг ёнига борди бола.

– Сениям касал қип қўймай, болам, – Иброҳим эни бир қарич келар-келмас ойнакка тош билан урди. Аммо унинг ҳажми кичик бўлганиданми ёхуд ўзи шунақа мустаҳкам ишланганми, ҳар



ҳолда, кейинги уринишларда ҳам синиб кетмади. Ким билади, балки Иброҳим ич-ичидан унинг парчаланишини хоҳламагандир...

– Дада, Толиб амаким нима дейди энди? – Одилжон отасининг енгидан тутди.

– Толиб амакинг?.. – уришдан тўхтаб ўғлига юзланди хиёл қизишган Иброҳим. – Толиб амакинг балони олсин!..

Бола ҳайрон бўлиб отасининг кўзларига тикилди:


– Нега? Машинани амакингга сотдим, дедингиз-ку!..

– Ха, шундай дедим. Сотмоқчийдимам. Лекин фикримдан қайтдим. Энди бизга кўп пул керак эмас... – Шундай дейишга деди-ю, ғалати бир туйғуни хис қилиб қолди Иброҳим. Хис қилгани ҳамон аччиқ устида ойнакни яна «дўшослай» кетди.

– Хой-хой, нима қияпсиз, ҳўв ака? – йўловчилардан бири чошиб келиб Иброҳимнинг кўлидан тутди. – Тинчликми?..

– Машинамизнинг калити юкхонада қоп кетди, – ота ўрнига шошиб жавоб берди бола.

– Ия, қулфланиб қолган машинани шунақа кип очадами? – йўловчи тошни бояги дарахт



тагига улоқтирди. – Ока, пулингиз ошиб-тошиб ётган бўлса, етим-есирга беринг, тайёр неъматни оёқ ости қилманг-да...


– Э-э, сизга нима? Машина меникими ё сизники? – хезланди Иброҳим.

– Сизники, ока, сизники, – бамайлихотир жавоб берди йўловчи.

– Бир соатдан бери очолмаяпмиз. Бу ёқда болам совқотиб кетди. Нима қил, дейсиз? – давом этди ўша оҳангда Иброҳим.

– Ўзингизни босинг, ока. Ҳаммаси яхши бўлади, – йўловчи яна-да мулойим гапирди. Гапираркан, кўзлари билан йўл четига, бетон ариқ бўйига, дарахтларнинг олдига бориб келди. Кейин узоқлаб, улкан бир дарахт шохига ўралган симни еча бошлади.

Иброҳим кафтларини бир-бирига ишқаб, кон юргизмоқчи бўларкан, ўйлади: «Хойнахой, сен ҳам анувларнинг бири бўлсанг керак. Бир дардинг бордир-да. Феъл-атворинг юмшоқ гапириб, ҳам молимизга, ҳам жонимизга тажовуз қилмоқчи бўлган анави доғули врачни ёдга сол-япти. Эшикни очишга очиб берарсан-у, эвазига отнинг калласидек ҳақ сўрасанг, сира ажабланмасдим...»




Йўловчи топиб келтирган сими билан эшикни очишга уннар экан, Иброҳим совуқ еб, бурнию кулоғига кизариб кетган ўғлини беш-ўн кадам наридаги буфетга етаклади. Икки финжондан иссиқ-иссиқ лимон чой ичишдиамки, Одилжон «миқ» этмади.

– Ҳа, намунча ковоғингдан қор ёғмаса?..

– Ҳеч, ўзим...

– Кўкдан тушаётган қор бизга етади, жон болам...

Ота ўғлининг хафа бўлганини сизди. Бу сезги уни яна ўша зиддиятли ўйлар жанггоҳига иткитиб юборди. Энди Иброҳим ўзини Сотим билан бир сафда деб ҳис қила бошлади. Шунда Толиб акасинию бош врачни тушунгандек бўлди. Неча кундан бери: «Нега одамлар бунчалар турланиб кетди? Нима учун улар Яратганининг эмас, шароитнинг бандасига айланишди, нега инсоний фазилатларни бир четга йиғиштириб қўйиб, фақат ва фақат хайвоний фитрат билан яшай бошлашди?» деб ўйлагувчи эди. Тақдир унинг бошидан ҳам тегирмон тошини бир юргизиб ўтгандан сўнг эса, бутунлай ўзга кишига айланди-қолди. Ҳаммасини ўз та-




насида ҳис қилгач, акасиниям, дўстиниям, етти ёт бегона – бош врачниям айблашга тили бормай қолди, ажаб...

Қайнок чой ичиб, ичларига иссиқ югурган ота-бола машина ёнига қайтиб келишди. Йўловчи халиям ҳафсала билан эшикни очишга уринарди. Дам кўлидаги сим совукдан музлаблар кетган бармоқларидан сирғалиб ерга тушар-да иш тўхтар, дам эса унинг ўзи ҳаракатларини бир зумга бас қилиб, кўлини оғзига олиб борарди-да, «кух-кух»лаб иситмокка тутинарди. Иброҳим нотаниш одамнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб тураркан, ғоят ажабланди. «Ким бу ўзи? Қанақа одам? Нега жонини жабборга бериб ёрдам қиламан, дейди? Ҳаракатлари беғаразми ё хотамтой киёфасидаги шайтонми?..»

Анча-мунча тер тўкканига карамай, ниятига етолмай куймаланаётган йўловчи бирдан уришишларига ора берди-да, сим қокди.

– Ассалому алайкум! Ока, ёрдамингиз керак бўп қолди. Бир биродаримизнинг машинасини очиш керак, калит ичида қолиб кетган... Ҳа... шундай қилдим, бўлмади. Хўп... кутаман...

9-У. Ҳамдам



Йўловчи тагин кўлидаги симни ойнак ва темир орасига тикиб, қулфнинг халқасига тушмоққа уннай кетди.


«Ҳах муғомбир, ўзи етмагандек ҳамтовоғини чақирдими?» ўйлади Иброҳим «меҳрибон» йўловчининг увалло харакатидан шубхаланиб. «Бир ўзи бебилиска пул тошаман, дедию чикмади. Энди эшикни амаллаб очарлару бугун бош врач ололмай доғда қолган пулнинг яримини талаб қилиб куйдиришади-ёв булар?..»

Орадан ярим соатча вақт ўтиб Иброҳимнинг «Nexia»си ёнига такси келиб тўхтади. Ундан хушсурат, бўйдор йигит тушиб шу ёкқа юрди.

– Ассалому алайкум!

– Ия, келдингизми, ока? – йўловчи ёшиям, сумбатиям ўзидан улугроқ бўлган иккинчи йўловчи билан кўл бериб сўрашди. – Сиз айтгандек қилиб ҳам эплай олмадим. Мана, ўзингиз кўринг, – йўловчи четлашиб, жойни катта йўловчига бўшатди.

«Бу ёғи канчадан тушди энди?..» ўйланди Иброҳим томошанинг давомига кўз тикиб. Лекин катта йўловчи кўп уринмади, кичкинадан олган симни керакли жойга суқиб бир-икки



айлантирган эди – эшик «шиқ» этиб очилдикетди.


– Вох! – деб юборишди текин томошага ўч беш-олтита тўпланганлар. – Қойил!..

Иброҳим шоша-пиша юкхонани очиб, халталарнинг ёнида унутган калитни қўлига олди. Алҳол, тунд чехраси ёришди, лунжини ёйиб, катта йўловчига мулозамат кўрсатди.

– Раҳмат! Кам бўлманг, – Иброҳим киссасига қўл уриб, элдан бурун санаб-тайёрлаб қўйган пулини чиқарди. Сўнг устига таксининг келиш-кетиш пулини чамалаб қўшди-да, катта йўловчининг қаршисига борди. – Мушкулимни осон қилдингиз, барака топинг!.. – катта йўловчининг очилган кафтига Иброҳим ҳалигини «тап» этиб қўйди.

– Ия, ия, бу тағин нима иш? – катта йўловчи кафтидаги пулга қаради. Қарадию зудлик билан Иброҳимга қайтиб бермоққа тушди.


– Қизиқмисиз? – ажабланди Иброҳим, – кишининг қаҳратонида иссик уйингиздан машина ушлаб бу ерга келдингиз, мингдан-минг розиман, олаверинг, – Иброҳим катта йўловчи шунчаки ясама истиғно кўрсатяпти, деб ўйлади.



– Об қўйинг, ока. Буни пул учун қилмадим, ишонинг, – қўлларини кўксига қўйди катта йўловчи, – Одам Атонинг болаларимиз, биродармиз, ахир!.. – деди такмин билан. Йўловчининг гап оханги шундай эдики, эътироз билдириш мутлако мумкин эмасди.

Иброҳим бирдан нима қиларини билмай, шалвиради-қолди. Ҳозиргина ҳаммаси беш қўлдек аён эди: бегона киши хизмат қилди, энди бу хақини тўлаши керак. Йўк-да!.. Энди Иброҳим бир лаҳзанинг ўзида фикрини ўзгартириши керак бўп турибди. Ҳай, аттанг, дунё ва одамлар тўғрисида бир тўхтамга келиб улгурганди, энди бўлса... Ўша тўхтам чилпарчин бўлиб, оёқлари остига синиб тушди. Бир лаҳза... атиги шу бир лаҳзада Иброҳим ҳамма нарсага кўра муносабатини қайта кўриб чиқиши шарт энди! Эҳ, буларнинг залворини кўтаргувчи пахлавон борми оламда?..

– Майли ока, эшигингиз бошқа кулфланиб қолмасин, – катта йўловчи қўлини кўтарган эди яна бир такси «ғийк» этиб тўхтади. Кичик ва катта йўловчи унга ўтиришди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди. Иброҳим... Иброҳим



бўлса серрайганча тура колди... «Ох» деди ниҳоят ҳушини тўплаб ва тиззасига шапатиллади, «Нима қилиб қўйдим? Ҳеч курса, манзилларига элтиб қўйиш хаёлимга келмади-я!..»

– Дада, кетамизми? – гуноҳкорона тарзда сўради Одилжон ўйланиб туриб қолган отасига яқин келиб.

– А? Ҳа... Ҳа, ўғлим, кетамиз, – Иброҳим машинага ўтираркан, ўғли яна гап қотди:


– Яхши одамлар, деган хикоя ёзсангиз бўларкан...

Иброҳим эшикдан суқиб улгурган оёғини тортиб олди-да, машинани аста айланиб ўтди. «Кел бу ёққа, ўғлим» деди олд ўриндикқа ўрнашиб олган Одилжонга. Кейин қад ростлаган ўғлини маҳкам қучиб олди. Шу қўйи ичичидан бир титроқ келди-ю, аччиқ-аччиқ йиғлаб юборди...

– Ҳа, ўғлим, ёзаман... Сен айтгандек «Яхши одамлар» деган хикоя ёзаман, албатта ёзаман!.. Фақат сен уни ўқийсанми? А, ўқийсанми, ўғлим?!

– Ҳм... – деди хижолатланиб ўғил.

– Энди кетдик... кетдик энди болам, машинани эгасига топширишимиз керак... – хитоб қилди ота.



– Толиб амакимгами? Ура-а-а! – шодон кичкириб юборди бола.

– Ҳа-да, кимга бўлмаса?.. Агар яна бир кун ҳаялласак, кеннойинг қолиб, амакингнинг ўзи жижилаворади, – ота-бола бараварига қахқаха отиб кулиб юборишди...

Ҳиёл ўтмай улар машинага ўтириб, шаҳарнинг кунчиқишига қараб йўлга тушинаркан, қарши томонда – узок-узокларда уфқдаги гўж булутларнинг кўкси ёрилдию бир дона юлдуз порлаб кўзга ташланди. Худо хоҳласа, эртага қуёш чиқади...

2009





ЯХШИЯМ, СЕН БОРСАН!..

... Ва, албатта, Оллоҳ қабрлардаги кимсаларни тирилтирур... (Қуръони Карим, «Ҳаж» сураси, 7-оят).

1

– Нега қўнғироғимга вақтида жавоб бермайсан, Зулайхо?

– Овозсизда қолиб кетибди, кеч кўрдим, узр, Юсуф.

– Кўпинча шунақа киласан!

– Атайин килмайман-ку ахир, иш!..

Улар анча вақтгача телефонда шу тарзда тортишиб туришди.

– Мен кетаверайми уйга? – сўради киз.

– Кетавер. Кайфиятим ўлди! – кўрслик билан жавоб берди Юсуф ва телефонни ўчирди. Аммо ярим соат ўтар-ўтмас, қайта сим қокди:

– Қаердасан?



– Йўлдаман. Бекатга қараб кетяпман, нима йди?

– Таксига ўтир-да, ўша ресторанга кел.

– Вой!..

2

– Нима егинг келяпти? – Рестораннинг катта кўзли деразаси ёнидаги столга жойлашиб олишгач, сўради Юсуф.

– Қайноқкина чой айтақол, ичимга бироз иссиқ кирсин. Кейин бирпас мусиқа эшитиб гаплашиб ўтирайлик, буюртмани кўрармиз, – деди Зулайхо.

Юсуф официантни имлаб чақирди...

3

Ресторандан чиқиб машинага ўтиришди. Жиндай йўл босиб муюлишга етишдиямки, Зулайхо: «Бозорга бир кириб ўтайлик» деб қолди. Юсуф машинани йўл четидаги майдончага олди.

– У-бу нарса керакмиди?

– Йў-ў-ў. Шунчаки, айлангим келди. Майлими? – Салгина гина, салгина навозиш билан қаради қиз йигитга.



– Бўлмасам-чи.

Улар бошлашиб бозорга киришди. Бозор хам нақ дунёнинг ўзгинаси эди. Кирдингми – кўнглингни берасан! Кирдингми – чиқкинг келмайди! Кирдингми – сал бўлмаса, бозорнинг ўзига айланасан! Ҳамма шу ерда: сотармони хам, олармони хам. Ур-сур, бакир-чакир, ўлдим-куйдим... Йигит ва киз рўпараларидан чиққан илк дўконга бош суқишди. Кейин яна бошқасига. Дўконлар қалдирғочнинг полапонларидек тизилишиб турарди. Ҳар дўконки, инсоннинг жонидан ва яна инсофу диёнатидан бошқа ҳамма нарса топиладигандек. Ҳар дўконки, сипориш берсангиз, ўша жонни хам топиб келгудек алфозда истиқболингизга қучоқ очади.


– Одамлар қаерда, нима иш билан машғул, деб сўраймиз гоҳо бир-биримиздан, Юсуф. Мана, улар қаерда экан! – деди хайратланиб Зулайҳо.

– Нимасини айтасан!

– Дунё шунчалар ўзгариб кетдими-а, Юсуф?

– Ўзи шундаймасмиди, Зулайҳо!

– Бўлди, сиқилиб кетдим бу ерда, кетамиз! – деди киз яна уч-тўрт дўконни айланиб чиқишгач.


- 
- Ҳеч нима олмадинг-ку?
- Ўзи ҳеч нима керакмасди-да.
- Ҳеч нима керак бўлмасаям кирдикми?
- Ҳа, нима қипти? Бир айланиб кўнглимиз чигалини ёзамиз дедим-да.
- Ёзилдими ўша чигал?
- Қайда. Баттар чувалашди.

Улар ён-верларига аланглаб, чиқиш эшигини кидиришди. Лекин ордона қолгур, хадеганда кўзга ташланавермади. Сўнг у ёк-бу ёкка юриб кўришди: чиқиш эшигидан дарак йўк!

- Чиқиш қаерда? - сўради Юсуф ўтиб кетаётган бир олазарақ кишидан.

- «Чиқиш»ни билмадим-у, «Кириш», ана, ҳамма жойда,- деди у киши қўли билан чор томонга ишора қилиб.

Юсуф якироқдаги дўкон соҳибининг олди-га борди. Кейин ўша ердаги икки-уч харидордан сўради. Ажаб, хаммасидан бир хил жавоб олди. Шунда йигит ва қиз хайрон бўлиб, бир-бирларига қарашди. Афтидан, чиқишни ўзлари кидиришлари керакка ўхшайди. Бунинг учун дўконлар тугаган жойгача бориб, девор бўйлаб юришди. Лекин деворнинг ҳам ҳар жой-ҳар



жойндан эшик очилган бўлиб, кадам босишлари билан яна бир савдо растасига дуч келиб қолаверишди. Йигит ва киз боши бору кети кўринмайдиган узун расталар оралаб, кадамларини тезлатишди. Лекин биронгаям чиқиши йўқ эди уларнинг. Узоқдан катта-катта «Чиқиш» бўлиб кўринган ҳамма дарвозаларга ўзларини парвоналардек уришди ҳамки, уришишлари зое кетди – уларнинг бари «Кириш» бўлиб чиқди. Ҳамма жойда «Кириш» бор эди, «Чиқиш» эса йўқ.

Юсуф ва Зулайхо нафас ростлаб, вазиятни обдан ўйлаб олиш учун «Чиқиш»ни кидиришдан бирпас тиниб, қаҳвахонага киришди. Қаҳвахонанинг бир бурчагига каттакон самовар қўйилган бўлиб, чойхоначи мўйсафидрок киши экан.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом!

– Битта қаҳва ва бир чойнак аччиқ кўк чой берсангиз.

– Марҳамат.

Зулайхо қаҳвадан, Юсуф эса чойдан ичиб, ташналикларини ўпкаларини андак босиб олиш-

ди. Пулини тўларкан, Юсуф мўйсафиддан аста сўради:

– Амаки, бозорга киришга кирдиг-у, сира чикиб кетолмаяпмиз. «Чиқиш»и қаерда ўзи бу ернинг?


Мўйсафид ўзини Юсуфни эшитмаганга солиб, кўлидан пулни олдию чойнакни чайкаш бахонаси билан нари кетди. Юсуф Зулайҳога қараб елка қисди. Қиз уф тортиб ўрнидан турди. Йигит унга «Ўтириб тур» дегандек имо қилди, ўзи бўлса чойхоначини кутди. Мўйсафид бурилиб, қаршисида яна Юсуфни кўрди.

– Яна чойми?

– Ҳа.

Мўйсафид индамай энди ювиб тозалаган чойнагини қайноқ сувда шошмасдан чайиб, чой дамлади. Юсуф чойнакни оларкан, секингина шишиди: «Чиқиш»ни кўрсатмагунингизча бу ердан кетмаймиз, чой ичаверамиз». Сўнг Зулайҳо томонга юрди. Зулайҳо йиғламоқдан бери бўлиб ўтирар, «Қайданам бозорга кирамиз дедим!» дея ўзини ўзи қойир, сиқиларди.

Учинчи чойнакни ичиб бўлишар аснода чойнак-пиёлани йиғиштириш бахонасида ёнларига



келган мўйсафид атрофга бир аланглаб олиб, сўнг энгашиброқ Юсуфнинг кулоғига шивирлади:


– Қахвахонадан чиқиб ўннга, кунчиқишга қараб юринглар, чалғиманглар. Узоқдан дарвоза кўринади. У на «Кириш»нинг ва на «Чиқиш»нинг дарвозаси. У кўхна қабристон дарвозаси.

– Қабристон дарвозаси?! – ҳайрон бўлди Юсуф.

– Гапимни бўлма! Сен излаётган «Чиқиш»га фақат қабристон орқали борилади. Бошқа ҳеч нима айтолмайман. Энди тез кетинглар! Бировга оғиз очманглар! Бозорга кирганлар орасида Чиқишни қидирганлар унақа кўп эмас. Буни унутма. Бир гап бўлса, мен сизларни танимайман!


Бу гапларни эшитиб Юсуф ва Зулайхонинг бўлари бўлди: қаерга кириб қолишди ўзи! Капалаклари учиб, апил-тапил қахвахонани тарк этишдию мўйсафид айтгандек кунчиқарга қараб йўрғалашди.

Аммо йўл юриш қийин кечди: бозор эмасми, одам ғуж-ғуж, биров у томонга, биров бу




томонга ошиқади, дам елкалар туртишиб кетар, дам юзлар денг, дам оёқлар чалишар, дам эса фикрлар... Устига-устак, турфа хил дўкон, уларнинг минглаб сотувчилари, сотувчиларнинг оғзидан чиқаётган миллионлаб таклифларни айтмайсизми. Юсуф Зулайхонинг кўлидан маҳкам тутиб олганча, ҳеч нимага қарамай, «Чикиш»нинг хаёли билан йўл босар, бас, қиз ҳам шунини истарди. Инчунин, йигит ва қиз айна истак баҳрида фарқ бўлишиб, гўё ягона вужуд ва ягона рухга айланишганди. Бас, йўл ҳам тез арий бошлади.

Бир маҳал Юсуфнинг ботинкаси боғичи бўшалиб, юришга халақит берди. «Ҳозир» деди-да, йигит Зулайхонинг кўлини бир дамга бўшатиб, ўзи чўккалади. Боғични боғладую қаддини ростлаб ёнига қараган эди, на у ерда ва бошқа жойда Зулайҳо бор эди. Гўё осмону фалакка учиб, ё ерга кириб кетгандек бир ҳол – ёридан ному нишон қолмаганди. Юсуф хавотирланиб, аланглаб атроф-жавонибга тез-тез кўз югуртирди. Жавдираган қорачиқларида нотаниш башаралар лип-лип этиб ўтди. «Кеп қолинг, оп қолинг!» дея бакиришар эди улар-



нинг бари. Юсуф дўконларга бирма-бир кириб чиқишдан ўзга илож топмади. Икки-учтасига кирди ҳам. Негадир кўнгли орқага тортди. Чунки ҳали замон улар олтин сотиладиган дўконлардан ўтиб келишганди. Уларнинг мўлтони сотувчилари Зулайҳога бир бошқача карашганди. Ўша дўконларда ва уларнинг сотувчиларида бир сир бор-ов. Юсуф шошиб изига қайтди. Пештоқларига тилла суви юритилган дўконларга чошиб-чошиб кириб чиқа бошлади ва юраги сезганидек, севгилисини ўша дўконларнинг биридан топди. Қизнинг атрофини ўнга яқин олтин тужжорлари ўраб, бир-бирларига гал бермай ўз молини ўтказишга уриниб ётишарди. Зулайҳонинг бўйида, икки қулоғию иккала билагида ва ҳамма бармоғида тилла тақинчоклар, узуклар бор бўлиб, қизи тушмагурнинг хаёли ўшаларга банди эди. Юсуф уни шу кўйда кўриши билан томоғига бир нималар келиб тикилди, лекин йиғлайдиган замон эмасди. Кўз ёшларини, аламинни, аччигини ичига ютди. Ҳаракат қилиш керак эди шу тобда, ҳаракат! Акс ҳолда, Зулайҳони тужжорлар чангалидан ҳеч қачон қутқариб ололмаслигини,



демакки, суйган ёри бозорда бир умр колиб кетишини ич-ичдан хис қилди Юсуф. Шу зайлда ўзини даврага урди, Зулайхонинг танасига илинган нимаики тилла матоҳ бўлса, бари-ни чиқариб отди-да, қизнинг қўлидан ушлаб, кунчиқишни мўлжаллаб чопди.

– Нима қияпсан, Юсуф? Қўлим оғриди, ахир! Қўйвор!

– Қўйвормайман!


– Кетмайман! Қоламан шу ерда! – қичқирди қиз жон аччиғида.

– Нималар деяпсан! Овора бўлма, сени бу ерга ташлаб кетадиган ахмоқ йўқ! – баттар судради Юсуф Зулайхони.

– Сен билан кетмайман, деяпман! Эшитяпсанми, кетмайман! – исён қилди қиз оёқларини тираб.

– Хафа бўлма, сенга қулоқ сололмайман! Олиб кетганим учун эса ҳали менга раҳмат айтасан! – қизни тортқилашда давом этди йигит.

Зулайхо тихирлиги сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда Юсуфга тобора кучлироқ қаршилик кўрсата бошлади. Шунда Юсуф Зулайхонинг белидан шарт кучди-да, азот кўтариб, елкасига




олди. Қиз йигитнинг боши узра типирчилади, лекин унинг дадил юриб кетишига монелик қилолмади. Олтин дўконларидан узоклашиб бо-ришаркан, йўл захмати ичларига кириб, холдан тойишди. Шунда Зулайхо оёқ тирашни бас қилиб, йигитнинг қатъиятига ихтиёрини топширди. Юсуф уни ерга туширди, қиз йигитнинг ёнида барабар одимлай кетди. Аммо халихамон тўрт тараф дўкон эди, атроф сотувчи ва олувчининг хайқириқларига тўла бўлиб, одам боласини фақат бозор ҳақида ўйлашга чорлар, чорлар ва яна чорларди.

– Яхшиям, бозордан аввалини кўрган инсонлармиз, – деди Юсуф узун сукутни бузиб.


– Қанийди бозордан кейинини ҳам кўрсак, – дея овоз чиқариб орзу қилди Зулайхо.

Уларнинг чанқоғи чарчоғидан, чарчоғи чанқоғидан устун келди. Сарсор солиб қарашса, рўпараларида яна халиги қахвахона турибди! Водариғ! Ахир, қахвахонадан чиқиб қанча йўл босишганди, энди хаммаси бекору бенаф бўлибди-да! Қандай қилиб? Ё барча йўллар емакхонага олиб борадими бозорда! Тавба-тавба!.. Ноиллож лошларини ичкарига судрашди.




Ўша мўйсафид турарди қаршиларида. Зулайхо бориб боягина тарк этилган жойга оғир чўкди. Юсуф чой олгани тутинди. Мўйсафид миқ этмасдан чой дамлади, иккита пиёла билан чойнакни йигитнинг олдига тақ этказиб қўйди. Йигит пул тўлади. Фақат шундагина улар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Бу мулоқотдан Юсуф англадики, чол алдамаган, ҳаммасини, нимаики билса, борини яширмай айтган экан. У бундан ортиғига кодир эмас. Мўйсафид тушундики, йигит ва қиз ҳамма қатори навбатдаги қурбонлар – улар бир умрга бозорда қолиш(а)ди энди...

Ташналикларини андақ босиб, қаҳвахонадан чиқишдию боз кунчиқар ёққа юзланишди. Қаршиларида яна ўша йўл. Ҳаммаси бошидан бошланганди. Ҳали замон тағин олтин дўконлари олдидан ўтамиз, дея юраги такапука урди Юсуфнинг, шу зайлда Зулайхонинг қўлини маҳкам сикди. Лекин олтин дўконлари ҳадеганда кўзга чалинавермасди. Юсуф тарадудланиб атрофга разм солди ва тилла буюмлар дўконлари ўрнида тамомила бошқа бино қад ростлаб турганини кўриб хайратланди. Ажабо!



Ўша раста, ўша жой, лекин бино ўзга! Пештокига «БОШҚАРМА» дея катта-катта ҳарфлар осиб кўйилганди унинг. Юсуф кизиксиниб караган эди, беихтиёр одими секинлаб қолди, Зулайхо «Юр!» дегандек унинг енгидан тортди. Юсуф яна тикилди. Шу пайт сира кутилмаган воқеа рўй берди: «БОШҚАРМА»нинг салобатли дарвозасининг икки табақаси ланг очилди-да, ичидан отилиб чиққан тўртта барзанги ҳе йўк, бе йўк Юсуфнинг икки оёғи ва икки кўлидан чангаллаганча ичкарига кўтариб кетишди. Зулайхо хайҳайлаганча қолаверди. Ҳашамдор зиналардан юриб, икки табақали қуюқ сирланган дарвозадан ичкари кирмоқчи бўлганди, эшикбонлар қизнинг йўлини тўсиб, «Мумкин эмас, кет бу ердан!» деган гапни битта ҳам сўз айтмай уқтиришди. Ноилож қолган қиз зинадан инди. Узокроққа бориб, одамлар оёқлари остига ҳорғин чўқдию бирдан хўнграб йиғлаб юборди.

Бир маҳал сирли дарвоза такрор очилиб, ичкаридан бир гуруҳ башанг кийиниб олган одамлар чиқиб келишди. Қиз бошини кўтариб қаради ва уларнинг ўртасида турган севгилсига кўзи тушиб, юзи ёришди, йиғидан тинди.




Йигитнинг ташқи кўриниши – кийимлари, соч турмаги ниҳоятда ўзгариб кетганди. Афтидан, у шу ернинг, шу бозорнинг раҳбарига ўхшарди. Йўк, у ўша эди. Атрофидаги одамларнинг кўл ковуштириб туриши ҳам шундан далолат эди, ахир! Фақат йигитнинг юзи ва кўзидангина унинг ўша... Юсуф эканлигини билиш мумкин эди.

– Бирпасда-я! Инсонни бир пиёла чой ичгулик фурсатда шунчалар ўзгартириб юбориш мумкин экан-да! – хаёлидан ўтди қизнинг ва беихтиёр оёққа қалқди. Йигит гуруҳи билан пиллапоядан тушиб келди ва ҳеч нима бўлмагандек ёрининг ёнидан ўтиб кета бошлади. Қиз бундай бепарволикка дош беролмай, олдинга ташланди ва Юсуфнинг биллагидан қаттиқ тутди:


– Юсуф!.. Юсуф!.. Сенга нима бўлди? Нима қилишди улар сени?! Нега бу кийимларни кийиб олдинг? Нега мени танимаяпсан?! Ахир, мен Зулайхоман!..

Юсуф бурилиб, қизга ёвқараш билан қаради, лекин лом-мим демади, биллагини секин, аммо қатъият билан тортиб олдию раста бўйлаб одим отди. Шошиб қолган шотирлари шуйтиб ор-



тидан эргашди. Шунда Зулайхо «Юсуф!» деганча яна унга талпинмокчи бўлганди, халиги барзангилар кизни Юсуфдан айриб олишди. Зулайхо тушундики, хозир, шу тобда Юсуфни бу йўлдан қайтарса қайтарди, йўкса йўк: уни абадий йўқотади!

– Юсуф!!! – дея жонининг борича бақирди Зулайхо. Юсуф илкис тўхтади ва яна боягидек қайрилиб қизга боқди. – Юсуф, – деди Зулайхо, – менга кара, менинг юзимга бок! Ахир, сен юзимга боқиб оламини, коннотни томоша қиламан, дердинг! Бу дунёга ҳам юзингни, фақат юзингни кўргани келдим деб айтардинг! Юзингни кўрмасам, ўлиб қоламан деб такрорлардинг! Ҳамма нарса, Яратганнинг борлиқ ҳикмати сенинг чехрангга ёзилган дейишни севардинг! Ойдек жамолинг хаста кўнглимининг табиби деб пичирлардинг!.. Нега энди, нима учун унга, юзимга карагинг келмай қолди? Нега ундан юз буряпсан? Қайга кетяпсан менинг юзимдан юз буриб, Юсуф, қайга!?! – Зулайхо аламнинг зўридан холсизланиб, чўккалаб қолди, елкалари унсиз йиғидан худди лаблари янглиғ дамба-дам титраб учди.




Юсуф қизга якин келди. Зулайхо умидланиб бошини кўтарди, Юсуфга ёшли кўзларини тикди. Лекин... лекин Юсуф яна мик этмади. Бу ҳам етмагандек шартта бурилиб, шахдам кадамлар билан оломоннинг ичига кириб кета бошлади... Зулайхоми? Ох, Зулайхонинг бўлари бўлди. Нажот илинжида атрофга караганди, шундоқ ёнбошида темирчилик дўконига кўзи тушди. Дўконнинг олдида пештахта бўлиб, унга турфа хил ўтқир тифли ошхона анжомлари катор қилиб териб қўйилганди. Зулайхо бир хамла билан ўшалардан бирини тутди. Қуёш нурида пичоқнинг тифи совуқ йилтиллаб кетди.

– Юсуф!!! – жон холатда кичқирди Зулайхо.

Юсуф парво қилмай, йўл юришда давом этди.

– Юсуф, сен гўзал деган юзимдан воз кечаман, эшитяпсанми, воз кечаман! – дедию пичоқни боши узра кўтариб, кескин ҳаракат билан пастга тортди. Сўнг яна...

Ҳайҳот, Зулайхонинг бу сўзлари Юсуфнинг кулоғига кириши ҳамон йигит така-так тўхтади. Тўхтадигина эмас, ортига қараб чопди. Бу дам-



да Зулайхонинг икки юзидан шариллаб кон оқар, ўзи бўлса энди бўғзига тиф тортилган курбонлик кўзидек дир-дир титрарди.


– Нима қилиб қўйдинг юзингни, Зулайхо, нималар қилиб қўйдинг!? – тиз чўкди қизнинг қаршисига йигит.

– Сен қарамасанг, нега керак менга бу юз, а, Юсуф, нега керак?! – кўзларидан ёш эмас, дур янглиф изтироб оқди қизнинг.

Юсуф устидаги башанг кийимни ечиб, ён томонга, барзангиларнинг оёқлари остига улоқтирди-да, Зулайхони бағрига маҳкам босиб олди.

– Ёнингдаман! Энди ҳар доим ёнингда бўламан! Мени кечир, йўлдан озган – гумроҳ йўлдошингни кечир, севгилим! – Юсуф дастрўмолини олиб, Зулайхонинг қон силкиб оқаётган юзига босди.

Бирпас ўтгач эса, йигит ва қиз бир-бирларига суянган кўйи ўрниларидан туришди. Тўпланган томошаталаб халойиқ чекиниб, йўл берди. Юсуф ва Зулайхо бошларини кўтариб, рўбарўларида нақшинкор дарвозани кўришди. Бу, шубҳасиз, мўйсафид чойхоначи айтган




ўша кабрестон дарвозаси, уларни улкан бозор издиҳомидан эсон-омон чиқиб кетишини таъминлайдиган яккаю ягона нажот туйнуғи эди. Юсуфнинг кўзлари кулиб, Зулайхога қаради, Зулайҳонинг юзи ёришди. Шунчаларки, энди-гина ҳандалакдек тилимланган яноқлари яна аввалги ҳолига қайтгандек туюлди Юсуфга.

– Яхшиям сен борсан, Зулайхо! Йўкса, мен бозорда юрган, унда бир умр қолиб кетган, кетаётган анави миллион-миллион одамларнинг бирига айланардим... – кизнинг кифтидан қучиб, ўзига қаратди йигит.

– Яхшиям сен борсанки, мен ҳам бозорда қолиб кетмадим, Юсуф!


– Яхшиям, сен борсан! – шивирлашди улар бир-бирларининг кўзларига термилиб.

Юсуф Зулайҳонинг қўлидан маҳкам тутди ва улар елкалари елкаларига теккан кўйи дарвоза томон аста, аммо ишонч билан қадам ташлашди.




ТОШ

(Туш-хикоя)




Негадир юрагим сиқилаверади. Йўқ, чама-си, нима учун бу ҳолга тушишимни биладигандекман. Лекин гап бунда эмас, балки давомийликда. Ахир биз одамзод қалби шаббодага тутилган япроқ мисол айланиб – ўзгариб туради, дея биламиз, модомики шундай экан, нега тушкун кайфият менинг бағримга танда қўйди? Нега у кетмайди, мени тинч қўймайди?.. Билмайман. Аксинча: вақт ўтган сари тушкунлик юрагимнинг туб-тубига иниб, мустаҳкамланиб, аллақандай жинсга, масалан, тошга айланиб бо-раётгандек. Табиийки, мен ҳам бошқалар сингари баъзан у ёки бу баҳона сабаб юзароқдаги бир дамлик қувончларга чалғийман, бироқ кейин барибир, қаърда ётган ўша тошга – ўша кайфиятга қоқилиб тушавераман, тушавераман... Шунда мен кўпинча ва, асосан, ўзимни бир ён-у, қолган барча одамларни иккинчи томон



дея кабул қиламан: гўё улар хайкириб оқаётган дарёнинг нариги тарафида бўлса, менинг бир ўзим бу ёқда қолиб кетганман. Устига-устак, қош қорайиб бораётгандек. Ажабланарлиси шундаки, мен ёлғизлик ваҳмидан даҳшатга тушсамда, негадир одамлар билан лик тўла иккинчи қирғоққа ўтиб, халос бўлишни хоҳламайман. Гўё мен бир офир, тузалмас дардга чалинганману улар соппа-соф. Ва мана шу дард мени улардан ажратиб қўйиб, узлатга абадул абад парчинлаб ташлаган каби, энди у ҳузурга бориш, одамларга қўшилиб кулиш ва йиғлаш менга бир умрга ман этилган сингари...


Мана, қаранг, неча фурсатдир қандай кайфият сиртмоғида талваса қиламан мен. Тавба-тавба, на жоним узилади-ю ва на лаънати сиртмоқ!..

Бугун ҳам унинг исканжасида тоқатим ток бўлганда шартта кийиндим-да, ташқарига чиқдим-кетдим. Чунки кўксимдаги тошнинг залвори тобора тош босаётганини сезиб, бундан тараддудга туша бошлагандим. Кўчада одамларнинг яхшиликларига, мурувватларига рўбарў келсаму зора тош ҳам эрий қолса. Масалан,



буйракдаги туз мисол... Ахир, у ҳам овқат, сув ва ҳоказоларни нотўғри истеъмол қилишдан йиллар давомида инсон аъзосида йиғилган тошдек туз-да. Ёки туздек тош... Нима бўлгандаям бунинг ҳам вақтида олди олинмаса, соҳибини алалоқибат турли азобларга, балоларга гирифтор айлайди. Шунга ўхшаб мен ҳам ичимдаги тош билан узок муддат юришни ўзим ва ўзгаларнинг ҳаётига хатар деб ўйлаб қолдим. У буйракдаги тошдек эримаса ҳам, аримаса ҳам, лоақал ичда – ичкарида қолсин. Шундай дедиму ўзимни ташқарига урдим...


Одатдагидек, катта кўчага ёндош йўлакка тушиб олдим, мақсадим – яқиндаги паркка кириш ва дарахтларнинг кузги кўшиғини бирров тинглаб қайтиш эди... Мен жуда охиста одимлаб борардим. Шу пайт орқадан қадам товуши эшитилди. Зум ўтмай ёнгинамдан муаттар бўй таратиб, аллақандай ялтироқ либосга чулғанган нотаниш аёл ўтиб қолди. Кайфиятим таъсиридами, билмадим, унга берилиброқ эътибор қилдим. Ҳаммасидан олдин унинг хуш бўйи аллақачон димоғимни қитиклаб улгургани, айни чоғда, аёлнинг қадди-қоматига кўз сол-



дим: энтиктирадиган даражада гўзал! Одимларим беихтиёр тезлашиб, аёлга мос юра кетдим. Анча муддат шу кўйи йўл босдик. Секин-аста вужудимни ёқимли титроқ қамрай бошлади. Юрак... юрак ўлгурнинг «така-пука»си бирпасда шунчалар бўлдики, энди қадамимни андак секинлатишга ва шу йўсин ҳаяжонимнинг аёл кулоғига етмаслигига тиришдим.


Ботаётган қуёшнинг алвон рангига аёлнинг нимпушти либосию ундаги қирмизи доначалар пайдо қилган манзара шундай ярашиб тушгандики, асти қўяверинг: олам аро мутаносиблик, ҳамоҳанглик деганлари шу бўлса керак деб ўйлаб коласан. Очiq елкаларини тўлдириб, дам у, дам бу ёнига чулғаниб бораётган қўнғир сочлар қараган кишининг нашъу намосини қўзғаб, жувоннинг борлиғига хаёлгагина келиши мумкин бўлган афсонавий ҳусн бағишларди. Атрофга тўр солган шафак тўлкинида аёл гўё қирмизранг кемадек мағрур сузиб борар, мен эса кўзимни ундан узолмай йўрғалардим.

Оёқлар!.. Навбат уларга етганда нафасим чиндан-да қайтиб кетади ва бироз ўзимга келиб олиш учун нигоҳимни, албатта, атрофга




чалғитаман. Ахир улар шунчалар бежирим ва жон олғучи эдики, бунақасини ҳатто чизиб ҳам уҳдасидан чиқиб бўлмасди. Ё қудратингдан!.. Мен тамоман асир бўлгандим. Ўзимдан бешолти одим илгарида кетаётган гўзал мавжудот борлиғига учиб борганча сингиб кетиш истагида ёнардим. Яна бағримда шунақа қаноатни хис этардимки, унга кўра мен йиллардир озурда бўлган жонимни шу жононга бахшида қилгим, аниқроқ айтсам, унинг учун ширин жонимни Жабборга топширгим келарди. Ниҳоят энди топгандек эдим ўша қимматни, жон тикишга арзигулик ўша борликни! Энди уни қочириб юбориб, қисматим томонидан ҳадя этилган қулай имконни бой бергим келмасди. Ахир, мен кўплар қатори қариб-чуриб тўшакда – яқинлар ҳузурда осуда жон беришдан нафратланардим-да...

Хуллас, мен ҳамон унинг ортидан соядек эргашиб борардим, Раззоқ деб борардим, «Ёрдам эт!» деб ёлборардим... Аёл оёқлари юрагимга гўё кўринмас ришталар билан боғлангандек эди, у ҳар кадам олганида кўкрак кафасим ўйноқлаб кетарди. Хаёлимга «хиром айлаб



борарди» ибораси урилди. Мен каердадир ўқигандим: чамамда гўзал аёлларнинг чиройли кадам олишлари шундай таърифланарди. Ҳа-ҳа, у юрмасди, балки айнан хиром айларди: навозиш ила, сеҳр ва афсун ичра... Бир муддат кўзим тиниб, бошим айланиб кетди. Қадамимни секинлатмоқчи, гўзаллик таратаётган нурдан хиёл узоклашмоқчи ва шу тариқа ичимдаги мувозанатни қайта тикламоқчи бўлдим. Бирок оёқларим менга бўйсунмасди. Оёқ не, энди менинг бутун борлигим, тақдирим аёлнинг измида, ундан таралаётган аллақандай чексиз даражадаги ҳузурбахш куйнинг, овозсиз бир қўшиқнинг етагида банди эди. Ҳа-ҳа, банди эди!..


Мен керакли сўзни – моҳиятни очиб бергувчи калитни топиб олганга ўхшардим: аёлнинг шу туриши, шу кетиши, шу киёфа-ю шу холи ажиб бир қўшиқ эдики, мен жон қулоқларим билан уни эшитардим, бутун борлигим – жисму жоним қўшиқ измида, унга мутаносиб тебарнардди. Шунда менинг ўзим ҳам шафақ рангида чўмилаётган дарахтзор (биз паркка кириб боргандик) ичра сузиб борардим. Атрофни, атроф не, оламни, ботинимдаги оғрикли ола-



мимни – бадбин кайфиятимни – бағримда чўкиб ётган тошни, унинг залворли азобини унутгандим. Хайхот, дунёда шундай саодатлар ҳам бор экану биз ғафлат босиб каёқларда юрган эканмиз!..


Дарахтзор тугаб биз яна катта йўл ёқасига чикиб қолдик. Аёл чапда кўринган бозор томон юрди. Мен унга эргашдим. Кейин у одамлар тўпланиб турган жойда тўхтади. Мен ҳам яқинлашиб оёқ илдим, узокроқда эмас, йўк-йўк, аёлнинг шундоқ бикинида. Хушбўйлари аримасдан уфуриб турадиган масофада тўхтагандим. Қандай бунга журъат этдим – ўзим ҳам билмайман. Билиб-сезиб турганим: аёл ўз борлиғи билан мени тобора махв этиб борар, мен эса шамдек эриб битаётгандим...

Шу асно аёл ён томонга бир-икки одим ташлаб, нимагадир қизиқсиниб қарай бошлади. Шунда мен унинг тўлин ойдек юзини, узун киприklarини, камон кошларини, гунча лабларини кўрдим. Хаяжонимга чегара йўқ эди. Беихтиёр иккала кўлим билан кўкрагимни чангалладим: назаримда, юрак ўлгур қафасни ёриб чикқудек талвасада қолганди...



– Юрмайсизми? – кимдир елкамдан енгил туртди. Мен бехосдан олдинга мункиб кетдим ва шундоқ рўпарамда каттакон идишда калашиб ётган балиқларга дуч келдим. Улар тирик эди! Сувсизликдан қийналиб, дам униси, дам буни-си потраб, осмонга сапчирди! Негадир шошиб аёлга қарадим: ёпирай, унинг кўзларида ёввойи бир шавқ ўйнарди!.. Айникса, балиқлар ҳар сапчиганида сичқонга ташланиш олдида турган мушукдек нимагадир шайланарди, дўндик лабларини ялаб, тамшанарди. Шунда менинг кўзимга унинг оғзи қип-қизил қонга ботгандек кўринди. Аслида лабдаги бўёққа тегиб кетгандир менинг нигоҳим ёки шафакнинг ол рангида шундай туюлгандир у. Ёки қирмизи либосининг кўз сокқаларимда қолдирган сояси бўлиши ҳам мумкин-ку... Лекин мен учун аёл лаблари шу тобда барибир қон эди. Ҳа-ҳа, эндигина қотиллик қилган йиртқичнинг тумшуғидек қон эди унинг оғзи...


Аёл сотувчига нимадир деди. Сотувчи эса жавобан иккита каттагина балиқни олиб, тарози палласига қўйди ва вазн кўрсаткичига қаради. Шу асно палладаги балиқлардан бири



думини «тап-тап» этиб паллага урди. Аёлнинг кўзлари йилтиллаб, дамодам ютинди. Сотувчи эса балиқни бармоқлари билан босди, тинчлангандек бўлгач яна кўрсаткичга каради. Балик яна потради. Тарози кўрсаткичи яна ўйнади. Сотувчининг сабри тошди, балиқни палладан стол устига олди-да, тарози тоши билан – худди пачокрок одамнинг кичикрок калласидек келадиган думалок, коп-кора тош билан нак бошига жиккиллади туширди...

... Бирдан кўнглим айнади, ич-ичимдан нимадир отилиб келди. Мен ўзимни четга олишга улгуролмадим, аёлнинг шундоқ оёқлари остига кайт қилдим. Балиққа навбатда турганлар худди вабодан қочгандек ўзларини четга олдилар, жумладан аёл ҳам. Бироқ ҳеч ким балиқ харид қилмасдан кетиб қолмади. Ҳатто аёл ҳам... Қусук унинг оёқларига, оппоқ туфлисига сачраган экан, гудранганча (ҳар ҳолда мени сўқди) сумкачасидан салфетка чиқариб артди-да, сотувчи узатган халтага мамнун қўл чўзди...


Кимдир «Нима бўлди сизга?» дея менга ҳамдардлик билдирди, кўпчилик эса уришди. Сотувчи бўлса хайдашга уринди: «Боринг, ке-



тинг бу ердан, савдониям ўлдирдингиз!.. – кейин сансиради: – Обкет, анави мағзавангни!..»

Лекин бу вақтда кекса бир киши қуски устига тупрок сепаётганди... Тузукрок разм солсам, мўйсафид жудаям ўзимга ўхшарди. Фақат ёшимизда катта фарк бор эди, холос... Бошка ҳеч нимани эслай олмайман: у ерда яна қанча муддат қолдим, аёл қаёққа кетди, қандай кетди – билмайман. Чунки мен бағримнинг тубтубида чўкиб ётган ўша азим Тошга яна бошим билан урилгандим: дунё унга, яъни бошимга қўшилиб айланарди. Энди борлигимда чалинаётган куй-қўшиқ ғойиб бўлганди, унинг ўрнида яна аввалги бадбин кайфият ҳукмрон эди ва мен унинг мустаҳкам тўрлари чангалида ўзимни бенихоя ночор ва ғариб сезардим...


Ўша кунни кечаси мижжа қокмай тўлғониб чиқдим. Тонгга яқин эса қўзим илинибди. Кейин туш... Унда мен қўлимда тош билан кўчаларни кезар, дуч келган одамнинг бошига у билан урар, қонатар эканман. «Ахир бу... ахир бу тош менинг ичимда эди-ку, қачон, қандай қилиб қўлимга тушиб қолди? Нега у чиқиб кетди? Нима учун?..» дея ўйлаб сиқиларканман-у,



негадир даҳшатли юмушдан ўзимни тўхтатмас,
тўғрироғи, тўхтатолмасмишман. Йўлимда учра-
ган эркагу аёл, каттаю кичик – бари-барининг
юз-кўзини шафақ янглиғ қонга бўяб бўлгач,
хов узоқда кўриниб турган тоққа шиддат би-
лан йўналибман. Кўнглимга кулоқ тутсам,
тоғнинг энг баланд чўққисига чикиб, хаёт де-
бочаси – қуёшни тошбўрон қилишдек ёвуз ни-
ятда ёнаётган эканман. Хаёлимда эса фақат
бир манзара – сотувчи мажақлаган балиқнинг
конталаш боши ва аёлнинг қип-қизил оғзи ай-
ланар, айланар ва яна айланармиш...

1997






ПИЛЛАПОЯ (Устозларимга бағишлайман)

Агар ҳақиқат менинг юзимга оёқ
босиб ўтишни тақозо этса-ю, сен буни
қилмасанг, асло рози эмасман.
Баҳоуддин Нақшбанд.


Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,
Сен ҳам гал келганда пиллапоя бўл!

Эркин Воҳидов

Одамларнинг оқими мисоли пишқириб
оқаётган дарё эди. Дарёни кузатганингиз бор-
дир: ўзан ўртаси ҳар нақадар ўйноқлаб олдинга
чопқилласа-да, четлари бирмунча сокин, гоҳо
ҳатто оқайми-оқмайми, дея таманно айлайди.
Пиллапоянинг умумий кўриниши ҳам ана шу
манзарани ёдга солади: кимдир қаддини тик
тутган ҳолда ўртада шошиб-ютоқиб, кимдир эса
эгилиб-майишганча четда, пиллапоя тутқичига




суянган кўйи аранг ҳаракатланарди. Ҳамма ўз кучига қараб кўтариларди-да, узун йўлакдан бошланган қаватларга кириб, кўздан бадар кетарди. Аммо кўпчилик, барибир, имкон қадар юкорирок чиқишга орзуманд эди. Атиги бир қават бўлса ҳам тепарокка илашгиси келарди уларнинг. Шунинг-чун ҳам вужудларини кучкуват бутунлай тарк этгунга қадар юкорилаб келиб, ниҳоят, холи ўзига аён бўлгачгина қаршисидан чиққан қаватга чор-ночор ўзларини топширарди. «Чекимизга тушгани шу экан, нимаям қилардик, пешона...», дея ўзаро ғудранишади одамлар қаватларига кириб кетишаркан. Аммо яна шундайлар бор эдики, улар ўз ҳолларини билмасдилар: чарчаб, ҳарсиллаб, тили бир қарич бўлиб осилиб қолганига қарамай, кўзлари юкориларда олма терар, ёнидан ўтиб кетаётган ҳар қандай йўловчининг кўлтиғига безбетларча кириб, тагин бир неча зина тепарокка чиқиб олишарди. Лекин «ўзингда йўк, оламда йўк» дейишганидек, хатто мисканадек ёпишқоқ ва сур мана шу «сакич»лар ҳам бировнинг кўмагида узоққа боришолмай, зинада ёки бирон қаватнинг киришида йикилиб, ер-



ларга капишиб хор бўлишарди. Уларга караб турсанг, нигоҳларинг булғаниб кетади. Яхшиси, кўзни пок тутмоқ керак дейсан, ўзингга ўзинг шу элнинг битта улуғига эргашиб.

Зиналар бўйлаб кўтарилиш, бир қарашда, спорт мусобақасини ёдга соларди: ҳамма биринчиликни олишни, ғолиб бўлишни истаб, гўё жон олиб, жон берарди. Кузатиб қарасам, издиҳомнинг бундай кайфияти менга ёкмади. (Ўзи шунақаман: кўпчилик истаган нарсалардан қочиб юраман. Мусобақа руҳини, кимўзар пойгаларни ёқтирмайман.) Инчунин, оқимнинг ичидан айрилиб чиқдимۇ пастга, келган жойимга қайтиб туша бошладим...


Тушиш ёмон бўларкан. Чиқаётганда хансираб, толиқиб, ўпкам шишган эди-ю, барибир, кўпчилик хосил қилган катта оқим кўмагида унча малоллик сезмаган эканман. Энишда эса нафасим равон, енгил бўлиб қолганига қарамай, оқимга қарши бораётганим учун бўларим бўлди: ҳали у, ҳали бу елкалару ўмганларга уриниб чирпирагим чиқади. Айникса, одамларнинг саволчан нигоҳлари, «жинними бу?» дегандек жирканиб қарашлари серандиша табиатимни



найзалаб ташлади. Лекин нима қилай, тушишдан бошқа иложим йўқ, тепадаги талашиб-тортишиш менга манзур келмаган эди. Яна денг, умуман, пиллапояга дуч келганимдан буён ихтиёрим ўзимдадек туюлгани билан жуда унақа эмаскан: менинг менлигим шу жой билан, пиллапоя билан қоим экан. Шу маънода мен унга боғлиқ эдим...


Шундай қилиб, мен зинанинг энг қуйи қисмигача инишга қарор қилдим. Қани-чи, у ерда нима бор экан?.. Тепадан пастга қараб келаётганда якка ўзим эдим. Менга шундай туюлганди. Бир неча зина пастга тушганимдан кейин ортимга боқиб, менга ўхшаганлар анчагина эканлигини кўрдим. Яна бироз ўтгач эса «мен» «биз»га, «биз» эса «оқим»га айланганини билдим. Демак, оқимга қарши оқим. Бири тепага, бошқаси эса пастга қараб оқади...

Мен пастдаги ялангликка қадар эниб бордим ва негадир илқис тўхтадим. Чунки... чунки ерга тушгандан кейин ортга, тепага қайтгим кепқолди. Бунинг сирини сизга тушунтириб беролмайман. Тепада экан, бирданига пастга тушгим келганидек бўлди ҳозир ҳам. Нима қилай,




айтдим-ку, хеч бир нарса менинг ихтиёримда эмас эди деб, шунга. Қолаверса, у ер зерикарли туюлди менга. Қиладиган иш ҳам йўқ, борадиган жой ҳам. Аммо мен билан тушганларнинг асосий қисми ялангликда қолиб кетишди. Тўғрироғи, бепоёнликка ўзларини топширишиб, назардан йитишди. Демак, қисмат бўлса, кирадиган тешик ҳамиша топилақоларкан-да... Сарсор солсам, уларнинг орасида қариялару бетоблар кўпчиликни ташкил қилар экан. Мен ва яна бир неча кишиларгина ортга қайтиб, яна ўзимизни бояги пиллапояга урдик...

Энди мен илк сафаргидек имилламасдим, балки тез ва шиддат билан кўтарилардим. Шунчалар тезки, хаш-паш дегунча бир ўзим оқимнинг ичида оқим пайдо қилдим. Хеч ким мен билан тенглаша олмас, ҳатто пастдаги ялангликдан бирга қайтганлар ҳам ху-ув каёқлардадир қолиб кетишганди. Оқимнинг ичида оқим пайдо қилишнинг ҳам гашти, ҳам азоби бўларкан. Чунки умумий катта оқимнинг суръати сеникидан паст бўлгач, истайсанми-йўқми, у сенга худди қарши томондан келаётгандек таъсир қиларкан, тўғрироғи, шунга



яқин бир тўсикни юзага келтираркан. Пастга тушиб бораётганда юқорига кўтарилаётганлар билан қандай тўқнашган бўлсам, ҳозир ҳам шундай, тўғрироғи, шунга яқин тарзда турдим. Бунинг оқибатида эса тезлигимга путур етар, яна зўр бериб аввалги, ўз кўнглимга уйғун суръатни топишга, топиб олгач эса бунинг адоқсиз гаштини суришга муваффақ бўлардим. Биласизми, мен мудом ҳаётнинг маънисини кидириб юргич одамман. Шу тобда, шу пиллапоядан шиддат билан юксалиб бораётган онларимда ўша маъни мен билан бирга эди. Балки шу одамнинг ўзи маъни эди. Демокчиманки, ўша маъни мендан айро эмасди ёки мен маънодан. Хуллас, сиз мени тушундингиз...


Шу янглиғ жуда кўп йўлни ортда қолдирдим. Мен атрофга чалғимас, аксинча, дадил кўтарилиб борардим. Одамларнинг юзига қарамас, фикру ёдим янада жадалроқ ҳаракатланиш билан банд эди. Галдаги зинани орқага ташлаб, янгисига оёқ кўйишим билан кўзим зинанинг битта поясига ўтириб олган аёлга тушди. Унинг юз ва кўзларида хорғинлик аломатини аниқ кўрдим.




У ҳам аллақандай номаълум томонларга умидсиз боқиб, ўз-ўзига «Чарчадим, қушга айлангим келяпти, қушга!..» дер ва «ух» деганча узун-узун нафас чиқарарди. Аёл икки қават ўртасида ўтирарди. Назаримда унинг кучи на юқоридаги қаватга чиқишгаю ва на пастдаги қаватга тушишга етарди. Аёлнинг ёнгинасида, шундоқ одамларнинг оёқ остида қўл телефони ётарди. Ундан «Алло, тез ёрдам эшитади, гапирсангиз-чи!» деган овоз тинимсиз такрорланарди. Аммо афтидан аёлга энди кўмак керак эмасди. У чорасиз нигоҳлари билан нукул пастни кўзларди... Шу лаҳза ортимдан келаётган одамларнинг қудратли тўлкинига дош беролмай мункиб кетдим ва йиқилиб тушмаслик учун олдинга одим оддим...

Йўлда, пиллапоя захматларидан чарчаган шўрлик аёлнинг қиёфаси анчагача хаёлимни тарк этмади. Юзлаб зиналарни босиб ўтгачгина уни унутгандек бўлдим. Йўқ, балки хотирамнинг аллақайси ғаладонига беркитиб қўйдим, шекилли. Қачонлардир ўша ғаладонни очиб қолсам, рўпарамдан туйкус чиқиб қолади ҳали...


Юра-юра булутларга ёндош жойга чиқиб бордим. Ҳатто парку булутларнинг қанча-қанчаси



пойларим остида қолди. Пиллапоя бўлса битай демас, мен ҳам чарчашни билмас, шиддатла илдамлардим. Яна ён-веримга боқмасликка, хаёлимни бўлмасликка, бутун куч ва ғайратимни йўлга сарфлашга тиришардим. Бир вақт келиб, худди анави аёлни кўриб қолганимдек, энди бир эркакнинг юзига кўзим тушди ва шу заҳотиёқ аллақандай сирли-сехрли куч остида унинг ўтмиши кинолентадек ботинимнинг аллабир кунжида айланиб улгурди. Унга кўра, эркак ҳам бирмунча аввал зиналардан юксакликка кўтарилиб кетган кўп муборак зот экан. Мана, энди сафардан қайтибди. Унинг ҳам кадамидан ўт чакнаган экан ўша пайтлар. Шиддати ҳадди аълосига чиққан кезлар биргина ўзи бутун бошли тўлқинни ҳосил қилганча олдинлаган экан. Ўшанда унинг ортидан етиб юришга ҳаракат қилган қанчадан-қанча одамлар бўлиб, улар ҳам муборак зотнинг панасида ўзига хос оқимчалар ҳосил қилган ва бундан бағоят мағрурланган эканлар. Лекин шу тобда унинг бир ўзи эди. Ангоридан худди аёлга ўхшаб толиққан кўринарди. Мен унинг юзига қараб, бутун ўтмишини ўқиб-ўқиб турганим




ушбу лаҳзаларда у ҳам менга боқиб ҳаммасини – кечаги кунимнию айни дамдаги юрак ҳолимни, яна қолмишига, эртамни ҳам тушуниб-туйиб тураркан. Кейин мен унга яна-да синчков тикилдим. Негадир унинг маъюс чехрасида ўша маънони, менга керак, мен талпинаётган маънони укмадим. Маъноки, менинг назаримда пиллапоя ҳадя қилиши керак бўлган ва мен, сиз, у... ҳамма-ҳаммамиз шошаётган, ошиқаётган. Маъноки, зиналар бўйлаб умид билан юксалиб бораётган инсон захматларини оқлайдиган. Маъноки... қисқаси, сиз мени яна тушундингиз... Эркакнинг хаёт аччиқ-чучукларини обдан синаган нигоҳида бошқа мазмун хира тортиб турарди. Мен унга тикилиб, «қанча юксакликка кўтарилганинг билан, барибир, у ерда шу тобдаги кўнгил ҳолингдан яна-да баландини тополмайсан, бўтам. Сен қидираётган, сенга керак бўлган асл нарса, аслида, сени манзил сари ошиктираётган ўша ҳолингдан ўзгаси эмас» деган ҳикматни ўқидим, холос. Ажабландим. «Шундай муборак зотнинг менга айтадиган гапи бор-йўғи шуми?» дедим ўзимга ўзим алам билан...




Сўнг биз бир-биримизнинг ёнларимиздан ҳеч нима бўлмагандек, худди бегоналардек ўтиб кетдик. Ҳатто исмларимизниям сўрамадик, билмадик. Бизни учраштирган йўл мана шундай қилиб, бизни яна айирди...

Йўл юрдим, эртақларда айтилгандек, йўл юрсам ҳам мўл юрдим. Энди хаёлимни ўша зот машғул айлаганди. Бир вақтлар аёлнинг қиёфасидан англаганларимни унутганимдек, эркакнинг нигоҳидан укқанларимни ҳам унутаман, деб ўйлагандим. Овора бўлганим қолди, холос. Англаганларим оғир юк каби устимдан босиб келди. Мен эса ундан қочиш учун зўр бериб юқорига интилардим. Мана шу тарзда минглаб зиналарни босиб ўтсам ҳамки, ўша зотдан эшитганларимни унутолмадим. Чунки у менга ўхшарди, йўк, тўғрироғи, мен унга ўхшардим. У қачонлардир босиб ўтган йўлни мен ҳозир босар, у қачонлардир туйган туйғуларни мен энди кўнглимдан ўтказардим. Мен ҳам унга ўхшаб шиддаткор эдим, менинг ҳам бу пиллапояда ўз тўлкиним, ўз олашим бор эди. Мен ҳам ҳеч кимнинг ортидан юрмас, кимнингдир тўлқини панасига яширинмасдим. Бу менинг Тангри ато




қилган табиатимга зид эди. Яна шуки, вақти соати келиб, мен ҳам у сингари шу пилла-поядан пастга тушишимни билар, хатто буни ич-ичдан хис қилар эдим. Шунда менинг ҳам ортимдан одамлар ҳозиргидек эргашмас, балки бир ўзим ўз хаёлларим билан эниб боришимни аниқ-тиниқ тасаввур қилардим. Худди унга ўхшаб... Демак, у менга устоз экан, деб ўйлаб қолдим навбатдаги зинадан кўтариларкан. Шу чокқача ҳеч қачон менинг устозим бўлмаган эди, у билан ўша биргина, бир зумгина давом этган нигоҳлар мубоҳасасидан сўнг, тўғрироғи, бу ҳақдаги тинимсиз мушоҳадаларимдан сўнг уни ўзимга устоз, деб билдим. Ҳатто унинг отини билмасам ҳам. Шунда мен устознинг ким ва қанақа бўлишини билиб олдим...


Устозни топганим яхши эдию унинг кўзларидан уққаним ўша ҳузунли маъно мени кийнай бошлаганди. Ақлим «Унга ишон!» дерди. Чунки мен пиллапояннинг илк зинасидан бошлаб неча мингтасини босиб ўтганим билан ҳеч қайсисида қўним топмагандим. Бас, шундай экан, нетиб яна ҳув осмондагисидан умидвор бўлай?! Мени ўша ёққа бошлаётган куч усто-



зим айтганидек, фақат ва фақат кўнглимнинг шу ондаги ҳолати, холос. Бор-йўғи – шу! Оламнинг мазмуни бизнинг ўз кўнглимиздаги мазмун билан қоимдир! Ахир мен ҳозир ёш ва ғайратлиман, умид ва орзу ичимда бола-лаб ётибди. Улар-чи, улар – ўша аёл, устоз?.. Уларнинг таналари қариди. Ичларидаги орзу-умидлар эса, қуш мисол бирин-сирин учиб кетдилар. Шунинг учун ҳам кўзларида тиклаб бўлмас ҳорғинлик акс этган. Ахир уларнинг киёфаларидаги сурункали чарчок, аслида, кўнгилларининг ифодаси эмасми? Устознинг «юкорида ҳеч нарса йўқ», дегани аслида, шу тобдаги бўм-бўш кўнглидан чиқаётган садо эди-да!.. Аммо... аммо биласизми, устоз энди пастдан – пилланоя ибтидосидан нимадир кутаётган эди. Назаримда, бу унинг юрагини тарк этмаган яккаю ягона илинжи эди... Ахир, мен куни кеча ўша қуйига тушиб борганим билан кўпчилик кириб кўздан йўқолган жойга, парданинг ортига ўтмагандим-да! Устознинг умиди ўша парданинг орқасидаги дунё билан боғлиқ эди энди... Ҳар ҳолда, унинг кўзларида шу маъно ҳам бор эди...



Лекин, мен давом этардим. Айтдим-у боя, мен ҳеч кимнинг соясида намоз ўқимайман, деб. Яна мингта эркагу аёл йўлимдан чиқиб, нигоҳлари орқали менга ўша биргина ҳақиқатни уқтиришга уринишса ҳам, мен, барибир, ўз йўлимдан қолмаслигимни билардим. Чунки менинг ичим, муборак зотнинг ҳувиллаб қолган ботинидан фаркли ўлароқ, орзу-умидлар билан тўла эди. Назаримда, улар аллақандай, ўзим ҳам тузукроқ англамайдиган фаройиб бир мўъжизага қаратилган эди. Бу мўъжиза ўзимгача мавжуд бўлган ҳар қандай ҳақиқатдан юксакроқ ва кучлироқ туюларди мен учун. Мўъжизани эса ўзгалар босиб ўтган йўл эмас (ҳатто улар устоз бўлса ҳам), балки олдимда қаддини фоздек кериб турган мана шу пилла-поягина ҳадя қилиши мумкин эди. Гарчанд, у ҳамма юрадиган, ҳамма бир-бир босиб ўтадиган битта, ягона пиллапоя бўлса ҳам. Ким билади дейсиз, эҳтимол, мен устозим чиқиб улгурган зиналарнинг ярмини ҳам босолмасман, балки ундан икки хисса баландроқ кўтариларман. Буниси номаълум ва биласизми, худди мана шу



номаълумлик мени ўзига оҳанрабодек тортарди. Шу сабаб мен устозим ўгитини бағримга маҳкам босиб, Худо деганча пиллапоя бўйлаб олдинга – юқорига талпиндим...

2011






СЎз

Эр-хотин машинага ўтиришдию дала ховлига йўл олишди. Йўл бўйи ундан-бундан гаплашиб боришди. Айникса, эрнинг завқу шавқ билан айтган аскияларидан хотиннинг ичаклари нақ узилгудек бўлди. «Бас, бас қилинг, дейман, илтимос!» дея қийкирганча, эрининг елкасига уриб ҳам турди. Хуллас, машинанинг ичида машинани бошига кўтариб келишди. Айтганча, бозор-ўчар учун йўл-йўлакай аллақайси бир гузарда тўхташди. Шошмасдан, бир-бир босиб, сотувчилар билан ҳазил-мутойибалашиб қилишди харидларини.

«Худо хоҳласа, бундан кейинги ҳаётимиз янаям гўзал бўлади!» – дея аёлига меҳр билан боқди эр машинага келиб ўтиришганда. Завжа жавоб ўрнига кулиб қўйди. «Ахир, болачақадан тинчиб, ўзимиз учун яшайдиган вақтга кириб кепқолдик, асалим! – эркак аёлнинг




қўлини ушлаб сикди. – Энди ҳар кунимиз байрамдек ўтади, эшитяпсанми, байрамдек!»

Юра-юра манзилга келишди. Дала ховлининг темир дарвозасини ланг очиб ичкарилашди. Остонада уларга янгиланган фасл пешвоз чикди. «Ия, хотинжон, кара, куз ҳам кеб копти-ку, ўзимиз билан бўлиб пайкамабмиз ҳам», – деди эр дов-дарахтларнинг олтин рангларига қараб-қараб. «Йўлда ҳам эътибор қилмаганимизничи...» Сўнг машинадан юкларни туширишга уннади. Аёл эса бу вақтда тўрдаги ховуз бўйига бориб чўнқайиб ўтириб олди-да, юзадаги япроқларни нари-бери сурган кўйи негадир сувдаги ўз аксига қарамокчи бўларди.

– Шунча кўзгулар камлик қилди-а, сизга... Ундан кўра келиб, кўзим ойнасига қаранг, бу ерда сиз ҳамон ўша-ўшасиз, сира ўзгармагансиз... – сасланди эркак негадир хотинини «сиз»лаб.

Аёл адоксиз миннатдорчилик билан жилмайиб боқди.

Эру хотин – кўш ҳўкиз, ҳадемай барабар ишга тушиб кетишди: аёл анчадан бери қаровсиз қолган иморат ичию ташини супуриб-



сидирди, эркак бўлса, ўчок осиб, ўтин ёрди. Бирпасда дала ховли сариштали-фариштали маконга айланди.

– Ваъда қилган ошингиз қачон пишади? – ичкаридан аёлнинг нозли овози келди.

– Сизни куттирмаймиз, хоним! – кичкирди эркак сабзини майдалаб тўғраркан. – Бир соатда дастурхонга қўймасам, ҳар бало бўлай.



– Тавба, денг, фаришталар ҳамма гапга омин дейди-я. Узокроқ қайнатаверинг, ширинроқ бўлади.

– Сиз нима десангиз – шу, жоним. Айтдим-ку, энди фақат ўзимиз учун, сиз учун яшайман, деб! Ҳозир, зирвагини тайёрлаб, тузини кўриб олай, сизни пастга, дарёга олиб тушаман!

– Оқиб кетмайлик, тагин...


– Қўркманг, сизни шу чокқача окизмадик, бундан буён ҳам эҳтиёт қиламиз...

Бирпасдан сўнг эр хотинининг кўлидан тутиб, пастга – сув бўйига бошлади. Сув дега-нимиз Чирчик дарёсининг бир кўли бўлиб, бу ерда уни Захарикдарё дейишади. Чинданам каттакон, нақ дарё дейсан. Лекин дарёдан нимасидир камга ўхшайди, шу учун бўлса керак, но-




мининг ичида ариғи бор. Қизиқ-а, бир қарасанг, дарё, бир қарасанг, арик! Устига-устан, захи ҳам мавжуд. Сув оққан жойда зах бўлади-да! Ҳа, нима, Захарикдарёга қараб, биров зах сувни, биров ариқни ва яна бошқа биров дарёни кўрса кўраверсин. Ҳамма ҳам бу дунёда ниятига яраша насибасини олаверар экан-да. Бошқа томондан, ўша учта «бирова»нинг битта одамга айланиб, Захарикдарёни ҳаётининг уч палласида уч хил кўрдим деса, нима дейсиз? Масалан, ёшлигида дарё, ўрта ёшида арик ва кексайганда зах сувни кўряпман, деб қолса-чи?.. Бундан чиқди, файласуфлар айтганларидек, олам бу бизнинг тасаввуримизми? Одамзод нимани кўришни хоҳласа, шунга рўбарў келадими?.. Эҳ, буларнинг сирига ким етибдики, биз етсак... Англаб етганимиз биргина нарса шуки, дунёда ҳамма нарса ташқаридан кўринганидек эмас, йўқ!..

Хуллас, Захарикдарё буралиб-буралиб оқиб ётарди. У ҳам фаслга мос кийинган: тиник, мулойим мавжли матодан тикилган кўйлагини устига енгилгина ташлаб олган. Шундай енгилки, худди ҳадемай уни ҳам чиқариб отадигандек авзойи бор.



Сув бўйига келишгач, эр сарғайиброк қолган ўт-ўланни кайириб, уйдан олинган тўшакчани тўшади-да, «мархамат қилсинлар!» дея илтифот кўрсатди. Хотин авайланиб ўтириб бўлгач эса, эр унинг қўлини тутганча ёнига чўкди. Улар бир маромда оқиб, эркаланиб ётган сувга қараб жим қолишди. Кейин атрофни кўздан кечиришди, ундан-бундан гаплашишди. Гап гапга уланиб, узоқ ўтиришди. Нихоят, «Чиндан ҳам инсон умри сувга ўхшар экан» деган минг йиллик, аммо биргина тўхтамга келишди. Кўнгилларга андак кузсимон хазинлик инганда эса, эркак аёлнинг бармоқларини бирин-сирин лабига олиб бориб ўпди. Кейин энгашиб, аёлнинг фаранги атир анқиб турган бўйинини дудоқлари билан эркалади. Аёл қикир-қикир кулди. Эрнинг завқи ошди... «Жиминг! Ош нима бўлди?» – аёл илдам ўрнидан турди. «Қўябер, нима бўлса бўлар» – эркак аёлни яна бағрига олмоқчи бўлди. Лекин аёл тизгинни ўз қўлига олди: «Йўқ, юринг!».

Улар бошлашиб тенага кўтарилишди. Эркак қозоннинг бошига борди. Суви тагида қолибди. Ўчоқнинг биқинига тикиб қўйилган ва ҳозирга



келиб вараклаб қайнаётган қумғондан қуйиб, ошнинг сувини меъёрига келтирди. Сўнг ёрилиб, ёнбошга тахлаб қўйилган ўтиндан иккитасини қалади-да, хотиннинг ёнига қайтди.

Аёл тепаликда жойлашган ховли саҳнига қўйилган каравотда нягини суянчикка тираганча пастликка – ҳув узоқликка, кафтдагидек аниктиник кўриниб турган кенгликларга, уларнинг этагидаги тоғларга кўз тикиб, ўз хаёлларига фарқ холда ўтирарди.

«Бу кенгликларда нимангни йўқотиб қўйдинг, маликам?» – эр хотинининг орқа томонидан яқинлашиб, елкасидан қучди. Аёл «хеч... ўзим...» – дедию майин жилмайди. «Биласанми, энди нима киламиз?» – аёлнинг кўзларига қаради эркак. «Нима?» – сўради аёл. «Яшаймиз! Инсон бўлиб! Инсонлардек яшаймиз!» – шошилди эркак. Аёл жавоб ўрнига тағин жилмайди. «Бир вақтлар сени дунёдаги энг бахтли аёлга айлантираман, деб сўз бергандим, эсингдами? Ҳалиям ўша сўз – сўз. Қайтган – номард!» – эр хотиннинг ёнига ўтирди. «Ортимизга қарасам, кўнглим яйрайди: бир ўғил, бир қизни тарбиялаб элга қўшибмиз.

Мартабали жойларда ишлаб, дунёмизни безабмиз. Еганимиз олдимизда, емаганимиз ортимизда бўпти. Яна нима керак одамга-а, хотин?! Энди кўрасан, бундан буёғи янаям зўр бўлади, эшитяпсанми, зўр!» – шавқланди эр. Аёл тагин жилмайди. Эр эса уни тагин кучди...

Хотин туриб гуручни ювиб берди. Эр ўчоқнинг оловигаю овқатнинг тузига каради.

– Ўзим сенга би-и-ир ош қилиб берай.

– Ҳар доим қилиб бергансиз-ку.

– Буниси бошқача бўлади, маликам, бошқача.


– Сизга бугун нима бўляпти ўзи, дадаси?!..

Кейин биргалашиб ошни дамлашга киришишди: хотин идишни тутди, эр капгир билан ундан гуруч олиб қозонга айлантириб сола бошлаганди, шу аснода кимдир чақириб кепқолди. Эр «Ҳа, хозир» дедию капгирни хотинига тутказиб, дарвоза томонга йўналди. Хотин унинг қайтишини узоқ кутмай, қолган гуручни қозонга ташлаб, тузини кўрди: назарида у мутлақо чучмалдек эди.

– Дадаси, бунга туз солганмидингиз ўзи?

«Дадаси»дан садо чикмади.

Хотин ўзича ошнинг намагини тўғрилади: катта қошиқда битта қилиб туз ташлади, сув



бирпас виқир-виқир қайнаб чикқач, яна таъми-ни тотди. Ниҳоят, кўнгли тўлиб қаддини ростлаган эди, эри қайтиб қолди.


– Қўшни бор-ку, қария, ўша. Машинасида печка олиб келган экан, қишга хозирлик. Туширишвордим. Илгари билинмасди, кексайганда совуқ жон-жонингдан ўтиб кетар экан, дейди... Сен нималар қилдинг бу ерда? А-ҳа, ошни эплаб ташлапсан-ку, бир ўзинг. Кел, менга бер қўлингдаги косовни, товоқни ҳам ўзим ёпаман.

Шу вақт аёлнинг телефони жиринглади.

– Алло! Ҳа, дугонажон, салом-салом. Тузук-мисан?.. – гаплашганча ичкарилади аёл.

Эр ошни дамлаб, ўчоқнинг чўғини ташқарига тортдию обдастадаги сув билан корақуяга беланган қўлини обдан ювди. Кейин артинганча, аёлининг ортидан уйга йўналди. Аммо эшикни очар чоғида хотинининг гапларини эшитиб қолди:

– Асти сўрама, дугонажон, шунақанги бе-маъни кун бўлдики, зерикканимдан нақ ёрилиб ўлай деяпман. Бир нималарни баҳона қилиб вақтлироқ қайтсам керак... Чикқин-а олдимга кечқурун, ҳасратлашамиз...



Эр эшик дастасини тутган кўйи хайкалдек котди. Аллабир замондан кейингина уни кўй-вориб, ортга чекинди. Гарангсираб, қозоннинг бошига борди. Нима қиларини билмай, ғайририхтиёрый равишда ўчоқ атрофида айлана бошлади. Худди хаёлида айланаётган ўша бир жуфт сўз каби. Бу сўзлар эса хонага кириб қолган хира пашшани эслатарди, эслатиб, миянинг ичида тинимсиз ғинғилларди: БЕМАЪНИ КУН! БЕМАЪНИ КУН! БЕМАЪНИ КУН!.. ФИИИНГ, ФИИИНГ, ФИИИНГ...


Эр беихтиёр ҳовли томондаги эшикдан пастга, дарёга қараб эниб борди. Сувнинг бўйига чўкдю нигоҳини оқимга берди...

– Ош нима бўлди? – Қичкириғи келди анчадан кейин хотиннинг. – Ҳой, қаерларга войиб бўлдингиз, дадаси?!..

Эр гўё ўтирган ўрнига михланиб қолган эди, қўзғалолмасди. Шу боис хотиннинг ўзи уни топиб, ёнига келди.

– Ҳой, кўзингиз очиқ ухлаб қолдингизми? – туртди эрини. – У ёқда ош тагига олиб кетгандир, деб ҳам ўйламайсиз-а?!..

«Сен ошни айтасан, бу ёқда менинг хаётим тагига олиб кетмокчи-ку!. Ош тагига олган



бўлса олгандир, уни кайтадан бошлаш мумкин, лекин умрни-чи? Агар у тагига олса, янгитдан бошлаш мумкинми?» дегиси келди. Жудаям келди. Лекин аёлига караса, ҳар доимгидек беозор жилмайиб турибди. Гўё ҳеч нима бўлмагандек...

– Сизга нима бўлди? Нега рангингизда ранг йўк? Туринг, юринг тепага, корнингиз очмадимиз? – эрининг кўлидан тортди хотин. – Сал бўлмаса, ошдан қурук қолардик. Уни бузиб кўйдим. Жуда чиройли чиқибди. Ўзингиз сузиб келинг, яхши кўрасиз-ку сузишни.

Эр ошни сузиб келди: гўшти, бехиси, саримсоғи, қалампири устига маржондек тизилган, энг яхши зиранинг ҳиди уфуриб турган паловхонтўра ҳар қандай димокни қитиқлаб юборадиган даражада гўзал ва хушбўй эди. Лекин эрининг иштаҳаси қочган, томоғидан бир қултум сув ҳам ўтмас ҳолга тушганди. Шунга карамай, хотинининг кўнгли учун келиб ўтирди, раъйи рағбати бўлмаса-да, ўзини жамлаб, олдинги кайфиятига яқин маромни кидирди.

– Қани, бошланг, – деди хотин эрига чой узатиб.


Эр бир қошиқ олди ва тарракдек котди: оғзига ош эмас, гўё бир қошиқ туз солгандек афти бужмайди.

– Ҳа-а? – деди сергак тортиб хотин. – Нима қилди? – кейин ўзи ошдан тотиб кўрди. – Шўрроқ, демокчимисиз? Ҳечам-да.

Эр индамади. Чой хўплаб, оғзидагини тезроқ ютишга уринди. «Тавба, – деди у ичида, – шунча яшаб, ўз умр йўлдошимнинг таъбини ҳалигача билолмаган бўлсам-а. Тўғри, у менга караганда шўртоброқ нарсаларни суйиб ейди. Аммо бу даражада эмасди-ку!...»

– Хўп, майли, салгина холос. Чучмал экан, жиндай туз ташлагандим. Ҳечқиси йўқ. Ана, дарё бор, суви шифобахш, дер эдингиз. Аччиқ қилиб бир чойнак кўк чой дамлаб берсам, эски тузларингизниям ювиб тушади. Олинг, – хотин лаганга яна қошиқ урди...

– Бир чойнак эмас, бутун бошли дарёни қайнатиб ичиб юборсам ҳам бугун ичимга тушган тузни юволмайди!.. – Йўқ, эр бу гапни ирод қилмади, балки кўнглидан ўтказди... Чунки аёлига қараса, тагин жилмайпти. Аслида, ҳамиша шундай бўлмаганми: кулган, жилмай-




ган, ишкилиб, эрига ёкқан-ку! Шунинг учун ҳам шу тобда эр унга боз эргашиди. Фақат қошиғи бу сафар гуручга эмас, беихтиёр беҳига қараб «қочди». Ўх, у ҳам тузга ботириб пиширилганга ўхшарди. Эр тагин чойу нон билан оғзидагини ямлаб ютди. Хотин эса мулозамат кўрсатишдан чарчамасди. Эр гуручу беҳидан авайланиб, гўштга «элчи» юборди. «Музокара» яна ўшандай – аянчли яқунланди...

Қизик, тушгача ҳаво бирам очик, бирам ёқимли эдики, қараб кишининг баҳри дили қулф урарди. Энди кўкда тўда-тўда булутлар пайдо бўлди, осмон юзи қорайиб, ерда унинг кўланкаси кезина бошлади. Кўп ўтмай, фалак токи қарсиллаб бир ёришдию шифалаб ёмғир ёғди. Эр-хотиннинг ёнгинасидаги деразанинг очик бир қаноти кесакисига келиб урилган эди, иккаласи ҳам бир чўчиб тушишди...

Улар дала ховлидан тезгина қайтишди.


* * *

Хотин ҳар доимгидек уй ишлари, неваралар, қавму қариндошу кўни-кўшни, айникса, дугоналари билан андармон бўлса-да, лекин




эр... эрнинг «кемаси тешилиб қолди». Ундан сизиб кираётган сув эса тобора тарози босиб, кемани ҳалокатга судрарди. Инчунин, у нима қилишини, қайга боришини билмай довдиради. Аслида, бу дамларни қанча хоҳлаганди, қанча кутган эди. «Ишларимни бирёқлик қилсам, хотиним билан у ёққа борамиз, бу ёққа айланамиз, уни қиламиз, буни кўрамиз...» Эҳ-хе, санайверсак, сони бору саноғи йўқ. Шу чоккача иш деди, рўзғор деди, оёққа туриб олайлик, деди. Ҳаммасини кўнгилдагидек адо этиб, энди аёлимнинг кўнглига қараб одамдек яшайлик, деганда... бирданига орзу-ниятлари ўз маънисини йўкотди-қўйди. Гўё саҳрода кетаётган ва ҳув анави қумтепаликдан кейин зилол сувлар оқиб ётган гулводийга чиқишини кутган, лекин тепаликни ошиб ўтгач, яна саҳронинг давомига дуч келган, чанқоқ ва чарчоқдан силласи қуриган йўловчининг ҳолига ўхшарди, унинг шу ондаги аҳволи. «Энди нима бўлади?..» Бу савол вақт ўтган сайин оғзига тушган ўша бир қошиқ шўр ошдек бутун борлигини ачитиб, захарлаб борарди.

«Нега хотиним ўша сўзни айтди? Нима, шунча вақтдан бери мендан кўнгли тўлмай яшади-




ми ё ҳаётида биров, уни зериктирмай юрадиган кимдир борми?..» Жавобсизлик эрнинг юрак-бағрини пайкондек тешиб юборди. Ундай деса, аёли шу кунгача эрни шубхага қўйгувчи бирон иш, бирон ҳаракат қилмаган-ку. Қолмишига ўша бемаза гапдан кейин уни зимдан канча қузатди: кўнглини хижил қиладиган бирон гард топган бўлса, осмон узилиб пойлоқчи эрнинг бошига тушсин! Лекин нима учун хотин ўша сўзни айтди, шундай чиройли кунни «бемаъни» деб атади? Агар шундай кун маънисиз бўлса, маънилиги қанақа бўлади ўзи?! Нега у шундай қувончга тўла кунда ҳам «Зерикяпман», дея ҳасрат қилди? Ҳасрати нима эди? У қачон, қай тарзда хотинининг бағрида тўпланиб улгурди? Нега уни эр кўрмади, сезмади? Нима учун аёл юрагини тўқиш учун эрини эмас, дугонасини тахлади? Бу юрак нега тўлди ўзи, нима билан тўлди? Бир-бировларига тўлиғича бағишланган кундан воз кечиб, лакма дугонаси билан валақлашадиган оқшомга нетиб шошилди аёл?..

Боши-кети бўлмаган бундайин сўроқларга эрнинг бирон тайинли жавоби йўқ эди. Қайтага,



ўйлагани сайин тушунмас, тушунмагани сайин эса асабийлашар, сиқилар, эзиларди... «Ахир мен ҳам гулдек умримни, ёшлигимни, кучга тўлган давримни, ҳис-туйғулариму орзу-умидларимни, кўйингки, бутун борлиғимни аёлимга, фарзандларимга бахшида этмадимми?! Яратган нимаики яхши нарсани менга илинган бўлса, борини хотинимнинг оёқлари остига пойандоздек ёзиб келдим-ку! Яна нега, нима учун у мендан норози яшади? Лекин норози экан, нега буни тилига ўша кунгача чиқармади, менга ёрилмади? Нега шу чокқача менга кулиб қаради, хануз шундай қарайди? Миқ этмай хизматимни қилади? Ахир, бу ҳаёт унга ёқмас, мақбул эмас экан-ку!.. Нима, у ўзига номатлуб ҳаётга кўниб, шуни ўз қисмати деб қабул қилганми? Ўзга чораси бўлмагани учунгина хаммасига бош эгиб, кўнглидаги энг азиз, энг тансиқ, энг муҳими, энг рост кечинмаларини ўша маҳмадона дугона-сигагина айтиб умр ўтказаяптими? Ахир, шуюм ҳаётми?!»


Орадан кунлар, ҳафталар ва ойлар ўтса ҳамки, хотин ўшандай сермулозамат, сертакаллуф: лабидан табассуми, тилидан ширин сўзи



аримасди. Эрми? Эрнинг ичи кундан-кунга шўрлаб борарди. Қанча вақт ўтмасин, неча яхши ўйлар билан ўзини овутишга, чалғитишга уринмасин, бари фойдасиз эди. Ниҳоят, ўзига ўзи: «Хотиним билан нимани яшаган бўлсам, яшадим. Яхши кунларимиз, бахтли дамларимизни ортга ташлаб келибмиз. Эндиги ҳаётимиз эса аввалгидек бўлолмайди», деди. Ҳаммаси худди ўша кунга, дала ховлида хордиқ чиқарган ўша ҳал қилувчи кунга ўхшаб қолди: тушгача ҳаво очик, осмон мусаффо, олам нурафшон эдию тушдан кейин қасирғалар бошланган кун борку, ана ўшанга... Худди айтгимдаги каби: «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ». Аммо бир томонига ёруғ, иккинчи ёғига эса қоронғи, деб дарж этилган ушбу танга келиб-келиб унинг ҳаётида тесқари тушиб ўтирибди: аввал ёруғ томони билан, сўнгра қоронғиси. Яна денг, умрининг қоқ ярмига келганда. Нима бўлсаям, охири бахайр бўлгани яхши эмасмиди? Одамлар шундай дейди-ку!..

Фурсат айланар, айлангани сари эркакнинг ичига тушган тузнинг захри ортиб борарди: шу даражадаки, ўша куннинг биринчи ёруғ ярими

иккинчи қоронғи яримига ботиб, чўкиб кетди. Ха-ха, айнан чўкиб кетди. Шундай палла келдики, эр бошини кўтариб қараса, ўша кун, дала ҳовлида кечган ўша кун, хотини айтганидек, чиндан ҳам БЕМАЪНИ ўтган экан. Бор бўйига, эртадан шомига қадар... Кейин... кейин бундан ҳам баттари уч берди: ҳаётининг ҳозирги МАЪНИСИЗ бўлаги МАЪНИЛИ ўтган аввалги қисмини кемиришга киришди. Аввал БЕМАЪНИ бўлган нарса КУН эди, энди у БУТУН УМРга ҳужум қилди. Ҳатто унинг аллақачон ўтмишга айланган парчасига ҳам. Эр хотира китобининг энг саодатли саҳифаларини варақларди-ю, заррача нафи тегмасди: саҳифа юзига қаёқдандир бир томчи сиёҳ томарди-да, сўнг шу томчи ёйилиб, бутун юзани ўз тасарруфига оларди. Худди ошга бежо тушган бир қошиқ ўша лаънати туз янглиғ... Энди эркакнинг ҳолини кўринг: у инидан тушиб кетган темирқанот полапон мисол олазарақ бўлиб атрофга илҳак кўзларини жавдиратар, фақат энди бу кўзлар нажот фаришталарини эмас, балки ўзига ҳужум қилаётган, қанотларида ёзуви бор сон-саноксиз пашшаларнигина кўрар ва



титраб-қақшаганча хижжалаб ўқирди: БЕ-МАЪ-НИ КУН! БЕ-МАЪ-НИ ХА-ЁТ! БЕ-МАЪ-НИ УМР!.. ФИ-И-ИНГ, ФИ-И-ИНГ, ФИ-И-ИНГ...

Бор-йўғи бир жуфтгина сўз, бор-йўғи сўз, «пуф» этиб хавога учиб, унга сингиб, йўқ бўлиб кетадиган сўзгина айтилган эди. Биласизми, бу сўзни эр ҳеч қачон эшитмаслиги ҳам мумкин эди, агар...

2011






ҚАЙТИШ

1

Бугун у ишдан кетди. Ишдан-а?!.. Ҳа-ҳа, ишдан кетди деяпман мен сизга... Бақирганим йўқ. Мен бор-йўғи унинг ишдан кетганидан хабар бераяпман. Шу тобдаги кўнгил ҳолим унинг ишдан кетганлиги ҳақидаги хабар мазмунига мос. Тўғрироғи, хабар мени ўз сажиясига кўра созлаб олди гўё. Шунинг учун ҳам сизга бақираётгандек туюлган бўлишим мумкин, аслида ундай эмас. Ахир, бир кун сиз ҳам, мен ҳам, хуллас, ҳаммамиз ишдан кетишимиз мумкин-ку... (ўшанда керак бўлса балки бу гаплар). Қаёққа дейсизми? Билмадим. Ҳамма гап шунда бўлса керак. Дарҳақиқат, ишдан кетгандан кейин одам қаёққа борар экан?.. Ишлаб туриб ўлиб қолса, унинг қаён бориши маълум: чин дунёга... Лекин ўлмасдан бурун ишдан кетса-чи? Кейин нима бўлади. У ишдан қаерга боради?..

Шундай қилиб, у ишдан кетди. Қирк йил ишлаган, қирк йиллик умри ўтган жойдан кетди... У қанақа жой, ишининг номи нима, кимлар билан ишлаган эди, деганга ўхшаш юзлаб саволлар бу ўринда ахамиятли эмасдек. Нима учун ишдан кетди, ўз ихтиёри биланми ёки ихтиёрига қарамай кетишга мажбур қилишдими, кексайиб, ишга ярамай қолгани учундир, балки... ўйлайманки, буларнинг жавоби ҳам жуда муҳим кўринмайди. Чунки ҳамма қачондир, қандайдир сабабга кўра ишга киради ва вақти-соати етиб ундан кетади. Худди туғилиш ва ўлишдек гап бу. Пистончи ўлибди, дейишса, дарров «нимага?» деб сўраймиз. «Фалон-фалон» сабабга кўра дейишгандан сўнг, «агар ўша сабаб бўлмаганда тирик юрарди» дея ҳамдардлик билан билафонлик қиламиз. Тўғри, бўлиши мумкин. Масалан, агар у анов куни ҳақиқатан ҳам ўша савил машинага ўтирмаганида, автоҳалокат содир бўлмаслиги мумкин эди. Бироқ, у, ба-рибир, қачондир ўлар эди. Ўша куни бўлмаса, эртасига бошқа сабаб билан, эртасига ўша са-




баб билан ўлмаса, индинига яна ўзга бир сабаб билан... Айтмоқчимизки, ўлим – муқаррар. Ҳаммамиз мазкур фикрда яқдилмиз. Худди шундай, у ёки бу одамнинг бир кун келиб ишдан кетиши ёки ишлаб туриб омонат жонни Яратганга топшириши ҳам табиий ҳол. Бунга шубҳа йўқ... Тавба, тавба... тағин ўтлаб кетдик, чоғи...

3

Шундай қилиб у ишдан кетди... Ишхонадан кенг ва катта кўчага чиқаркан, ўзини ғариб, афтодаҳол сизди. Уйига бормасдан қаровсиз итдек шаҳар кезди. Шунда у ўзини ҳақиқатан ҳам кераксиз ва ташландиқ ҳис қилди. Улкан кўчалар бўйлаб қад кўтарган осмонўпар бетон уйлар худди унга қараб бостириб келаётгандек даҳшатли туюлди. Илгари ҳеч буларни пайқамаган экан. Ахир, ҳар куни шу уйлар олдидан ўтар эди-ку, нега фақат эндигина улар бегонадек, шафқатсиздек туюлаяпти. Қани аввалги муносабат, қаёққа кетди, нега кетди?!..


Уйига эса, унинг асло киргиси келмаётганди. Юраги дов бермаётганди, тўғриси. Ахир,



Ўғли ва кизининг бири чет элда, бошқаси қўшни шаҳарда яшашади. Улар оила қуриб, ўзидан тиниб-тинчиб кетишганига кўп бўлган. Хотини ҳаётлиги пайтда ҳам йилда бир келишса келишарди, бўлмаса телефон биланок қариндошчилик бурчларидан осонгина қутулиб қўя қолишарди. Узоқ йили аёли казо қилди... Шундан бери ёлғиз эди. Бироқ у ёлғизлик дахшатини мана энди чинакамига ҳис қилиб турибди. Илк марта дуч келди унинг кийимсиз қолган жўжабирдек жони аёвсиз танҳоликнинг аччиқ шамолига... Ҳолбуки, анчадан бери сўкқабош ва қаровсиз эди. Бироқ бугун... айнан бугун бошланганга ўхшайди унинг чинакам кимсасизлиги...


4

Кеза-кеза, туртина-туртина, хориб-чарчаб, ниҳоят, у ўз уйи остонасига келиб қолди. Юрагини ваҳм босди. Бироқ на чора, унинг киссасидан калит олиб, эшикни очишдан ўзга йўли бормидики, тагин иккиланса... Ичкари кирди. Бутун дунёсини қоронғилик чулғаб келди – шошиб чироқни ёқди. Кейин бошқа хона-



ларникини ҳам бирин-сирин ёкиб чикди. Хатто, хожат ва чўмилиш хонасини ҳам чароғон қилиб қўйди... Алламаҳалгача ётмади, ўйланиб-сикилиб ўтирди, юрди, устма-уст сигарет чекди. Исмсиз аламнинг авж палласида эса кўзларига ёш ҳам қалқиб чикди: «Энди нима бўлади?!» деган ғоят хавотирли савол миясини аёвсиз чўқиди...


Нихоят, тонгга яқин чарчоқдан кўзи илинди... Қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал қулоғига қушларнинг шодон чуғур-чуғури кирди, шу ҳамоно юзига тушиб турган қуёшнинг ёқимли тафтини туйди. Ҳа, ажиб бир фароғат уни уйғотганди. Тўнини елкасига ташлаб, аста ташқари юрди. Мўъжазгина ҳовлида қад кўтарган бир жуфт ўрик қийғоч гуллаган – тинимсиз сайраб турган қушлар ҳам, у гулданбу гулга учиб-қўниб ғўнғиллашини бошлаган асаларилар ҳам унда эди. Атрофда она-заминнинг, кўкламнинг, улугвор куч – ҳаётнинг бўйи шундок уфуриб ётарди. Вожаб!.. Нахотки, у олдин буларни кўрмаган бўлса?.. Ахир, у қарийб қирқ йилдан бери шу ҳовлида яшайди, анов дарахтларга ҳам камида шунча берса



бўлади, лекин у нега буларнинг биронтасини пайкамаган бугунгача?..

Чамаси, у бир замонлар – бунга кўп бўлган – болалик чоғлари эди у пайтлар – ҳаммасини кўрар ва хис киларди. Эрталаб уни ё куёш алангаси ёки бўлмаса мана шунақа жувуржуқ кушларнинг бир-бирига гал бермай сайрашлари уйғотарди – эслайди. Кейин... кейин у фақат ишхонанинг, кундалик ва йиллик режалар ташвиши билан кўз очиб-юмишга одатланганди. Бугун эса улар қаёққадир чекинганга ўхшайди: унинг қартайиб қолган баданига тағин бобокуёшнинг тафти ёқаяпти, тағин унинг ярим битиб қолган қулоқлари кушлар қўшиғини эшитиб роҳатланаяпти...

Кечгача у шу ердан – куёш нурларига чўмилаётган дарахт гулларининг тагидан кетолмади, сайроқи кушларни тарк этолмади. Туртиниб-суртиниб бўлса-да, раҳматли аёлидан кейин қаровсиз қолган ховлини супуриб-сидирди, гулларни ёввойи ўтлардан тозалади, тагини юмшатди, уларга сув қўйди... Ниҳоят, шом тушди. У ҳам обдан толиқди. Кетмонни бир четга қўйиб, муслукда юз-қўлини ювди, елкасига



сочиқни ташлаганча келиб сунага чўкди. Кекса нигоҳларини эндигина ниш уриб турган дарахту гуллар, ўту ўланлар ўсган кафтдеккина ер майдонига тикди. Узок вақт шундай ўтириб колди. Шунда кимдир унга «Сен ёлғиз эмассан!..» деяётгандек бўлди... Бир сесканди-да, кўзғалиб юрди. Димоғига сув сепилган тупроқнинг баҳор аралаш хиди урилди. Кўнгли бир кўтарилиб тушди. Лекин ўзини тутди. Дарахтга яқинлашиб, унга худди одамга карагандек каради. Бирдан ботинида нимадир кўчди... Кўчди-ю, ўзини дарахтга ташлаб, уни махкам қучганича аввалига унсиз, кейин хўнграб йиғлаб юборди. Узок, жуда узок вақтдан бери кўзларидан бир томчи ёш чикмаган бу қария энди елкалари силкиниб-силкиниб, ичлари ағдарилиб-ағдарилиб йиғлар, йиғлаган сари бутун умр йиғилган қатлам-қатлам ситамлари кўчиб чиқаётгандек енгил тортарди...

У ўзига хамроҳ ва суянчиқдек туюлган дарахт танасидан қўлларини олганда, кўнгли чароғон эди. Холбуки, атроф туннинг сиёҳига чўмилганди, бироқ зулмат йўқ эди бу кечада...

Бу ора вақт илгарилаб кетганди. Аста юриб уйга кирди, қорни очқаганини ҳис қилса ҳам чарчоқдан кўзлари юмilib бораётганди. Зўрға хобхонага етиб олди-да, ўзини ўринга ташлади. Уйқунинг тўрига фарқ бўлаётган шуури энди хоналар чирокларини ёқиб кўйилишига эҳтиёж сезмасди...

2005






КЎПРИК УСТИДАГИ НИКИТА

1

Ҳар гал дала ҳовлига бориб келаётганимда, йўлда икки ялангоёқ болакайни учратардим. Бирининг оти Никита, иккинчисиники эса Умиджон. «Исмларини қаердан била қолдингиз?» демоқчимисиз? Ўзларидан-да. Воқеа бундай бўлди: ҳовлимдаги чоғроқ боғда ишлаб, тўртбеш катта-кичик дарахтни суғориб, кечга томон торгина йўлдан шаҳарга қайтаётсам, муюлишда, рўпарамдан кўкқисдан бир машина чиқиб қолди. Қўшимчасига йўл четида болалар ўйнаб ўтиришарди. Шитоб билан келаётган машинани ўтказиб юбориш учун шартта тормозни босиб, машинани болакайларнинг шундоқ тумшугига тираб тўхтатдим. Улар ялт этиб менга қарашди. Йўқ, чўчиб кетишмади. Аксинча, уларнинг ўрнига менинг юрагим бир хаприқиб тушди. Улар эса жилмайиб туришарди. Жилмайиб деганим жуда юмшоқ чиқди, «болакайларнинг



юзларида қуёш порларди, қуёш!» десам, уларнинг исмсиз севинчларини аниқроқ ифодалаган бўламан.

– Салом! – дедим мен ҳам болаларнинг севинчидан таъсирланиб.

– Салом, – дея машинанинг очиқ ойнасида қўлини суқди уларнинг маллатоби.

– Отинг нима сени?

– Никита! – кўзлари чакнаб жавоб берди бола.

– Сеники-чи? – сўрадим нарироқда ийманиброқ турган қорамағизидан.

– Умиджон!

– Ёшинг неччида Никита?

– Саккизда.

– Сеники-чи Умиджон?

– Ўн иккида.

– Бўйларинг тенг-ку?

Улар жавоб ўрнига яна жилмайишди.

– Хайр, болалар!

– Хайр, амаки!

Мен машинани юргизиб, йўлимда давом этдим.

Одатда, кишин-ёзин десам ҳам бўлаверади, дам олиш кунларим дала ховлида кечади. Бу ерга келиб-кетарканман, сўнги ойларда деярли ҳар сафар Умиджону Никитага рўбарў келади-ган бўлдим. Улар ҳам узоқдан менинг машинамга кўзлари тушиши ҳамоно ўйинларини ташлаб, кўришиш учун кир кўлларини касмоқ устларига артган киши бўлиб, ҳозирлик кўришади. Ўз навбатида, мен ҳам беғубор болачаларнинг шугина истагига пешвоз чиқмасдан ўтолмайман: тормозни босаман, улар чопиб келиб бири қизил ва бошқаси қорамағиз юзларида менга таниш, менга кадрдон бўлиб бораётган қуёшчаларни порлатганча бирин-кетин кўлларини ойнадан узатишади.

– Салом!

– Салом!


– Ишлар қалай?

– Яхши.

– Икковларинг дўстмисизлар?

– Ҳа.

– Қанчалар қалин дўстсизлар? – Катталарга хос муғомбирлик билан сўрайман мен.




Жавоб ўрнига табассум қилишади улар, болаларча соддадиллик билан.

– Хайр, болалар!

– Хайр, амаки!

3

Кунлардан бир кун аёлим ҳам мен билан дала ҳовлига отланиб қолди. Мен унинг ҳамроҳлигини ёктираман. Йўлда йўлдошнинг бўлиши қандоқ яхши, ахир! Ҳадеб ўзинг билан ўзинг гаплашмайсан. Йўлакай мен унга Никита ва Умиджон ҳақида сўзлаб бердим. Аёлим мени диққат билан эшитди-да, сўраб қолди: «Ҳар сафар машинани тўхтатганингизда болалар чошиб келишадими?» «Ҳа», дедим мен негадир севишиб. «Қап-катта одамсиз, бунинг устига ёзувчи бўлсангиз, нахотки, пойингизга чошиб келган болаларнинг қўлига иккита конфетми, бир бош узумми, тутқазишга фаросатингиз етмаса!» деди у норозиланиб. Мен бу фикрнинг сира хаёлимга келмаганини билдирдим. Аёлим дарҳол машинани йўл четидаги дўкон олдида тўхтатишимни айтди. Шундай қилдим. Аёлим дўконга кириб, иккита шоколад кўтариб чиқди. Йўлда уларни



болаларга улашдик. Болалар ниҳоятда қувониб кетишди. Биз ҳам. Бироқ бироз вақт ўтгач, кўнглим негадир гаш тортди. Болалар билан бўлган самимий мулоқотимга ғараз аралаштиргандек сездим ўзимни. Аёлимга ёвқараш билан боқдим: ўргилдим сенинг фаросатингдан!..

Хайрият, у буни сезмади.

4

Кунлардан бир кун Никитани узоқдан, муюлишдаги кўприк устида кўриб қолдим. У йўлга иккала кўзини тикканча, офтобда жавдираб турарди. Тўхтадим. Болакайнинг кайфияти йўқ эди, кийими обдан кирланган, юзида ҳам қуёшча акс этмасди негадир. У машинанинг очик ойнасидан индамайгина кўлини узатди.

– Салом!

– Салом!

– Умиджон қани?


– Репетиторга кетди.

– Қачон келади?

– 12.30 да.

Соатга қарадим: мил 12.35.ни кўрсатарди.

– Келадиган вақти аллақачон бўлибди-ку.




- Ха.
- Қачондан бери кутяпсан?
- Эрталабдан бери.
- Қаерда, шу ерда, кўприкнинг устидами?
- Ха.
- Бошқа болалар йўқми сен билан ўйнайдиган?
- Бор.
- Нега ўйнамаяпсан?
- Умиджонни кутяпман...

Мен Никитага бошқа савол бермадим. Беролмадим чунки. Томоғимга бир нималар келиб тикилди. Аста қўзғалиб, йўлимда давом этдим.

5

Мана, орадан қанча фурсат кечдию негадир кўприкда, бир ўзи, қиёмга келган қуёшнинг куйдиргувчи тифида Умиджонни кутаётган Никитанинг суврати сира ёдимдан кўтарилмайди. Ахир, кўчада у бирга ўйнаши мумкин бўлган қанчадан-қанча бошқа умиджонлар бўлгани ҳолда Никита фақат Умиджонни кутар эди. Эшитяпсизми, фақат Умиджонни!..



– Менинг-чи, менинг Никитадек бирон дўстим борми?.. – дейман мен ўзимга ўзим. – Ўзим ҳам бирон Умиджонни дўст тутиб, қуёшнинг тифида Никита каби кутдимми?..

Биласизми, бу саволни энди мен бир умр ўз-ўзимга бермасайдим, дея кўрқаман...

2015






ДИЛЁРА

1

– Таксида кетасиз. Шошмай туринг, hozир ўзим машина тутиб ўтказвораман. Сайёра, унутинг энди автобусга осилган вақтларингизни! Энди фақат енгил машинада юрасиз. Хозир, мана, учиб тушяпман! – Кўл телефонини ўчираркан, Абдулла Дилёрага бир кўз ташлаб кўйдю эшикка йўналди. Чикар асносида эса вазиятга изох берди: – Опа, бир зумда қайтаман, келинингизни шундоқ уйга кузатиб кўяй. Мени сўраб келишса, шу ўрталарда юрувди, денг.

– Э-э, олифта бўлмай кетинглар! – деди ичида Дилёра йўлакда чошиб кетаётган куёвболанинг оёқ товушларига кулок соларкан. – Хонимчаси бундан буён фақат таксида юрармиш. Нима, осмон узлиб ерга тушармиди эл қатори жамоат транспортига чикса?.. – Дилёра каттакон столнинг бир четида уюлиб ётган, анчадан




бери кўли тегмаётган папкаларга хафсаласизгина каради. – Уф-ф-ф!..

– Ҳа, опа, тинчликми? – сўради ҳамхонаси Эъзога ўқиб турган қоғозидан бош кўтариб.

– Йўқ, ўзим... – Дилёра айб устида кўлга тушгандек бир сескандию кўлига илашган папкани шошилинич очиб, нигоҳларини унинг орасига олди. Лекин қаёқда – кўзлари сатрлар устида сирпанса-да, хаёли бошқа ёқда – ўзининг янги келин бўлиб тушган дамларига бўзчининг мокисидек бориб кела бошлади. Дилёранинг холини тузукроқ англаш учун унинг кўлидаги асар муаллифига бир қур назар ташлашнинг ўзи кифоя эди, лекин... лекин, айни дамда, мамлакатнинг шундай донгдор ёзувчисининг қиссаси ҳам аёлни ўз кечмишидан чалғита олмас, аксинча, шўрликнинг кўзлари ўтган кунларни ҳижжалаб ўқишга, тўғрироғи, ўқишга шўнғиб кетган, ташқаридан қараганда, у жудаям бахтсиз кўринарди киши кўзига.


Ўшанда... келинлик уйдан қизлик уйига бир келиб кетаётганда, остонада акаси унга: «Биламан, бегона уй бошида ўзингникидек бўлмайди, синглим, қимтинасан, бирда овқат



есанг, бирда йўк, ма, манавини олиб қўй. Йўк, эътирозлар қабул қилинмайди, ол! Қорнингга, кеч қолганинга уловингга ишлатиб юр!» дея қўярда-қўймай бир даста пул тутқазганди. Хўш, Дилёра пуллари нима қилганди? Нима ҳам қиларди дейсиз, бир зумда изини қуритади-да: ҳаммасини қўшқўллаб қайнонасига топшириб, ўзи такси у ёқда, автобус бу ёқда турсин, азбаройи тежамкорлигидан пиёда ишга бориб келарди. Ҳолбуки, анча жой эди: неча тош на-ридаги ишхонага ҳеч ким яёв қатнамасди...

«Булар нимани ҳам билишарди, ёш болалар-да, ота-онасининг даврида юришибди-да, нонни «нанна» деб, – дерди у янги келин-куёв – Абдуллаю Сайёранинг хатти-ҳаракатларини кузатаркан. – Ҳали ҳаммаси куртак холида, энди бир-бирларига етиб туришибди, қизигида бир муддат «автобус кутмай таксида юр, жонингни койитма, ўзингни асра, қўлингни совуқ сувга урма...» деб қўконча мулозамат қилишади-да, кейин яна ҳаммаси бояги-бояги – бойхўжанинг таёғи бўлади-қолади».


Дилёра қалбига қулоқ тутиб, у ерда нега-дир ҳаммасининг «бояги-бояги – бойхўжанинг



таёғи» бўлиб қолишига овоз бераётган истак яшириниб ётганини уқдию «қилмиши»дан хижолат бўлиб ерга каради. Лекин кўп ўтмай тақдир унга шу «гуноҳи»дан фориг бўлиш имконини инъом этди: Дилёра юрагига ин қуриб олган ножоиз хоҳишлар билан андармон бўлиб юрган кунларнинг бирида ишхонадан концертга чипта тарқатилди. Севиниб кетди. Ҳу-у-в, бобомнинг замонида тушган эди у охирги марта концертга. Мана, яна... Аммо... ёнига боқиб, Абдулланинг ўзига маънодор караётганини кўриб қолди. Дилёра куёвболанинг муддаосини дарҳол тушунди: «Бўлди, шу чипта Сайёрахонники!» дедию кўлидагини Абдулланинг столи устига қўйди. Ва... ва шу билан бағридаги оташнинг куйдирги тили андак қисқарганини ҳис қилди, енгил тортди...

2

Эртасига Дилёра ишга хар сафаргидек барвақт келди. Кела солиб раҳбарнинг кабинетига ошиқди: деразаларни очиб, ичкарини шамоллатди, гулларга сув қўйди, чойгумни сувга тўлдириб электрга тикди, фаррошнинг ортидан



яна бир бор стол устини дока билан сийпалаб чикди ва шундан сўнггина кўнгли тўлиб, ўз бўлимига қайтди. Йўлакда эса, лифтнинг эшиги очилдию рўнарасида Абдулла пайдо бўлиб куюк сўрашди.

– Раҳмат сизга, опажон, ўзиям концертмисан концерт бўлди-да, соянгизда келинингиз билан би-и-ир яйрадик.

– Хурсандман. Тошкентча айтганда, «роса битларинг тўкилибди-да!»


– Кўйинг-э, шунақаям дейсизми? Янги келин-куёвда қанақа бит, опа?

– Шунақа гап бор. «Ёмонам мазза қилдик» дейдию Анжан тарафларда. Шунинг биздагиси ўшанақа.

– Э-э, шундай демайсизми, опа. Бит-мит деганингизга ўтакам ёрилай деди-ю. – Абдулла илдамрок юриб, эшикни очди ва ўзи тисарилиб Дилёрага йўл берди.

– Бугун эртароқ кеп қопсизми? – сўради Дилёра ўз жойига ўтириш учун каттакон столни айланиб ўтаркан.

– Келинингиз эртамандан ота-онасини кўргани вилоятга кетди, ишончли машина топиб,



кузатиб, сўнг вокзалдан тўғри ишхонага кела-
вердим.

– Самолётда учирвормапсиз-да, самолётда.
Олис йўл бўлса... келинпошшо толиқиб қол-
майдиларми?..


– Киноя қилманг, опажон, киноя қилманг.
Бугунга чипта қолмапти-да, бўлмаса, мени
биласиз-ку...

– Ха, сизни биламан, Абдулла, агар қўлингиз
етса, Сайёрахон учун осмондаги юлдузларни
кўзёшларига ҳам қарамай битта-битта узиб бе-
рардингиз, сизни билмай бўларканми...

– Ха, қўлларим етганда эди... – Абдулла
негадир иккала қўлининг панжаларини мушт
килиб сикди-да, боши узра силкитиб қўйди.

Дилёрани хаёл олиб кочди.

Ўшанда... ўшанда бирда-яримда, у ҳам
бўлса, байрам, туғилган кун ва ёхуд тўю
маъракаларда Дилёрага ҳам машина таклифи
килинар, лекин... уни аёл катъиян рад этар,
«қизикмисизлар, кунда юрган йўлим, овора-
гарчиликнинг нима кераги бор? Ўзим авто-
бусга ўтириб бориб келавераман» дер, шундай
киларди ҳам. Энди эса ўйлаб кетди ва беих-



тиёр минғирлади: «Ўшанда... ўшанда лоакал бир марта эрим ёки қайнонамнинг таклифини қабул қилиб, машинада ота-онамнинг уйига бориб келсам, осмон узилиб ерга тушармиди...»

Компьютерини ёкиб жойига ўтирган Абдулла қоши чимрилиб сўраб қолди:

– Бир нима дедингизми, опа?

– А! – сесканиб хушига келди Дилёра. – Йўқ, ўзим...


– Ҳалиям ўзингиз, опажон. Ўзингиз билан ўзингиз гаплаша бошладингиз, сезмаяпсизми?..

Дилёрадан жавоб бўлавермагач, Абдулла принтердан чиққан уч-тўрт қоғозни стол устига қўйди:

– Опа, кўз кўриб қулоқ эшитмаган антика овқат ёйман десангиз, мана, марҳамат, янги, сархил таомларнинг рецепти!

Дилёра ишга муккасидан шўнғиб кетган киши бўлиб олгандек сукут сақларди. Бу орада эшик очилиб, аввал Эъзоза, сўнг Яхшибой ака кириб келишди.

– Жамоа жам бўпти-ку, – деди Эъзоза хонадош ҳамкасбларининг йиғилганидан чунон севиниб.



– Ҳа, – деди Яхшибой ака, – сизларни жам кўрсам, мен ҳам қувониб кетаман, сизларни кўрмаган куним эса соғиниб қоламан. Ўзи на-риги ишимдан бутунлай бўшаб, шу ерга кел-сам, деган ниятим ҳам йўқ эмас.

– Биз-ку жон-жон деймизку-я, лекин Абдул-ла нима деркин? – Гап котди ичидаги ташида бўлган шадлод Эъзога. – У раҳбар билан гап-лашиб, дипломини олар-олмас Сайёрани жамоа-мизга ишга олиб келмокчи.


Абдулла «кераксиз сирни фош қилиб кўйдинг!» дегандек норози алфозда «ялт» этиб Эъзогага каради.

– Ҳа, Абдулла, гапим ёлғонми? – Жилма-йиб каради Эъзога.

– Сафсата! – ковоғини уйди Абдулла. – Ме-нинг хотиним бундай жойларда ишламайди. Мен уни сизларга ўхшаб эрталабдан кечгача тўрт девор орасида – кафасда қоғозга тикилиб умри ўтишини хоҳламайман.

– Вой-бў-ў! Нима бўпти қоғозга тикилса? Ахир, соҳаси... – Эъзозанинг гапи оғзида қолди.

– Бўлди! – гапни кесди Абдулла. – Кўп гап эшакка юк. Ишизни қилинг.



– Бўпти-бўпти, сиз ҳам эскириб қолган катикдек кўп бижғиманг, – норози алфозда юзини бурди Эъзога.

Дилёра ва Яхшивой ака бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

3

Ўша куни Дилёра руҳсиз юрди. Ҳеч ким билан ёлчйтиб гаплашмади ҳам. Фақат эртасига хонада Эъзога билан ёлғиз қолганда беихтиёр ёрилди:


– Эъзога!

– Лаббай, опагон?

– Биз қилиб юрган иш иш эмасми?

– Нега унақа деяпсиз? Ҳа-а, Абдулланинг кечаги гапигами? Қўйсангиз-чи, опа, Абдулла йигирма бешга кирган бўлса ҳам хали ёш болаку. Оғзига нима келса, саннайверади-да. Кўп катта кетаяпти-ю, аммо ҳаётнинг ўз сўзи бор. Ҳаётнинг айтгани бўлади, Абдулланики эмас.

– Майли, Абдулланики ҳам бўлсин, – эзилиб деди Дилёра. – Фақат биз қилаётган ишга нисбатан беписандларча айтган гаплари одамни ўйлатади-да...



– Албатта, мен ҳам бу дунёда ҳамманинг кўнглидаги эзгу ниятлари амалга ошсин, дейман. Лекин «мақтанма ғоз, хунаринг оз» деган гаплар бор, опа, – олдидаги қоғозга қаради Эъзога.

– Абдулла ва Сайёрани кузатиб турсам, гўё ҳаёт ўйиндек туюлаяпти. Ё мен ҳаётдан орқада қолганманми, Эъзога? – ёш ҳамкасбига мунгли тикилди Дилёра.

– Нега унақа дейсиз? – қороздан кўз узиб астойдил Дилёрага боқди Эъзога, – ҳечам ҳаётданам, Абдуллаларданам ортда қолганиз йўқ. Аммо тўғри айтасиз, мен ҳам кузатдим. Чинданам ҳамма нарса Абдуллаларга осонликча ҳада этилаяпти. Сизга ўхшаб менам кеча Сайёра минмаган автобусда ўтирганча ўйлаб кетдим: нега бахтнинг нархи баъзи бировлар учун жудаям арзон бўлади-ю, бошқаларга қимматга тушади? Нега бировлар бахт қасрига элтувчи пиллапоянинг ҳатто биттагина зинасига оёқ босмай дунёдан ўтадилар-у, ўзгалар ўша қасрнинг нақ тўрида туғиладилар? Нега, опа?..

Дилёра ҳам Эъзогага қараб тураркан, айбдорларча пичирлади:


Билмасам...

– Опа, нега хеч янги кийим олиб киймай-сиз? – сўраб колди Абдулла дабдурустан Дилёрадан. – Сизни уч-тўрт йилдан бери биламан. Шу вақт мобайнида эгнингиздаги икки ё уч кўйлагингиз сира ўзгармади-ўзгармиди-я?

Дилёра бошини кескин кўтариб, компьютерга бепарволарча тикилиб ўтирган Абдуллага аччиқланиб қаради. Йигит бўлса қалби озор топган ўрта ёшли ҳамкасбига эътибор ҳам бермади. Аёлнинг юзи дастлаб бўзарди, кейин қизғиш ва қорамтир тусга кириб чиқди. Бир нималар дегиси келди, лекин шайтонга «хай» берган маъқул деб билдими, ҳартугул, сўздан тийилди. Аммо ўша лаҳзанинг ўзидаёқ бошқаларга билдирмайгина эгнига бир разм солиб олди.

Абдулла гапида давом этди:


– Мана, келинингиз. Менга унаштириб кўйилганда, қарасам, кийим-бошлари одмирок, хатто кишлоқича туюлди. Шартта интернетга кириб, кийим-кечак дўконларининг рекламаларига қараб, беш-ўнтасини ёқтириб, хатто эртасигаёқ бориб



сотиб олиб бердим, эслайсизми, опа, келинингизни шу ерга, шу хонага чақириб олиб, бирга кўйлак танлаган эдик.

– Эсимда, – чидаб туrolмади Дилёра, – кандай унутай, ахир, ойимчангиз сўнгги модада кийинсин, деб мен аҳмоқ, болаларимнинг ризки – маошимни сизга ўз кўлларим билан бериб юборибман-а. Шунга ҳам тўрт-беш ой бўлди, ҳали қайтарасиз қарзингизни...

– Ҳа энди, ўлар жойдамассиз-ку, опа. Биз ҳам ҳеч қаерга қочиб кетмаётган бўлсак. Ҳозир мен келинингиз билан тузукрок уй қидиряпмиз. Ўзимизга! Анув куни дадам билан аям келишганди, роса дийдиё қилдим, «қачонгача бировнинг боласини етаклаб ижарама-ижара юрман, дада?» дедим. Бу гап аямга каттиқ таъсир қилиб, саҳаргача дадамни қисувга олган кўринади. Хуллас, бир ой ичида уй оберишадиган бўлишди. Турган жойимиз ҳам сотиладиган экан. Лекин ёқмаяпти. Сайёрадек паривашга муносиб эмас у ер: биринчи кават денг, ертўладан аллақандай ёқимсиз ҳид, ташқаридан болачаларнинг шовкин-сурони, зах, хуллас, бизга тўғри келмайди. Опажон, яна озгина чиданг,



хўп? Дадам уйга пул берганда, бир чеккасидан сизники ҳам хал бўлиб кетаверади, майлими?..

Дилёра индамади. Чунки унинг хаёли кечмишига кўчганди. Ўшанда... эҳ, ўшанда улар келинлик уйидан бир-икки чақирим наридан иморат учун чек сотиб олишганди. Бошқа чоралари ҳам қолмаганди: қайнона, қайнотасини кўшиб ҳисоблаганда ўзиям роса бешта оила бир эшикдан кириб чиқиб юришарди-да. Бешта оила-я! Айтишгагина осон бу. Остона хатлаб ичкари киришингиз билан эса, жиндек лофи билан айтганда, беш мингта муаммога дуч келасиз-қўясиз! Кейин... кейин узок йилларга чўзилган қурилиш машаққатлари бошланганди: худонинг берган кун ишга бор, орада икки кез келиб овқат қил, яна бу ёқда супур-сидир, кир-чир, у ёқда етишимовчилик, уруш-жанжал... эҳ-хе, ўша пайтларда Дилёра бошидану кўнглидан кечирган меҳнату захматнинг, умид ва умидсизликнинг, ранжу аламнинг санаб адоғига етолмаймиз. Болалар, эр, қайнона, ўзиникидан ташқари анави тўрт оила билан қилган муросою мадорасини эса ҳисобга қўшмай қўя қоламиз. Аммо чидади! Тишини тишига қўйиб сабр қилди. Барчасига!

Аёлнинг хаёлини тагин Абдулланинг овози бўлди:

– Одам ўзи учун ҳам яшаши керак, Дилёра опа! Тўғрими, Эъзога?


– Кимга қанақа? Ҳасанжонга ёққани Ҳусанжонга ёқмайди, – ишдан чалғимай жавоб берди Эъзога.

Яхшибой ака бўлса ишига ора бериб, суҳбатга астойдил қулок тутганди.

– Дилёра опамга ачинаман, – давом этди Абдулла, – қачон қарама – «уйим-жойим, болам-чакам!..» дегани деган. Ўзлари-чи? Одаммасми ўзлари?

– Албатта, «болам» дейман-да! – Дилёра нигоҳини қоғоздан кескин узиб, Абдулланинг юзига қаттиқ тикди. – Улардан азизроқ кимим бор менинг? Ўғлим ва қизим турганда, ўзим сара еб, ўзим турли-туман кийинайми? Томоғимдан бир лукма ўтмайди уларсиз, билдизми?

– Тўғрику-я, лекин улар ҳам сизни ўйлармикин? Улғайишганда кадрингизга етармикин?.. Мана, мендан сўрасангиз, айтай: чуч-



варани хом санабсиз. Эртага хаммаси учирма кушдек учади-кетади ўз инларига қараб. Сиз эса қоласиз бир ўзиз, шалпайи-и-иб.

– Майли, учиб кетишсин! Мингдан-минг розиман! Менинг бахтим уларнинг парвозини кўриш! – Дилёра ўрнидан шартта туриб, дўк-дўк этганча ташқарига чиқиб кетди.

– Нима, нотўғри гапирдимми? – сўради Абдулла Эъзозадан.

– Эҳ, Абдулла, воҳ, Абдулла! – Бошини сарак-сарак қилди Эъзоза, – хафа бўлманг-у, букрини гўр тўғрилармиш.


– Демак, сиз ҳам Дилёра опам тарафидасиз?

– Мен на Дилёра опам ва на сиз тарафингиздаман. Икковларингнинг ҳам тутимларингни қабул қилолмайман.

– Шунақа-а-а денг?

– Жуда энди шунақа-а-а-а эмас-у, шунақароқ...

– Эъзозанинг ўзи бир тараф бўлади хали, насиб қилса, – гапга қўшилди Яхшибой ака. – Ҳозир бўлмасаям, кейинчалик, катта ҳаётга кадам босганда шундай бўлади, деб умид



киламан. Чунки сиз ҳам, Абдулла, – Яхшибой ака Абдуллага каради, – Дилёра опангиз ҳам, назаримда, яхшигина ошириб юборасизлар.


– Тавба, нимани яхшигина ошириб юборамиз, Яхшибой ака? Бундоқ тушунтирсангизчи, – пешонаси тиришди Абдулланинг.

– Ҳакамлик килишдан ўзи сакласин-у, лекин, масалан, сиз, кузатишимча, кўлингизда нима бўлса, барини бир кунда – бугун сочиб яшамокчи бўласиз, эртани ўйламайсиз. Дилёра эса бугунни эрта учун қурбон қилади: эртага керак бўлади, дея бугун йиғади, йиғаверади, афсуски, унинг эртаси ҳеч қачон отмайдигандек туюлади менга. Чунки эртага яна йиғади ва бу жонсаракликнинг адоғи йўқ.

– Бошқача айтганда, Абдулла дунёни сочишга, Дилёра опамлар эса тўплашга уринар эканлар-да, – зўр хулоса қилдим, дегандек ўзида йўқ севиниб кулди Эъзоза.

– Ҳа, отангизга рахма-а-ат, – деди чўзиб Яхшибой ака.


Абдулла ҳам бўш келмади: Эъзозанинг оҳангида кизни масхаралагандек кулди. Эъзоза «Ажаб бўпти!» дедию кўзларини қоғозга олди.



Ҳамма тушликка чиқиб кетди, Дилёра ода-тича ўтирган ўрнида қолди. Овқатлангиси келмаганидан эмас, йўқ, ишлаб топаётган маши-ни бус-бутун ҳолда эрига олиб бориб топ-шириш, шу йўсин рўзгорнинг бир томонини кўтариш керак, дея билганидан шундай қилди. Авваллари қайнонасига элтарди, энди... томи битиб, хўжалиги алоҳида бўлгандан бери ўз уйига. Хуллас, ҳаёт деб аталган чархпалак ўз маромида айланаяпти... Хонани охирги ҳам-касби тарк этиши билан Дилёра «дик» этиб ўрнидан турдию кўзгу қаршисига ошиқди. Илк бора кўраётгандек, ўзига, юзига, кийими-га кабоқларини йириб, диккат билан, ҳатто ай-тиш мумкинки, заргарлик қунти билан обдан разм солди. Унинг тимқора кўзларию қуюқ қошларигина қизлик дамларини ёдга солар, қолганининг бари – қадди-қоматидан тортиб, уст-бошию афти ангоригача – ҳамма-ҳаммаси бирам ўзгариб кетганки...

«Товба-а, Толиб акамлар шу чоққача би-рон марта менинг кўринишиму кийинишимдан

сўз очмаптилар, уни кийсанг, бундай бўлади, сочингни анавиндай турмакласанг, манавиндай бўлади» дея фикр билдирмаптилар, а!.. Ўзи мени яхши кўрармиканлар? Шу Абдулла Сайёрани севгандек мени севганмиканлар? Мен туфайли Абдулланинг холига ҳеч тушганмиканлар? Мен-чи, мен, Сайёра Абдуллани ўзгартиргани каби Толиб акамларга таъсир қилганмикинман? Сайёрада нима борки, менда йўқ бўлса? Тўғри, у ҳозир янги чиққан ойдек, лекин бир вақтлар мен ҳам ёш бўлганман. Лекин ўша пайтларда ҳам у сингари бахтли бўлганманми? Эҳ, Сайёра, Сайёра, нахотки, сен мендан бахтлироқсан?..» Бирдан Дилёранинг тасаввурида Абдулланинг доимий эътиборида бўлган Сайёранинг сарвдек тик сумбати, ёшлик ва бахтиёрлик нукси шундок анқиб турган оқ ва тиниқ юзи, таранг бадани, силлик қўллари ва энг муҳими, бахтдан ял-ял очилиб турган чехраси гавдаландию кўзгунинг олдидан ит қувгандек урра солиб кочди...




– Сайёра, яқинда сен унақа қора ишларни бутунлай унутасан. Чунки мен сенга идиш ва кир ювиш машинаси олиб бераман, – деди Абдулла телефонда, – сени маиший ишларнинг ичига кўмиб кўядиган эр йўк... Хўп, маликам, тушликка яқин сим қоқаман, қаерда овқатланишимизни келишиб оламиз, майлими? Бўпти, яғонам...

Абдулла телефонини ўчириб, стол устига айлантириб отди ва кўзларини яна компьютер экранига тикди.

Яхшибой ака билан Дилёра тагин бир-бирларига маъноли қараб кўйишди. Эъзога бўлса, хаммани – учовлон хонадошини кузатиб ўтирган бу зийрак киз бошини ҳеч кимга сездирмай енгилгина чайқатди-да, бежирим лабларининг четига табассум суратини чизганча, олдидаги китобни варақлади.

– Тавба-а-а! – дея хитоб қилиб юборди анчадан кейин Дилёра эшитганларини хазм қилолмай. – Сичқон сифмас инига, галвир боғлар думига. Абдулла, Худо хайрингизни берсин, келинпоши ҳозир таътилда, уйда бе-



кор ўтирган экан, кўйиб беринг, қимирласин, аёл дегани уй ишлари билан овуниб ўтирадида, энди!


– Йўк, Дилёра опа, фақат менинг хонимим эмас. Сайёра дунёга бундай ишлар учун келмаган, – деди Абдулла экрандан кўзини узмай, аммо фавкулудда жиддий оҳангда.

– Ажаб, нима учун келган экан? Билсак бўладими? – озорланди табиатан ҳеч нимани яшира олмайдиган Дилёра.

– Севиб-севилиш учун! – тантанавор тарзда эълон қилди Абдулла, сўнг негадир бирдан қўзғалиб, намойишкорона тарзда каттакон хонанинг ўртасида у томондан бу томонга бориб кела бошлади.

Яхшибой ака кадам товушларига эътиборланиб, ўқиб ўтирган жойида кўзойнагининг остидан Абдуллага ёвқараш қилди.

– Ҳамманинг севиб-севилиб яшагиси келади, Абдуллажон. Лекин ҳаёт фақат сиз айтган нарсалардангина иборат эмас-да. Унинг оқ-қора, яхши-ёмон кунлари бўлади. Меҳнат билан катта турмушга кириб борсаларинг, иссиқ-совуқ кунларда қокилиб тушмайсизлар, дейман-да, – деди Дилёра насихатомуз оҳангда.




– Кўйсангиз-чи ёшларни ўз холига, Дилёра, майли, ўзи билганча яшайверишсин, – одатда, гапга аралашавермайдиган Яхшибой ака бу гал ҳам негадир мубоҳасага кўшилиб кетди. – Сиз билан биз бир нима деганимиз билан улар ўзи билганидан қолмайди. Тўғрими, Абдулла? Мана, меникиларни олинг. Ҳаммаси ўзбилармон. Икки гапнинг бирида йўлини қилиб, «сиз замондан орқада қолгансиз, дада, аралашманг», деган маънони писанда қилиб ўтишади.

– Одам ҳамма замонда ҳам одам-ку, Яхшибой ака. Замондан орқада қолдик, деганингиз нимаси? Инсонни фақат меҳнат тоблайди, ер остида ётган турли-туман тошлар ҳам оловга тушиб олтину кумуш бўларкан. Ишлаш, пешона тери тўкиш керак. Ялқовлик – ҳамма иллатнинг боши. Бугунги такасалтанглар, қўйиб берсангиз, эртанги жиноятчиларга айлананди, – қизишди Дилёра.

– Хай-хай-хай, Дилёра опа, ўйлаб гапиряпсизми? – Боятдан бери ўртада бориб келаётган Абдулла аёлнинг қаршисига келиб оёқ илди. – Сизнингча, мен ва хотиним бориб-бориб жиноятга қўл урарканмиз-да, а? Бизнинг бор-йўқ

айбимиз бахтли бўлгимиз келганими? А? Бунинг нимаси сизга ёкмаяпти? Умуман, бахтли бўлиш гуноҳми?..


Дилёра Абдуллага караганча лол қолди. Лом-мим демади. Деёлмади. Ахир, чиндан-да, Абдулла ва Сайёра унга нима ёмонлик қилди? Ўзгаларга-чи?.. Дилёрадан беш-ўн сўм қарз олган бўлса олибди-да, энди. Шунга ота гўри қозихонами? Имкон топганда берар. Бермаса нима, шу билан Дилёранинг хаёти тўхтаб қолармиди?.. Йўқ, Дилёрани кийнаган нарса бу эмас. Унинг ўзи қарз ҳақида кейин, гап кийим-бош устида борганда бирдан эслаб қолди-ку. Демак, гап бошка ёқда. Хўш, қайси ёқда?.. Дилёранинг жимлиги ўзи ҳақда эмасми?.. У шу тобда Абдуллага жавоб тополмай тош қотгани йўқ у! Аёл сукути ўз саволлари қаршисидаги жавобсизлиги билан изоҳланмайдими?.. – Дилёра Абдуллага ҳайрон боқиб турди-турди-да, туйқус қаршисидаги кўлёмага бош эгиб, уни тез-тез варақлай кетди...



Дилёра камини яшириб, кўпини ошириб келди. У хануз шундай яшамокда. Кулиб туриб жон беришни хуш кўради бу аёл. То эсини танибди, кўзининг ёшини ҳеч кимга арттирмади. Ичини ит тирмалаб турган бўлса ҳам юзига бахтиёрлик расмини чизиб яшашдан ўзгасини билмади, билмайди!.. Қайси бир кун уни хафарок кўрган раҳбар сира кутилмаганда «Дилёра, нима муаммонгиз бор? Хомуш кўринасиз...» деб сўраб қолди. Бе-е, Дилёрада муаммо нима қилсин? Эсини еб қўйганми бу кишим? Ўзини ким деб ўйлаяпти? Дилёрани-чи? Эрига айтмаган дардини келиб-келиб онда-сонда икки жумла ё гаплашадиган ё гаплашмайдиган одамга дoston қиладими? Бошлиқ бўлса, ўзига...


Ўшанда Дилёра раҳбарни тузлади, гап билан узиб-узиб олди. Лекин у, меҳрибон бошлиқ ролини ўйнамоқчи бўлган каллаварам, санамай етти дейишга одатланган валлават буни тушундимикан? Майли, кимга керак унинг тушуниб-тушунмагани? Хуллас, Дилёра унга: «Муаммо? Қанака муаммо? Нима дегани ўзи муам-

мо? Бизнинг оиламиз лахжасида муаммо деган сўзнинг ўзи йўқ, фалончи ака. Уйим тинч, болаларим катта бўлиб қолган, ишим бор, таним соғ, хўжайиним куйиб-пишиб оилам деб юрадиганлардан бўлса, муаммо нима қилади менда? Муаммо бошқаларда бўлиши мумкин, менга эса яқин ҳам йўламайди. Мен бахтиёрман!..» деди. Шундай дедию бош мухаррирнинг хонасидан чиқиб, ўз хонасига шошиб кириб кетаркан, ич-ичини ёриб келган аллақандай ёвуз бир ўкирикка енгилди! Овозини баралла қўйиб йивлади, тўлиб кетган булутдек экан – сел бўлиб ёғди-қўйди. Ёзоза, Яхшибой ака ва ҳатто Абдулла ҳам нима қиларини билмай эсанкираганча, «сизга нима бўлди?»дан нарисини эплашолмай роса диққат бўлиб, теграсида айланишди. Лекин Дилёра уларга ҳам миқ этмади. Кўнглини роса бўшатиб олгач, бошини бирдан азот кўтариб, кўзёшларини артди-да, бахт хақида ҳеч ким сўрамаса ҳам, негадир, «Ҳеч нарса бўлгани йўқ, шундок... ўзим... Мен омадлиман! Мен ҳаммадан бахтиёр аёлман!» деди баралла ва сийратини яна қоғозлар орасига яширди. Аммо бирпас ўтиб, Абдулланинг столи устидан ҳеч кимга сездирмай ҳалиги,



антиқа таомлар рецептини қўлига олдию тез-тез юриб коридорга чиқди ва кизига кўнғирок қилди. Қизи тушмагур бўлса вақтида жавоб бермади. Дилёра ўн қайта рақам терди. Ахийри, боғландию «қайси гўрда юрибсан?» дея захрини сочди. Сўнг, «Қара, келгунимча бозорга тушиб чиқ, бугун бошқа бир таом тайёрлаймиз» дея, қизини ҳам анграйтириб, қўлидаги қоғозга боқа-боқа масаллиқларнинг узундан-узун номини эринмай айтиб турди. Шунда у томондан эътироз келди: «Ойи, сира бунақа нарсаларни сотиб олмас эдик, тинчликми, уйимизга нозикрок меҳмон келадими?» деб қолди. Унга сари Дилёра тутакди: «Меҳмон-пеҳмон йўк! Агар билсанг, меҳмон бизнинг ўзимиз бу дунёда! «Ол» дегандан кейин олавермайсанми, гап укмас эчки!...»

Дилёра ишдан уйга кела солиб, зирллаб югурганча у хонадан бунисига бош суқди ва ниҳоят, қизини топди. Топдию кутилмаганда ўзини кўзининг оқу қораси – қизаловининг бағрига отиб, хўнг-хўнг йиғламокка тушди. Қиз эса «ойи, сизга нима бўлди?» деб сўрамади. Онаизорга қўшилиб йиғлади, йиғлайверди. Унга сайин Дилёранинг ҳам бўлари бўлди: «Қизим



мени тушунапти, тушунгани учун ҳам ҳолимга куйиб кўз ёши тўкаяпти», деб ўйлади ва баттар уввос тортди...

Дилёра йиғлайвериб кўзлари шишиб, овози бўғилиб, ниҳоят, ҳиқиллаб қолди. Ана шундагина кизи унинг бўғриққан юзини кафтлари орасига олиб, «Ойи, сизни ким хафа қилди?» деб сўради. Дилёра бир зумгина жигаргўшасининг кўзларига қараб турди. Сўнг: «Ҳеч ким, қизалоғим, ҳеч ким... Балки у хаётдир, балки ўзим... Билмадим. Эҳтимол, шунчаки йиғлагим келгандир-да. Парво қилма, парво қилсанг, кўнгил нималарни тусамайди, дейсан. Унга кулоқ солиб ўтирсанг, бу ёқда хаёт қопкетадикуну! Тур, яхшиси, овқатга уннайлик, ҳали замон даданг, уканг кеп қолишади. Кейин... хў-ў алламаҳалда, ҳамма ухлаганда иккаламиз би-и-ир сирлашамиз, хўпми, оппоғим...» деди.

Ўрнидан туриб кетаётган қизининг ортидан қараб коларкан, Дилёра ўзидан-ўзи сўради: «Нахотки, Сайёранинг бахтида мен ўз бахтсизлигимни кўрган бўлсам!?!..»

Ўша тун Дилёра дилини ёрди...

Дилёра дилни ёрди...

2014



ОЛИСДАГИ ДИЛНУРА

– Алло... Козим ака? Алло!.. Бу мен – Нозим...

– Нозимжон?.. Яхшимисан, иним?

– Ака... Козимжон ака!..

– Лаббай, ука. Гапирсанг-чи, тинчликми?..

– Ака, кечирасиз... Нохуш хабарим бор.

– Нима бўлди?.. – хаёли ота-онасининг омонат жонига кетди Козимжоннинг.

– Юнус тоғам... Тоғамни бериб қўйдик...

– А?!.. Нега?.. Нима бўлди?..

– Бандалик, ака.

– Қачон?..

– Мана, ҳозир касалхонадан олиб келишди.

– Нима бўлди ўзи?

– Оёк... оёқдан кетди, ака.

– Худо раҳмат қилган бўлсин...

– Келасизми?..

– Ҳм... Хўп... – чайналди Козимжон. Лекин кўп-да хаялламай сўлғин овозда деди: – Йўлга тушяпман.

– Ҳозир чиқсангиз улгурасиз, ака...

– Албатта...

Козимжон стол устини йиғиштириб, компьютерини ўчирди-да, тугмани босиб, ёрдамчини чақирди.

– Тоғам оламдан ўтибди. Бир-икки кунга қишлоққа кетяпман, – дея хомуш қўзғалди.

– Вой... Худо раҳмат қилган бўлсин, хўжайин... – юзини силади ёрдамчи. Сўнг икки қўли кўксида – раҳбарни кузатиб чиқди, – ёшлари неччида эди?

Козимжон пешонасини тириштириб, жавоб беришга чоғланиб кўрди: «Адашмасам, эллик бешларда эди...»


– Ёш кетибдилар... аттанг.

– Йўқлигимни билдирмай тургин.

– Хўп, хавотир олманг, – пилдираб келиб машина эшигини очди ёрдамчи. – Ўзингиз ҳайдаб кетасизми? Ё ҳайдовчини...

– Ўзим. Чақирма.

– Яхши бориб келинг...



Козимжоннинг «Prado»си шаҳар ташқарисига чиқиб улгурмай, телефони тағин жиринглаб берди.

– Алло, ассалому алайкум, Козимжон ака, яхшимисиз?

– Ваалайкум. Ҳа, эрталабдан?

– Йўлдамисиз? Бошингиз босилиб қолдими? Кечкурун одамни кўрқитвордингиз. Шунга...

– Нима тағин? Гағни айлантиравермай айта қол, шошялман, – деди Козимжон машинани хиёл секинлатиб.

– Айтаверайми?

– Ҳа, дедим-ку...

– Туркия тиллалари кепти. Айтувдим-у анувинда...

– Хўш...

– Эсиздами, йўлга қатнайдиған опа-чи, ўшанга «заказ» қилувдим.

– Қанча?

– Оз эмас, Козим ака, – нозланди аёл овози. – Лекин ваъда бергандингиз.

– Хўп, неччи пул экан? – сабрсизланди эркак.

– Икки... Иккита.

– Нима иккита, Санам? – овози асабий чиқди Козимжоннинг.

– Икки минг доллар. Комплект. Занжир, узук, сирға... Нима, аччигингиз чикяптими? Майли, керак эмас... Эркак зоти қоп-қоп ваъдани бераркану бажаришга келганда... – аёл жаҳл қилиб гўшакни қўйиб қўйди.

– Уф... – деди Козимжон тормозни босиб машинани йўл четига оларкан, – аёл зоти... канақа ўзи у? – Эркак бир муддат чукур-чукур нафас олиб, аччигини босгандай бўлди. Кейин ўзи рақам терди.

– Санам, менга кара, дарров портламагинда энди. Мен ҳозир қишлоққа кетяпман. Ташвиш билан... Майли... Ҳозир қаердасан... Ҳм... Бўпти, ярим соатдан сўнг пастга тушиб тур.

Козимжон рулни ортга бурди... Бирпас ўтиб келишилган манзилга келди. Қизил хошияли спорт кийими кийиб олган, сочини сарикка бўяган қоматдор аёл машина ёнида пайдо бўлди. Лекин аразлагандек эди: энгашган қўйи ойнакдан гинали боқди. Козимжон тугмани босиб, ойнани туширди.

– Ҳа, намунча ковоқ-тумшук қип қолдинг? Ол, мана...



Аёл индамай кўлини чўзди.

– Ҳа, йўл бўлсин? – бирпасда чехраси очила қолди аёлнинг.

– Тоғам... – дедию тилини тишлади Козимжон. Негадир айтгиси келмади. – Тоғамда ишим бор эди... Бўпти...

– Яхши бориб келинг...

Уч-тўрт километр юриб эдики, яна қўнғирок бўлди.

– Ассалому алайкум, дадаси... Тушликка нима қилай?

– Менга қара, Махзуна, Юнус тоғам қайтиш қипти...


– Вой... – Махзуна жим бўлиб қолди. – Кейин синиққан овоз билан сасланди, – биз ҳам борайлик... қаердасиз?

– Йўлга чиқдим. Қайтсам... кўтаришларига улгурмаслигим мумкин, Махзун. Яхшиси, сен болларга қараб қол. Маъракасига бирга борамиз...

– Қандай ғуборсиз одам эди-а, Юнус тоға... – аёл телефонда «пик-пик» йиғлаб юборди.

– Худонинг иродаси...

Козимжон газни босиб, шитоб билан юриб кетди. Хиёл ўтмай эса, гавжум шаҳарни орқага



ташлаб, икки ёни кўм-кўк ўт-ўлан билан қопланган текис йўлда елиб борарди. Бораркан, Юнус тоға хақидаги хотиралари бирин-бирин хаёлига қалқиб чиқди, чиқаверди...

Узоқ йўл босди. Ўй билан бўлиб фарқига бормабди: қараса, кош қорая бошлабди. Лекин манзилгача ҳали анча йўл. Телефонга қаради – антенна кўрсаткичи йўқ. Тиришиб аламини яна машинадан олди...

Ниҳоят, қайси бир туман марказига келганда, антенна кўринди ва у сим қокди.


– Нозимжон?

– Ака, қопкетдиз-у, қаердасиз? – хавотир ва гина аралаш сўради Нозимжон.

– Оз қолди, ярим соатларда етиб бораман, Нозимжон. Яна озгина сабр, илтимос...


– Ака, кўтаришди. Мана, машинага чиқаришяпти. Оқсоқоллар тўполон қилворишди...

– Нозимжон... Алло!.. – Шу аснода «тик» этиб алоқа узилди. – Алло, Нозим!.. Жин урсин!.. – Қозимжон асабий равишда қўлидаги матоҳни торпедка устига улоқтирди. – Қанжиқ!.. – деди сўнгра тажанг тортиб, – сенга қайтмаганимда...



Икки пиёла чой ичгулик фурсат ўтиб-ўтмай у ўзи туғилиб ўсган махаллага элтувчи йўл бошига чиқди. Ўн-ўн беш чақирим юриб эса, рулни қабристон ёкка бурди. Бахор пайти эмасми, куни-кеча ёккан ёмғир сувидан тупрок йўлда юриш қийин кечди. Машина дам сирпаниб арик бўйига, дам қарши тарафга сурилиб зовурнинг нишаб жойига келиб колар, шундаям секинлай демас, зўр бериб олдинга юргани юрган эди...

Йироқдан улкан тепаликда жойлашган мазор кўринди. Козимжоннинг юраги бир хаприкчиб тушди. Ўтмиш... хотирасида жонланди. Тепалик, болалик ва Юнус тоға бор эди унда. Юнус тоға ўт теришда Козимжонни бошлаб юрарди. Хаммаси кечагидек эсида. У пайтлар жамоа хўжалигининг бир қарич ерига ҳам пахта экиларди. «Даласида пахта... томоркасида пахта... уйининг ичидаю томининг тепасида пахта» деган гаплар ўша вақтдан қолган. Чорва учун эса ҳеч қандай яйлов ҳам, экин майдонлари ҳам ажратилмасди. Шундан бўлса керак, Юнус тоға узун калиш этик киярди-да, зовурнинг ичига тушиб, гоҳ қамиш ўрар, гоҳ эса мана шу қабристон майдонига келиб, ердан хиёл бош



кўтарган ажриқни Козимжон ҳозир исмини унутган аллақандай ёпишқоқ ўтга қўшиб томир-помири билан ўрар, кейин кажавали мотоциклга юклаб, уйга олиб кетишарди. Шунда болакай Козимжон тоғасига сув-пув узатиб турар эди, холос. Лекин уйга келгач, аввал Козимжонларникига ўтишар ва ўтнинг қоқ ярмини тушириб, сўнг қолганини Юнус тоға ўзиникига олиб кетарди. Шу билан Козимжон уйдаги кундалик вазифасининг энг муҳимини бажарган чиқарди.

... Козимжон тормозни босиб, машинасидан сакраб тушди. Лекин атроф зим-зиё эди. Фақат қабристоннинг узок этагида бир тўда одамлар икки машинанинг чироқлари ёруғида уймаланишарди. Козимжон ўша томонга шошилди...


Лекин кечикканди. У ҳаллослаб етиб келганда янги қабр дўппайиб улгурганди.

– Эҳ, аттанг... – деди биров.

– Салгина кеч қолдинг, болам... – деди бошқаси.

Кейин ҳаммалари чўк тушгач, кимдир кироат билан Қуръон ўқиди. Юзлар силангач, қўзғалишди...

Бошлашиб – ким пиёда, ким уловда қишлоққа қайтишди. Яқин-атрофдаги маҳаллалар



нинг бари зулмат ичида қолиб, биргина маййит чиққан хонадон дарвозасидан таралаётган нур зулматга аччиқма-аччиқ қоронғи кўча бағрини кучсизгина ёритиб турарди.

Козимжон ҳамқишлоқлари билан машинадан тушганда қулоғига мотор товуши урилди: бу электр қуввати ишлаб чиқарувчи қурилма эди.

Бирпасда ҳамма сафланди, ичкари хоналардан бирида Қуръон ўқиётган домланинг овози заифгина эшитилиб турди. Кимдир йўталди, кимдир бурнини тортди. Тиловат эса чўзилгандан-чўзилди. Козимжоннинг юпқа туфли кийган оёғи совқота бошлади. Турган кўйи оғирлигини дам бу, дам у оёғига ташлаб кўрди, қор қилмади. Совуқ секин-аста ўрмалаб юкори чиқди – у қутилмаганда сесканиб-титраб кетди. Олди қаторда турганлардан биров бошини хиёл ўгириб, унга қаради. Козимжон тиришиб ўзини қўлга олишга уринди...


Ниҳоят, тиловат поёнига етди.

– Келдингми, ука?..

– Бандачилик...

– Худо сабр берсин...


Одамлар Козимжонни қучоқлаб, ҳамдардлик билдириб, сўнг бирин-сирин тарқала бошлаш-



ди. Кўп ўтмай ховлида қариндош-уруғларгина қолди. Ичкаридан бўлса аёл ва эркакларнинг йиғи-сиғилари кела бошлади.

Козимжон нимёруғ – нимқоронғи ховлида у ёқ-бу ёққа юрди: ана боғ – тоғаси ўз қўли билан барпо этган ва эсига тушди дегунча оғзининг таноби қочиб мактанадиган, ана кўра – мол-ҳол, қўй-эчки боқиладиган, ана катак – қаршисида соатлаб туришиб, дакан хўрозлар жангини томоша қилинадиган... Лекин боғнинг шарти кетиб, парти қопти: гўё сочи сийраклашиб қолган бошни ёдга солади. Козимжон гувраниб молхона томонга ўтди, лекин хайхотдек жойда биргина хайвон фўдайиб тик турарди. «Сигир бўлса керак» – хаёлидан кечди Козимжоннинг. «Нега у тик турибди?» Сигир Козимжонга талпиниб, овоз чиқарди. «Очга ўхшайди». Козимжон товук катагига қараб юрди. Лекин у ерда товук тугул катакнинг ярим тўриям юлиб олинганди – хар холда бирон ямокқа ишлатилгандир...

Бу орада уй ичидаги йиғи товуши авж олди: «Вой дадажоним!.. Ёнингизда юриб дийдорингизга тўёлмадим. Қўлимизнинг калталиги



курсин, кўнглингиз тусаган овқатниям пишириб беролмадик!...» – қизлардан бирининг овози энди кўчага чиқиб кетди.

– Қаранглар унга! – хавода дўрилдоқ эркак товуши янгради. – Ичкарига олинглар. Эшитган кулоққа хунук...

Козимжон изига қайтди. Бир аёл ва бир эркак бориб, кизнинг қўлини тутиб олишганча, насихат қилишга тушишди.

– Тегманглар менга! Кетинглар! Катта деб сизларни шу пайтгача эшитдим. Энди бас! Эртақларингни бориб болларингга айтинглар... йўқолинглар!..


– Ўзингни қўлга ол, бетамиз! – эркак кизнинг юзига тарсиллатиб тарсаки туширди. – Битта сенинг отанг ўлибдими? У меням дадам эди!..

– Энди даданг бўп қолдими? Ўлганда!.. Тиригида нима қип бердинг, а?!. Хотинчанг билан болангдан ортмадинг-ку!.. – Қиз овозининг борича бақирарди.

Бу орада Козимжон уларнинг ёнларига келиб қолганди: қиз – марҳум тоғасининг энг кенжа дилбанди – Дилнура, эркак эса – тўнғичи Зокир экан.

– Дилнура!..

– Козим ака!.. – Дилнура Козимжоннинг бўйнига осилиб, яна хўнграб юборди. – Козим ака, – боякиш деярли ҳар бир сўз орасида «ҳик-ҳик» дея сас чиқарарди, – Козим ака, дадам бу дунёга келиб нима кўрди, нима?.. – Дилнура тагин Козимжоннинг бўйнини маҳкам қучган кўйи «тўкила» бошлади. – Бизни деб, шу ландовур, омадсиз беш боласини бокаман, деб ўтиб кетди. Ўзига энгил-бош олиш у ёқда турсин, касал оёғига ақалли бир қути дори ҳам сотиб олмади, тушуняпсизми Козим ака, ололмади... Бирининг шартномасини тўлайман деди, бошқасининг иморатига тахта олай деб, ўрисга кетган ўғлининг эса рўзғорига ун-ёғ қип берай деб, ногиронлик нафақа пулигача ўшаларга илиниб юрди. Дўхтирлар «Ўтиб даволанинг» деса ҳам кўнмади. «Яхшиман» деб ҳаммамизни ишонтирди. Дадам чеккан дарднинг чидаб бўлмас оғриғи бўларкан, унгаям чидади. Дори ичмай чидади, Козим ака!.. Вой-вой, ичим куйиб кетяпти... Да-да!.. Дадажон, нега мени ташлаб кетдингиз! Энди мактабдан келсам, ким мени «Гўзал кизим!» деб кутиб олади, ким



«Маликам» деб эркалайди, ким?.. Сизсиз энди нима қиламан, дада!?!.. – Дилнура тагин бўзлаб берди...


Козимжон нима қилишини, ҳаётдаги сўяниб турган тоғидан жудо бўлган ўспирин қизчанинг ҳувиллаб қолган кўнглини қандай сеҳрли сўз билан овутишни билмай гунг қолди...

– Козимжон, ичкари кир, кеннойингнинг кўнглини сўра, – деди қариндошлардан бири «шаҳарлик»нинг тирсагидан ушлаб, рўпарадаги эшикка йўналтираркан.

Козимжон кўрсатилган эшикка яқинлашган эдиямки, кимдир чоғиб келиб, уни очиб берди.

Козимжон шам ёруғида титраб турган хонага қадам босдиямки, аёлларнинг кий-чув йиғиси қулоғини қоматга келтирди. Бошини кўтариб, қатор турган хотин-халажлар орасидан кеннойисини қидириб топди. Кўзлари бир-бирига тушгани ҳамон ҳар иккиси талпинишиб, бағирларини очиқди. Козимжон онасидек бўп қолган меҳрибон аёлнинг таниш тафтини туйди: кўнгли алланечук бўлиб, токчада эриётган шамдек титради.

– Вой-ей, Козимжон ука, энди қандай қиламиз, тоғангиз ўлмай мен ўлсам нима




киларди? Ахир у ногирон бўлса ҳам болаларга тиргак эди. Мендан кўра фойдаси кўпрок эди... – аёл Козимжоннинг кўкрагига бошини кўйиб астойдил йиғлар – бошига тушган фавкулодда мусибатдан довдираб қолгани боис эри кўп яхши кўрадиган жиянининг билагига маҳкам ёпишиб олганди.

– Бўлди энди, ўртоқжон, Худонинг иродаси экан... – хотин-халаж орасидан кимдир чиқиб бечорани елкасидан тутганча ўзига тортди. Аммо кеннойи Козимжоннинг билагини кўяй демасди, «Шўримиз қуриди, Козимжон ука, энди мен бу болларни қандай эплайман, Юнус тоғангизсиз нима бўлади энди бу хаёт?.. Ох!..»

Она бағрини тиглаб, дардини айтиб бўзлар экан, ёнида турган икки қизи ҳам ёкаларини йиртарчасига тўлғаниб, юлқиниб, ўзларини гоҳ у, гоҳ бу томонга ташлаб айюханнос солар, доду фарёд кўтарар эди...

Козимжон эсанкираб қолди, секин-аста эса яқинларининг бошига тушиб, кўксиларини чилпарчин қилган ғамдан унинг ҳам қотиб кетган дийдаси юмшагандай бўлди.

– Эски велосипедингизни фикирлатиб юрсангиз бўлмасмиди, сизсиз бу дунё жимжит



бўлиб қолади-ку энди... Ў-ўxxx!.. – Кимнинг-дир етовида ташқари чиқаётган Козимжоннинг кулоғига келиб урилган кеннойисининг нолаю охи энди унинг ботинини ағдариб юборгандек бўлди... Козимжоннинг кўзлари ҳеч нимани кўрмай колди. Кафтларининг орқаси билан уларни шошиб артди – бўлмади. Гўё олам зулматнинг ичига қулаб тушгандек туюлди...

– Двигатель ўчди... Бензин борми? – овоз келди.


– Қайда дейсан... – деди ўзга овоз...

Вақт ўтиб, қоронғиликка кўника бошлаган Козимжоннинг кўзлари атрофни илғай бошладди. Кейин бутун вужуди музлаб, тишлари бири-бирига урилиб какрай бошлаганини ҳис қилди.

– Ака, юринг. Бу ерда қиладиган иш қолмади. Азонда қабристонга бориб, кейин тағин бу ерга келамиз, – билагидан ушлаб ўзига тортди Нозимжон.

Козимжон энди укасига эргашиди. Эргашиб кетаркан, қачондир, қаердадир хотирасига кириб қолган бир мисра шеър миясида бомбадек портлади: сомон парчасидек оқиб борамен¹.

¹ Чўлпон мисраси



– Нега, нима учун? – дерди ичида кимдир. – Ахир бор-йўғи эрталаб бутунлай бошка одам эдим-ку!.. Гўё хамма насага кодир эдим. Энди-чи, энди?.. Энди нега бундай абгорман? Нега ихтиёрим, куч-қувватим йўк? Қаерга келиб қолдим? Қайси дунёга тушиб қолдим мен?..

* * *

Козимжон кечаси билан ухлай олмай тўлғаниб чиқди. Хона совуқ, зах ва қоп-қоронғи эди. Тўшак ва болишдан ҳам рутубат иси келарди. Ётган жойида узаниб, свитерини топди-ю, шоша-пиша кийиб олди. Лекин бирпас ўтиб, тагин совқотиб, хожатга чиққиси келиб, бесаранжом бўла бошлади. Туриб ховлига ўтай деса, қоронғида қоқилиб йиқиламан, деб ўйлади. Қолаверса, ховлида итнинг хуриши эшитилиб турарди, уни танимаса, тишлаб-нетиб юрмасин, тагин. Бориб укасини уйғотишни эса, ўзига эп кўрмади. Аммо эҳтиёж кучайган сайин ноил-лож қолди: эсига телефони тушиб, унинг хира ёғдусида туртиниб ташқарига чиқди: Эшикнинг «ғийк» этган товушидан уйғонган бўлса керак. Нозимжон қўлида фонарь билан пайдо бўлди.



– Ака?..

– Сениям безовта қилдимми?..

– Безовтаси бораканми? Юринг, итдан кўрқиб юрманг яна. Боғлиғу билиб бўлмайди занғарни...

Козимжон енгиллаб, укасининг кузатувида ётоғига қайтди: лекин ухлай олмади. Шахардан кийиб келган ҳамма кийимларини эғнига илди. Сўнг қалин пахта кўрпага ўранди-да, хўрозлар кичқиргунича ўтириб чиқди...

Бир маҳал эшик тақиллаб, остонада укаси кўринди.

– Ассалому алайкум, ака, яхши дам олдингизми?..

– Ха, келдингми... – устидан кўрсани ҳимариб қўзғалди Козимжон.

– Мозорга ўтиб келамизми?..


Улар бошлашиб ташқари чиқишди. Қабристонга етиб келишганда ўнтача одам кеча қўйилган қабр атрофида ғамгин туришарди. Дилнура қиз ҳам бунда эди – дўшпайган тупрокка бағрини берганча «хийқ-хийқ» сиқтарди...

Тоғаларидан бирининг: «Тур энди, қизим, кетайлик, бошқалар ҳам келишяпти», де-

ган гапини эшитиши билан киз қабрга янада маҳкам ёпишиб, «Мен шу ерда... дадам билан қоламан!..» дея уввос сола бошлади...

Қариндошлардан кимдир салом бериб, кимдир бош силкиб, қабр олдида оёқ илган Қозимжонларнинг ёнидан ўтганча, маҳаллага элтувчи йўлга қараб одимлашди. Қўлларидан тутиб, гавдасини мажбуран кўтармоқчи бўлган иккита акасининг исканжасидан силтаниб қутулмоқчи бўлган Дилнура бўлса жон аччиғида бақирарди: «Менга тегма!.. Мен сенларга ўхшаб дадамни ташлаб кетмайман! Йўқол ҳамманг!.. Биринг Россияга кет, биринг Тошкентга!.. Ўзи дадамнинг бошига сизлар етдинглар... Ҳаммангни ёмон кўраман, ҳаммангни!.. – Дилнура йиғлайвериб шишиб, овози бўғилиб қолганди. – Йўқол!..» – у ўзини куч билан судраб кетаётган акаларининг қучоғидан яна бир юлкиниб чикмоқчи бўлди-ю, қўққисдан жимиб қолди. Қозимжон кизгинанинг ҳушидан кетганини англади. «Оёғини судрамай, азот кўтариб олинглар», деди бояги хешлардан бири...


Бу орада чўкка тушиб олган Нозимжон қироатни бошлаб юборганди. Қозимжон унга эргашиб тиз букди...



Кейин улар ўлик чикқан хонадонга келишди. Тумонат одам. Козимжон эркак қариндошлар билан бир сафга туриб олиб, келганларни ичкарига таклиф қилар, дуо ўқиладиган маҳал ҳамма катори тиз букиб ўтирар, кўзғалганда эса, ўнлаб-юзлаб одамларнинг «қўлини олиб» кузатар эди. Шунда у ҳамқишлоқларининг юзларию кўзларида югуриб кетаётган фурсатнинг кифасини илғаб қолгандай бўлар, бўлгани сайин ўзиям билмайдиган ниманингдир илинжида уларга тикилгани тикилган эди...

- Бандачилик...
- Худо раҳмат қилсин...
- Охирати обод бўлсин...
- Оллоҳ сабр берсин...

Келиб-кетаётганларнинг охири кўринмас, Козимжоннинг узатилавериб-кўришавериб толган, ғалати бир алфозда ғўдайиб қолган қўллари ўзиники эмасдек туюларди. Аввалига таниб-билиб, кўришганда исмларини эслаб турган ҳамқишлоқларини тобора таний олмай, эслаб билмай қийналди. Бирининг ортидан келиб турган нигоҳлар олдинига унга олам-олам мазмун бўлиб туюлган бўлса, борган сари улар




ўша маънидан маҳрум бўла бошлади: Кўзлар... кўзлар бу ўткинчи дунёга таъриф буюриб, яна адам саҳросига абадий равона бўлаётган йўловчиларга айланди-қолди. Шунда у... Козимжон дунё, умр, ҳаёт деганларининг асл ҳолини – ибтидо ва интиҳосини қалб кўзи билан кўргандек хис қилди ўзини. Ҳис қилди-ю, ажаб ҳолларга тушди: ўзининг ҳам ўша сонсаноксиз одамлардан – йўловчилардан заррача фарқи йўқлигини англади...

* * *

Эртасига чошгоҳга қадар туриб берган Козимжоннинг жони сиқилиб кетди. Ниҳоят, отасининг ёнига келиб, «Қайтишим қерак», деди.


– Яхши. Юр, – деди яккаю ягона иннисидан айрилиб, ўзини олдириб, хиёл довдираб юрган ота. Козимжон эргашди. – Кеннойингга «кетяпман» деб қўй.

Кейин ота бир тўп аёллар орасидан келишни чақирди. Козимжон кеннойисининг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, пойинтар-сойинтар қилиб нималардир деди. Лекин гапини тугатгунча ўзини ёмон кўриб кетди. Тугатгандан кейин эса, наф-



ратлана бошлади. Айникса: «Кўпам ўзингизни кийнаманг, бўлар иш бўпти. Тоғамнинг йўғини билдирмаймиз. Хар ойда пул юбориб тураман. Хеч нарсадан зорикмайсиз», дея боякиш аёлнинг кўлини тутиб, коғозга ўроғли фишдек пулни тарс этиб кўйганида... ўзидан жирканди... Эҳ, у ёғини сўрасангиз, Козимжон бу хил вазиятлар учун жуда-жуда тажрибасиз, гўр чикди. Хаёт деса, пойтахтдаги ўзининг тараллабедод турмушини тушунаркан. Қишлоқдан кетганига кўп бўлган эди, — колаверса, кетган чоғида ёш — бор-йўғи ўн еттига кирган полапон эди... Энди қараса, орадан кўп сувлар оқиб ўтибди. Бу сувлар оз эмас, кўп эмас, нақ йиғирма тўрт бор думалабди. Эҳ, нимасини айта-миз... Ўша сувларга кўшилиб ўмбалок ошаверган Козимжоннинг бошлари айланиб қолибди...

Козимжон машинасига ўтириб қишлоқни, сўнг шаҳарни кечиб, то кенг сайхонликларга чиққунга қадар гаранг бир ҳолда эди: на фикрларди, на ҳис қиларди. Дунё ва хаёт тўғрисида шу чоққача ботинида қоим бўлган борлик ҳақиқат қолиплари синиб-парчаланиб атрофга сочилиб кетгандек ва унинг ўзи ҳам ана шу



парчаларга кўшилиб учиб юргандек эди. Лекин вақт ўтар, учиб-тўзиб кетган мезонлар яна заминга қайта бошлаганди. Уларга кўшилиб эса, Юнус тоға билан боғлиқ сўнгги хотиралар ёдига тушди...

* * *

– Алло, Козимжон, жияним! Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом. Тоға, сизмисиз?

– Ҳа, мен жияним. Яхшимисан?

– Яхши, тоға, ўзларинг тинчмисизлар? Соғлиқ қалай? Оёқ, оёқ-чи?


– Раҳмат жияним ҳол сўраганинг учун, тинчликка тинчмиз. Фақат...

– Гапираверинг, тоға...

– Фақат... жиян... шу десанг, оёқдан қорасон бошланган. Дўхтирлар биттасини кесиб ташлашди, лекин занғар... ичкарилаб кетибди. Тез чораси кўрилмаса бўлмасмиш...

– Тоға, туппа-тузук юрувдиз-ку. Оёқни қачон кесишди? – хайрон бўлди Козимжон.

– Асти сўрама, жиян. Икки ойча бўп қолди... Кўрмайсанми, болалар катта бўлиб, роса улар-



га керак бўлган пайтимда манавидай бўп ётибман. Одам андиша қиларкан...

– Биздан нима ёрдам?

– Нимаям бўларди, жиян? Курғур... пулдан қисилиб турибмиз.

– Майли, мен биронтасидан юбораман, хавотир олманг, – Козимжон гапни шундай охангда гапирдики, тоға жиянининг жудаям шошиб турганини тушунди.


– Кечир жиян, ишингни кўпида сениям ташвишга қўйдим... – синикиб узрхоҳлик қилди Юнус тоға...

– Ҳеч боки йўқ, тоға, тузалиб кетинг...

...Лекин Козимжоннинг иши кўп эмасди, кишлокқа пул юборишни унутганди ўшанда... Тоға бўлса... тоға бошқа телефон қилмади...

* * *

Кўм-кўк адирлар бағрида машинасини учиртириб кетаркан, энди Козимжон аламдан тинмай лабини тишлар, пешонасидаги кўзгуга кўзи тушиб қолишидан қочибми, ойнани тепага қайириб қўйганча, ҳадеб газ педалини босгани босган эди... Эҳ, канийди педални босиб ма-




шинасини учиргани баробарида қувиб-бостириб келаётган аччиқ хотиралардан халос бўлиш мумкин бўлса...

Ўшанда Козимжон ёш эди...

Кунлардан бир кун тоға-жияннинг «овлари» юришмади: шу кидиришиб ўрокка илингулик бир тутам ҳам ўт топишолмади. Шунда Юнус тоға мотоцикл рулини Қирғизистон томонга бурворди. Козимжон эслайди – у вақтларда ҳозиргидек симтўсиқлар бўлмасди. Одамлар бир-бировиникига эмин-эркин бориб келишарди. Қирғизистонда пахта оз экиларди, ўт-ўлан эса, кўп бўларди...

Ўн беш-йигирма дақиқадан сўнг кўк мотоцикл катта сув ёқалаб бориб, маккажўхори экилган майдон ёнида тўхтади. Тоға-жиян кавадан арқон ва ўроғини олишдию ўзларини қора экин пайкалига йўналган каттагина арик ёқасида бошлари шабадада хилпираб турган шамакка уришди. Тоға у томонга, жиян эса бу ёққа эниб, терга пишганча зўр бериб ўрок солишди. Улар кўпдан бери бундай мўл-кўл ўтга – «хазина»га дуч келишмаганди.

Бир маҳал Козимжоннинг кўзи ўзига қараб тепалиқдан тушиб-бостириб келаётган, юзлари



офтобда куйиб-корайиб кетган тегарак юзли кишига тушди. Тушди-ю, ортига – тоғаси томонга жавдираб қаради. Тоға эллик кадамча нарида дунёларни унутиб шамак ўрарди.

– Тоға! – сасланди жиян журъатсизгина. Лекин Юнус тоға хазина топган эмасми, ўтнинг шитир-шитиридан бўлса керак, эшитмади – бошини қўйи солган қўйи ха, деб ўрок ургани урган эди.


– Эженди эмгур сартин баласи!..

Козимжон ўгирилиб, шундок тумшуғининг тагида қисик кўзлари йилтиллаб турган Дадахонни кўрди. У шу ерлардаги хўжаликнинг ранси эди. Ҳамма ундан шундай хайиқардики, хатто соясига салом беришарди. Лекин Козимжон салом беришга ҳам улгурмади: қулоқ чаккасига келиб тушган муштдан мункиб, тўғри арикнинг ичига қулади.

– Тоға!.. – кичқирди жонининг борича қўрқиб кетган Козимжон бошини сувдан чиқариб.

Юнус тоға эшитди. Қадини адл кўтариб ортига қарадию вазиятни англади шекилли, чопганча шу ёққа йўналди.

– Нима қилди сенга? Урдими? – халлослаб келаркан йўл-йўлакай сўради у.



Козимжон индамади. Лекин мушт тушган жағини икки қўллаб ушлаб олганидан ҳаммаси аён эди.

– Ёш боланиям урадимми?..


– Ким чакирди сени бул жерга? – кутилмаганда Дадахон Юнус тоғани ҳам тушириб қолди. Ариқ кийисида эмасми, у ҳам худди жияни каби сувга учиб кетди. Ҳамма ёғи жикқа ҳўл бўлган Юнус тоға сувдан чиқа солиб, Дадахонга ташланди: «Мени урсанг, ур, лекин болага нега қўл кўтарасан, номард!». Унинг рақиб ёқасига узатилган қўли ҳавода қолди: Дадахон кичик ва ориқ жуссали Юнус тоғани азот кўтариб олди-ю, сувга яна шалолатиб отиб юборди.

– Ах!.. – дея қичқириб юборди тоға. Кейин Дадахонни бўралаб сўкди: – Ҳе, онангни!..

– Ҳе, эженгди!.. – деди раис унга жавобан. – Башқа қарангния кўрмай.

– Бир тутам ўт учун болани урасанми, ит!.. – бакирарди Юнус тоға ариқ ичида куймаланиб.

– Бул жер менин жерим, – каласам урам, каласам каматиб жибарем, – деди Дадахон унга хезланиб, – кейин тоға-жияннинг арқонини ерга



ташлади-да, уларга Козимжон ўрган ўтларни солиб, кўча четида, офтобда «ялт-ялт» этиб турган «Газ-24» машинасининг юкхонасига юклай бошлади.

– Ёмон урмадими сени? – сўради тоға арик кийисига тирмашиб чиқаркан.


– Йўқ, – дея ёлфонлади Козимжон няги яхшигина оғриб турганига карамай. «Оғрияпти» деса борми, тоғаси яна кучи етмаслигига карамай, кирғизга ташланадигандек эди назарида. – Яхшиман тоға. Ўзингиз-чи?

– Ҳечқиси йўқ. Нима бўпти у менга? Бир аччигим чикса борми...

Козимжоннинг кулгиси қистади. Лекин тоғасининг қон силкиб оқаётган оёғига кўзи тушиб, кўркиб кетди...

– Оёғингиз, тоға!..

– Баччағар!.. – Юнус тоға жикқа хўл шимининг почасини шималаган кўйи Дадахон томонга ёвқараш қилди. Кейин жиянига юзланди, – Ўроғинг сувда экан, ўшанинг устига тушдим шекилли. Ма, ол, – тоға Козимжонга ўроғини узатди.



– Қон кўп оқяпти, тоға, – хавотирга тушди жиян.

– Туриб битта пешоб қилворсанг, олам гулистон. Кейин сириб боғлаймиз, – бепарво гапирди тоға...

Шундай қилиб, икковлон тоғанинг Дадахон кўзидан панада қолган ўтларини йиғиштиришида, бир боғ қилиб, апил-тапил кажавага тикишиди.

– Балки яна ўрармиз... – деди Козимжон.


– Ха-ха-ха... – кулди Юнус тоға. – Дадахонни билмас экансан. Кетганига ишонма. Тулкигаям фириб беради у. Тез ўтир. Бўлмаса, ҳозир қайтиб келиб, яна бир балони бошлайди.

Махаллага келишгач, мотоцикл аввал тўғри Козимжонларникига йўл солди.

– Сиз уйингизга кетаверинг. Мен шу ерда тушиб қолавераман, – деди Козимжон.

– Ҳозир... – деди-ю тоға индамади. Манзилга етиб келишгач эса, ўтни кажавадан инқиллаб чиқара бошлади.

– Нима қияпсиз? – деди Козимжон тоғасининг ҳаракатини тушунмай.



– Ёрдамлашсанг-чи, оғир экан, – кучаниб деди тоға.

– Ия, буни каранглар! Ахир ўт сизники-ку! – ажабланиб турган жойида деди Козимжон.


– Сизники, меники... Йўқ, унақа нарса бизнинг ўртамизда, жиян. У ёғини сўрасанг, менинг бошимда сеникидек отам ҳам йўқ – нега ўтсиз келдинг, деб тергайдиган. Сен индамай олавер, кейин хурсанд бўласан... Ия, дарахтмисан, бир жойда тургани? Тутсанг-чи, бир учидан.

Улар биргалашиб ўтни туширишдиамки, юзи халитдан бери оқаринкираб турган тоға хушсиз бир алфозда ерга йиқилди...

* * *

Бу орада кора «Prado» елдек елиб, Сирдарёдан ўтганча пойтахтга яқинлашиб борарди.

«Бўлди... Мен ҳаммасини тушундим, тоға. Мени кечиринг... Оёғингиз учун кечиринг... Оғир дамларингизда ёрдам беролмаганим учун кечиринг... Сизни унутиб қўйганим учун ке-



чиринг... Хамма-хаммаси учун... тоға... Сиз мен билан топган-тутганингизни хамиша бахам кўрардингиз: мени ўзингизга тенгшерик билардингиз. Мен-чи, мен?!.. Лекин энди хатоимни тузатаман. Сизнинг йўқлигингизни оилангизга билинтирмайман... Қолган ўфилларингизни уйлайман, кизларингизни чиқараман, ҳаммасининг рўзгорларини бутлайман, яхши-ёмон кунларида доимо ёнларида бўламан, тоға!..»

* * *

Йўл, маросим, ғусса... Козимжонни эзиб ташлаганди. Эртаси тушгача қотиб ухлади... Бир пайт қўшни хонада янграётган мусика овозидан уйғониб кетди.


– Махзуна!.. Рухсора!.. Ким бор?..

Лекин уни ҳеч ким эшитмади. Эринибгина кўзғалди.

– Қизим!..

– Вой... Ассаломалайкум, дадажон, – ўрнидан туриб, салом берди энди мактабдан келиб нарсаларини жойлаётган кизи Рухсора.

– Сал пастрок эшитсанг-чи...



– Кечирасиз, сизни уйда йўқ деб ўйлабман... – кўлидаги матоҳ билан мусиқа овозини пасайтирди кизча...

– Яхши дам олдингизми дадаси? Ўтиринг, hozir чой дамлайман, – меҳрибонлик кўрсатди хотини.

– Иштахам йўқроқ... Битта аччик қахва берсанг – етади, – юмшоқ диванга оғиргина чўкди Козимжон. Кейин ойнаванд хонтахтанинг остки каватидан сигарет олиб тутатди...

– Дадаси, тоғага нима кишти? – финжонда куюқ қахва келтирган аёл эрининг ёнига омонатгина ўтирди.

– Оёқдан кетибди... Қорасон...

– Вой бечора... Халиги... ўроқ кирган оёғи барибир тинч қўймабди-да, а?

– Уфф... – ўрнидан турди Козимжон.

– Қахва...

– Ўзинг ичавер, – кутилмаганда кўрс гапирди Козимжон хонадан чиқиб кетаркан.

Маҳзуна хайрон бўлиб, қараб колди.

* * *

– Ассалому алайкум, хўжайин. Маросимларни ўтказиб келдингизми?

– Ваалайкум. Ха, раҳмат... Ўзингда нима гаплар?

– Ҳаммаси жойида, – кўлини кўксига қўйди ёрдамчи.

– Бирон муаммо..? – қошини чимирди Козимжон.


– Худо сақласин, хўжайин.

– Яхши, – кўнгли тўлиб креслога чўқди Козимжон.

– Эртага Таиланд сафаримиз бор. Хаёлдан фаромуш бўлмадими? – сўради ёрдамчи яқиндаги ўриндикни ўзига қулайроқ қилиб суриб оларкан. – Билетлар тайёр. Ҳалигилар ҳам...

– Билмасам... – мужмалланди Козимжон, – қишлоққа бориб бутунлай ўзга бир дунёга тушиб қолгандек бўлдим. У ердагиларнинг дарди мени довдиратиб қўйди...

– Шунини айтаман-да хўжайин, сафарга борсак, ёзилиб қайтардингиз. Қишлоқдаги кўнгилхираликлар ювилиб, узоқда қоларди.



– Сенингча осон эканда-а? Мен туғишган акамдек, хатто отамдек бўлиб қолган тоғамдан айрилдим. Сен бўлсанг, сафар дейсан, кўнгилхиралик дейсан...

– Хўжайин, мени кечиринг-у, сираси, ўлим ҳар бошда бор. Бу ёғи – сиз бориб, қариндошлик, жияшлик бурчингизни адо этиб қайтдингиз. Энди ўзингизни қийнаманг. Ҳаммаси ўша ерда – кишлоқда қолди. Менга қолса, шу холингизга сафар энг яхши даво, хўжайин. Ҳадеб куяверманг.


– Шунака де, – Козимжон сермулоҳаза ёрдамчисининг кўзига маъноли тикилиб турди-да, кўшиб кўйди, – ўйлаб кўрай-чи...

– Яна битта гап: дилерларимиздан Абдурашул бор-у, ўша бир ҳафта бурун зиёфатга таклиф қилган эди, эслайсизми? – бутунлай ўзга оҳангда гап котди ёрдамчи.

– Қачонга эди?

– Бугунга. Ўзининг ресторанига, «N» ми, «M»ми, отиям ёддан кўтарилди, ўша ерга.

– Бориш шартми?



– Абдурасул жудаям жиддий ҳамкоримиз. Махсулотимизни жанубий вилоятларга фақат шу киши таркатади.

– Ҳм...

* * *

– Эртага учадиган бўлсак, кўпайиб кетмадимиз, хўжайин? – куй деб турган Козимжонга эс бўлди ёрдамчи.


– Куйсанг-чи! – ғашланди Козимжон.

– Хўп, мана...

Ёрдамчи мавридини топиб, дилерлар кулоғига аза билан боғлиқ нимадир шипшиди шекилли, булар Козимжонга ҳамдардлик билдиришдию зиёфат бошлангандан буён нега унинг кайфи чоғ эмаслигини тушунган каби ўзаро суҳбатга толишди.

Козимжон бўлса ўртада муком килиб ўйнаётган «Шоу» қизларидан кўзини узмас, айнаи чоғда, босиб-босиб ичарди...

Шу пайт ҳамманинг кўзи ўнгида – майдон марказида балиқдек билтанглаётган қизлар столлар аро сочилиб кетишди. Биттаси – боядан бери Козимжон кўзини узмай тикилаётгани



оппоқкинаси келди-да, унинг ёнида ўйнай кетди. Козимжон атрофга хирс тарқатиб ва унда хирс уйғотиб тўлғонаётган гўзал раққосага афсунланиб боқар экан, кўзлари порлади. Бунга сайин раққоса муқом этиб, борлиқ аъзосини ўйнатиб, Козимжоннинг нақ тумшугига қадар келди.

– Вой-дод, ақаси! – дея қичқирди дилерлардан қимдир.

– Қистириг энди, нари кетсин, бўлмаса... – деди Абдурасул.


– Ха-ха-ха! – қулишди даврадагилар.

Козимжон қиссасидан бир даста пул чиқариб, раққосанинг чумолиникини эслатадиган нозик белчасига боғланган пуштиранг ишга илди-ю, орқасига енгил шапатилади.

– Вах – хеее! – қийқирик авжига чиқди.

Оларини олиб, муродига етган раққоса Козимжонни ташлаб, ноз-қарашма билан айланганча Абдурасул томонга юрди...

Козимжон қадахини тагин бўшатди-ю, ботинида ҳам ўрнида фарах жимираётганини туйиб қолди. «Ажаб» деди ўзи ҳам тушунмайроқ. Лекин ортиқ мушоҳада юритишга хуши йўқ



эди шу тобда: фикру ёди ўзга столга йўргалаб кетган раққосанинг хиромларида, жон олғучи наззораларида қолганди.


– Нима дейсиз, гаплашиб берайми? – лукма ташлади Абдурасул Козимжоннинг дилидагини ўқиган каби.

– Абдурасулбек, – деди Козимжон ҳамкорининг гапини оғир олиб, – агар хоҳласам, бу ердагиларнинг ҳаммасини шундоғам олиб кетман!..

Ўртага қандайдир ёқимсиз сукунат чўкди...

– Катта гапирдингиз, ака... Қизлар бизга қарашли. Агар биз рухсат бермасак... – Абдурасулнинг гапи оғзида қолди.

– Келишамиз, жаноблар!.. – қайси томоннинг кўнглини олишни билмай ўртага ўзини отди қалтис вазиятдан эсанкираб қолган ёрдамчи. – Ҳамкорлар бўлсак... Биз илтимос қилсак, Козим акасидан Абдурасулжон акамиз битта раққосани қизғанмасалар керак. Иккита шердек ҳамкор эркаклар ўртасида битта қиз нима деган гап ўзи, а, тўғрими? – ораликдан муваффақиятли чиқиб олган ёрдамчи енгил тин олди...



Козимжоннинг ранги бўзариб нимадир демокка лаб жуфтлаган эдиямки, телефони жиринглаб қолди.

– Алло... Нима?... Нозимжон, ука, яна сен-мисан? Ҳозир. Бир дақиқа кут, ташқарига чиқай, – Козимжон ўрнидан қалқаркан, хиёл тебранди-ю, у ёғига равонгина юриб кетди. – Ҳа, ука, тинчликми?

– Ака... Нима дейишни ҳам билмай қолдим, – қийналди Нозимжон.

– Ҳе, гапирсанг-чи, ичимни киздирмай, нима бўлди?

– Дилнура, жиянимиз... Шу кетиб қолди...


– Дилнура? Қайси Дилнура? Қаерга, нимага кетади, Нозимжон? Нега муни менга айтасан! – росмана жаҳли чиқди Козимжоннинг.

– Дилнура – Юнус тоғамизнинг қизи... Юраги ушлаб қолиб... ушлаб... ўлиб қолди, ака!.. – йиғиси келди Нозимжоннинг.

– Нима!...

– Ҳеч кутмагандик... Дадасини қўйганимизга уч кун бўлмай, қизи бундай бўп ўтирибди...

– Дилнура... Дилнура... – Козимжон бирдан нига эслай олмади. Кейин «лоп» этиб хаммаси




ёдига тушди: боякиш кизнинг азадаги айтиб йиғлашлари, қабр устидаги жазавази, ҳушидан айрилиб қолгани, акаларининг киз бечоранинг қўл-оёғидан тутиб машинага олиб кетишлари... ҳамма-ҳаммаси. Айниқса, унинг бўйнига осилиб олиб, дадасининг дийдорига тўйиб ололмаганини айтиб фарёд чекишлари, «Амаки, энди мен дадамсиз қандай яшайман?» дейишлари Козимжоннинг қулоғи остида жаранглаб кетди...

Лекин, айти дамда, негадир буларнинг ҳаммасини ўзига алоқаси йўқдек ҳис қилди...

– Бўпти, Нозимжон, бораман, – деди Козимжон айтаётган гапининг асл маъносини ўзи ҳам илғамай...

Телефонни чўнтагига солдию нима қилишини, қаерга кетишини билмай тараддудланди... Турди-турди-да, беихтиёр равишда ичкари юрди. Бинога киргани ҳамон қулоғига шўх араб мусиқаси, кўзларига эса ҳалиги жононнинг муқомлари, оловли нигоҳлари урилди. Ботинини тингласа – ажиб бир ҳол: юрагининг бир парчасида оғрик турган, бошқа қисми ором қўйнида жимирларди...




Козимжон ўзини ғалати бир аро йўлда, йўк-йўк, икки оловнинг ўртасида қолгандек хис қилди. Фақат оловларнинг бири Козимжоннинг ўзига қараб турган томонини қуйдириб азоб берса, бошқаси бошқа тарафига ҳузур ва роҳат бағишларди...

Орадан кўп ўтмай эса, у яна май ича-ича, шўх-шодон мусиқани тинглай-тинглай, гўзал раққосага боқа-боқа ўзга одамга айланди-қолди: энди юрагининг ярмини қуйдириб азоблаётган олов тафтини сезмай қўйди...

– Тўлатиброқ қуй, соқий, – деди у ёрдамчини дадилроқ бўлишга ундаб. – Анави жонон учун ичамиз!

– Хўжайин, – Козимжоннинг қулоғига шивирлади ёрдамчи. – Таиландга элликта номзоднинг ичидан танлаб олган қизларимиз бундан анча чиройли... ишонаверинг...

– Биламан, бу ишларга устаси фаранг бўп кетгансан. Аммо-лекин, сен мақтаётган хонимлар ҳозир олдимизда эмас-ку! Олдимизда бўлганда гапирсанг ярашади. Ўшанда биз ҳам шарафларига қадах кўтарамиз... Уқдинг, ўқи-



маган? – Козимжоннинг кайфи оша бошлаганди. – Бугун эса... бугун биз... нимайди оти анавининг, а?..


Ёрдамчи ёнида ўтирган дилердан раққосанинг исмини аста сўради. Кейин хўжайинига юзланди.

– Дилнура...

– Бугун биз Дилнура учун... А? Нима дединг отини?!.. – кутилмаганда Козимжоннинг қадахи кўлидан сирғалиб тушиб, чил-чил синди. Ўзининг бўлса қути ўчиб, мум тишлади.

– Хўжайин! Сизга нима бўлди, тузукмисиз? – шошиб ўрнидан турди ёрдамчи.

– Дилнура дегин?.. – бошини кўтарди Козимжон ёрдамчисига ёмон қараб. – Майли... Бўпти... Дилнура бўлса, Дилнура-да!.. – Козимжон яримлаб қолган шишани кўлига оларкан, ўрнидан турди, – Дилнура бўлса, Дилнура учун ичамиз!.. – у бир кўтаришда тин олмай шишани бўшатди. Даврадагилар ҳанг-манг бўлиб, бир-бирларига аввал қараб, сўнг елка қисишди...




Ярим тунда машинанинг орка ўриндиғида Дилнура исмли раққосани кучиб кетаркан, Козимжоннинг хаёлидан «Нега мен қишлоқда қолган, ҳозир, шу тобда кўзларини бу дунёдан абадий юмиб ётган жигаргўшам – олисдаги Дилнурани, уни ўлдирган дардни хис қилмай кўйдим? Ахир кечагина унинг учун, уларнинг ҳаммаси учун йиғлагандим-ку! Дилнуранинг, онасининг фарёдлари қотиб кетган дилимни юмшатган эди-ку! Қани энди ўша йиғлаган қалб? Ҳаммасига сабаб уларнинг менадан узоқда – кўрар кўзларимдан йироқда яшаганликларими?» деган сўроқ «милт» этиб ўтди. Лекин шу оннинг ўзидаёқ ўша саволлар жавоб-павобига қўшилиб Козимжоннинг вужудини ўз қаърига юҳодек торгаётган кайф ва эҳтироснинг хароратли бағрида иссик тупроққа бевақт тушган қор парчасидек эриди-кетди...



ОТАШ

Қўй боқиб юриб шу томонларга тасодифан келиб қолган болакай кўрмаганда Оташнинг холи нима кечарди – айтиш қийин. Ёши киркни қоралаганига карамай сўккабош яшаса, устига-устак, улкан шаҳардан четда – истиқоматчилари бирин-сирин мангуга тарк этган, бугунги кунда нураб битаёзган хароба қишлоқда моховдек бир ўзи турса, ким ҳам унинг хушсиз ётганидан хабар топарди, дейсиз... Хуллас, Яратганнинг марҳамати билан Оташни шифохонага жони чикмасдан етказишди. Ўзиям нақ уч кун деганда кўзини очди. Очдию бирданига ҳеч нимани – қаерда ётганини, ўзига нима бўлганини эслай олмади. Кейин эса, ҳаммаси аста-секин ёдига туша бошлади: худди кун чиқаркан, атроф ёришиб, нарсалар аниқ-тиник кўрингани каби...

Ўша куни Оташ вайронага айланган уйлардан бирида титкиланиб юрганди. Бирдан




ташқарида уй хайвонларини тартибга чақириб юрган боланинг «Қур-э-қур-э»си қулоғига чалиндию беихтиёр ўша ёкқа одимлади. Лекин на кўй-қўзинию на болани кўришга улгурди: бирдан кўнгли беҳузур бўлиб, қуриб қолган ариқ бўйида ўсган чинорга суюнганча кўзларини юмди. Кейин... кўрингки, қабоғини очиб ўзини шу ердан – палатадан топди...

Оташ атрофга каради – бўлмада ўзидан бошқа яна бир киши бор бўлиб, кўзларини чирт юмиб ётарди. Ухляяптими ёки шунчаки қабоқлари юмукми, билиб бўлмасди. Балки комададир...

Палата дейилгани ойнаванд тўсиклар қўйилган алоҳида бўлимлардан иборат бўлиб, чамаси Оташнинг ҳам ўнг, ҳам сўл томонида яна қатор шундай ажралмалар тизилганди. Ана, ҳамшира бежирим аравасини судраб, нариги палатадан йўрғалабгина кириб келди-да, Оташга боғланган тиббий анжомлар ҳолатини текширган бўлди: беморнинг юзига кўзи тушгач, салом берди, сўнг биллагини тутиб, игна урди.

– Энди тузукмисиз?

Оташ ўз аҳволининг танглигини сезиб қолди. Чунки ҳамширани кўриб-эшитиб турса




хам унга жавоб беролмади: лаблари, тили ўзига бўйсунмай турарди: юзидан, зариф табассумидан жуда латофатли кўринган хамширанинг меҳрибонлигига яраша илтифот кўрсата олмади. Хатто киз игна урганда на ўз баданини ва на хамширанинг бармоқларини ҳис қилди. Гўё сезги туйғуси уни тарк этгандек. Хамшира ишини битириб, кўшни палатага аравачасини филдира-тиб узоклаб бораркан, Оташ беихтиёр унга талпиниб, қўлларини чўзмокчи бўлди – ҳеч қурса имо-ишора билан чақирмокка тутинди. Лекин қўллари кўтарилмади: хамшира қайси ҳолатда қўйиб кетган бўлса, ўшандайлигича қолаверди...

Бирпас ўтар-ўтмас, уни негадир уйку босди...

Туш кўрибди. Яна ўша таниш манзара... ўша аёл – Солия. Оташ зўр бериб, овозининг борича чақирармиш – Солия!... Солия!... Лекин аёл эшитмасмиш. Орадаги масофа у қадар узок эмас, бақириш у ёқда турсин, астагина «Солия» деса ҳам эшитилиши керакдекмиш-у...


Оташ ўз уйида эмиш, Солия бўлса шаҳар ва шу уй ўртасида нималардир қилиб юрганмиш. Оташ азбаройи қизиққанидан қараб ҳам Солия-



нинг нима иш қилаётганини тушуна олмасмиш. Бир қараса, у ўта муҳим юмуш билан бандга ўхшармиш, бир қараса, аёл шунчаки у ёқдан-бу ёққа бўш-баёв кезиб юргандекмиш. Лекин Оташ уни ҳалиям чақирармиш. Ўзи эса турган жойидан жилмасмиш. Жилиши мумкин эмасмиш. Чунки у чегарага – ўзи Солияга яқинлашиши мумкин бўлган сарҳадга келиб қолганмиш. У ёғига юриши мумкин эмасмиш негадир. Солия бўлса... Солия бу томонга одим босиш у ёқда турсин, Оташнинг изтироб билан бақириб-чақирришларига бир киё боқиб ҳам қўймабди. Бутун кучини тўплаб яна «Солия!!!» дея жонининг борича чақирибди ва тўсатдан бўғзи йиртилиб, оғзидан шариллаб қон оқа бошлабди. Шундан кейин у Солиянинг исмини айта олмай қолибди – бундан эса холи ёмонлашибди...

– Сизга нима бўлди? Уйғонинг!.. – Оташ кўзини очиб, тепасида қути ўчган бояги ҳамширани кўрди.

– Ёмон туш кўрдингиз, шекилли, босинки-раяпсиз... Ҳозир, – ҳамшира сувга нимадир томизиб келди-да, Оташнинг бошини бир қўли билан хиёл кўтарганча стаканни лабига тутди.



Кейин каравот поясидаги сочикни олиб, беморнинг тердан сув бўлиб кетган юз-кўзини, пешанасини артди. Шунда Оташ сочикни, хамширанинг кўлини хис қилди. Томоғини кириб кўрди – ўз овозини ўзи эшитди. Ичига иликлик югуриб, кўл ва оёқларидаги бармоқларини кимирлатиб разм солди: гўё ҳаммаси жойида.


– Раҳмат, – деди паст, хирилдоқ овозда кўнгли тинчиб нари кетаётган хамширага...

* * *

Икки-уч кун ўтгач, Оташ ўрнидан туриб юрадиган бўлди. Лекин аллақандай хижиллик барибир уни тарк этмасди.

«Нима ўзи у? Қаердан келди? Қачон кетади?» – Бу саволларнинг жавобини билмасди Оташ.

Дераза оша кеч кузнинг намчил ҳавосида «дийдираб» турган дарахтларга боқар экан, аста кўзғалиб, ташқари чиқди. Хазонрезги. Оташ шамол супураётган йўлакда бирпас кезинди. Ичидан бир титроқ келиб, ортга қайтди. Нияти – бино олдидаги скамейкада бироз тин олиш эди – чоғи келмай ичкарилади. Узун коридор-



дан ўз бўлмаси томон аста одимлаб бораркан, бош врач хонасининг қия очик қолган эшигидан учиб чиқаётган сўзлар қулоғига кўрвошиндай куюлди.

«Отабекнинг юриб қолганига кўп ҳам се-винманг, қариндошларига секин тушунтиринг, у узокқа бормаёди...»

Отабек кетаётган жойида «такатақ» тўхтади. Бош врач кўл остидаги ходимларга у билан боғлиқ тағин нималардир деди, лекин Отабек энди уларни эшитмасди... Йўк-йўк, эшитардию маъносини англамасди...

– Нима қилиб турибсиз бу ерда? – палатадан чикқан бошқа бир ҳамшира Оташнинг билагидан тутиб етаклади.

– Жудаям ухлагим келяпти. Илтимос, уйқу дорингиздан берсангиз, – ялинганнамо охангда деди Оташ ўзини каравотга ўтказиб қайтишга чоғланган ҳамширанинг қўлларини тутиб.

– Вой, энди ухлаб турдингиз-ку, – ажабланди ҳамшира.

– Ундай эмас, кечаси билан мижжа қокмадим. Чарчаб кетдим. Ёлвораман... – тараддудга тушиб кўлини тортиб олмокчи бўлган ҳамширани кўйиб юбормай, илтижо қила бошлади бемор.

– Вой, манави кишига каранглар, – кулди хамшира хиёл кизаринқираб. – Мен ўзимча сизга дори буюролмаيمان. Врачдан сўраб келай, – қўлини аранг қутқариб олган киз чошиб нари кетди.


– Тунда ёмон ухламадингиз, чамаси, Отабек? – гап қотди газета варақлаб ётган ёши улугрок бўлмадоши.

Оташ унга бир караб қўйдию индамади: юрагига қил ҳам сиғмай турган шу тобда жавоб бергиси келмади. Лекин хиёл ўтмай бояги хамшира қўлида тайёр ўқланган игна билан рўпарасида пайдо бўлганда, юзи ёришгандек бўлди...

Оташ кўзларини очганда вақт алламаҳал бўлганди. Бунни у деразага тўр солган шом рангидан англади. Шамол кучайиб, дарахтлар у ёқдан-бу ёққа гувлаб солланарди. Яна қулоғига япроқларнинг «чирт-чирт» узилгани урилди...


«Хазон япроғига, эй боғбон, эмассен мене».

Қўшиқдан эсида қолган ушбу байт Оташнинг миясида чарх ура бошлади. «Солия» деди пичирлаб. «Солия, сени жудаям-жудаям соғиндим! Яна бир вақтлардагидек чақирсам, келасанми? Сўнгги бор... Солия, сўнгги бор».




– Ҳадеб ухлаб, хаёл суравермай манавини еб олинг, куч бўлади, – каравотнинг махсус хонтахтасига ярим коса бўтқа, икки кесим ўрис нон, бир бўлак ковурилган балик ва оппок финжонда чой қўйди хамшира, – тушдан кейин сизни йўқлаб қариндошларингиз келувди, уйғотиб бўлмади. Кечқурун яна келамиз, дейишган.

... Оташ ётавериб зеркиб кетди. Кейин беихтиёр равишда чўзилиб, тумбочкани очди-да, ичидан қоғоз ва қалам чиқарди. Ташқарида бир маромда тебраниб қўшиқ айтаётган ва ўз қўшиғи оҳангига мос тарзда ракс тушиб ороланаётган дарахтнинг суратини чиза бошлади. Илгари ҳам у дарахт расмини кўп ишлаган, умуман, унинг чизган суратларининг ярими Солияга бағишланган бўлса, қолган ярмида дарахт бор эди. Лекин нега бундай, ўзи ҳам билмасди. Оташ Солияга бағишланган юзлаб суратлари мотивини яхши англади эди, бироқ дарахт-чи, унинг тағмаъноси нима экан? Сираси, у дарахтни турли кўринишларда чизган эди: Ҳамма фасллардаги, ҳамма кўринишлардаги дарахт расмларини солганди. Назарида, дарахт инсон




кўнглидаги кераксиз хою хавасларни ташқарига қувиб хайдарди. Дунёнинг ўткинчилиги ва умрнинг омонатлиги тўғрисидаги энг гўзал, энг таъсирли кўшиқ дарахтга тегишли эди. Шохларида хоҳ япроқ бўлсин, хоҳ бўлмасин, қатъи назар, тинглай билгич – қалб қулоғи очик одамлар учун дарахтлар ҳамма вақт – қишин-ёзин хикмат айтадилар, ҳа...

Оташнинг билганлари шулар эди. Энди бўлса, унинг қаршисида – қоғозда тағин бир кўшиқ куйлаётган улкан дарахтнинг қадди ростланиб бораркан, туйқусдан бошка бир нарсага – ҳалигача ҳеч ақлига келмаган бир маънога дуч келиб қолди. У ҳам бўлса, Солияни севишига, Солияга бўлган муҳаббатини қалбида бир умр кўтариб юришига муносиб иқлим яратган куч, аслида, шу дарахтлар, улар куйлаётган ажабтовур кўшиқлар экан. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, айнан шулар экан... Нега, дейсизми? Чунки бир пайтлар Оташ ҳам дунёи дуннинг одами эди – турли-туман кийинишни, ширин-ширин ейишни, турли машиналарда юришни севгувчи моддият қули эди – эслайди, ҳаммаси ёдида. Энг гўзал, энг жозибадор аёлларга



ишки тушиб, кечаю кундуз улар билан маишат килганларини ҳам унутган эмас. Кунлардан бир кун ана шундайлардан бирининг уйидан ярим тунда кайтаётиб йўл ўртасида машинаси бузилдию ўша ерда тонггача қолиб кетди. Шахаргача бир неча чакирим бор эди. Атрофда «йилт» этган чирок кўринмас, фақат ёнгинасида шамолда солланиб, ўзича кўйлаб ётган бир боғина эътиборини тортарди. Аслида, ҳаммаси ана ўшандан бошланганди. Оташ сахаргача ўша боғни, унинг дилларни энтиктирувчи кўшиғини тинглаб чикқанди. Тинглаб, унга ошиғу беқарор бўлиб қолганди. Шу-шу авваллари ҳар хил мавзуларда мўйқалам тебратадиган ёш рассом энди фақат ва фақат дарахтзорни, дарахтларни, дарахтни чизадиган бўлди-қолди! Кейин... ҳеч қанча вақт ўтмай, тақдир уни Соляга рўбарў қилди... Эҳ, буларнинг бари бирам сирлики...


Оташ сурат чизишга шунчалар берилиб кетдики, палатадошининг гаплашмоқчи бўлиб икки-уч луқма ташлаганиниям пайқамасди. Доим шунақа – илҳоми келганда ботинида – кўкрак қисмида аллақандай махмурлик пайдо бўлади-да, у шу ҳолатнинг асирига айланади. Айланиб



то асари якунлангунча унинг ичида у ёкдан-бу ёкка иссиқ қон каби (ҳар ҳолда унга шундай туюлади) оқаверади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Шиддат билан тортилаётган чизиклар, мўйкаламнинг кетма-кет ҳимолари қоғозда ҳайратангиз бир дарахт сувратини барпо қилиб улгурганиди. Унда кузнинг заъфарон туси акс этганиди. Лекин ғоят жозибадор кўринарди. Ҳавода учиб тўзғиётган олтинранг япроқлар қараган кишининг кўнглига маҳзун қайфият олиб кирар-у, уни қайғуга ботирмасди. Билъакс, дарахт шохларининг бир томонга хиёл эгилган ҳолати ва барглардан бунёд этилган сочларининг ажабтовур байроқдек хилпираши томошабин қулоғига дарахт куйлаётган кўшиқдек уриларди...

Оташ яна анчагача сурат устида ишлаб – тарошлаб ўтирди. Бир маҳал ҳамшира кириб келди: «Чақирсаям эшитмайсиз-а, Отабек ака?» дедию рассомнинг қўлидаги чизмасини мўйкаламага қўшиб, беозоргина суғуриб олди: «Кўргани келишди».

Отабек эшикка қараб, онаси ва икки укасини кўрди-ю, юзларида табассум пайдо бўлди: «Ассалому алайкум, она!»




– Ваалайкум салом, болагинам, ваалайкум салом!.. – онанинг овози титрар, кўзлари жикка ёш эди. Отабек бўйлари баланд, басавлат укалари билан сўрашаркан, яна ўшандай сўлгин нигоҳларни учратдию ҳаммасини тушунди: жигаргўшалари баридан хабардор экан!.. Айни дамда, нарироқда бояги суратга ажабланиб боқаётган хамширага кўз кири тушиб улгурди.

– Нега йиғлайсиз, онажон? Отдекману... – ўзи айтаётган гапга ўзининг ишончи бўлмагани учун Оташ узук-юлук жумла тузди, – яқинда жавоб ҳам беришади...

– Иншооллоҳ, болам, иншооллоҳ... – она енининг учи билан кўзёшларини артди, – илоийим, айтганинг чин бўлсин!..

Оташ укаларига қаради: улар кўзларини олиб қочишга беҳуда уринишаётгани шундоқ юз ифодаларидан аён эди. Бири юзини дераза томонга бурган (лекин у ерда ҳеч нима кўринмас – шом тушиб бўлганди), бошқаси бўлса, курсида омонатгина ўтирган кўйи туфлисининг тагчармига қараган киши бўлиб вақтни чўзмокқа тиришарди.

– Битта қизни деб ўзингга жабр қилдинг-да, – онаизор ўзига ўзи гапиргандек қилиб ҳас-



ратдор овозда сўзлай кетди, – ёшинг ўттиз ет-
тига чикди-ю, ортингда қоладиган зурриётинг
йўк, жон болам...

– Она!.. – деди боядан бери юзини «дераза
билан беркитиб» турган ука, – она, ҳозир шу
гапларнинг мавридими? Акам ёш бола эмас-ку!
Нима қилишини ўзи билар, ахир...

Бундай тортишувлардан безиб кетган Оташ
норози алфозда кўзларини қаттиқ юмди...

* * *

– Туринг, нонушта қилволинг, – деди яна
ўша ҳамшира. – Ҳозир бош врач «обход»га ки-
риб қолади, бўлақолинг.


Оташ эринибгина кўзларини очди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум... Нима, сиз ҳар куни ишлай-
сизми?

– Йўғ-е... – деди ҳамшира патнисни бемор-
нинг «хонтахта»сига авайлаб қўяркан, – унақада
чарчаб қолади-ю одам. Шеригимнинг ўрнига
чиқдим. Иши чиқиб қобди.

Оташнинг иштаҳаси йўқ бўлса-да, аста туриб
юз-қўлини чайиш мақсадида шундок биқинда



жойлашган ваннахона томонга юрди. Қайтиб чикқанда эса, қаршисида пайдо бўлган хамшира илтимос қилиб қолди: «Менинг ҳам сура-тимни чизиб беринг».


...Оташ хамширанинг суратини кечгача чизди...

Навбатчилигини яқунлаб уйига равона бўлаётган хамшира эшикдан кириб келганда-ям берилиб ишлаб ўтирарди. Қиз расмга бир муддат тикилиб турди-да, сўнг «Нима бу?» дегандек рассомга боқди. «Бу мендан кўра анави суратдаги дарахтдан қараб турган аёлга кўпроқ ўхшаб қобди-ку, Отабек ака?»


– Қайси дарахтдан қараб турган аёл, тушунмадим? – ажабланди Оташ.

– Сиз фақат битта қиёфани чизасизми, дейман? – энди росмана хафа бўлиб гапирди хамшира, – майли, буниям ўша аёлга беринг...

Оташ стул сўянчигига суяб қолдирилган суратни кўлига олиб разм солди – у чиндан ҳам Солияга ўхшаб турарди. Кейин шошиб кеча чизган суратига қаради. Йўқ, унда фақат дарахт бор эди. «Қанақа аёл?» деди энсаси қотиб. Кейин суратларни олиб рўпарасидаги дераза рахига тираб қўйди.




Кечкурун кетган кетиб, қолган қолиб, атроф сув қуйгандек жимжит бўлган пайт суратларга кўзини қадаб хаёл суриб ўтирган Оташ бирдан ҳаяжон билан ўрнидан туриб кетди. Турибок суратларнинг олдига борди, дарахт тасвири туширилган расмни кўлига олиб, кўзларини йириб қаради: Ё қудратингдан! У ерда чиндан ҳам Солия бор эди. Фақат... фақат орқа планда – ичкаридан улкан дарахтнинг орасидан – бағридан маъюс боқиб турарди. Оташнинг лаблари учар, титроқ бармоқларини суратга олиб борар, лекин яна чўчиб ундан узоклатар, кўзлари дамодам ёшланар эди. Бир маҳал суратдан дарахт чекинди ва бошидан-оёк инсон қиёфасини олди – энди ошиқ рўпарасида маъшуқа турарди. «Қачон мен сен билан ёп-ёлғиз қолгум!» лаблари шивирлади Оташнинг. У бир пайтлар – севишиб, дунёларни унутиб юрган вақтлар шу мисрани Солияга бот-бот айтгувчи эди. Бироқ тақдир экан – улар ҳеч қачон бир-бирлари билан ёлғиз қолишмади. Пешана ёзиқлари бунга йўл қўймади. Мана, ниҳоят, ўша орзуси ушалиб турибди ошиқнинг. Оташнинг кўзларидан оққан шашқатор ёшлари




«тим-тим» томиб суратга тушар, ундаги бўёклар секин-аста шувалиб бир-бирига чаплашиб борар, лекин буни фарклайдиган холи йўқ эди ошиқнинг... Оташ ана шу холида йиғлаб-титраб бирмунча вақт қолиб кетди. Кейин эса... кейин Солия билан уришиб қолган ўша малъун куни «лоп» этиб ёдига тушди. Тушди-ю кўнглида ухлаб ётган гина-қудрат уйғониб қолди: «Агар сен ғурур қилмаганингда ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди, Солия!»

Оташ суратга қараб мурожаат қиларди, бироқ ундаги аёл – Солия бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Оташ тараддудланиб қолди: тинччилаб ўзи чизган суратнинг гоҳ у, гоҳ бу ёғига қарар, эндигина шу ерда – қаршисида уни тинглаб, у билан мулоқот қилиб турган Солия қай ерга «учиб» кетганининг сирига етолмай доғда қолди. Шундан кейин Оташ суратни дераза раҳига қайта қўйди, ўзи бўлса «ундаги Солия»ни илк пайқаган жойига – каравотга чиқиб ўтирдиямки, фойдаси тегмади. Суратда фақат дарахт – сарик сочлари шамолда селкиллаб турган улкан дарахтгина қолди... Оташнинг жиғибийрони чиқиб, хуноб бўлиб ётди. Кейин




чарчок устун келиб, кўзи илинди. Яна туш... Яна Солиясиз кечган шунча йиллар ўтмагандек эмиш: улар худди бир вақтлардагидек бирга эмиш. Қадди-коматлари ҳам, қилиқ-қиёфатлари ҳам бурунгидек денг. Электричкага чикиб тоққа – лола сайрига борганимишлар. Қучок-қучок кизғалдоқ, лола, бинафша теришармиш, бир-бирларининг бошидан қучок-қучок сочишармиш ҳам. Юриб-юриб тоғнинг баланд бир чўккиси қаршисига келиб қолишибди. Чўккиннинг ён бағрида эса, анвойи гуллар ўсиб ётганмиш: лола бўлиб лолога, кизғалдоқ бўлиб кизғалдоққа ўхшамасмиш. Хатто бинафшадан ҳам нимадир бор эмишу асли бошқа гул эмиш. Солия ўша гулга ошиқ бўлиб қолибдию чўккига чиқамиз деб туриб олибди. «Сен шу ерда туратур, ўзим олиб келаман». Оташ тепага қараб тирмашибди. Чиқибди. Ўша – дунёдаги ҳеч бир гулга ўхшамайдиган, лекин борлик чечаклардан гўзалроқ, хушбўйроқ гулни узиб олар чоғида оёғи тойиб, икки қулоч пастдаги қояга каттик урилибди. Зарбдан чап қўли синиб, осилиб қолибди. «Шунча гуллар турганда, яна гул деб қайсарлик қилганингни қара, Со-



лия!..» Оғриқ устида хаёлидан ўтибди унинг. Қайтиб пастга тушганда эса Солия йўқ эмиш. «Солия, қанисан, қаердасан?» дея қичкирибди. Қичкириқ зўридан яна томоғи йиртилиб, яна оғзидан қон келибди. Атрофда – боя Солияни қолдириб кетган жойда, унинг нари-берисида одамлар бор эмиш ва Солия гўё ана ўша одамлар орасига кириб ғойиб бўлганмиш: «Солия!..» Лекин уни ҳеч ким эшитмасмиш. «Шу ерда бир қиз турганди, чиройли, сарвиқомат, сочлари сумбул, кўзлари хумор... Кўрмадингизми?» Одамлар унга парво қилишмасмиш – эшитмасмиш ҳам. Гўё Оташ бору улар йўқ. Ёки улар бору Оташ йўқ. Ё униси ё буниси сароб каби...


«Солия!!!» Ўзининг овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди Оташ. Кўзларини катта-катта очиб, атрофга қаради – бўлмада унинг ёлғиз ўзи. Шеригига қачон жавоб тегиб улгурди – худо билади. Фақат нариги томондан «Жим» деган уйқули нидо келди. Кейин «шип-шип» деган шиппак товуши ҳам қулоғига чалинди – ҳамшира бўлса керак...

Оташ бошқа ухлай олмади. Кўзғалиб ўтирди. Кўзи беихтиёр дераза рахидаги суратга



тушди. Юзасида ой ёғдуси ўйнаб турган да-
рахт – гўё ҳаракатга келди ва тебрана-тебра-
на яна Солияга айланди. «Солия» шивирлади
Оташнинг лаблари. «Солия, яна келдингми!..
Солия, сени соғиндим, жудаям соғиндим!.. Сен-
сиз бу дунё менга бегона бўлиб қолди, тушуняп-
санми? Гўё етти ёт мамлакатга сургун қилинган
махбусдек сезаман ўзимни. Сендан айрилган
кунимдан бери шундайман – мухожирман. Со-
лия, сен менинг қайтишим мумкин бўлган яго-
на жойим, мунис Ватанимсан!.. Бирок ўзинг
қайдасан? Дўхтирлар куним битиб қолганини
айтишмоқда, чақирсам, келасанми? Солия, бу
менинг сендан охирги илинжим, ўтинаман: кел!
Токи мен бегона юртларда хор-зор бўлиб ўлиб
кетмай. Сенга – Ватанимга қайтиб, шу кучоқда
жон берай, Солия!..»

– Бемор Набиев, нега ўзингиз билан
ўзингиз гаплашиб ўтирибсиз, қани тўшакка
киринг, бошқаларнинг дам олишига халақит
берманг, – ёши каттароқ бошқа бир ҳамшира
келиб, болани ўрнига ётқизган каби Оташни
жойига ўраб чиқиб кетди. Оташга бу ёкмади:
умрга татигулик суҳбатни бўлгани учун ҳам-



ширани ёмон кўриб кетди. Лекин яна туриб караганида суратда Солия йўқ эди. Шунда у бир сирни тушуниб қолгандек бўлди: юраги муҳаббатга тўлиб-тошган дамларида суратда Солияни, қолган вақтларда эса, дарахтни кўраётган эди, ажаб!

«Солия, биз бир-биримизни нега йўқотганимизни энди тушуниб етдим. Сен билан ажралишган ўша машъум кунда кўзларимиз фақат ва фақат дарахтни кўрган экан. Биз ўша кунни бир-бировимизни кўролмай қолган эканмиз...»

* * *


Кейин нима бўлди – Оташ эслай олмади. Фақат ҳушига келганида тепасида бир тўда оқ халатли одамлар ховлиқиб у ёқдан-бу ёққа чошиб, шошилиб юришарди.

– Уни йўқотяпмиз!..

– Бугун бўлмаса, эрта-индин барибир кетади...

– Тезроқ юрагини массаж қилинг, массаж!..

Қулоғига элас-элас кираётган бу сўзларнинг негадир қадри қолмаганди. Улар фақат товушдангина иборат эди, мазмуни эса қаёққадир




ройиб бўлганди. Ажаб, сўзлар, жумлалар ўз холича ҳар қанча мудҳиш жарангламасин, мазмуни киши қалбига кириб бормаса, ҳеч экан, ҳеч!...

Кейин нима бўлди, орадан қанча фурсат кечди – Оташнинг булардан хабари йўқ. Назарида узок, жуда узок чўзилган уйқудан кўзини очганида ўзини гўё ҳеч нима бўлмагандек ҳис қилди. Фақат бутун вужудида ланжлик бор эди – кимир этгиси келмасди. Аммо бинойидек гапира оларди. Демак, у ўлмабди. Ана, туннов кун ундан хафа бўлган хамшира келяпти. Ҳозир бир нима дейди...

Лекин у лом-лим демайди. Оташ томонга бир мунглиф боқадию кўшни бўлмага раво-на бўлади. Нега? Ёки суратининг ўзга қизга ўхшаб қолгани бояқишнинг дилини шунчалар ранжитдими?..

Кўп ўтмай палатага ота ва онаси киришади. Лекин улар ҳам Оташга хамширага ўхшаб қарашади, авайлаб, худди охирги марта гап-лашаётгандек лутф кўрсатишади. Бунга эса Оташнинг ғаши келади. Навбат билан ҳузурига кириб-чиқаётган тўнғич укасини кўлидан тутди:



– Менга қара!.. Ростини айт, канча колди?..
Укаси қийналади. Лекин тўғри жавобни айт-
магунича акасининг ўткир нигоҳларидан қоча
олмайди:

– Икки-уч кун...

* * *

– Салом, Солия!..

– Вой, ассаломалайкум, Отабек ака!

– Яхшимисан?

– Шукр, ўзингиз тинчмисиз? Йўқолиб кетдин-
гиз. Кўнғироқ ҳам қилмайсиз бундоқ... – гина,
араз ва навозиш қилган бўлди Солия.

– Сенга халақит бермай дедим...

– Қўйсангиз-чи...

– Солия!..

– Ҳм...

– Сени кўришим керак...

– ...

– Сўнгги марта, эшитяпсанми?..

– Тинчликми? Одамни кўрқитмай гапиринг,
Отабек ака...

– Узр... Кечир мени... Ростданам, бемаъни
гап айтдим, шекилли.



– Келасанми?..

– Қаердасиз?

– Ўша кўчадаги кардиология марказида...
Эсингдадир?.. Охирги қават, лифтдан ўнгга
қараб юрганинга энг четдаги палата. Оппок
эшиги бор...

– Вой, нима қилди?.. – овозига хавотир ара-
лашди аёлнинг.

– Бугун келасанми?

– Бугун?..


– Ҳа... илтимос, келмасанг бўлмайди, Со-
лия!.. – юрагидаги титроқ овозига кўчди Оташ-
нинг... – Ўтинаман, кел!..

– Хўп, ҳаракат қиламан...

* * *

Сурат гўё бағрини катта очдию Солия тимсо-
лида Оташни маҳкам қучиб олди – унда тасвир-
ланган дарахт мусаввир йигитнинг маъшуқаси
сиймосига айланди-қолди. Оташ эса, уззукун
ундан нигорон кўзларини узмади.

– Мана, Солия, ҳаммаси – менинг ҳаётим-
нинг ҳаммаси шундан иборат экан: туғилдим,
севдим ва ... Яхшиям сен бор экансан... Сенга




рўбарў қилгани учун қисматимга шукрона ай-
таман. Ахир... ахир сен бўлмасанг, мен бу
ерда – дунёда нима иш қилган бўлардим?
«Туғилдим ва ўлдим» деб айтган бўлармидим?..

Мана, яна сен келасан!.. Кўришмаганимизга
хам неча йиллар бўп кетди. Охирги гал сурат-
ларим кўрғазмасига келгандинг. Суратлардаги
ўз сиймонгни кўриб, секингина «Эсингизни еб
қўйибсиз. Одам ҳам бир кишига атаб шун-
ча расм соладими!..» деб, хижолатдан қочиб
кетгандинг. Кейин... кейин менга хабар юбор-
гандинг: «Кечиринг, кўпчиликнинг нигоҳини
кўтара олмадим... Наҳотки, бир аёлни шунча-
лар севиш мумкин?!»

Эртасига эса яна бир хабар олгандим: «Ил-
тимос, уйланинг».

Эҳ, Солия, кимга қарамай, ҳаммада сени
кўрсам, юрагимгагина эмас, кўзларимга ҳам сен
тўлиб олган бўлсанг, мен яна нетиб бошқага
уйланай? Аслида, сени кўрган кунимдан сенга
уйланганман-ку!.. Сен ҳар доим, ҳар лаҳза мен
билан биргасан: ҳушимда ҳам сен, тушимда
ҳам...


Кейин Оташнинг ёдига талабалик чоғларида-
ги бир воқеа тушди. Ўшанда физкультура дар-



си эди. Оташ спорт биносига кириб кетаркан, скамейкада хаёл суриб ўтирган Солияга кўзи тушиб, олдига борганди. «Мазам йўк». «Унда мен сен билан ўтираман». «Вой, дарс-чи?» «Қизикмисан, сен билан бир соат суҳбатлашиш имкони бор экан, мен қандай қилиб дарсга кираман?.. Ҳузурингда ўлтиришдан ортиқрок дарс йўк, мен учун!..»

Ҳиёл ўтмай каёқдандир пайдо бўлган уч-тўрт олифга йигит Солиянинг ён тарафига ўтирар-ўтирмас, гап ота бошлашганди. Кейин маълум бўлишича, улар шу университетдан ўзларига қайлиқ кидириб юришган экан. (Қилиққа қаранг: бўлажак турмуш ўртоғинг билан ҳам кўчадаги сатанглари «овлагандек» қилиб танишасанми?..) Табиийки, Оташ аралашиб, бирпасда муштлашиб кетишганди. Улар кўпчилик эди, Оташ бўлса бир ўзи. Лекин ўртага олиб бир тепки қилишгандаям шаштидан қайтмаганди: урганни уриб, тепганни тепганди...

«Қўркмадингизми, улар бир тўда бўлса?» сўраганди Солия Оташнинг тиббий марказда яраларини ювиб боғлашаётганда. «Билмасам,



ўзим ҳам хайронман» деганди Оташ. Кейинрок мушоҳада қилиб кўрса, чинданам ўзига ўхшаган бир нечта ёш, бақувват йигитларга бас келиш учун одамга юракдаги жасоратдан бошқа яна нимадир керак экан. Оташнинг фикрича, бу муҳаббат эди! Ёнида Солия, юрагида ишк бўлмаганда, Оташ эҳтимол ўша йигитларнинг ақалли биттаси билан ёқалашишга ҳам ўзида журъат тополмасди. Ҳа-ха, ишонаверинг. Бунга унинг ўзи амин бўлган. Ҳаётида неча бор бунинг каби жанжалли вазиятлар юз берганига қарамай, ҳар сафарида шундай уришиб кетмадику! Энг муҳими, ўзини ботир хис қилмади. Кўзига жони ширин кўринган дамлар қанча бўлди, ахир... Демак, ишк деганнинг бағридаги киши ўлимдан ҳам қайтмас, кўркмас эканми...

– Сиз шунақа... мен учун ҳамма нарсага тайёرمىсиз? – сўраганди ҳимоячисининг боғлаб қўйилган тирсагини силаб Солия.

– Ҳамма нарсага, ҳаммасига, Солия!.. – кўзлари ёнганди Оташнинг.

– Ўлимга ҳамми? – тикилганди йигитнинг кўзига у.

– Ўлимга ҳам...

– Менсиз яшашга-чи? – кувлик билан жилмайганди киз.

– Факат бунга эмас, Солия!.. Йўк! Сенсаиз яшай олмайман.


– Ҳозиргина «Сен учун ҳамма нарсага тайёрман» деган ким эди? – ошиқнинг юзига енгилгина шапатилаганди маъшуқа. – Одам берган сўзининг устидан чиқиши керакмасми?

Оташ кизга «ҳазилми-чиними» дегандек кулиб қараб қолганди. Кейин бурнини чимдиб «жазолаганди».

– Истасанг, майли... унга ҳам тайёрман. Фақат эплей олишимни ваъда бермайман. – Оташ кизни ўзига тортиб бағрига босганди, – мен учун «сенсиз», деган тушунчанинг ўзи йўк, сен ҳар доим мен билан биргасан! ..

– Ҳа... Ҳар доим... – кўзлари ёшланганди кизнинг...

Кўкқисдан кучайган шамол дарахт шохларидан дув-дув барг тўкди. Эрталабдан бери эзиб ёғаётган ёмғир шиддаткор тус олди. Оташнинг ширин хаёли бўлинди. Деразага боқиб шом тушаётганини илғади. Шошиб деворда – рўпарасида осифлик соатга қаради: Ўх-хўй!..




– Солияга нима бўлдийкин? Нахотки, келмайди? Ёдидан чиккандир... Иши кўпдир... Йўк-йўк, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир тайинлаб айтди-ку, «Келмасанг, бўлмайди» деди-ку. Бунни худди бир вақтлардагидек қилиб айтди, ахир...

Эҳтимол, ичкари киритишмагандир. Аҳволимни оғир деб, эшикдан изига қайтаришгандир... Телефон бор-ку... Айтарди-да, бир оғиз... Ўзим қилсам-чи?.. Энди кеч. Оилали, бола-чақали аёл бўлса..

Оташнинг кўз олди қоронғилашди...

* * *

Эртаси чошгоҳ бўлдиямки, «тиқ» этган товуш йўк. Тоқати тоқ бўлди унинг. Эшикка миҳланган кўзлари ачишиб-ёшланиб кетди. Ётавериб ўмганлари оғриб-оғирлашиб қолди. Энди сурат билан гаплашиш ҳам юрагига сиғмаётганди. Сираси, у ерда энди Солия йўк эди. Фақат тилларанг япроқлари маъюс шивирлаб дарахт турарди. Ундан нигоҳингизни бироз юқорига олсангиз, шу дарахтнинг аслини кўрасиз. Бирок унинг аҳволи яна-да аянчли: бир-икки заволли



барглари омонатгина хилпираб турган яланғоч новдаларини кўкка чўзган дарахт худди «Эй Парвардигор, нима қилиб кўйдинг?» дея кўкси тилка-пора бўлиб, арзи дод айтаётган одамга ўхшарди...

Оташ ўрнидан базўр кўзғалди – тумба устидаги телефонга қаради: хабар бормикан?.. Бир муддат ўйланиб турди. Кейин рақам терди. Терди-ю ўчирди. Хона ичида у ёқдан-бу ёққа юрди. Ташқарига – дарахтга қаради: у баҳор-куз сафари мобайнида обдан хоригандек туюлди: кеч кузнинг изғиринли шабадасида бутоқлари майин титрар, улардан дув-дув ёмғир сувлари кўзёшлар каби тўкилар, тўкилар ва яна тўкиларди...

Туйқус Оташнинг ичи титраб кетди. Ўзини илк кез ёлғиз – Солиясиз хис қилди. Эшитяпсизми, илк кез... Ҳеч қачон бундай бўлмаганди, ҳеч қачон!.. Қутурган сувларда фарқ бўлаётган шўрлик янглиғ хасга ёпишди – беихтиёр яна ўша рақамни терди. Телефон узок вақт чакириб турди. Кейин... Кейин Солиянинг, ўша Солиянинг овози келди, ўша овози!.. Фақат... фақат уйқу аралашганди унинг овозига.



– Алло... Ким?


– Солия!.. Бу – мен!.. – деди дийдираб. –
Кеча... кеча келмадинг...

– Ҳозир... беш-ўн дақиқада ўзим кивораман.

Оташ бир ғалати бўлиб қолди. Телефон аппаратини иккала қўлида маҳкам ушлаб олганча кутди: дам ўтириб, дам тик турди. Аввал беш дақиқа кечди, кейин беш ўнга айланди. Бирок телефон соков эди. Кейин яна беш, беш, беш... Оташ ҳисобдан адашди. Вақтнинг бунчалар узун, мўл-кўл бўлишини шу ёшга кирибгина хис қилди. «Кутсанг, улар ҳам узайиб кетаркан», деди у ўзига-ўзи.

Бу орада тушлик олиб келган ҳамшира унинг кўп ҳаракат қилмаслигини, дориларни овқатдан кейин албатта ичишини тайинлади. Оташ бу ғамхўрликни кулибгина қабул қилди. Кейин яна ховучидаги матоҳга кўзини тикди...

Орадан анча фурсат кечиб, остонада яна пайдо бўлган ҳамшира бир қўл тегизилмаган тушликка, бир эса телефонга жиннига ўхшаб термилиб ўтирган Оташга аланг-жаланг каради. Лекин юрак ютиб бир нима демади. Бошини маъноли чайқатганча, овқатни аравачасига юклади-кетди...



Нихоят, тошдан садо чикди деганларидек телефонга забон битди.


– Ассалому алайкум, Отабек ака. Узр, кеча ўтолмадим. Кечкурун кайнимнинг туғилган кунига борадиган эдик. Сочимни эрталабдан бўятиб олувдим, денг. Кўрмайсизми, куни бўйи эзиб ёмғир ёғди. Уйдан чиқолмадим... Кечкурун амаллаб ресторанга бориб келдик... Бугун ёмғир тиниб қолса, дугонам Арофатнинг машинасида ўтиб қолармиз. Борганда, телефон қиламиз, манзилни унга яна айтиб берарсиз. Мен у кўчани унутганман, чоғи...

Солия тағин нималардир деди, лекин Оташ уларни эшитмай, эшитса ҳам сўзларнинг маъзини чакмай қолди. Кўз ўнгида дунёни зулмат қоплай бошлади. Довдираб коридорга, ундан эса ташқарига юрди.

– Бемор Набиев, сизга кўп ҳаракат мумкин эмас, кириб ётинг.

– Хўп... хўп... қайтаман ҳозир, – деди сўровчига қиё ҳам боқмай Оташ.


Бирпас ўтиб кўчага чиқиб олди. Такси тутди-ю, шаҳардан ташқарига – уйига, хув анавинда машинаси бузилиб қолганда рўпарасида



пайдо бўлган дарахтзор ёнидаги ташландик кишлоқда бунёд этган гўшасига қараб йўналди. Хайдовчини куттириб, ичкаридан нимадир олиб чиқди – дастрўмолга ўроғлик нарса эди у. Чамаси, Оташ шу тарзда ҳисоб-китоб қилди – киракашга пул ўрнига нимадир тутқазди. Шундан кейингина хайдовчи шахардан узокда, адирликларнинг пойидан ўрмалаб кетган йўлдан ҳам анча ичкарида жойлашган вайроналар орасидаги кўримсиз уйни ортда қолдирганча, изига қайтди.

Оташ тўғри омборга қараб кетди. Омбор эшигининг баланд кесакисига оёғини уриб, ичкарига отилиб кирди. Лекин шу захотиёк кўзғалиб, оёққа қалқди. Эшикдан тушган ёруғликда пайпасланиб ниманидир олди, кейин йўлни тўғри устахонаси томон бурди... Қўлида оғиррок идиш бор эди – майишиб юрарди.

Устахона кенг, ёруғ ва юзлаб суратлар билан шундай безатилган эдики, кирган одамнинг хаёли кочарди. У ерда ҳам дарахт ва яна ўша аёлнинг турли-туман суратлари осифлик турарди. Илинмаганлари ҳам аллақанча эди. Бирок Оташнинг шу тобдаги кўнгил манзараси




устахона ичидагидан юз, минг, милён... карра мухимроқ, сирлироқ ва кўркинчроқ туюларди... Оташ идишдаги суюкликни полга, деворга, ундаги суратларга секиб юборди. Шунда хона ичи бензин ҳидига тўлиб кетди. Бурчакдаги стол тортмасидан чакмоқни қўлига олган Оташ ниҳоят ҳаракатдан тўхтаб, чуқур-чуқур нафас олди...

Қулоқлари остида аввал ўз сўзлари жаранглади: «Бугун келмасанг, бўлмайди, Солия! Ўтинаман, кел!...»

Кейин эса, Солиянинг овози қулоқларига урилди: «Эрталабдан сочимни бўятиб олувдим, денг... Кўрмайсизми, куни бўйи эзиб ёмғир ёғди... уйдан чиқолмадим...»


Оташ жон аччиғида чакмоқни ёндирди-ю, устахонанинг тўрида илинган хашамдор хошияли суратга – ўзига жилмайиб боқиб турган Аёл суратига қараб отди... Олов бир силкиниб олди-да, баравж ёнганча суратни ямлай бошлади. Олдин аёлнинг сарвдек вужуди, қўнғироқ сочлари, кейин ойдек юзи ёнди. Фақат... фақат кўзларигина ёнмасди. Улар тилларанг тил оловнинг аёвсиз қиличларидан омон



колаётгандек туюлди. Оташ уларга – кўзларга нимадир демоқчи, балки улардан ниманидир сўрамоқчи, ўтинмоқчи бўлди. Бўлди-ю, оғиз ҳам очолмай тутилди: чунки... чунки кўзлар оловнинг тафтида ўзгариб, уларда мухрланган маъно эврилди – аёлнинг, бир пайтлар Оташга чексиз мухаббат ила бокқан ўша аёлнинг сохир кўзлари қахратон кишининг энг аёзли кунидек совук йилтиллаб ўтди. Ва худди шу лаҳзада оловнинг қўли баланд келди: кўзлар оловга ем бўлди...

Дахшатли манзара Оташнинг кўз соққаларида бир зумгина акс этди, бир зумдан кейин эса, у ерда гуриллаб ёнаётган оловнинг тиллари гадонинг кўкка очилган қўллари янглиф қотди-қолди...

... Бу орада ташқарида ёмғир тинди. Эҳтимол, бу ҳам Яратганнинг бир марҳаматидир. Шаҳар четида – чакирсанг, биров эшитмайдиган бир канорда ловуллаб ёнаётган уйга сув сепаб ўчиришни ва шу янглиф ичкаридаги ошиқ йигит чекаётган азобнинг яна ва яна давом этишини истамагандир... Ахир, хом сут эмган бандалар бўлсак, қаерда ҳикмат борлигини биз кайдан биламиз?..



Биз қайдан биламиз, «ёмғир тинди», дея балки Солия ҳам алламбало фасонга солинган гўзал сочларини кўз-кўз қилганча уйдан чикқандир ва хали замон кардиология касалхонасининг охирги қават, лифтдан ўннга қараб юрганда энг четдаги оппоқ эшигини чертиб қолар...

Биз қайдан биламиз...

2009






КЎНГЛИМДАГИ ДАРЁ

(туш-ҳикоя)


Қишлоқда турилиб ўсганим боисми, табиатни жудаям яхши кўраман. Шаҳардан уй олаётганимда ҳам шунга эътибор қилганман. Яъни уй шаҳарнинг сўлимроқ, автолару одамлар камроқ қатнайдиған, сердарахт жойидан бўлишини истаганман. Шундай жойни топиб, ўзимга маъқул уйни сотиб ҳам олганман. Кейин эса... кейин нимаям қилардим, яшай бошлаганман эл катори...

Яшаш дегани биз томонларда иш... кейин уй... ундаги оила-рўзғор юмушларию бола-чақа ташвишларига шўнғиш дегани... Чекимизга тушгани шу бўлди. Тақдир дейишади-ку, уни ҳамма жойда маъноли қилиб. У тамғадек гап – пешонангга бир босилдими, тамом – вассалом, кабрга қадар шундай кетаверар экансан... Тақдирни ўзгартириш мумкин эмасми дея умримда бир бор эмас, худонинг хар кунда минг



бор ўйлаганларим – чин. Лекин... кўриб туриб-сизки, ҳаммаси яна – бояги-бояги, бойхўжанинг таёғи. Такдир-ку кудратли, – буни озми-кўпми билдик, – тагин сирлию сеҳрли! У Яратган томонидан инсонга берилган жинс, вужуд, рангга ўхшайди. Ахир, сен Эшмат бўлсанг, қандай қилиб Тошматга айланишинг мумкин? Пластик амалиёт орқали мумкин демокчимисиз? Бу жудаям хусусий гап. Қолаверса, юз кўринишингни ўзгартирганинг билан ўзинг қоласан-ку ичкарида. У ерда сен ҳар доим ўша-ўшасан: Эшмат бўлсанг, Эшматсан, Тошмат бўлсанг, Тошмат! Ишонмайсизми? Унда эшитинг. Фурсатингизу истагингиз бўлса, ўз тақдиримдан биров, сўзлаб берай...


Ўшанда мен тақдиримнинг ўзини эмас, унинг атиги биттагина чизигини ўзгартирмоққа аҳд қилдим. Чунки мен ҳаётимнинг айнан шундайлигидан, яъни қандай бўлса, ўшандайлигидан жуда-жуда чарчагандим. У гўё менинг тепамда туриб олиб, тинимсиз оғир иш буюраётган баджаҳл ва бешафқат хўжайинга ўхшаб бораётганди. Назаримда қон томаётган камчиси ҳам бор эди кўлида. Менга мана шуниси



ёкмасди. Майли, дердим ичимда, майли, у менга топириқларни бир қоғозга ёзиб берсин, колганига аралашмасин, мен эса барини битта ҳам қўймай адо этай. Лекин манавиндақа қилиб бошимда туриб олиб, худди арпасини хом ўрган кишига ўқрайган каби гўлайиши, бақириб-чақириси, савалаши, саннаши... жон-жонимдан ўтиб кетди-да...

Мен ана шундай ўйлар илинжида ўн йиллар яшадим. Бу вақт мобайнида қисматимнинг бирон чизигига тахрир киритган бўлсам, ўлай агар. Хохламадим эмас, хохладим, лекин бу истак ичимдагина қолди. Шундай кечаётган, яъни мен ишдан уйга, уйдан ишга бўзчининг моки-сидек қатнаб юрган, бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаш зерикарли кунларимнинг бирида, биласизми, нимага дуч келиб қолдим: дарёга!

«Шаҳарда дарё пишириб қўйибдими?» дея иддао қилмоқчи бўлсангиз, айтиб қўяй, кеч қолдингиз. Сиздан олдин менинг хаёлимга келган бу. (Кейинги ўринни хотиним банд айлаган). Келган-у, нима қилай, ўз оти анхор бўлган бу сув шунчалар тўлғин, шунчалар гўзал ва шошқин эдики, уни эркалаб, мартабасини хиёл ошириб дарё деб атай қолдим. Нима, Аса-



кам кетармиди... Тўғри-да, унга кўзим тушгани лаҳзада тилимга шу сўз тошиб чиқди: ДАРЁ! Шу бўлдию мен уни дарё дейишга одатландим.


– Уйимизнинг биқинида дарё боракан, а?! – дедим ўша куни кела солиб хотинимга. У эса менга узоқ вақт хайрон бўлиб тикилиб қолди. – Ҳа, – дедим менинг ҳам энсам қотиб, – нега анграйиб қолдинг?..

Аёлим индамай келиб пешонамга қўлини текизиб кетди. Шундаям саволимга жавоб бермади. Аксинча, бутунлай бошқа мавзуда гап очди:

– Ўғлингизнинг мактабига боришингиз керак эди, ота-оналар мажлисига, бормабсиз, синф раҳбари телефон қилган эди, ер ёрилмади, ерга кирмадим. Роса тайинлаган эди, бечора...


– А-а-а! – дедим оғзим очилиб. Жин урсин, чинданам ёдимдан кўтарилибди-ку!..

– Анув куни қизингизни шунақа аҳволга солувдингиз, кўчада дугонаси билан сизни кутавериб симёғочга айланишганди. Бугун дарё дейсиз? Қанақа дарё? Хув анув кўча юзидаги ифлос, тагида билакдек сув аранг оқадиган ариқни айтаётган бўлсангиз, сизни жин-пин чалгани аниқ!..




Мен индамадим. Чунки ўйлаб карасам, аёлим юз бор ҳақли. Дарёни кўйиб турайлик, чунки у ҳам кўрмагандир менга ўхшаб. Арик!.. Негадир эслай олмадим. Бўлса бордир. Ўзи ишимнинг кўплигидан хали уни, хали буни ёдимдан чиқариб юрадиган одам бўлсам. Ўйлашимча, бу паришонхотирлик ҳам эмасди. Хаёлим турли-туман, бўлар-бўлмас юмушлар билан шунчалик бандки, асти кўяверасиз. Кейинги вақтларда бир парча қоғозга ишларимни ёзиб, кўрга ҳасса деганларидек кўлимда олиб юрадиган одат чиқарганман. Бошқачасига сира бўлмаяпти. Мен юмушларни бажаришга улгурмаяпман. Ишонмасангиз, мана биттаси. Уни кеча кечқурун тузганман, ўқинг.


1. Эшикнинг қулфига тил. 2. Сарварнинг тўйига тўёна. 3. Йўл-йўлакай ишхонага эл. чойнак (кеча куйиб қолган эди). 4. Ўғилнинг компьютерини устага элтиш. 5. Электр пулини тўлаш. 6. Поликлиникадан справка (қизим жисмоний машғулотларга қатнашмайди). 7. Бозор (картошка, пиёз, сабзи, гўшт, нон, ёғ...). 8. Машина шиналарини дамлатиш. 9. Юнусободдаги қариндошдан ҳол сўраш (бобоси қазо қилган).



10. Кексайиб қолган қўшинини Қорасувдаги та-
бигга олиб бориб келиш (отахоннинг ўзи каттик
илтимос қилган). 11. «Гап»га бориш...




Эътибор берингки, рўйхат факат бугун-
га аталган. Эрта учун уни бошқатдан туза-
ман. Адо этилганларини тушириб қолдириб,
қолганларини янгиларига қўшиб ёзиб чиқаман.
Бундай йўл тутаётганимга ҳам анча бўлган.
Лекин хар қанча ёзмай, савил иш тугамайди.
Рўйхат ҳам кундан-кун узун бўлаяптики, асло
қискарай демайди. Лекин барибир, хотинимнинг
иддаоларида жон бор: ота дегани биттагина
ўғлию ягона кизига тегишли ишларниям уну-
тадимми? Ота-оналар мажлиси-ку майли, чидаса
бўлар, аммо тунов кун Олой бозори рўпарасида
синфдоши билан бирга кутган қизимни эсим-
дан чиқариб қўйганим чаток бўлди-да. Эсласам,
ҳалигача ғалати бўпкетаман... Нимаям дердим,
улар аввалбошданок рўйхатда йўқ эди-да. Шу-
нинг учун ҳам уларни унутганман. Агар хоти-
ним бир кун бурун бешинчими-ўнинчи қилиб
рақамлаб қўйганда, олам гулистон эди. Одам
ҳам худди ўзи кашф этган машинадек, ма-
салан, компьютердек гап-да. Нимани ўйлаб,




мясигами-қоғозгами жойлаб олдим, бас, ўша билан андармон бўлиб юраверади. Хар ҳолда менга шундай туюлади... кўпинча...

Аслида, рўйхатдагилар менинг асосий ишларим эмас, балки кўшимча, йўл-йўлакай бажариладиган бачки юмушларимдир. Асосий ишим, у – бошка. Мен эрталаб соат 9.00. да ишхонага қадам босишим билан анави рўйхатни қиссамга солиб қўяман. Чунки ишхона ходим учун муқаддас даргоҳ. Унга оилаю рўзғор, ошна-оғайничилигу шахсий эҳтиёжлар билан боғлиқ ивир-зивирларни аралаштириб бўлмайди. Соат кечки 18.00. га етдим, марҳамат, ишхонадан чиқаркан, чўнтагимга бармоқ уриб қоғозни чиқараман. Ва... мархабо, эй дунёнинг икир-чикирлари!.. Яна-чи, телефонимда ҳам талай эслатмалар туради. Рўйхатдан энди бошимни кўтарганимда «тиринг-тиринг» этадию яна бежирим экранда бажарилиши керак бўлган ишларнинг қисқартирилган номлари кўринади. Масалан, «мет. 10» деганим соат 10.00 да метро олдида бўлишим керак дегани. Чунки бир синфдошим шарқдаги вилоятдан ғарбдаги вилоятга иш билан кетаётган экан, кутиб олиб,



кузатиб кўйишим керак. «Нот.17» деганим нотарнусга соат 17.00 да киришим лозим дегани, чунки машинам билан боғлиқ ҳужжат иши бор ва хоказо...



Ўша куни ишхонадагию қоғоздаги бўлиб барча юмушларимни деярли пок-покиза адо этиб уйга қайтаётган эдим. Кўкқисдан машинам оғирлашиб, бир томонга оғиброк филдирай бошлади. Дарров сездим: баллон кўйворган. Тўхтаб қарасам, айтганимдек бўлиб чиқди. Захирадаги баллонни чиқариб ўрнатдим. Тешилганини эса, юкхонага омонатгина ташлаб кўйдим. Эртага уни яматишга топшираман, демак, рўйхатга биринчилардан бўлиб тиркашим керак. Қоғоз-қалам олиб дарҳол қайд этай дея қарасам, кўлим қорага чапланибди. Доим олиб юрадиган пластмасса идишимдаги сув бўлса соб бўпти. Аланглаб атрофга қарадим ва... хох ишонинг, хох йўк, шундок ёнбошимда салобат билан оқиб турган сувга кўзим тушиб қолди-ёв! Ажабо!.. Ҳайратимнинг чек-чегараси йўк эди. Ахир... ахир мен уйимдан юз кадамча берида турар эдим. «Нахотки, шунча вақтдан бери?!» – дейман ўзимга-ўзим тўтиқушдек.



Чиндан ҳам, нахотки, шунча вақтдан бери мен уни кўрмаган бўлсам? Ахир, у шунчалар тўлиқиб, шунчалар буралиб, соллана-соллана, нозлана-нозлана оқардики, таърифига сўз ожиз эди. Мен бўлсам табиат шайдоси эдим. Шайдолигим хайф, магар уни шунча фурсатдан буён бирон марта кўрмаган бўлсам? Буни кимга айтмай, унинг ишонмаслигини билардим. Лекин тўғриси ҳам шу эди: мен қарийб ўн йил мобайнида уйимнинг ёнгинасидан оқиб ўтаётган анҳорни илк бор кўриб турар эдим!..


Сувнинг жонбахш сеҳрини унга ташна бўлганларгина билади. Менинг бутун борлигим зумда ана шундай ташна юракка айланди ва ўзимни анҳорнинг бўйига отдим. Бирданига юзимга, қўл ва оёқларимга, бутун вужудимга сувнинг оромбахш салқини урилди, лабларимни «ох!» деган хитоб ёриб чиқди. Кела солиб энгашдим ва ховучимни сувга тўлатиб-тўлатиб тўлқинланиб оқаётган анҳорга соча бошладим. Ботаётган қуёшнинг армуғоний ранглари сув зарралари билан қўшилиб, анҳор юзасида бир лаҳзалик камалак пайдо қилганида эса бахтиёрлик ва мастликдан бошларим ай-

ланиб кетди. Мен бир зумда ёш болага дўниб қолгандек эдим. Болаликнинг рангину завкин оламига шўнғидим сўнгра. Юзада сокин, тубанда эса тўлғониб окиб турган сув юрагимдаги оғриқларни ювиб кетаётганини ҳис қилганимда телбалардек қичқиргим келди. Буни жудаям аниқ ҳис қилдим. Чунки турмуш ташвишларидан бино бўлган ўша оғриқлар юзимгача тошиб чикқанди, тошиб чиқиб ўзининг даҳшатли нақшини солганди, солиб мени қари кишига айлантириб улгурганди. Анхор эса бунга чек қўйди, ҳа! Сувда жимирлаб турган аксимда мен болалигимни кўриб қолдим. Ҳа, болалигим юзини!.. Бахту иқболимга ҳад-худуд йўқ эди. Шу боисми, вақтни унутдим. Сув бўйида қолдим-кетдим. Унга тикилар эканман, мен негадир дунёга келишу кетиш ҳақидаги ўйларга, юрагимнинг туб-тубида ғимирлаб қўядиган, лекин ўзининг борлигини ҳеч қачон ошқора намоёиш этмаган-этмайдиган ўйларга рўбарў келардим. Буни ўйлаганда эса, қилиб юрган ишларим бирданига жудаям майда, жудаям бачкана туюлиб кетдики, ўзимни қўярга жой тополмай типирчиладим. Ўзимдан, ишларимдан,



қисматимдан озорландим. Кўнглимда бошқача яшаш, бошқача ишлаш, ҳаётимда неки бўлса, ҳамма-хаммасини ўзгартириш истаги туғилиб келаётганини ҳис қилдим. Чунки оқиб ётган сув сасини тинглар эканман, унинг олам ва одам ҳақидаги қўшиқ эканлигини туйиб қолдим. Бу қўшиқда инсон билан боғлиқ нимаики бўлса, барчаси мужассам эди. Сувнинг қошидан кетгим келмасди. Қайтага, ечиниб, ўзимни унинг бағрига отиш истагида ёнардим. Чунки билардимки, шундай қилсамгина мен ўзга одамга айланиб, сувнинг покловчи қўйнида кирланиб кетган бутун борлиғимни тозалаб олардим. Бу сиз менинг янгиланишга қаратилган жамики ўйларим ўз кучини йўқотарди...

Ўшандай ҳол таъсиридами, негадир туриб аввал кўйлагимни ечдим, сўнг майкамни бошимдан чиқаришга тутинган чоғимда машина сигнализациясининг қутилмагандаги асабий огоҳлантириш товушидан чўчиб тушдим. Шу баробари атроф-жавонибни ҳуштакнинг чийиллаши босиб кетди. Бу ҳам етмагандек, қулоқларим остида «Машина сизникими?» деган дағдағали овоз янгради.



– Нима, хали бу ерда чўмилмоқчимидингиз? Эсингиз жойидами ўзи? – давом этди ўша назоратчи овоз. – Мумкин эмас!

Мен майкамни қайта кийиб, кўйлагимни эгинимга ташладим-да, сув бўйидан ноилож айрилдим. Бирданига нима гаплигини англай олмадим, сув ва кўча ўртасида хиёл гарангсиб турдим...


– Қани, хужжатларингизни беринг-чи?

Мен машинага яқин бориб, сўралган қоғозларни чиқариб, ДАН ходими кўлига тутқаздим.

– Нима айб қилдик, командир? – дедим энди хушимни йиғиб.

– Айбингиз катта, айбингиз бўйнингизда, – деди ходим хужжатларни кўздан кечираркан. – Тўхташ мумкин бўлмаган жойда турибсиз-ку, гўё ўзингиз билмайсиз? Яна мумкин бўлмаган жойда чўмиляпсиз? – ходим менга қараб кинояли илжайди.

– Иккинчиси сизнинг хизмат доирангизга кирмайди! У бутунлай бошқа ҳол. Қолаверса, мен сувга тушганим ҳам, тушиш ниятим ҳам йўқ эди. Тухмат қилманг! – дедим меники ҳам тутиб ва бутунлай кўча одамига айланиб.




– Ҳали шунаками? – ходим сумкасидан тоза бланка чиқариб, нималарнидир ёза бошладди. – Сизга биринчиси ҳам етиб ортади...

Шундай қилиб ҳайдовчилик талонимдан айрилдим. Илгари гувоҳномамни олдиргандим. Энди эса буниси кетди. Расво бўлди. Қайта имтиҳон топшириш керак бўлади энди... Устига-устак, ходимнинг кўрс ва менсимаган оҳангда «Ҳайданг машинани, кетинг бу ердан!» дегани ҳаммасидан ошиб тушди. Бояги кайфиятимдан асар ҳам қолмади. Талонни олиб қўйгани учун эмас, шу кейинги гапи учун ходим билан хумордан чиққунча муштлашгим келди. Келдию уялдим. Ахир нима деган гап, кап-катта одам бўлсам, устига-устак, коидани бузиб турган эсам, яна нима?..


Тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек шалпайиб машинага ўтирдиму моторни ўт олдирдим...

* * *

Уч кун ўтмай машинанинг ўрни билинди. Қўлимда яна сиз билган ўша рўйхат, миям иш билан, турли-туман ташвишлар билан банд, лекин муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашадиган




асосий восита – улов, дастёр йўк. Кўргиликлар шундан бошланди. Бир хафта ўтмай рўйхат қарийб икки бараварга узайди. Хотин норози, ўзим хуноб... лекин нима қилай, улгурмаяпман. Рўзғор – ғор, дея роса топиб айтишган экан. Бор-йўғи тўртта жўжабирдай жонмиз-ку, эҳтиёжу истакларимизнинг адоғи йўк: байрамга ўқитувчиларнинг ҳаммасига совға олиш керак, мактабга байрамона тусда бориш учун ўфилқизни бошқатдан бозорга элтиш зарур, онамнинг туғилган куни якин, ўтган йили ҳам боролмаганман, бу сафар колдириб бўлмайди, хотин уйда бетоб, ўрнига қоғозларини ишхонасига ташлаб ўтиш, кейин ўзимнинг ишхонам, иш... қайтишда дори-дармон дегандек... санайверсам, бошим ғовлаб, кўзларим тиниб кетади. Туриб-туриб дарёни ёмон кўриб кетаман. Ахир, у туфайли тушмадими менинг бечора бошимга шунча ғалва? Дарёга махлиё бўлмаганимда чалғимас эдим, ха, чалғимас эдим! Мен ўз йўлимда кийналиб бўлса-да, равон кетаётган эдим. Ҳамма ишларимга вақт топаётгандим, уддалаётгандим. Ота-онам, аёлим, дўст-биродарларим, атрофимдаги яна қанчадан-




қанча узоқ-яқинларим мендан миннатдор эди. Дарёга дуч келдим у хаммаси остин-устин бўлиб кетди, ха!..

* * *


Хадемай, кўчадаги муаммоларим ичимга кўчиб ўтди: алмойи-алжойи тушлар кўрадиган одат чиқардим. Айникса, назоратчи хуштагининг ёқимсиз товуши нақ миямни пармадек тешиб ўтадиган бўлди. Шу боисми, ўнгимдаю тушимда илгаригидан-да хушёрроқ бўлишга тириша бошладим. Ўнгимга-ку майли, лекин тушларимгаям коровул бўлишга уринишим ўзимга жуда ғалати туюлади. Ахир шохдир-гадодир, тушнинг қаршисида баравардирлар, тушга ҳеч қим ҳукм ўтказолмайди, деган гапни билганим бор-да. Мен бўлсам... Нима қилай ахир, ўнгимда етмаганидек, тушларимда ҳам чўчиб чиқаман: чунки тушларимга дарё қиради, менинг эса унинг бўйига боргим келади. Борган чоғимда... Ҳамма бало шу асно рўй беради: аллақаяқдан хуштак овози бостириб келади-да совуқ терларга ғарқоб ҳолда кўзларимни очаман. Сўнг тонггача мижжа қокмай ўтириб



чиқаман. Кейин ўзимни иш билан чалғитишга, у билангина андармон бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки шундай қилинганда қаттиқ чарчаб тушпушсиз ухлаб тураман. Лекин бу дунёда ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши экан. Ҳаддидан ошган меҳнат захматга айланган чоғлар кўп бўлади. Шундай дамларда жиддий ўйланиб қоламан: инсон нима учун дунёга келади, нима учун яшайди, нима учун куйиб-пишади – билмай қоламан. Чунки ҳаммасининг тагида фақат ва фақат машаққатли, ҳеч қачон аримас, битмас меҳнатни кўравераман. Меҳнат инсонни улуглайди! Эсли-хушли одам бунга ҳеч қачон, ҳеч бир даврда шубҳа қилмаса керак. Лекин меҳнатда ҳам меҳнат бўларкан. Мен мана шу ҳақда кўп ўйлайман. Замонавий инсоннинг кундалик ҳаёти ҳақида тинимсиз бош қотираман. У ўз атрофида қандай дунёни барпо этдики, энди ўзи унинг бандисига айланиб ўтирибди! Агар ташбех керак бўлса айтай: замонавий инсон маза қилиб яшайман, дея ўзига бир уй қурмокчи эди, лекин бу уй ҳеч қачон битмайдиган бўлиб чиқди. Натижада, у бир умр шу уйни қуриш билан овора бўлмокда: лой қоради, ришт қуяди,




сувок қилади... эҳ-хе, бу санокнинг адоғи борми? Бир бошдан қуриб келаверади, бошқа ёқдан эса, бу иморат худди шундай тезликда емирилиб боради. Гўё қачондир, қайдадир бу ишнинг лойихаси чизилаётган дамда айтилганларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган, «Бу уй ҳеч қачон обод бўлмагай» дея дарж қилингандек. Аммо бани одамнинг ўзи бундан – уйнинг ҳеч қачон битмаслигидан беҳабар – фақат куйиб-пишаверади. Шундай кезлар афсонавий Сизиф хаёлимга тушади. Сиз ҳам эсласангиз керак уни. Тоғ чўққисига оғирдан-оғир тошни думалатиб олиб чиқишга беҳуда чиранаётган (муродига етолмаслиги тақдирига битилган) Сизифни билмаган борми, ахир! Туриб туриб, «Сизиф ҳар биримизнинг кўксимизда жойлашган, у бизнинг ўзимиз, Сизиф – бизнинг ҳар биримиз!..» дея оламга жар солгим келади. Аммо бу ўйларимни ташқарига олиб чиқмайман, улар ичимда қоладилар. Олиб чиқсам, ҳаммага кулгу бўлишимни биламан. Кулгу бўлиш фожеа эмас, бундан, яъни уни элга дoston қилишдан наф йўқлигини ҳис қиламан. Нима, дунёнинг тагига етган бир менми? Ҳамма буни билади, лекин



хеч ким шу билими олдида тўхтаб, ҳаётига назар солмайди. Худди мен дарёнинг бўйида тўхтамаганим, тўхтай олмаганимдек. Чунки ҳамманинг ичида бир ҳуштак мудом чалиниб туради. Чалиниб, уни «чалғишдан» асрайди, олдинга, ҳамма қатори умргузаронлик қилишга ундайди: чур, чуррр!..

* * *


Ўша ДАН ходими билан боғлиқ воқеадан кейин орадан анча сувлар оқиб ўтди. Мен амаллаб имтихон тошширдим ва ҳайдовчилик гувоҳномамни қайта олволдим. Яна ҳаётим илгариги изига тушгандек бўлди, мен тагин юмушларим уммонига фарқ бўлдим: остимда машина, қўлимда рўйхат, бошимда эса фукаролик, фарзандлик, оталик, эрлик, жўралик каби бурчлардан бино бўлган йўриқнома... Шундай бўлгач, яна нетиб дарёни ўйлай, унинг қошига борай, ишларимдан чалғий? Ахир бир марта чалғиб не холларга тушдим? Қанча вақт ҳамма ишларим орқага кетди, неча муддат яқинларимниям, ўзимниям қийнадим. Яна нима кераги бор бундай кирса хатар йўлга бош суқишнинг?.. Дарё



менга факат ситам етказди, агар қошига борсам, яна етказгуси, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бас, шундай экан, олдига бормаганим, иш билан ёнидан ўтиб қолсам ҳам қошида тўхтамаганим бўлсин!..

Тўхтамоқчи бўлсам ҳам энди бу иш қийинга ўхшайди: ана, ҳар қадамда назоратчи... Тавба, шаҳарнинг қолган жойларида жудаям сийрак улар. Ҳаммаси йиғилиб шу ерга келишганми? Ҳар одимда ҳуштак чалиб, кизил таёқчасини ўқталиб туришибди-ку! Бундай алфозда дарё бўйида тўхтамоқчи бўлган ҳам муддаосига етолмайди: уларнинг барини ҳуштакли кизил таёқчалилар ҳайдаб солади...

Кейинги катор кунлар ҳам уйдан чиқаётиб ва унга қайтаётиб дарё бўйига назар ташлайдиган бўлдим: хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳар сафар ахвол ўшандоқ эди. Яъни сув бўйи назоратчилар билан тўлиб-тошиб турар, у ерда бошқа зоғ ҳам кўринмасди. (Шунинг учун ҳам мен илгари дарёни кўрмаган эканман-да, дейман ўзимга-ўзим. Чунки нигоҳимни кизил таёқчалар бошқа ёққа буриб юбораверишган, чоғи...) Тавб-а-а-а, – дея ажабландим энди росмана, –



ўтган гал қандай қилиб дарё бўйида тўхтаб, сўнг машинам филдирагини алмаштириб, ундан сувга яқинлашдим экан? Яна сув қирғоғида ўтириб олиб кўлимни ювдим, япроқлар орасидан тушиб турган заррин куёш нурлари томон сув сочиб, рангин камалакка маҳлиё бўлдим, ундан олам-олам завқландим ҳам. Қизиқ, бу пайтда қай гўрга ғойиб бўлган экан кизил таёкчалилар? Бунчалар хушёр назоратчилар ўша қуни, ўша дамларда қандай қилиб ғафлатда қолди экан? Нега огоҳлантирувчи хуштакларини чалмадилар экан?..

Ҳа, майли, нима бўлгандаям энди менинг на кизил таёкчалилар билан ишим бор ва на дарё билан. Менга деса, бу кўчани томоман ёпиб ташласалар ҳам майли. Йўлдан ҳам, у етказган захматдан ҳам узокроқ бўлардим. Ахир озмунча озор чекдимми? Ҳаётим остин-устин бўлаёздику... Фақат уйимга кириб чиқишга бошқа йўл топсам, бас...

* * *

Орадан яна югурик сувдек шошиб йиллар ўтди.



Мен бошқа чалғимадим...

Остимда машина, кўлимда рўйхат, хаёлимда
эса зиммамга тушган бурчни бекаму кўст бажариш
мажбурияти...

Шахар марказида, уйимнинг шундок бикинидан
окиб турган ўша дарёни бўлса, аллақачон унутиб
юбордим...

Фақат... фақат бир кеча ҳамма тоат-ибодатининг
кули кўкка соврилди...

Узун рўйхатни бехато бажариб келган куним
кечаси бир туш кўрдим. Унда... унда мен яна ўша
дарёга дуч келиб қолдим...

Ва у назоратсиз эди...

Ва у тўлиб-тошиб, буралиб-эшилиб, эмин-эркин
оқарди...

Ва у мени кутаётган эди...

Ва мен ҳам уни жудаям жудаям соғинган эканман!..

Шошиб, жўшиб, хаяжонимни култ-култ ютиб
соҳилига бордим. Энгашиб ховуч-ховуч олиб
симирам. Яна шунчасини шуълалар билан ўмбалок
ошиб ўйнаётган дарахт баргларига сепдим. Тағин
камалак пайдо бўлди: рангоранг!..

Ва у оламини тутди!..

Ва олам ҳам камалак рангларига қўл берди!..


Ва мен беихтиёр ўрнимдан турдим... Турдимун негадир қўйнимга қўл солиб, ундан бир парча қоғоз чиқардим. Қоғозда эртанги қиладиган ишларимнинг номлари ёзилган экан: у-зууууууууу-н!

Ва мен уни ҳеч бир тараддудсиз дарёга отдим...

Ва мен ўзимни кафасдан қутулган озод қуш мисол сездим! Сездимун димоғим самолар бўйини ҳис қилди...

Дарёнинг ўрқач-ўрқач тўлкинлари рўйхатни олиб кетди. Шунчаки олиб фарқ этмади, йўқ! Балки уни устида олиб юрди, чирпирак қилиб бир-бирига ошириб коптокдек ўйнади, калакаю мазах қилди. Мени бутун умр оғир юк каби босиб, эзиб, ўз холимга қўймаган, аксинча, мудом ўз измига ишсиз боғлаб келган рўйхатнинг озод сувлар долғаларида бунчалар ўйин бўлишини аввал тасаввур ҳам қилмаган эканман, ажаб ҳолларга тушдим...

Ва мен яна қўйнимга қўл солдим. Унга ҳуштак илашиб чиқди. Ўйланиб ҳам ўтирмай «чап»



эттириб сувга ташладим. Ох, бу лаҳзалардаги лаззатимнинг ақалли бир сониясини ҳис қилсангиз эди!.. Юрагимдаги оғриқлар, хавотирлар, малоллар... ҳамма-ҳаммаси ўша савил ҳуштак билан қўшилиб оқиб кетди! Ҳа, оқиб кетди!!..


Мен тинмас эдим, ҳаялламай тагин қўйнимга қўл югуртирдим; энди у ердан аллақандай таёқчалар чиқиб келди. Уларга разм солиб танидим. Улар – мени дарё бўйига келишимни бир умр тақиқлаб келган ўша қизил таёқчалар экан. Кейин... биласизми, нима чиқиб келди: Машина!! Ҳа-ҳа, менинг машинам! У ҳам кўнглимда, йўғ-е, қўйнимда экан.

Ва мен уларни ҳам бирин-кетин озод тўлқинлар бағрига отдим... Ҳаммасини отдим! Биттаям қўймай отдим! Менинг дарё билан юз кўришувимга, мулоқотимга ҳалақит бераётган нимаики бўлса, бари-барини чиқариб отдим!..

Ва улар ҳам шўхчан сувларга ўйин бўлди...

Мен қўйнимга такрор қўл солганимда у ер пок-покиза эди.

Ва мен енгил тортдим...



Рўпарамда дарё колди: кўшик айтаётган му-
аззам дарё!...

Ва шу асно мен... уйғониб кетдим...
Уйғондиму негадир шоша-пиша қўйнимга қўл
солдим...

2011





ТЎЛИН ОЙ ҚИССАСИ


Хар ким ўз эҳтиёжининг ёнида яшайди.

Румий

«Болам, оймомога боқ-чи, у нимага ўх-
шаркин?»


Энамнинг қирқ йил бурунги саволи.

Ойнинг ботини тўликиб, зохири тўлиб
чикди. Тўлинганини у атрофдан – қуёшу юл-
дузларнинг сирли-сирли нигоҳларидан сезиб
қолди. Нигоҳлар уни жодулаб, ич-ичидаги
исмсиз хисларини китиклаб уйғотди. Шундан
кўнглига бирдан сафар қилиш истаги туш-
ди. Токи, нафақат кўкдаги сон-саноксиз каво-
киб ва яна яккаю ягона хуршид, айни дамда,
ердаги жамики махлуқот ҳам унинг бу ёруғ
жаҳонда тенгсиз хусну жамолидан бахраманд
бўлишини, унга махлиё бўлиб боқишини, «ана
тўлин ой, мана тўлин ой!» дея антика-анти-
ка бир-бирларининг қулоқларига шивир-шивир
қилишини истаб қолди...




Истакнинг биринчи туни. Шундай қилиб, оймомо тандирдан энди узилган нондек истарали, тўлин юзини кўз-кўз қилганча, олтинранг сочларини замин узра ёйган кўйи ажабтовур саёҳатини бошлади. Унинг ёрқин шуъласидан эса олам бирпасда чароғон бўлди. Шунчаларки, ерда одам юрса, ортидан сояси эргашиб қолди. Кеча афсонавий чиройга чунон буркандики, одамлар сира иккиланмай ширин уйқуларидан воз кечганча ўзларини кўчадаги кечага (балки кечадаги кўчагадир!) урдилар. Шахару қишлоқларнинг ойдаёқ ойдин йўлларига одам сизмай кетди. Улар шуъла сочиб турган хуш кечадан мамнун сухбатлашишар, беғубор кулишар, шодон қийқиришар, ҳаётнинг нашьасини ҳис қилиб қолишга талпинишарди.

Лекин тўлин ой одамларни ўз шуъласидан бахраманд этса-да, уларнинг қалбига бўйлашни истамас, аксинча, ўзи билан ўзи овора оломондан нари кетиб қолар, шунда унинг заррин кокиллари ортидан судралиб келар, у ташлаб кетган жойлар эса, яна бурунгидек зулматга чулғанар, шунда икки оёқли хилқат ҳам шошапиша уйларига кириб-кириб кетарди.




Тўлини ой уйларига кириб кетаётган одамларнинг ортидан жудаям олислардан, булутлар орасидан караб турди-турди-да, ниҳоят, бировига яқинроқ бориб, унинг қалбига бўйламоқни ният қилди. Шундай қилиб, эл қатори ичкарилаётган бир қариянинг изидан тушди у... Қария чарчаган экан шекилли, дам ўтмай хобхонага кириб, тайёр солинган ўринга узанди. Лекин аксарият шу ёшдагилар сингари у ҳам қушуйқу бўлиб, кечаси билан у ёндан-бу ёнга ағдарилиб чикди. Тонг ёвуқлашганда эса, ювиниб-нетиб келди-да, ибодатга толди. Шунда тўлини ой булутлар орасидан аста сирғалиб, де-раза кўзидан шундоқ қарияга нигоҳ ташлади ва туйқус уларнинг кўзлари учрашиб қолди. Шунда камар қариянинг кўз соққаларида титраб турган ўз сувратини кўрди ва ботинида унга янада яқинроқ бориш истагини туйди. Анчамунча тўсикни писанд қилмайдиган шуълаларига осилиб тағин бироз пастга энди ва қариянинг кўзларига узокроқ тикилди, тикилдию шу он... у ерда чўкка тушган кўйи ибодатда ўтирган инсон киёфасини илғаб қолди. Негадир ой чўчиб ортга тисарилди...



Унга қариянинг ой рухсорида ойнинг ўзини эмас, балки ўз қалбининг суврати – Яратганга илтижо қилиб ўтирган художўй зотни кўриб турганлиги сира-сира хуш келмаганди...

Биринчи тун шундай кечди.

Иккинчи тун. Олис-олислардан бир куй кулоғига чалинди. У шундайин бир ичкин дардга тўла эдики, қамар қалбини ўртаб юборди. Тўлин ой оловранг сочларини узун-узун қилиб таради-да, уларни овоз келаётган ёқларга элчи ўларок йўллади. Акс садо келгач эса, ўзи тоғу тошлар сари йўл олди. Нихоят, бир манзилга дориди. Бу ерда қўйларини кўрага қамаб, ўзи эса, ойнинг йўлига кўз тикиб, қўшиқ хиргойи қилиб ўтирган, хатто кутавериб кўзлари тўрт бўлган чўпон йигитга дуч келди. Тўлин ой бирдан севиниб кетди. Ахир, кеча гурас-гурас одамлардан ҳеч бири унга қиё ҳам боқиб қўймаган, эътибор қилмаган эди. Ана, боққани ҳам алҳамдига ярамади – ичида тамаси бор чикди. Ҳолбуки, уларнинг бари ойнинг шуъласи туфайли қафасга ўхшаган уйларини тарк этиб, ойдин кўчаларга ёпирилиб чикқан, тирикликнинг нашъу намосини туйганди. Лекин... ле-



кин уларнинг қалб кўзлари кўр эканки, фақат ўзлари билан банд бўлдилар. Бадр кечасида ҳам моҳитобни ёд олмадилар. Бадр кечасида-я!..

Чўпон-чи? У – тамомила бошқа. У ойни кутяпти. Ҳамда шунчаки кутгани йўқ, балки ташрифига илҳақ бўлиб ўтирибди. Тўлин ой буни йигитнинг кўзларига қарагани ҳамон сезди ва ўзида йўқ шодланиб кетди. Энди шу ерда қолсам ҳам бўлади, деб ўйлади. Бир умр, токи ҳаёт экан!..

Тўлин ой секин-аста иниб, чўпон йигитнинг ёнгинасига, йўқ-йўқ, қаршисига келиб чўкди. Йигит ундан эҳтиросли кўзларини узмасди. Тўлин ой излаганимни топдим, деб ўйлади. Шу асно йигит ойга қараб қуйлаб юборди:

*Ён ёруғ кечаларда тонггача қолғум келур,
Оймомо, нурларингда чўмилиб олғум келур.
Атрофимга термулиб, завқ оламан чиройдан,
Узолмасдан кўзимни, ўтинаман сен ойдан...*

Тўлин ой ўзини кўшиқнинг ихтиёрига топширди ва бахту иқболдан мумдек эриди. Эриди-ю, бу ҳол кўпга чўзилмади, ки, шу чоғ бошқа мисралар хавода янграб қолди:

Хабар бергил, ул «ой»чи, ул «ой»


нима қилмоқда?

Балки доғли кўнглимни юзларингдан

билмоқда...

Тўлин ойнинг хўрлиги келиб, хўнграб йиғлаб юборди ва шартта туриб, у ердан ҳам жўнаб қолди. Ахир... ахир, бунга чидаб бўларканми?..


Тўлин ой шошиб бошпанасига кетаётган эди, йўлда эътиборини ногоҳ бир таниш чехра тортди. «Тавба, қайда кўрган эканман уни?» дея ўйлаганча, шу якин ўртадаги кишлокқа тушиб борди ой ҳамда ҳовлида, узум ишкоми остида шивирлаб ўтирган келинчакка рўбарў келди. Келинчакнинг юзидаги доғларни кўриши билан тўлин ой чўпон йигитни эслади. Бироқ йигитдан фарқ қилиб, келинчакнинг ташвиши ўзга эди: у негадир хиёл дўмпайиб қолган қорнини силар ва тинмай пичирлаб ўзи билан ўзи гаплашарди. Тўлин ой келинчакнинг атрофида шу гиргиттон бўлдиямки, ҳомиладор аёл эътиборини қозонолмади. Келинчак унга бир нигоҳ ташлаб қўярдию тўлин ойни кўрмасди, пайқамасди. Аксинча, худди осмондаги ой янглиғ тўлишиб



бораётган думалок қорнини авайлаб силагани силаганди. Аммо уларнинг – ой ва келинчакнинг юзлари нақадар бир-бирига ўхшайди-я! Худди бир онадан талашиб тушган опа-сингил дейсан! Дард ўзга бўлса, опа-сингиллик ҳам, икки томчи сувдек ўхшашлик ҳам сарик чақа турмас экан-да...

Тўлин ой юзи ўзиникига жуда-жуда ўхшаб кетадиган келинчакка сўнгги бор боқдию аста ортга чекинди...


Учинчи тун. Тўлин ой яна шаҳар узра пайдо бўлди. Яна оломон кўчаларга отилиб чиқди. Лекин ой ҳам анойи эмас – ўзига эътибор қилмаган тўдани менсимеди: уларга кўз қирини ҳам раво кўрмеди. Билъакс, заррин кокилларини паришон айлаганча, кўчалар бўйлаб кўнглидагини қидира кетди. Шунда нигоҳи бирдан жулдур кийимли кимсага тушди. У шаҳар четидаги эски, нураган деворга суюнганча кўкка қараб кўлларини дуога очган кўйи ўзича нималарнидир пичирлаб ўтирарди. Қамар шуълаларини тиланчига янада яқин йўллади. Тиланчи ниҳоятда абгор, қаровсиз ва мунглиф алфозда эди. Ойнинг унга раҳми келди. Зора




шу бенавонинг кўнглидан истаганимни топсам, деб ўйлади. «Ахир, у шунчалар бечораю мискин бўлгани холда мендек маликани – кечалар ва кўчалар чароғбони бўлмиш мохитобнинг кўксидан итаришга ботинмас», дея пичирлади ўзига-ўзи ички мамнуният ила... Бу кеча ниятига ковушишига шубҳа қилмаган тўлин ой баданга хуш ёқадиган шуълалари билан тиланчининг атрофини куршаб олди. Бироқ шошилган экан: қўлларида бир неча чақа, кўзсокқаларида ойнинг суврати бўлган тиланчининг лабларида ойнинг истагига тамомила терс бир илтижо янграб қолди: «Эй Тангрим, кўкдаги ана шу олтин тангангни узиб берсангу мен ҳам сарсон-саргардонликдан биратўла қутулсам – оила қуриб, бола-чақа орттирсам, одамлардек умргузаронлик қилсам...»

Ой... ойнинг бўлари бўлди, шошиб сочларини турмаклади-да, тиланчининг қошидан ура солиб қочди. Қочиб кетаркан, кўнглининг бир чети ушатилиб тушганини ҳис қилди...


Тўртинчи тун. Янги тунда тўлин ой янги умид билан янги сафарга чиқди. Бу гал у бойнинг олдига боришга аҳд қилди. Ахир, кам-



бағалнинг миси чикди – ойни олтин тангага айлантириб жигилдонига уриш экан, мўмин-қобил кўринган тиланчи дуосининг бор-йўқ шархи. «Қанчалик жирканч!» нафратланиб ўйлади тўлин ой. Шунинг учун ҳам у энди ер юзидаги энг бадавлат одамни излаб топади. Бирпасда тонди ҳам. Ахир, тепадан туриб бир кўз солганингадәк бутун олам сирғалиб кафтинга тушса, бунинг нимаси кийин?.. Хулласёбой! Бу одам на кўчадаги оломонга, на сирғиниб ўтирган қарияю на қирдаги чўпону унинг ўзи билан ўзи андармон хотини – келинчакка ва на кўчаларда хор бўлиб судралиб юрган ҳалиги гадога менгзарди. Бадавлат зот ўз хаёлларига шунчалар фарқ бўлгандики, аввалига ойнинг хафсаласи пир бўлди бу эътиборсизликдан: ким бу ўзи? Нега жим? Нега ҳеч кимга қўшилмайди, ўйнаб кулмайди, одамлар билан гаплашмайди, кайфу сафо қилмайди? Нега у саройнинг бир кунжида аллақандай ракамлар ёзилган қоғозлар уммонига кўмилиб олганча, ёруғ оламдан ғофил ўтмоқда? Ҳатто хотинию болалари билан ҳам иши йўқ? Одамзод қавмиданми бу ўзи?..




Бошқа томондан эса хурсанд бўлиб кетди: ахир, кўрганларининг орасидан битта шу бадавлат зотгина тамадан холига ўхшар, бир четда ўз иши билан сас-садосиз куймаланиб ўтирарди. Аммо бойнинг зарари тегмаганидек, фойдаси ҳам йўқдек туюлди унга. Шунчаларки, ҳатто зерикиб ўлиш мумкин у билан... Тўлин ойнинг бир кўнгли кетгиси келди, сочларини йиғиштириб, кўнгил муродини кидирган кўйи яна олам кезмоққа талпинди. Бир кўнгли эса, шунча йўл босиб келдим, яқинроқ борай-чи, бунинг ҳам бир сири бордир, дея қизикди. Сўнг қалъа деразасидан шуъла бўлиб кириб, стол устида сочилиб ётган қоғозларга энгашиб ўтирган пулдорнинг нақ боши узра тўхтаб, андак тин олди. Ой шу турганча то тонггача, қуёш жаноблари чикиб, уни ўз ётоғига кузатиб қўйгунгача ҳам пок тийнат бу инсондан бирон ёмонлик чиқмаслиги ҳақида ўйлаб кетди. Шунда кўнглида субҳидамгача кимир этмай хонада нур таратиб туриш истаги пайдо бўлди. «Ахир, фариштадек бу одамларга хизмат қилмасанг, кимга киласан?» деб ўйлади у. Фақат... хиёл ўтмай, шуъладан ёришган



коғозлар бойнинг сирини ошкор айлаб қўйди-
ку: коғознинг уст қисмига «Шартнома» деб
ёзилганди. «Шартнома»нинг охирги бандлари-
дан бирида эса ... келишилган миқдордаги пул
босқичма-босқич тўлаб борилади ва 2100 йил,
1 январдан эътиборан Ернинг йўлдоши Ой
мухтарам жаноб «Х.Х.Х.»нинг номига расмий-
лаштирилади ҳамда унинг шахсий томоркаси
хисобланади», деган ёзув бор эди...



Тўлин ойнинг бағри бирдан фарёдга тўлди,
бирок у шунчалар катта эдики, ўкириб йиғлаган
билан чиқиб кетмасди. У на сочларини йиғиб,
уфққа бош қўйишинию ва на бошқа бирон тад-
бир олишини билар, турган жойида ҳайкалдек
котиб қолганди. Фақат... фақат ичида яна ни-
мадир кемтилганини туйиб турарди...

Бешинчи тун. Аччиқ тажрибаларга карамай,
тўлин ой умидни узмаган эди. Олам узра тун
пардаси ёпилганда, масканидан истамайгина бош
чиқарган мохитоб ҳеч кутилмаганда хуув ту-
банлардаги бир панжарага кўзи тушиб қолдию
шуйтиб ўша ёққа равона бўлди. Келиб караса,
шаҳардан олисда, иттопмас бир жойда, чор
атрофи темир чорвалар билан ўралган, тошдан



ясалган кўркинчли бино бор экан. Унинг атрофини сон-саноксиз кўрикчилар қуршаб олишиб, тошқаср гирдида тинмай айланишар, ичкарига пашшани кўйишмас, айни пайтда, ундан чивиннинг ҳам учиб чиқишига имкон беришмасди. Лекин бу химоялар тўлин ойни заррача ташвишга солмаслигига кўра, у тўғридан-тўғри мақасадга ўта қолди: ўзини кўк юзидан шу қора маконга, харобазорга етаклаган панжарани қидириб топди-да, аста ичкари мўралади. У ерда бир жуфт кўз унга илхақу зор бўлиб турарди. Ох!.. Нахотки, бу тун, ниҳоят, уни муродига қовуштира?!

Тўлин ой бир жуфт кўзга боқиб, унинг ўта офир жинойти учун минг йилга қамалган маҳбус эканлигини уқиб олди. Аммо бу ҳам ойни ташвишга солмас эди. Чунки, энг муҳими, маҳбус ойни кутган, унинг учун ҳар нимага тайёр эди! Тўлин ой шуни ўйлар, маҳбуснинг ўзига тикилиб турган маънодор кўзларидан нигоҳ узмас, қидирганини топгандек секин-аста бу кўзлар қаъридаги ўзига тегишли ўша сеҳрли оламга тортилиб, ўзини исталган, кутилган ҳис қилар, бундан олам-олам бахт туяр




эди. Тўлин ой канча илгарилаган сари ўзини шунча масрур сезар, яна бу оламда мангу кезсам дерди. Ботин сари ичкарилай-ичкарилай, ахири, у маҳбус билан гўё бир тану бир жонга айланди. Шунда... биласизми, шунда бир лахзада ҳаммаси зеру забар бўлди! Унгача ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди. Тўлин ой ўзини маҳбус билан ягона вужуд, ягона қалб деб хис қила бошлаган ондан бошлаб эса, ичкарида, жуда ҳам чуқур бир жойда, мавжудият борлигининг энг тубида тўлин ой туйқусдан бошқа бир эҳтиёжга дуч келиб қолди. У ҳам бўлса, маҳбусгагина оид эҳтиёж бўлиб, у каттакон туйнук кўринишига эга эди! Туйнукки, маҳбусни минг йиллик қамоқ жазосидан халос этадиган!.. Яъни маҳбус кўкка қараб, зим-зиё тунда ойни кўриб, унинг сиймосида ўзининг нажот фариштасини топган экан. Унинг учун минг йиллик қамоқ жазоси ва умуман, бу зулмкор олам гўё бир улкан қафасу тўлин ой шу қафасдан чиқиб қутулишининг бирдан бир чораси, тиркиши экан! Агар, маҳбус қалбидаги эҳтиёжни шеърга кўчириш мумкин бўлса, у тахминан шундай шаклда жарангларди:

*Ёр, юзингга ўхшаган дум-думалоқ анов ой
У дунёга ўтгувчи туйнукмасми, ҳойнаҳой!*
(Р.Р.)¹

Тўлин ой буни ўз калбида кўрдими ё маҳбусникида, ажратиб ололмади. Зотан, бу вақтга келиб, уларнинг бору йўқ истагу эҳтиёжлари қўшилиб, бир-бирларида фарк бўлган эди. Бинобарин, туйнукнинг қаерда, кимнинг калбида кўрингани энди унчалик аҳамиятга молик эмасди. Муҳим бўлган нарса шуки, туйнук бор эди! Ойнинг ёки маҳбуснинг мавжудлиги янглиғ туйнук ҳам мавжуд эди! Эвоҳ, маҳбус ҳам эл қатори ойдан ойни кутмаган, ундан нажот кутган бўлиб чикди...


Тўлин ой маҳбуснинг ботинидан сидирилиб ажралди, сўнг қамокхона панжараларига чирмашган нурларини йиғиштириб, кўк тоқидаги ўз гўшасига ўзидан азиз бир парчани қайдадир тушириб колдирган кўйи етиб келганда юракбағри қонга тўлганди. Бирдан осмон бетида қоп-қора булутлар пайдо бўлиб, замин узра шаррос ёмғир қуя бошлади... Ёғ, эй ёмғир, қуй

¹ Раҳимжон Раҳматдан.



эй осмон, токи эҳтиёжлар қуруми қалбларни тарк этсин! Токи, кўнгиллар ёмғирда ювилган япроқлар янглиғ топ-тоза бўлсин-да, бу ойналарда хақиқий олам акс этсин!..


Олтинчи тун. Тўлин ойнинг жамики одам зотидан ҳафсаласи пир бўлганди. Энди унинг бу қавмдан йироқроқ юргиси келди. Қоронғи тушиши билан кўк кўйнида пайдо бўлдию табиат қучоғига кириб, негадир ўзи ҳам билмайдиган ненидир қидира кетди. Аммо нимани кидирганини ўзи билмасди шу тобда. Ахир, кидириб топганлари нима кароматлар кўрсатди?.. Шунга қарамай, аллақандай савқитабий ички бир эҳтиёж остида қолиб фақат кидирарди. Ниҳоят, кўзлари гирён бўлди ва... ва топди. Ит сув ичмоқчи бўлиб сойга яқин келмоқчи бўлишга уринарди. Тўлин ой шошди. Одамлардан тополмаганини хайвондан умид этди. Ит бўлса, бу вақтда тумшуғини сойга тикиб «чалоп-чалоп» этиб сувни ялаб ичмоққа тутинганди. Ой унга тепадан жудаям ёвуқ келди. Шунда унинг акси сувда кўринди. Ит бирданига сув ичишни тўхтатиб, бошини хиёл кўтарди ва ғалати бир алфозга тушиб, диққатини сой



тубида пайдо бўлган нонга ўхшаган фаройиботга қаратди ва ҳаялламай қўлга киритиш илинжида сувдаги ойга ташланди... Ойнинг акси сувда, қалби эса кўк юзида чил-чил синди: шўрлик ит оч экан, ойни ой деб эмас, балки нон деб қабул қилганди...

Ойнинг яна бир парчаси сувда қолиб кетди...

Еттинчи тун. Ойнинг муроди, кўнгил истаги нима эди? Нега у кўним топмай изланади, мудом кимнидир кутади, ниманингдир йўлларига махтал боқади, умидланади, умидсизликка тушади, ўртанади, парчаланади, лекин излашдан воз кечмайди... Ким у, нима у?... Қани энди ўзи ҳам шуни билса? Ҳеч курса, бирон билгани топиб олса! Йўкса, ҳаммасига, бутун изтиробларига чек қўйиб яшаса, нима бўлади? Пешона ёзуғи – зиммасига тушган вазифа – оламини чароғон этишини билиб, жимгина фалак кезиб умргузаронлик қилса, нима қилади?.. Оҳ, қани энди бу осон бўлса?.. Ҳамма гап шунда-да. Ахир, ичида кимдир, нимадир борки, мудом унга тинчлик бермайди, мудом ўзига чорлаб, ҳаловатини ўғирлайди, зулматга чулғанган тун-




да кўк юзида бесамар тентиратиб, зор ва хор айлайди... Нима у, ким у?..

Лекин, карангки, кундан-кун юзи кемти-либ бораётганига қарамай, ойнинг умиди бари-бир кесилмаган экан, йўқса, шунча хосиятсиз сафарлардан кейин ҳам юрак ютиб ташқари чиқармиди?..


У ғайритабиий макон қидириб, биттагина, каттагина кўзи билан заминга умидвор боқди, узоқ боқди. Бирок на қирдаю на тоғда, на чўлдаю на водийда, на қишлоқдаю ва на шаҳарда, на одамийзод ва на ҳайвонот оламида кўним топди. У кутилмаган бир учрашув кутарди. Шундайки, учрашувдан сўнг ўша ерда муқим қолса, жойидан жилмай ҳар тун бир ўша масканда пайдо бўлса, бир-бирларининг дардига дармон бўлиб тошилдиғи билан қўша қариса...

Умид ва умидсизлик, ҳаёл ва ҳаёт ора-сида мокидек бориб келаркан, тўлин ойнинг кўзи бирдан уммон ичра, уммоннинг тўб-тўбида ўзига қараб турган яна битта кўзни, кўзки ичи-да хазиналар кўмилган ғорнинг оғзини кўриб қолдию бирдан хушёр тортиб, бутун диққат-




эътиборини ўшанга қаратганча йўлга тушди. Шиддат билан йўл босиб бораркан, етти қават ернинг остига кирмагунча хазинага етиб боролмаслиги ҳақида ўйлаб кетди. Хотирасини титиб, бутун кечмишини варақлаб чиқди – ҳеч нима, ҳеч қандай бошқа йўл – нажот топмади у ердан. «Начора... Ер ости бўлса, ер остига тушамиз, токи ўша гизли хазина лоақал бир бора бўлса-да, арзанда юзини кўрсатсин, ким экан, не экан у?.. Сўнг ўша қаърда қолиб ўлсам ҳам розиман!..» деб хитоб қилди у ўзига ўзи ва уммон тубидаги ғорга қараб елди.

Биринчи қаватга кириш қийин кечди. Чунки жудаям узок йўл босишга тўғри келди. Устига-устак, йўл ўта машаққатли бўлиб, умид ва умидсизлик тўлин ойни нари обориб бери опкеларди. Лекин ортга қайтиш йўқлиги кундек равшан. Зеро, ортда ҳаёт битган. Магар у бор бўлса, фақат ва фақат мана шу туйнукнинг ичидагина мавжуд. Шунинг учун ҳам тўлин ой чекинмади, эртақларда айтилганидек, «йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди», ниҳоят, илк қаватни ишғол қилди.




Қараса, ер юзи каби кенг бир қаватга тушиб қолибди. Хайрон бўлиб атропога олазарак боқди: ғимирлаган зоғ йўқ-а! Нима қиларини билмай, серрайиб турди-турди-да, беихтиёр олдинга қараб босди. Шунда юрган йўлида, оёқ остида биттагина тандир нон ётганини кўриб ажабланди. Нонни коқиллари ёрдамида кўтариб қизиксиниб қараган эди, у бирдан туйнукка эврилдию тўлин ойни қаърига тортиб кетди. Шўнғиб, бир қаватдан иккинчисига ўтиб бораркан, ойнинг кўзига томорқа, олтин танга, сўнг ёр кўринди. Тўлин ойнинг, айникса, шу қаватда қолғиси келди. Лекин гарданидаги вазифа ва ботидаги орзу унинг сочларидан тортиб олдинга судроқлаб кетди. Йўлда, дўмпайиб чиққан қорнини силаган кўйи ўз хаёлларига фарқ бўлганча ишқом остида ўтирган ўша – юзи ойникидек доғли келинчакка юзма-юз келди. Лекин тўхтаб бўлмасди. Уни ўзига тортган хазина олдинда, бас, юриш, юриш ва яна юриш керак эди! Ой келинчакнинг ёнидан шувиллаб учиб, навбатдаги қаватнинг бағрини ёриб кирди ва улкан бир сайхонликда сифиниб ўтирган биттагина одамга рўбарў келди. Вожаб, тўлин ой




қарияни таниди ва бир зумгина унинг қошида тин олди. Шунда у ер устида кўрганларининг барчаси ер остида тесқари бир тартибда юз бераётганини фахмлаб қолиб, бундан бағоят таажжубланди. Лекин фурсат оз эди: хадемай фалакка куёш чиқади-да, ойга ажратилган муддат соб бўлади. Ой шошиб ўзини яна йўлнинг бағрига отди. Ниҳоят, мана у – еттинчи қават! Ойнинг қизиқиш ва хаяжонига чеку чегара йўқ эди. Хўш, нима бўлиши мумкин бу сирли катда, сўнгги қаватда?!..

Яқинлашиб бораркан, кўз ўнгидан яна ҳар хил суратлар лип-лип этиб ўтиб турди. Тўлин ойнинг бўлари бўлди. У бундай жумбокнинг сирига етолмай, айна дамда, нима қиларини билмай гаранг, ҳолсиз ва қарорсиз қолди. Шунда ҳаммасидан чарчаганини, ҳаммасидан бир йўла ва бир умрга қутулиш, озод бўлиш истаги тўшида юрак каби дуқиллаб ураётганини ҳис қилди, шу зайлда уммон тубидаги ёрнинг сўнгги қавати уни ўзига – дафиналар яширилган охириги дово­нига чорлади. Шубҳа йўқки, нажот шу ерда! Фақат шу қаватга кириб, ундаги сирлар дунёсидан, хази­налар асроридан воқиф



бўлишгина унинг бутун изланишларига, саргардон хаётига жавоб бўлади, ўзга йўл йўк! Тўлин ой ўзини яна туйнукка қараб отди!.. Туйнук унга бир чоҳга ўхшаб туюлди. У қачонлардир осмоннинг еттинчи қаватида масту мустафрик ҳолда кезиб юрарди, энди бўлса, қисматнинг дастидан ернинг еттинчи қаърига чўкиб бормокда! Хайхот, муродга етиш шунчалар қийинми? Муроднинг ҳосил бўлиши учун осмону фалакдан ернинг энг чуқур қаърига кириш шарт қилиб қўйилганми қисматда?.. Аммо тўлин ойга энди барибир эди: у толе ёзигини бўйнига илиб, таваккал қилганча ўзини ғорнинг оғзи – туйнукнинг қаърига отганди: нима бўлса, тезроқ бўлсин ва ҳаммаси битсин!.. У гўзал ва каттакон кўзини юмиб, ғорнинг энг охириги қаватига шўнғиди, шу баробари юраги ҳам шув этиб кетди, назарида у ғорнинг тубига етгандек бўлди ва у ерга кўмилган хазинани кўриш умидида кўзини катта очиб қаради: ё қудратингдан, тушми бу ё ўнг? Тўлин ой қаршисида ўзига қуйиб қўйгандек ўхшаш – яна битта ой турарди! Жилмайса жилмаяр, хўмрайса хўмраярди. Тўлин ой ўзини таниди! «Тавба, бор-йўғи шуми,



у кидирган, етти қават ернинг остига кўмилган хазина шугинами?» ўйлади у. Аммо вақт ўтган сайин ботинида туғилган фавқулодда кучли ва ёқимли хисни туйиб, хотиржам торта бошлади. Жуда ҳайрон бўлди, лекин бу шундай хотиржамлик эдики, тўлин ой ботинига кулоқ бериб, бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимани истамаётганини туйиб қолди...

Эртаси тунда, осмону фалакда, юзи кемтила-кемтила ўроқдек бўлган, лекин кўнгли тўлиб чиққан ҳилолнинг ботинида ўз вазифасини адо этишдан, яъни оламини чароғон айлашдан ўзга эҳтиёж йўқ эди...





МУНДАРИЖА

Бир пиёла сув.....	3
Ватан ҳақида қўшиқ.....	17
Унутилган най навоси.....	40
Сафар.....	61
Яхши одамлар.....	87
Яхшиям, сен борсан!.....	135
Тош.....	153
Пиллапоя.....	164
Сўз.....	178
Қайтиш.....	196
Кўприк устидаги Никита.....	204
Дилёра.....	211
Олисдаги Дилнура.....	237
Оташ.....	278
Кўнглимдаги дарё.....	313
Тўлин ой киссаси.....	337

Ҳамдам, У.
Х 23 Тўлин ой қиссаси [Матн]: хикоялар/
У. Ҳамдам. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ,
2017. – 360 б.

ISBN 948-9943-25-398-8

УЎК 821.512.133-32
КБК 84(5Ў)6

Адабий-бадний нашр
УЛУҒБЕК ҲАМДАМ
ТЎЛИН ОЙ ҚИССАСИ
Ҳикоялар

Мухаррир *Л. Игимова*
Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*
Мусаххих *Ш. Шобдурахимова*
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.

2017 йил 31 майда босишга руҳсат этилди. Газетная пухлая қоғози.
Бичими 60×100¹/₃₂. «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет
усулда босилди. Шартли босма табоғи 12,49. Нашр табоғи 10,21.
Нусхаси 3000. Буюртма № 17-490.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
e mail: uzbekistan@iptd.uzbekistan.uz
www.iptd.uzbekistan.uz

15100. егм.



Улуғбек Ҳамдам

Тўлин ой
қиссаси



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-398-8



9 789943 253988